

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ

# БОЛАЖОН

Таянч дастури

(Такомиллаштирилган “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” асосида ишлаб чиқилган)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ**

# **БОЛАЖОН**

**Таянч дастури**

**(Такомиллаштирилган “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” асосида ишлаб чиқилган)**

**Тошкент-2016**

Мазкур дастур “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” (2013 й.) асосида такомиллаштирилди.

Дастурда мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши, ўз-ўзига хизмат ва гигиена, ижтимоий-ҳиссий ривожланиш, нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик, билиш жараёни, атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш йўналишлари бўйича педагогик вазифалар берилган. Ҳар бир ёш гуруҳ болалари ўқув йили охирида эгаллашлари лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажми кўрсатилган.

Дастур мактабгача таълим муассасаси педагоглари, ота-оналар, болалар уйи педагоглари, шунингдек, ушбу соҳа билан қизиқувчи барча мутахассисларга мўлжалланган.

Илмий маслаҳатчилар: п.ф.д. проф. У.И.Иноятов, ф.ф.н. Б.Х.Данияров, п.ф.д. Ф.Р.Қодирова

Нашр учун масъул: С.С.Мирджалилова

**Муаллифлар: М.Н.Аъзамова  
З.А.Раҳмонқулова  
З.Й.Иброҳимова  
М.З.Файзуллаева  
М.М.Азизова  
М.Нуриддинова  
М.Ш.Расулева**

Илмий муҳаррир: ф.ф.н. З.Й.Иброҳимова

Такризчилар:

Низомий номидаги ТДПУ доценти: Н.Джамилова, ўқитувчи Н.Режаметова.

Ўзбекистон халқ артисти, профессор, “Булбулча” болалар ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари Ш. Ёрматов.

ТШХТХҚТУМОИ катта ўқитувчиси З.Файзиева, ТВХТХҚТУМОИ доценти Т.Л.Хурвалиева, ўқитувчи Д.Тошмухамедова.

Тошкент педагогика коллежи директори, п.ф.н. М.Тожиева, катта ўқитувчи: Д.Каримова.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 366-МТМ мудираси Х.У.Ризаева, Учтепа тумани 550-МТМ методисти С.Мажидова.

Муҳаррир: Валида Абдуғаффор қизи.

Муассис: .....

## К И Р И Ш

Мактабгача давр – бу боланинг ўсиш, ривожланиш, ўзини намоён этишга интилиш, ўрганишга, билишга иштиёқи кучли бўлган даврдир. Айнан шу даврда боланинг инсоний сифатлари ва аклий салоҳияти ривожланиши учун пойдевор яратилади. Мактабгача ёшдаги бола билан таълим-тарбия қанчалик эрта бошланса, самараси шунчалик эрта намоён бўлади ва боланинг бутун ҳаётига ижобий таъсир қилади.

Мактабгача таълим-тарбия – ҳар бир болага индивидуал ёндашиш, уни шахс сифатида ҳурмат қилиш, маънавий-ахлоқий томондан тарбиялаш, боланинг қизиқиш ва эҳтиёжига мос тарзда таълим беришни назарда тутади.

Мактабгача таълим мазмуни ва методлари бола шахсининг шаклланиши, унинг мустақил шахс сифатида тан олиниши жараёнлари кечадиган муҳитда ташкил этилиши катта аҳамиятга эга. Зеро, шахс сифатида шаклланган, камол топган бола ўзини, ўзлигини танийди ва келажакда миллатнинг, юртнинг фахрига айланади.

Мактабгача таълим муассасасида боланинг келажак ҳаётида муваффақиятга эришишига ёрдам берувчи жисмоний, аклий ва маънавий қобилияти билиш жараёнида, бизни ўраб турган атроф-муҳитни ўрганиш, нутқ ўстириш, бадий асарлар тинглаш, расм чизиш, қуриш-ясаш, жисмоний машқлар бажариш ва бошқа фаолият турларида ривожланади. Бу фаолиятларда йўналишлар бир-бири билан уйғунлаштирилиб – интеграллашган режалаштириш асосида ташкил этилади ҳамда ўйин шаклида қизиқарли тарзда олиб борилади. Ўйин кичкинтойнинг табиий эҳтиёжлари ва истакларига мос келганлиги сабабли, ўйин жараёнида ўрганаётган мавзунини кувноқлик билан такрорлайди, енгиллик билан ўзлаштиради.

Мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифаси – ҳар бир бола шахсини ёш босқичига мос тарзда сифатли ривожлантириш ва уни навбатдаги таълим босқичига пухта тайёрлашни таъминлаш ҳамда муассасада ижобий муҳит ва зарур шароит яратишдан иборатдир.

Мактабгача таълимда инклюзив таълим, яъни барча болаларни таълимга қамраб олиш муҳим вазифалардан биридир. Инклюзив таълим жараёнини ташкил этишда ҳар бир боланинг физиологик ва руҳий ривожланиши, айниқса, ўзига хос (*имконияти чекланган*) болаларнинг индивидуал хусусиятлари эътиборга олинади.

Мактабгача таълим самарадорлигини ошириш мақсадида, бу жараёнга ота-оналарни ҳамкорлик асосида жалб қилиш ишларига алоҳида эътибор бериш муҳим. Ота-она боланинг биринчи устози. Улар ўз фарзандига доимо эзгулик тилайди, Ватанимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшадиган, халқимиз манфаатлари учун хизмат қила оладиган инсон бўлишини истайди.

Таълим-тарбия жараёни – ота-оналар ва мураббийлардан катта сабр, меҳр ва бола тарбиясига илмий асосланган ягона ёндашувни талаб қилади. Тўғри йўсинда олиб борилган тарбия натижасида бола мустақил фикр юритишга ва катта ҳаётга дадил қадам қўйишга ҳозирлик кўради.

Мазкур такомиллаштирилган Дастурда “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Мактабгача таълим Концепцияси” ҳамда “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” (2013 йил)дан келиб чиқиб, болани интеллектуал ва жисмоний ривожлантириш, миллий-маданий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, мактаб таълимига тайёрлаш жиҳатлари замонавий педагогика ва психология тамойилларига таянган ҳолда қайта кўриб чиқилди.

“Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари”нинг барча йўналишларида берилган индикаторлар такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастурига тўлиқ қамраб олинди. Дастур мактабгача ёшдаги бола ривожланишига мослаштирилди, аниқлаштирилди, мисоллар билан бойитилди. Ноанъанавий усулларда ишлаш йўллари кўрсатилди.

Шунингдек, боланинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоялаш, таълим-тарбия жараёнини пухта олиб бориш, унинг таффақкур, тасаввур ва нутқини ривожлантириш билан бирга, мустақил ўрганишга, фикрлашга, ижодкорликка, ўз шахсини ҳурмат қилиш, ўзига ишонч туйғусини шакллантиришга қўйилган вазифалар кенгайтирилди, шакл, мазмун ва услубий томондан бойитилди.

Дастурда муҳим тарбиявий вазифалардан бири – боланинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларини таркиб топтириш, гигиеник ва ҳаракат маданиятини сингдириб боришга алоҳида аҳамият берилди.

Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш йўналишида миллий ўзликни англаш, ўзи ва ўзгалар шахсини ҳурмат қилиш, ҳис-туйғуларини ифодалаш, ўғил ва қиз болага хос бўлган фазилатларни тушуниш, катталар ва тенгдошлари билан эркин мулоқот қилиш ва миллий кадриятларимизга хос муомала одобига таянишга урғу берилди.

Дастурда бола нутқини ҳар томонлама ривожлантириш (*фонетик, лексик, грамматик*)га алоҳида эътибор қилинди, мисоллар, тавсиялар билан бойитилди.

Болани маънавий-ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш, қалбида китобга нисбатан ҳавас уйғотиш, илк китобхонлик маданиятини шакллантиришга қўйилган талаблар бойитилди; миллий меросимиз, ўзбек халқ оғзаки ижоди, халқ ўйинлари, мусиқа, рақс, расм, лой иши, аппликация, куриш-яаш бўлимлари тўлдирилди.

Дастурда бошқа халқларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш назарда тутилган ва болани меҳрибонлик, гўзалликни ҳис қилишни ўргатишга алоҳида аҳамият берилди.

Болани табиат билан таништириш асосида илк экологик маданиятини тарбиялаш, она-табиатни асраб-авайлаш, ўсимликларни парвариш қилиш кўникмаларини ривожлантириш вазифалари кенгайтирилди.

Тақомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури мактабгача таълим тизимидаги барча муассасалар учун бажарилиши зарур бўлган дастур ҳисобланади.

**Таянч дастурининг мақсади** мактабгача ёшдаги ҳар бир болани мактаб таълимига сифатли тайёрлаш: одобли, ақлли, хушмуомала, ўзига ишонган, ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишга интиладиган, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуммиллий қадриятларни қадрлайдиган, жисмонан соғлом болани тарбиялашдан иборат.

**Дастурнинг вазифаси** болани жисмоний, ақлий ҳамда ижтимоий-ҳиссий жиҳатдан камол топтириш ва соғлиғини муҳофаза қилиш; эркин фикрлаш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан баркамол, шунингдек, келажакда мустақил ва онгли яшайдиган комил инсон қилиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат.

**Дастурнинг мазмуни қуйидаги тамойилларга таянади:**

- мактабгача таълимнинг давлат ва жамият талабларига мослиги;
- мактабгача таълимнинг демократиклиги;
- бола шахсига йўналтирилганлиги;
- болани соғломлаштиришга қаратилганлиги;
- боланинг қобилияти, эҳтиёжи, имкониятига мослиги;
- мактабгача таълимда ўйин фаолиятининг етакчилиги;
- мактабгача таълимнинг инсонпарварлиги;
- мактабгача таълимнинг ижтимоий турмуш билан мослиги;
- мактабгача таълимнинг оила ва бошланғич таълим билан узвийлиги.

**Муассаса дастурни амалга оширишда ҳар бир болада қуйидаги сифатларни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйиши лозим:**

- ижодкорлик, тасаввур эта олиш, зукколик;

- мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлиш;
- муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари топишга интилиш;
- жамият, мамлакатлар, атроф-муҳит муаммоларига бефарқ қарамаслик.

**“Болажон” таянч дастурида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш қуйидаги омилларга асосланади:**

- давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш ва унинг баркамол шахсга бўлган муносабатининг кучайганлиги;
- эркин фуқаро маънавиятининг шаклланиши;
- миллий урф-одатлар ва тарихий хотира, ўзликни англаш туйғуси ривожланаётганлиги;
- миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат-эҳтиром туйғусини шаклланаётганлиги.

Айнан шу омиллар бола шахсининг жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена, ижтимоий-ҳиссий ривожланиш, нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик, билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш йўналишларига мос тарзда умумий ривожланишини таъминлайди.

**Мазмун жиҳатдан дастур таркибига:**

- жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена;
- ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
- нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик;
- билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш йўналишларида таълим-тарбия вазифалари киритилган.

Ушбу дастур болани шахс сифатида шакллантиришда мактабгача таълим тизими мутахассислари ва ота-оналар учун энг яқин маслаҳатчи бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

## БОЛАНИНГ ТУҒИЛГАНИДАН ОЛТИ ОЙЛИККАЧА БЎЛГАН ДАВРДА РИВОЖЛАНИШИ

### Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена (туғилгандан - 6 ойликкача)

Одатда одамнинг ёши туғилган кунидан бошлаб ҳисобланади. Лекин аслида одамнинг ривожланиши туғилмасдан илгари – она қорнидан бошланади. Бу давр жуда тез ва мураккаб тараққиёт жараёнида кечади. Боланинг туғилгандан кейинги ривожланиши унинг она қорнидаги тараққиёти билан узвий боғлиқ. Шунинг учун боланинг туғилгунга қадар бўлган даври алоҳида эътиборга молик. Бу даврда боланинг маълум даражада ташқи муҳит таъсирида бўлишини ҳам ёдда тутиш лозим. Бу таъсир она вужуди орқали бўлгани сабабли, ҳомиладорлик даврининг ҳар жиҳатдан меъёрида кечиши боланинг она қорнида меъёрида ривожланишини ва ҳар томонлама соғлом туғилишини таъминлайди.

Гўдакнинг вазни туғилган пайтда 3,5 кг бўйи 50-55 см атрофида, уч ойлик даврида унинг вазни тахминан 5-6 кг, бўйи 65 см бўлади.

**Йирик моторикани ривожлантириш.** Бола дунёга келибоқ ҳаракат фаолияти, жисмоний ривожланиши шакллана бошлайди, аста-секин ўз танасини бошқаради, тик ҳолатда бошини дадил ушлаб туради, тиззасини букиб оёқларига таяна бошлайди. Кичкинтойни қўлтиғидан ушлаб турилганда, оёқларини букмасдан тўғри туриб олади; чалқанча ётган ҳолатдан қорнига ағдарилади; икки оёғини кўтариб, бир оёғини оғзи томонга тортади; қўлчаларини оғзига яқинлаштиради; гавдаси ва қўллари билан буюмга интилади. Бола теварак-атрофдаги нарсаларга қизиқиб қарайди, тепасига осилган ўйинчоқларни томоша қилади, унга қўлчалари билан талпинади, ўйинчоқни катталарнинг қўлидан олади ва ушлаб туради; ўйинчоқ билан фаол ўйнайди, силтайди, шиқиллатади, оғзига олиб боради, тишлайди; ўз қўлларини ушлаб кўради, кафтларини очиб томоша қилади. Катталар доимий равишда боланинг фаол ҳаракатларини рағбатлантириб боришлари, қўллаб-қувватлашлари лозим.

Боланинг йирик моторикасини ривожлантириш учун қуйидаги машқлар ўтказилиши тавсия этилади: кичкинтойни икки қўллаб қаттиқ юзада тик ҳолатда ушлаб туриш; қорни билан ётганда, кўкрак қафасини кўтариб, бошини юзадан баланд ушлаб туришига имкон бериш; қўлларига ўйинчоқ бериш; бир қўлига ёрқин рангдаги шиқилдоқ ушлатиб, уни иккинчи қўлига олишини рағбатлантириш; болани чалқанча ётқизиб, аввал бир оёғини, кейин иккинчи оёғини аста тортиб, букиб машқ қилдириш. Болага яхши кўрган ўйинчоғини узатиб, унинг ўйинчоққа интилишини, қўллари ва гавдаси билан ҳаракатланишини кузатиш; ўйинчоқни боладан узокроққа қўйиб, гавдаси билан унга қараб ҳаракатланишга йўналтириш.

**Майда моторикани ривожлантириш.** Боланинг қўллари ва бармоқ ҳаракатларини ривожлантириш учун ёрқин рангдаги юмшоқ ўйинчоқларни бериш. бола ўйинчоқни олиш учун қўлини чўзиши, ушлаб олиши, маълум



вақт давомида қўлида ушлаб туриши, чўмилаётганда чиройли резина ўйинчоқ, юмшоқ мочалкани маҳкам ушлаши; ўйинчоқ билан фаол ўйнаши; кутичаларни очиши ва ичидаги ўйинчоқларни қўлига олишини рағбатлантириш.

Боланинг майда моторикасини ривожлантириш учун қуйидаги машқларни ўтказиш мақсадга мувофиқ: ўриндиғига ўтқизиб қўйиб, ёқтирадиган ўйинчоғини (*илинадиган ўйинчоқлар боланинг кўкрагидан тахминан 60-70 см юқорига илиб қўйилиши лозим*) интилиб, чўзилиб олишга ундаш; бирор-бир буюм бериб, маҳкам ушлаб олишга ўргатиш; нарсаларни солиши учун сиғимли идиш бериш; бирор буюмни кучи етганча ушлаб туриши учун имкон бериш; чапак чалишини рағбатлантириш; чўмилтириш вақтида қўллари билан сувни чайқатишига рухсат бериш; ўйинчоқни бир қўлидан бошқа қўлига олишига кўмаклашиш.

**Сенсомоторикани ривожлантириш.** Боланинг бошини овоз келаётган томонга буриши, овоз чиқарадиган резинали ўйинчоқларни сиқиб туриши, ҳаракатланаётган буюм ёки ўйинчоқни кузатиши, ушлашга интилиши ва ушлаб олишини рағбатлантириш. Кичкинтойнинг сенсомоторикасини ривожлантириш учун куйлайдиган ёки овоз чиқарадиган ўйинчоқни ёнидан, олдиндан кўрсатиш орқали кўриш, эшитиш аъзоларига таъсир этиш; бола билан кўпроқ ўйнаш, унга майин, меҳрли овозда гапириш, ёқимли мусиқа қўйиб бериш.

**Маданий-гигиеник кўникмаларни ривожлантириш.** Болада сувдан, чўмилишдан завқланиш ҳиссини таркиб топтириш; чўмилиш вақтида ўйинчоқларни сувга солиш ва сув ичида юргизиш; шеър, кўшиқ айтиб, кичкинтойга қувноқ, тетик кайфият бағишлаш.

**Бола ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.** Кичкинтойнинг хавфсиз яшаши ва ҳаракатланишини таъминлаш лозим. Болани қаровсиз қолдириш, фақат бешикка белаб қўйиш, сиқиб йўргаклаш, оғир буюм ёки ўйинчоқларни бериш, ҳаракатларини сиқиб қўядиган кийимларни кийдириш мумкин эмас.

Бола майда ўйинчоқларни ютиб юбормаслиги, бурни ёки қулоғига киргизмаслиги учун уларнинг диаметри 8-10 см дан кичик бўлмаслигига, шунингдек ўйинчоқларга гигиеник ишлов берилишига эътибор бериш керак.

**Олти ойликда бола:**

- ўз танасини аста-секин бошқара олади;
- тик ҳолатда бошини дадил ушлаб туради;
- тиззасини букиб оёқларига таянади;
- қўлтиғидан ушлаб турилганда оёқларини букмасдан тўғри тура олади;
- чалқанча ётган ҳолатдан қорнига ағдарилади;
- қўлчаларини оғзига яқинлаштиради;
- чалқанча ётган ҳолда оёғини кўтаради;

- гавдаси ва қўллари билан буюмга интилади;
- ҳаракатланаётган нарсаларни кузатади;
- ўйинчоқни катталарнинг қўлидан олади ва ушлаб туради;
- ўйинчоқни силтайди, шиқиллатади, оғзига олиб боради.

### **Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш**

#### **(туғилгандан - 6 ойликкача)**

**Ижтимоий ривожланиш.** Кичкинтойнинг яқин кишилари билан мулоқот қилишда ташаббус билдириши, жонланиши, онаси ва бошқа яқинлари томон қўлларини узатиб талпиниши (*кўзларига қараш, жилмайиши, енгини тортиши*), катта одамнинг нутқига нисбатан ҳиссий муносабатини рағбатлантириш.

Гўдакни қўлга олганда, суйиб, эркалаб бағрга босиш, жилмайиб, мулойим овозда сўзлашиш, ухлатаётганда алла айтиш, уйғоқ вақтида қўшиқ, кувноқ шеърлар айтиб бериш, ёқимли мусиқа эшиттириш, атрофидаги одамлар билан товуш чиқариб мулоқот қилишини рағбатлантириш.

Боланинг нотаниш одамларни кўрганда чўчиши табиий ҳолат ҳисобланади, бундай вақтда уни тинчлантириб, кўникишига ёрдам берилади.

6 ойлик боланинг хавфсиз яшаши ва ҳаракатланишини таъминлаш учун қуйидагилардан эҳтиётлаш керак:

- бола билан бирга жамоат жойлар ва шовқинли тадбирларга бормаслик;
- болани нотаниш одамлар, кичик ёшли болалар билан ёлғиз қолдирмаслик;
- уйда кучли шовқин чиқарувчи асбоб-ускуналардан фойдаланмаслик.

**Ҳиссий ривожланиш.** Кичкинтой билан муносабатда унга доим меҳр билан кулиб қараш ва самимий оҳангда гапириш. Бола билан турли ўйинлар ўйнаш, у билан биргаликда кўзгуга қараш ва табассум қилиш, ҳиссий-ижобий ҳолатини қўллаб-қувватлаш, ўз эҳтиёжини ифодалаб йиғлаётганида сабабини англашга ва унинг талабини қондиришга ҳаракат қилиш.

#### **Олти ойликда бола:**

- яқин кишилари билан мулоқот қилишда ташаббус билдиради;
- нотаниш одамларни кўрганда кўрқади, йиғлайди;
- онаси ва бошқа танишлари томон қўлларини узатади;
- яқин инсонларини кўрганда тетикланиб, ҳаракатларида жонланиш сезилади;
- таниш катта одамнинг нутқига нисбатан ҳиссий муносабат билдиради;
- у билан ўйнаганда кувончини қийқириб кулиш орқали ифодалайди;
- ўз эҳтиёжларини йиғлаш орқали ифодалайди;
- кўзгуга ўзини кўриб қизиқиб қарайди, жилмаяди.

## **Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик (туғилгандан - 6 ойликкача)**

**Нутқ.** Болани катталар нутқини тинглаш ва тушуна олишга, гапириш ва сўзлашишга тайёрлаб бориш. Бола билан мулоқотда сўзларни бир неча марта такрорлаш ва атрофдагилар билан муомалага киришишга тайёрлаш. Бола билан кўпроқ сўзлашиш; кичкинтойнинг фаоллигини рағбатлантириш, унга эътиборли бўлиш; катталарнинг сўзига кўра, “Чапак-чапак”, “Кўлингни бер”, “Ассалому алайкум”, “Хайр” каби амалий ҳаракатларни бажаришга; “Мумкин эмас” каби огоҳлантирувчи сўзларни тушунишга ўргатиб бориш. Ёқимли куй ва қўшиқлар эшиттириш, турли овозларга таклид қилиш, сўзларнинг дастлабки “ма”, “ба” каби оддий бўғинларини қайтаришга ўргатиш.

**Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш.** Болага юмшоқ ўйинчоқлар бериш ва ундан қандай фойдаланишини кузатиш: ўйинчоқни эзғилайди, ғижимлаб ташлайди. Бу эса гўдакнинг бармоқ ҳаракатларини ривожланишига ёрдам беради. Девордаги расм ва плакатларга эътиборини жалб қилиш. Болага ёрқин рангдаги чиройли расмли китобчалар кўрсатиш, номларини айтиш, уларни томоша қилишини рағбатлантириш.

**Бадий адабиёт.** Катталар бадий асар орқали боланинг ижобий хис-туйғуларини таркиб топтириши, унга эмоционал муносабатда бўлиши, мулойим, меҳрли, хотиржам ва дўстона оҳангда сўзлаши лозим. Ухлатаётганда “Алла” қўшиқларидан куйлаш; уйғонганда халқ эркаламаларидан (“Онасининг кўзмунчоғи...”, “Оппоқ, оппоқ, оппоғим...”) айтиб, суйиб эркалаш; йиғлаганда овутомачоқлар (“Йиғлама жоним...”) айтиш йўли билан овутиш; бола билан қувноқ ўйинлар ўйнаётганда олқиш қўшиқлар (“Бармоқлар ҳақида...”, “Чапак-чапак...”)дан кенг фойдаланиш лозим. Кичкинтой билан кўпроқ сўзлашиш, унга жажжи шеърлар, ўзи ҳақида қувноқ ҳикоячалар айтиб бериш, халқ қўшиқларидан таъсирланиши (*қиқирлаб кулиш, қўлчаларини ўйнатиш, чапак чалиши*)ни рағбатлантириш.

### **Олти ойликда бола:**

- нутқни тинглайди ва тушуна бошлайди;
- яқинларининг овозига ва куйларга муносабатини намоён этади;
- турли овозларга таклид қилади;
- сўзларнинг дастлабки “ма”, “ба” каби оддий бўғинларини қайтаради;
- болалар қўшиқлари ва айтишувларини тинглайди;
- халқ қўшиқларидан, қувноқ шеър ва ҳикоячалардан таъсирланади;
- ёрқин рангдаги китобларга қизиқиб қарайди;
- юмшоқ ўйинчоқларни эзғилайди, ғижимлайди;
- девордаги расмлар ва плакатларни томоша қилади.

## **Билиш жараёни ва атроф-мухит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш (туғилгандан - 6 ойликкача)**

### **Элементар математик кўникмалар ва билимларни ривожлантириш.**

Бола билан ўйнаётганда кўп сонли ўйинчоқларга қизиқиш билдиришини инobatга олиб ўйинчоқларнинг сонини аста-секин кўпайтириб бориш керак.

Кичкинтойга ёрқин рангдаги қизил, сариқ шикилдоқчаларни биринкетин кўрсатиш, қўлчалари билан ушлашга интилишини рағбатлантириш; кўз ҳаракатларининг ривожини учун шикилдоқчани қувноқлик билан аста ўнг ва чап томонга йўналтириш.

Қалпоқчани кўғирчоқлар ёки атрофдагиларнинг бошига кийдириб болага кўрсатиш ва ўз бошига мустақил кийишга ҳаракат қилишини, хатти-ҳаракатлари билан бош кийими ўзига тўғри келмаётганлигини билдиришини; сўрғич ёки сўрғичли шишачани оғзига тортишини рағбатлантириш.

#### **Олти ойликда бола:**

- кўп сонли ёрқин рангдаги ўйинчоқларга қизиқиш билдиради;
- ўз хатти-ҳаракатлари билан бош кийими ўзига тўғри келмаётганлигини кўрсатади;
- сўрғич ёки сўрғичли шишачани оғзига тортади.

## **Атроф-мухитни ўрганиш ва англаш (туғилгандан - 6 ойликкача)**

Бола диққатини теварак-атрофдаги чиройли, ёрқин нарсалар (*ранги, шакли турлича ўйинчоқлар*)га қаратиш, номларини айтиш, улар ҳақида сўзлаш (*масалан, “Кўғирчоғингни кўйлаклари қандай чиройли экан-а, қарагин, у сенга энгашиб “ассалом” деяпти” ёки девордаги соатни кўрсатиб: “Эшитаяпсанми, соат “чиқ-чиқ” қилаяпти”*) асосида қизиқиш ҳосил қилиш. Кичкинтойнинг ўз қўлларини ўрганиши, бармоқларини очиб айлантириб қараши, бир қўли билан иккинчи қўлини ушлаб, силаб кўришини рағбатлантириш.

Бола билан ўйнаганда бармоқлар, кафтлар билан ўйналадиган ўйинлар (*“Бармоққа-бармоқ”, “Чапак-чапак”*)дан фойдаланиш.

Боланинг қўлларини оғзига солишига йўл қўймаслик.

#### **Олти ойликда бола:**

- ўз атрофида мавжуд бўлган ёрқин нарса (*ўйинчоқ*)ларга қарайди, кузатади, уларга қизиқиш билдиради;
- ўз қўлларини ўрганади, уларга қарайди ва оғзига олиб боради, бир қўли билан иккинчи қўлини ушлаб, силаб кўради.

## **Табиат билан таништириш (туғилгандан - 6 ойликкача)**

Бола диққатини ёрқин рангли гулларга, яшил ўсимликларга, уй хайвонларига, паррандаларнинг ҳаракатларига қаратиш, уларни

биргаликда кузатиш, овозларини мулойимлик билан тақлидий (*миёв-миёв, чий-чий, қу-қу-қу*) кўрсатиш ва шу тариқа табиатга нисбатан қизиқиш уйғотиш. Кичкинтой билан биргаликда ёрқин рангдаги расмларни томоша қилиш.

**Олти ойликда бола:**

- расмларда чизилган ёрқин рангдаги гуллар, ўсимликлар ва ҳайвонларни кузатади ва қизиқиш билдиради;
- уй ҳайвонлари, паррандаларнинг овозларини тақлидий (*миёв-миёв, чий-чий, қу-қу -қув*) кўрсатишга ҳаракат қилади.

**Ижод**

**(туғилгандан - 6 ойликкача)**

Боланинг мусикадан таъсирланишини ва мусиқий товушларга қизиқиш билдириши, бошини овоз келаётган томонга буриши, мусика таъсирида гавдаси ёки тана аъзоларини ҳаракатлантиришини рағбатлантириш. Кичкинтойга ёқимли, майин, қувноқ кайфиятдаги мусикаларни эшиттириш.

Болага мулойим, меҳрли овозда сўзлаш, айрим эркаловчи сўзларни мусикали оҳангда хиргойи қилиш. Кичкинтой билан ўйнаганда овоз чиқарадиган, мусиқий ўйинчоқлардан фойдаланиш, боланинг эътиборини товуш манбасига жамлаш.

Ўйин вақтида ўйинчоқлардан фойдаланиш, боланинг эътиборини ёрқин расмлар, фотосуратлар, плакатларга қаратиш, унинг турли-туманликни ёқтиришини ҳисобга олиб, расмларни тез-тез алмаштириб туриш.

**Олти ойликда бола:**

- бошини товуш ёки овоз келаётган томонга буради;
- мусиқий товушларга қизиқиш билдиради;
- мусика таъсирида гавдаси ёки тана аъзоларини ҳаракатлантиради;
- фотосурат ёки турли расмларга диққатини қаратади.

**Ўйин фаолияти**

**(туғилгандан - 6 ойликкача)**

Кичкинтой билан меҳрли ва эътиборли муносабатда бўлиш. Боланинг ўриндиғига осилган ёрқин рангдаги чиройли ўйинчоқларга интилишини, гавдаси билан чўзилиб, қўлчалари билан дадил ушлаб олишини, қизиқиб қарашини рағбатлантириш. Катталарнинг қўлидан ўйинчоқни олиши, уни маҳкам ушлаб туриши, фаол ўйнашига (*силтайди, шиқиллатади, оғзига олиб боради*) шароит яратиш. Икки қўлига иккита ўйинчоқни ушлатиб, бир-бирига уришини, ургандан пайдо бўлган овозни тинглашини рағбатлантириш.

Ўйинчоқларни болага кўрсатиб қутичага солиш ва қутичанинг оғзини ёпиш, сўнгра қутичадан ўйинчоқларни олишни тақлиф қилиш. Кичкинтойнинг қутини очиб, ўйинчоқларни олишини рағбатлантириш. Болага ўйинчоқни бир қўлидан бошқа қўлига ўтказишда, ўйинчоқларни

турли ҳолатларда ушлашида кўмаклашиш. Болага овоз чиқарадиган резинали ўйинчоқни турли томондан (*ён томондан, олдиндан, юқоридан*) кўрсатиш ва ушлаб олишга ундаш.

**Олти ойликда бола:**

- ёркин рангдаги ўйинчоқларга қизиқиш билдиради;
- катталарнинг кўлидан ўйинчоқни олади, маҳкам ушлаб туради, фаол ўйнайди (*силтайди, шиқиллатади, оззига олиб боради*);
- қутичани очади, ичидаги ўйинчоқларни турли ҳолатда кўлига олади;
- овоз чиқарадиган резинали ўйинчоқларни сиқиб туради.

## БОЛАНИНГ ОЛТИ ОЙЛИКДАН ЎН ИККИ ОЙЛИККАЧА БЎЛГАН ДАВРДА РИВОЖЛАНИШИ

### Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена (6 ойликдан – 12 ойликкача)

Бола олтинчи ойга қадам қўйганда вазни тахминан 5,5 - 7 кг, бўйи 65-70 см бўлади. 6 ойлик бола жисмоний ва руҳий жиҳатдан жуда тез ривожланади, тақлид қилиш ҳаракатлари пайдо бўла бошлайди. Бола жуда кўп ҳаракатларни ва нутқни асосан тақлид қилиш орқали эгаллайди. Бу ёшдаги кичкинтойнинг руҳияти фаол ҳаракатлари, атрофидаги нарсаларни кўпроқ билиши жараёнида ривожланар экан, унинг эркин ҳаракатлари учун қулай шароит яратиш муҳим.

Боланинг эмаклай бошлаши – унинг ҳаракат фаоллигини оширади, мускулларининг ривожланишига ва келажақда тўғри қадди-қоматнинг шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, гўдакнинг билиш имкониятларини кенгайтиради, асаб тизимининг ривожланишига сезиларли таъсир қилади.

Гўдак бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга бемалол ўтади; тизза ва қафтларини ерга тираб тура олади, ётган ҳолатдан эмаклашга ўтади, мустақил ўтиради, ўтирган жойида ётиб олади. Бола икки қўли билан буюмларни ҳаракатлантиради; қутичани очиб буюмни олади, шиқилдоқни шиқиллатади, коптоқни юмалатади; битта буюм билан турлича ҳаракат қилади: босади, ирғитади, бир-бирининг ичига солади; ўйинчоқни томоша қилади, у қўлидан бу қўлига ўтказиши, товуш чиқарадиган резина ўйинчоқларни эзғилайди; қўл қафтлари ва тиззаларида тура олади, чайқалади, олдинга кейин орқага, ҳар хил йўналишларда ва турли юзаларда эмаклайди, ўйинчоқни олиш учун стол тагига энгашади ва катта ёшдагиларнинг ёрдамисиз яна туриб олади; мустақил биринчи қадамни босади.

**Йирик моторикани ривожлантириш.** Бола гавдасини бошқараётганда мувозанат сақлашга интилишини, тана аъзоларини мақсадли ҳаракатлантиришини рағбатлантириш. Болага оёғи ва қўлидан эркин фойдаланиб тана ҳолатини ўзгартиришига, кичкинтойлар учун мўлжалланган паст нарвончага, буюмлар устига (*баландлиги 0,6 м*) мустақил тирмашиб чиқиши ва тушишига; қўлларини юқорига кўтариб, туширишга; катталар кўрсатган йўналишда мустақил юришга, юқорироқ жойда турган буюмни олиш учун оёқларининг учида туришга, аравача кетидан юриш ва юриш вақтида тўсиқларни айланиб ўтишга, катталар ёрдамида зиналарга чиқиш ва тушишга шароит яратиш.

Боланинг йирик моторикасини ривожлантириш учун қуйидаги машқлардан фойдаланиш мумкин: ёқтирган ўйинчоғи ёнига эмаклаб келишини таъминлаш; биргалиқда турли ўйинлар ташкил қилиш; болага “Ёнимга кел”, “Ўриндиққа ўтир” каби оғзаки кўрсатмалар бериш; паст буюмлар устидан ҳатлаб ўтишни ўргатиш ва уларнинг ўлчамларини аста-секин ошириб бориш; ўзи қизиқаётган буюм томонга энли хода устидан

эмаклаб боришига имкон бериш; муסיқа садолари остида ритмик ҳаракатларни бажариш, рақс тушиш ва қўлларини шўх силкитишини, қорнида ётган ҳолатдан ағдарилиб, ўтириш ҳолатига ўтиши, сўнг тик туриб олишини рағбатлантириш; мустақил равишда ўрнидан туришга ундаш; биринчи қадамларини босаётганда, суяниб олиши мумкин бўлган турғун қаттиқ предметлар (*диван, кресло в.б.*) бўлишини таъминлаш, кичкинтойнинг бир буюмдан бошқа буюмгача мустақил юриб боришини назорат қилиш; ўтирганда унга коптокни енгил ирғитиш, коптокни тутиб олишга қизиқтириш; ўриндикдаги ўйинчоқни тирмашиб чиқиб олишига имконият яратиш.

Катталар бола билан биргаликда турли қувноқ ўйинлар ўйнаши, юқорироқдаги ўйинчоқни қўллари билан олиши; хонада тегишли тўсиқлар жойлаштириб, бола тўсиқ сари бориши ва унга урилмасдан айланиб ўтишини таъминлаши; кичкинтойнинг кайфиятини кўтариши, илк муваффақиятларини мақташи ниҳоятда муҳим.

**Майда моторикани ривожлантириш.** Кичкинтойнинг қутичани очиши, ундан буюмларни чиқариб олиши; чапак чалиши, бир қўли билан майда буюмларни олиб келиши; пиёлани икки қўли билан ушлаб, оғзига олиб бориши ва ундан мустақил ичишга ҳаракат қилиши, китобни варақлаши (*одатда бирданига 2-3 варақни очади*), икки қўли билан коптокни ушлаб олишга ҳаракат қилиши, қўлларида сақлаб туриши, ирғитиши, юмалатишини рағбатлантириш. Болани ўйинчоқни бир қўли билан ушлаб, иккинчи қўли билан ўйнаши, катта ва кўрсаткич бармоқларидан фойдаланиб, майда буюмларни қутичага солиши ва стол устидаги майда нарсаларни йиғишини, қалам ёки ручка билан ноаниқ чизиқларни чизишга уринишини рағбатлантириш.

Кичкинтойнинг майда моторикасини ривожлантиришда турли ўйинлар, машқлар бажариш мумкин: қутичага ёрқин рангдаги турли ўйинчоқлар, буюмларни солиб қўйиш ва болага олишни таклиф қилиш, сўнг сўраш “Юмшоқми?”, “Қаттиқми?”; қўлига елим пиёла бериш ва сувни қандай ичиш кераклигини тушунтириш; бола билан чиройли расмли-безакли китоб томоша қилиш, уни шошилмасдан, аста варақлаш кераклигини кўрсатиш ва боланинг ушбу ҳаракатларга таклид қилишини рағбатлантириш; коптоклар билан турли ўйин машқларини бажариш; кичкинтойнинг буюмлар билан ҳаракатлар бажаришини мақташ; ўрганаётган буюмлар доирасини кенгайтириб бориш; болани майдароқ буюмлар қўйилган стол ёнига ўтқизиш ва уларни бармоқлари билан ушлашини, қутига солишини рағбатлантириш.

**Сенсомоторикани ривожлантириш.** Боланинг сезги органлари ва сенсомоторикасини ривожлантириш. Кичкинтойнинг бармоқлари ёрдамида бир хил буюм билан ҳар хил ҳаракатларни бажариши (*резинали ўйинчоқларни босиши, силкитиши, юмалатиши, тешикларга ўтказишга уриниши, ичи бўш ўйинчоқларни бир-бирига солиши*)ни; гулларни ҳидлаш учун энгашиши, ўзи яхши кўрган таомни кўрганида унга интилишини қўллаб-қувватлаш.



Боланинг сенсомоторикасини ривожлантириш учун куйидаги машқларни ўтказиш мумкин: пахта, нўхат, тугма каби нарсаларни турли шакл ва рангдаги қопчаларга солиб, қопчани ушлаб кўришни таклиф қилиш; ичи бўш, катта-кичик ҳажмдаги ўйинчоқ ёки елим идишлар бериш ва уларни бир-бирига солишини рағбатлантириш; бола эътиборини атрофидаги кўм-кўк майсаларга, чиройли гулларга қаратиш, ўтларни қўллари билан ушлашга, гулларни хидлашга рухсат бериш; “иссиқ” ва “совуқ” нарсалар ҳақида тушунча бериш, улар нима билан фарқлигини тушуниб олиши учун, илиқ ва совуқ идишларга тегиб кўришига (*бола ҳаётига хавф солмаган тарзда*) имкон бериш.

**Маданий-гигиеник кўникмаларни ривожлантириш.** Болани кўчадан келганда, ўйнаб бўлгандан сўнг, овқатланишдан олдин ва ҳожатхонага кириб чиққандан кейин қўлларини ювишга одатлантириш ва бунга доимий равишда амал қилиш кераклигини тушунтириш. Кичкинтойнинг қўлларини (*катта ёидагилар ёрдамида*) юваётганда, қўлини совунлаб, бир-бирига ишқалаб сув билан тозалаб ювиш кўникмасини тарбиялаш.

Болани мустақил овқатланишга интилишини, овқатланиш вақтида қошиқдан фойдаланишини рағбатлантириш.

Кичкинтой исиб кетган бўлса, ортиқча кийимларни ечиб қўйишга; совқотаётган бўлса иссиқроқ кийинишга одатлантириш.

**Бола ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.** Болани ёлғиз қолдирмаслик; ўйинчоқларни гигиеник ва эстетик талабларга мувофиқ равишда танлаб олиш; ўткир қиррали ўйинчоқлар ва буюмлар билан ўйнашга рухсат бермаслик; боланинг тиши чиқаётганида бармоқларини оғзига солиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда гигиеник муолажалар ўтказиш, яъни бармоқлар, оғиз бўшлиғини тоза тутишини таъминлаш; турли жароҳатланишларнинг олдини олиш; хоналарда хавфсиз муҳитни яратиш, жумладан иситувчи, қиздирувчи асбоб-ускуналарга яқинлашиш имкони йўқлигига ҳамда жиҳозларда ўткир қиррали бурчаклар бўлмаслигига эътибор қаратиш зарур.

**Йил охирида бола:**

- тизза ва кафтларини ерга тираб тура олади;
- ётган ҳолатдан эмаклашга ўтади,
- мустақил ўтира олади;
- таянган ҳолда буюмлардан ҳатлаб ўтади;
- буюмларни ҳаракатлантира олади;
- қутичани очиб буюмни олади;
- шиқилдоқни шиқиллатади;
- битта буюм билан турлича ҳаракат қилади: босади, ирғитади, юмалатади, бир-бирининг ичига солади;
- олдинга кейин орқага, ҳар хил йўналишларда ва турли юзаларда эмаклайди;
- ўйинчоқни олиш учун стол тагига энгашади;

- мустақил биринчи қадамни босади;
- майда буюмларни қутичага солади ва стол устидаги майда нарсаларни йиғишни билади.

### **Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш (6 ойликдан – 12 ойликкача)**

**Ижтимоий ривожланиш. Катталар билан мулоқот.** Боланинг яқин кишилари билан мулоқот қилишда ташаббус билдиришини (*кўзларига қараиш, жилмайиш, ёпишиш, қўлларига чиқиб олишга ҳаракат қилиш, қичқириб юбориш, енгини тортиш*), ўз ҳаракатларига эътибор қаратиб, алоқага киришишга интилишини, таниш одамларнинг овозига, ҳаракатига тақлид қилишини рағбатлантириш.

Катталарнинг нутқини тушунишга, мурожаатига жавоб беришга, уларнинг сўзлари бўйича турли ҳаракатларни бажаришга, имо-ишорадан фойдаланишга ўргатиш.

Ўзи хоҳламаган нарсаларни инкор этиш; бирор хавф юзага келганлигини тушуниш ва яқин одамидан ёрдам сўрашини қўллаб-қувватлаш.

Саломлашиш вақтида ўнг қўлчасини кўксига қўйиш, хайрлашиш вақтида кўлини силкитишни ўргатиш, агар бола катталар эслатмасдан туриб ўзи кўлини силкитса, уни мақташ.

Бола билан кўпроқ муомалада бўлиш ва сўзлашиш, унинг ижобий ҳаракатлари, фаоллигини яхши сўзлар билан мақтаб қувонтириш; ўйинчоқларини бошқалар билан бирга ўйнашини рағбатлантириш.

Ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитини яратиш, болани доимо кузатиб туриш, илтимосларига мос равишда жавоб бериш. Болани ҳар қандай вазиятда руҳан қўллаб-қувватлаш, зарур бўлганда ёрдам бериш ва кўпроқ қулайлик яратиш, янги муҳитда хавфдан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиши учун, уни қучоқлаб бағрга босиш; қўлларидан ушлаб туриш ва шу тарзда бегона кишилардан, нотаниш муҳитдан қўрқинишни камайтиришга ҳаракат қилиш.

**Тенгдошлари билан мулоқот.** Боланинг тенгдошлари билан мулоқот қилишга қизиқиш билдириши, қувониши, завқланиши (*қараиш, жилмайиш, кулиш, қичқириш*)ни, тенгдошларининг ҳаракатларини кузатиши, фаол тақлид қилишини рағбатлантириш, мулоқот қилишдан чалғимаслик.

Ўйинчоғини бошқа болалар билан ўйнашга ўргатиш (*бунда бирга ўйнаётган бола унинг ўйинчоғини олса, йиғлаб, норозилик билдириши мумкинлигини инобатга олиш*).

Боланинг тенгдошлари билан муомала қилиши учун шароит яратиш, тоза ҳавода биргаликда сайрлар уюштириш.

**Ҳиссий ривожланиш. “Мен” концепцияси** ёки ўз-ўзини англаш. Болага ўз исмини ўргатиш, муомалада доимо унинг исмидан фойдаланиш. Кичкинтойни чақирганда қараши, ўз исмини эшитганда имо-ишора ва товушлар билан жавоб қайтаришини рағбатлантириш.

Болага тана аъзоларини кўрсатиш ва бир вақтнинг ўзида номини айтиш, катталарнинг “қани?” деган саволига тана аъзолари (*боши, қўллари, оёқлари, бурни*)ни кўрсатиб жавоб беришга ўргатиш.

Бола катталарнинг имо-ишорасига тақлид қилганда унинг ҳаракатларини табассум билан рағбатлантириш, турли ўйинларни кўзгу рўпарасида ўйнашини таъминлаш. Боланинг ўзига эътибор қаратиш учун қилган ҳаракатларига мувофиқ муносабат билдириш, унга ўз истакларини тушунтиришига изн бериш ҳамда эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш.

Кичкинтойнинг ҳар бир эришган ютуғини мақташ ва маъқуллаш. Бола билан ўйнаётганда, унинг ўзига бўлган ишончини ошириш учун унга яқинроқ туриш ва бирга бажараётган ҳаракатларни изоҳлаб бериш.

**Ҳиссий ифодалаш.** Боланинг ўзи хоҳлаган нарсага эришганда завқланиши, ҳиссиётлар билдирилганда жавоб қайтариши; юришни бошлаётганда маъқуллашларга жавобан жилмайиши; атрофдагиларнинг кулгисини уйғотган ҳаракатларга тушуниб ўз ташаббусига кўра такрорлаши, уларнинг эътиборини сезиб чапак чалиши, хурсанд бўлиб қувониши; узоқроқ турган буюмга етиб олишга қаттиқ интилиши ва ниҳоят етиб олганида мамнун бўлишини рағбатлантириш.

Бола ёктирадиган буюмни ундан олиб қўйилганда норозилик билдирса уни юпатиш ва эътиборини бошқа нарсаларга қаратиш.

Кичкинтойга мунтазам равишда куй-қўшиқ эшиттириш, хиргойи қилиш, қарама-қарши кайфиятли (*қувноқ-сокин, тез-аста*) мусиқага нисбатан ҳиссий муносабат билдиришга ўргатиш, айрим ҳаракатларига нисбатан ижобий ёки салбий фикр билдириш (*хурсанд бўлиш ва табассум қилиш ёки хафа бўлиш ва қош-қовоғни солиш*).

Болага қизиқарли йўллар билан турли ҳис-туйғулар ва ҳаракатларни билиб олиши (*ҳар хил вазиятларда боланинг ҳиссиётларини айтиш*)га имконият бериш ва ҳиссиётларини намоёйиш этишини қўллаб-қувватлаш, руҳий жиҳатдан қулай шароит яратиш ва ҳар куни биргаликда ўйнаш.

#### **Йил охирида бола:**

- яқин кишилари билан мулоқот қилишда ташаббус билдиради (*кўзларига қараш, жилмайиш, ётишиш, қўлларига чиқиб олишга ҳаракат қилиш, енгини тортиш*);
- таниш чехраларни топиш учун кўрсатма бўйича атрофига қарайди;
- унга яқин одамларнинг овозига тақлид қилади;
- саломлашиш вақтида ўнг қўлини кўксига қўяди ва хайрлашиш вақтида қўлини силкитади;
- бошқа боланинг ҳаракатларини кузатади, кулади ёки йиғлайди, тенгдошларига фаол тақлид қилади;
- катталарнинг мурожаатларига жавоб беради, маъқул бўлмаганларини инкор этади;
- бошқа бола билан мулоқот қилишга қизиқиш билдиради, қувонади, завқланади (*жилмайиш, кулиш*);
- имо-ишорадан фойдаланади, бирор хавф юзага келганда яқин одамдан ёрдам сўрайди;

- катталарнинг ҳаракатларини кузатади, тақлид қилади ва уларнинг сўзлари бўйича турли ҳаракатларни бажариш орқали жавоб қайтаради;
- ўйинчоғини бошқа болаларга таклиф қилади, лекин бошқа бола ундан ўйинчоғини олиб қўйса, йиғлайди, норозилик билдиради;
- исмини билади, чақирганда қарайди, имо-ишора, товушлар билан жавоб қайтаради;
- катталарнинг тана аъзолари (*бош, қўллар, оёқлар, бурун*) ҳақидаги “қани?” деган саволига уларни кўрсатиб жавоб қайтаради;
- кўзгудаги аксига жилмаяди, ўзининг қаердалигини сўралганда, кўзгудаги аксини кўрсатади;
- карама-қарши кайфиятли (*қувноқ-сокин, тез-аста*) мусиқага нисбатан ҳиссий муносабат билдиради;
- ўзи хоҳлаган нарсага эришганда завқланади ёки ёқтирмайдиган нарса (*таом, ўйинчоқ*) берилганда, норозилик билдиради;
- ҳиссиётлар билдирилганда, жавоб қайтаради, юришни бошлаётганда, маъқуллашларга жавобан жилмаяди, севинади;
- атрофдагиларнинг кулгисини уйғотган ҳаракатларга тушуниб ўз ташаббусига кўра такрорлайди;
- бошқаларнинг эътиборини сезганда чапак чалади, хурсанд бўлади, қувонади, маълум товуш ва ҳаракатларни такрорлайди;
- узоқроқ турган буюмга етиб олишга қаттиқ интилади ва ниҳоят етиб олганда мамнун бўлади.

### **Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик (6 ойликдан – 12 ойликкача)**

**Нутқ.** Болани катталар нутқини тинглаш ва тушунишга, гапириш ва сўзлашишга тайёрлашни давом эттириш. Кичкинтой билан муомалада бўлганда унга оддий саволлар бериш (“*Шиқилдоқ ўйнайсанми?*”) ва жавоб қайтаришга ундаш. Янги сўзларга осонлик билан тақлид қилиш, яқин одамларини овозидан таниш, ўз исмини эшитганда ўгирилиб қараш, катталар сўзига кўра бирор буюмни топа олиш ва у билан маълум ҳаракатларни бажариш; “оч-ёп”, “ол-сол”, “қўғирчоқни бер” каби оддий топшириқларни бажариш кўникмасини ҳосил қилиш; ёшига мос куй-кўшиқлар, айтишувлар, қисқа эртак ва ҳикояларни диққат билан тинглашини рағбатлантириш; айтилган томонга ўгирилиб қараш; оддий саволларга “ҳа”, “йўқ” деб имо-ишора билан жавоб бериш, “йўқ” сўзининг маъносини билиш, сўзларнинг биринчи бўғинларини ҳамда “дада”, “ойи”, “нон”, “сув” каби сўзларни айтишга ўргатиш. Катта ёшдагилар билан мулоқот қилишга интилишини рағбатлантириш.

Бола билан кўпроқ сўзлашиш, сўзларни такрорлаш ҳамда ўзига яқин кишилар номини (*ойи, дада, буви, хола, амма*) айтиш; айрим ҳаракатларни билдирувчи феълларни (*бер, ўтир, тур, кел*) мустақил талаффуз қилиш ва бажаришга ўргатиш; парваришlash жараёнида (*овқатлантириши, чўмилтириши, кийинтириши, ухлатиши*) бола билан

гаплашиш, унга тана аъзолари ва кийимларининг номини айтиш, ўзи хақида ҳикоячалар, қисқа эртаклар айтиб бериш.

**Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш.** Китобларга нисбатан қизиқиш билдиришини, “ўқишга” таклид қилиши; чиройли расмлар билан безатилган китобларни томоша қилишини; кўчадаги плакатларга қизиқиб қарашини; қоғозга узуқ-юлуқ чизиқларни, нуқталарни чизишга ҳаракат қилишини қўллаб-қувватлаш. Бола чизган “расм”ларидан қувониб, атрофдагиларга кўрсатишга интилишини рағбатлантириш.

**Бадий адабиёт.** Бадий асарлар орқали боланинг ҳис-туйғуларини, эшитиш, тинглаш кўникмаларини таркиб топтиришда давом этиш. Болага ухлатаётганда доимий равишда “Алла” қўшиғини куйлаш. Уйғоқ пайтида эркаламалар (“Юлдузим, қундузим...”, “Сув келади ғози билан...”) айтиб қувонтириш; йиғлаганида овутмачоқлар (“Шу ўғлимга не бўлибди...”) айтиб, болани бағрига босиш, бошини, юз-қўлларини, орқа-белини силаб-сийпалаб тинчлантириш; кичкинтойдаги илк ўзгаришларни олқишловчи (“Икки тишингдан айланай...”, “Ўтирсин-о, ўтирсин...”, “Той-той болам...”) кўшиқларни хиргойи қилиш; болага жажжигина шеърлар, ўзи хақида қисқа эртак ва қувноқ ҳикоячалар сўзлаб бериш; болани парваришлаш жараёнида, кийинтираётганда (“Муборак бўлсин...”, “Ёқаси мойли бўлсин...”), ювинтираётганда (“Оймома илла...”, “Сув пок...”) халқ кўшиқларидан фойдаланиш орқали кайфиятини кўтариш, ижобий ҳисларни тарбиялаш.

Бола билан биргаликда ёрқин рангдаги чиройли расмли китобчаларни томоша қилиш, содда, қизиқарли ҳикоя ва эртакларни ифодали тарзда ўқиб бериш ва унинг тинглашини рағбатлантириш.

**Йил охирида бола:**

- янги сўзларга осонлик билан таклид қилади, яқин одамларининг овозини танийди, ўз исмини эшитганда жавоб қайтаради, таниш буюмларни кўрсатади;
- чақирилган томонга ўгирилиб қарайди;
- оддий саволларга “ҳа”, “йўқ” деб жавоб бериш учун бошини силкитади; “йўқ” сўзининг маъносини билади;
- сўзларнинг биринчи бўғинларини ҳамда оддий сўзларни айтади;
- катта ёшдагилар билан мулоқот қилишга интила бошлайди;
- чиройли расмлар билан безатилган китобларни томоша қилади;
- халқ кўшиқлари, қувноқ шеърлар, қисқа ҳикоя ва эртакларни тинглайди;
- китоблар, кўчадаги плакатларга нисбатан қизиқиш билдиради.

**Билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги  
билимларга эга бўлиш  
(6 ойликдан – 12 ойликкача)**

**Элементар математик кўникмалар ва билимларни ривожлантириш.**

Боланинг ўйинчоқлар билан мустақил тажриба қила бошлашини (*ушлаб олади, босади, очади, солади, чиқаради, қайтадан теради*)

маъқуллаш, тажриба қилиши учун унга турли миқдордаги ҳар хил ўйинчоқларни бериш, турли ўлчамдаги кубикларни олиб, уларни катта-кичиклиги бўйича тартибга келтириш кераклигини кўрсатиш.

Пиёлани олиб, унинг ичи бўш эканлигини, кейин, унга сув қўйиб пиёланинг ичи тўла эканлигини болага тушунтириш.

6-12 ойлик боланинг хавфсиз яшаши ва ҳаракатланишини таъминлаш учун унга пластмасса, резина, силлиқ ёки тукли матолардан ясалган, узунлиги 20 см дан катта бўлмаган ўйинчоқларни бериш мақсадга мувофиқ.

Болага мўйнадан ясалган ўйинчоқларни бериш тавсия этилмайди.

#### **Йил охирида бола:**

- ўйинчоқлар ва буюмлар билан турли ишлар бажаради (*ушлаб олади, чиқаради, қайтадан теради, босади, очади*);
- бўш пиёлани олиб, ичига сув ёки шарбат қуйишларини сўрайди;
- катта ёшдагилар ёрдамида бир неча ўйинчоқларни ўлчамлари бўйича гуруҳларга ажрата олади.

### **Атроф-муҳитни ўрганиш ва англаш**

#### **(6 ойликдан – 12 ойликкача)**

Боланинг атрофни кузатишига, нарса ва ўйинчоқлар билан турли ҳаракатлар бажариб (*томоша қилади, иккита буюмни бир-бирига уриб ҳосил бўлган овозни тинглайди*) ўрганишига шароит яратиш. Бирор буюмдан энг мақбул йўл билан фойдаланиш усулини кўрсатиш ва тушунтириш, атрофдаги янги нарсаларни кўрсатиш ва қандай муносабат билдиришини кузатиш, янги ўйинчоқ ва буюмлардан фойдаланиб биргаликда ўйнаш.

Боланинг чўмилиш ва сувдан завқланишини рағбатлантириш.

Кичкинтойнинг диққатини бошқа одамлар ёки расмлардаги инсон тана аъзоларига қаратиш, уларнинг номини айтиш ва ўзининг тана аъзоларини кўрсатишга ўргатиш.

Болага турли овозлар (*чиқ-чиқ, тақ-тақ, би-би*)га тақлид қилиш ва айрим ҳаракатларни такрорлашга ёрдам бериш.

#### **Йил охирида бола:**

- ўйинчоқларини, буюмларини ўрганади, иккита буюмни бир-бирига уриб кўради ва ҳосил бўлаётган овозларни тинглайди;
- ўз атрофидаги ғайриоддий нарсаларга диққат билан қарайди;
- тана аъзоларини (6 тача) кўрсатади;
- атрофдагиларнинг айрим ҳаракатларини такрорлайди.

### **Табиат билан таништириш**

#### **(6 ойликдан – 12 ойликкача)**

Боланинг ўз атрофида мавжуд бўлган (*ёки расмларда чизилган*) ёрқин гуллар, ўсимликлар, ҳайвон ва паррандаларни кузатишини, уларга нисбатан қизиқиш билдиришини рағбатлантиришда давом этиш.

Болани аквариумнинг ёнига олиб келиш, балиқлар қандай

харакатланаётганлигини биргаликда кузатиш, уларнинг хилма-хил эканлигига эътиборини қаратиш. Кичкинтойга ҳайвон ва паррандаларнинг расмларини турли тақлидий овозлар билан боғлаб таништиришда давом этиш.

Боғда боланинг бурчаги бўлишини таъминлаш, қумни юмшатиш учун сув қуйиш, қум билан сувни аралаштиришга ёрдам бериш.

Қўли ва юзини юваётганда, чўмилаётганда сувни атрофга сачратиш, шўхчан ҳаракатлари ва бошқалар орқали жонсиз табиатга қизиқиш уйғотиш.

#### **Йил охирида бола:**

- аквариумдаги балиқларнинг ҳаракатланишини томоша қилади;
- ҳайвонларни ва уларнинг расмларини турли тақлидий овозлар билан боғлашга ҳаракат қилади;
- қумни юмшатиш учун унга сув қуяди;
- чўмилаётганда сувни сачратиб, шўхчан ҳаракатлар қилади.

### **Ижод**

#### **(6 ойликдан – 12 ойликкача)**

Болага кувноқ мусиқалардан қўйиб бериш, у билан бирга рақсга тушиш, мусиқага жўр бўлиб чапак чалиш ва мусиқа оҳангига мос тарзда қўл-оёқларни қандай ҳаракатлантириш кераклигини кўрсатиш. Турли овозларни (*мусиқа, суҳбат*) таққослаш, баланд ва паст овоз ўртасидаги фарқга бола эътиборини қаратиш.

Боланинг эътиборини ёрқин расмлар, фотосуратлар, плакатларга қаратиш, унинг турли-туманликни ёқтиришини ҳисобга олиб, расмларни тез-тез алмаштириб туриш.

#### **Йил охирида бола:**

- турли овозларга (*одам овози, мусиқа*) муносабат билдиради (*тебранади, рақсга тушишига ҳаракат қилади*);
- бирор-бир асбоб, товуш чиқарадиган ўйинчоқ ёки телевизордаги ёқтирган овозига тақлид қилади;
- фотосурат ёки турли расмларга диққатини қаратади.

### **Ўйин фаолияти**

#### **(6 ойликдан – 12 ойликкача)**

Боланинг сенсор тажрибаларини таркиб топтиришда давом этиш. Аста-секин турли шаклдаги буюмлар билан ўйнашга қизиқтириш. Ўзакка 2-3 та бир хил ўлчамдаги халқани кийдириш ва пирамида йиғишга; нарсаларнинг ўлчамига (*катта-кичик*), рангига (*қизил, кўк*) қараб улар билан қизиқарли тарзда ўйнашга ўргатиш. Дидактик ўйинчоқлар билан ўйнаш (*шарни думалатиш, қутичани очии-ёпиш, қутичадан буюмларни олиш-солиш*)га қизиқтириш.

Боланинг стол тагидаги ўйинчоқни олиш учун қилаётган ҳаракатларини, энгашиши, катталарнинг ёрдамисиз мустақил туриб олиши

(*гавдасини тўғрилаши*)ни; ёқтирган ўйинчоғи томон эмаклаб боришини рағбатлантириш.

Бир қўли билан ўйинчоқни ушлаб, иккинчи қўли билан уни ўйнашга; турли ҳажмдаги ичи бўш идишларни бир-бирига солишга, бўш қутичага тегишли ўлчамдаги ўйинчоқларни солишга ўргатиш.

Буюмларни ҳажм жиҳатидан фарқлаш: катта-кичик ҳалқаларни кўрсатиш ва биргаликда 2-3 та халқадан иборат пирамида йиғишни ўргатиш.

Шаклига қараб елим идишга мос қопқоқлар танлаш, дидактик қутича (“Сехрли қутича”) тешикларига тўғри келадиган шаклларни (*доира, квадрат*) топиш ва мослаштиришни машқ қилдириш.

Эшитиш ва кўриш қобилиятини ривожлантирадиган қизиқарли таълимий ўйинлар ўтказиш (“*Уйчада ким яшайди?*”, “*Ниманинг овози?*”, “*Ким чақиряпти?*”).

Дидактик ўйинчоқлар, кичик қурилиш материаллари билан мустақил ўйнашга имкон бериш.

**Йил охирида бола:**

- стол тагидаги ўйинчоқни олиш учун энгашади ва катталарнинг ёрдамисиз мустақил туриб олади (*гавдасини тўғрилайди*);
- ёқтирган ўйинчоғи томон эмаклаб боради;
- бир қўли билан ўйинчоқни ушлаб, иккинчи қўли билан уни ўйнайди;
- турли ҳажмдаги ичи бўш идишларни бир-бирига солади;
- бўш қутичага тегишли ўлчамдаги ўйинчоқларни солади.



## БОЛАНИНГ БИР ЁШДАН ИККИ ЁШГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА РИВОЖЛАНИШИ

### Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена (1-2 ёш)

Бир ёшда боланинг вазни 10-11 кг бўлса, бўйи тахминан 74-80 см бўлади. Боланинг бир ёшга кадам қўйишини ўзига хос ўтиш даври сифатида таърифлаш мумкин, энди у тинглай олади, сеза олади, юра олади, қўл ҳаракатларини бошқаради. Илк ёшда ҳосил қилинган баъзи характер хусусиятлари мустаҳкамланиб, аста-секин одамнинг табиатига сингиб кетади. Шу сабабли бир ёшли болада тартиблилик, озодалик, сахийлик, меҳнатсеварлик, дилкашлик каби фазилатларни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш муҳим.

Боланинг соғлом, тетик ва бакувват бўлиб улғайиши учун зарур шарт-шароит барпо қилиш, соғлиғини мустаҳкамлаш, тана аъзоларини чиниқтириш, асосий ҳаракат турларини ва бармоқларининг майда мускулларини ривожлантиришга аҳамият бериш.

**Йирик моторикани ривожлантириш.** Бола гавдасини бошқара олади, мувозанат сақлайди ва тана аъзоларини ихтиёрий ҳаракатлантиради. Бу даврда бола тўғри йўналишда, йўлакда, энли тахта устида таянмасдан юра олади; баландлиги 10 см бўлган буюмнинг устига чиқади ва тушади; йиқилмасдан мустақил туради ва ўтиради; мустақил равишда орқага бир неча кадам ташлайди; катталарнинг кўрсатмаси бўйича 3-4 та турли ҳаракатларни бажаради; коптокни кўрсатилган томонга тепади, кичик баландликдан юмалатади, олдинга ва юқорига ирғитади; белгиланган масофадан (*стол ости, ҳалқанинг ичи*) эмаклаб ўтади; узунлиги 1 м бўлган нарвончага чиқади ва тушади; ердан 5-10 см баландликдаги арқон, новда ёки ёғоч устидан ўта олади; мақсадига қараб, ҳаракат йўналишини ўзгартиради; энгашиб ўйинчоқни олади.

Боланинг ҳаракат фаоллигини ошириш мақсадида: аравачалар, йирик ўйинчоқ машиналар билан ўйнашга ўргатиш; югуриш, тўғри чизикдан югуриб ўтиш, мувозанат сақлаб юриш, эмаклаш, нарсаларни юмалатиш, ирғитишга ундайдиган ўйинлар ўйнаш, ўйинли машғулотларни 8-10 дақиқа имкон қадар эрталаб очиқ ҳавода ўтказишга одатлантириш. Болани доимий равишда жисмоний машқлар элементларига ўргатиб бориш; коптокни тепишга, ирғитишга, мўлжал олишга кўмаклашиш; бирор буюмни ёки ўйинчоқни олиб келишни илтимос қилиш; баландроқ юзага чиқа олишини ҳисобга олиб, юзанинг хавфсизлигини таъминлаш; тўсиқлардан айланиб ўтиб, мўлжалланган жойгача етиб боришини рағбатлантириш.

Боланинг йирик моторикасини ривожлантириш мақсадида “Тутиб оламан”, “Коптокни тутиб ол”, “Энли тахтадан юр”, “Йўлакча бўйлаб юр”, “Байроқни олиб кел”, “Айиқчани олдига бор”, “Коптокни думалат” каби ҳаракатли ўйинларни ўйнатиш мумкин.

**Майда моторикани ривожлантириш.** Бола қўллари ва

бармоқларининг ҳаракатланишини назорат қилади. Боланинг ўйинчоқлар ва буюмлардан фойдаланишини, оддий ўйинчоқларни қисмларга ажратишни ва йиғишни, эшик дастасини ушлаб, очиш ва ёпишни, эшик кўнғироғининг тугмачасини босишни рағбатлантириш. Болага турли ўйинчоқларни бармоқлари билан айлантириш, бир қўли билан пиёлани, қошиқни ушлашга, уч ёки ундан ортиқ бўлақлардан иборат бўлган минорачалар қуришга ўргатиш.

Боланинг йиғма иншоот ўйинчоқларни ўрганишга, устма-уст, ёнма-ён қўйиб ўйнашига имкон яратиш; йирикроқ спорт жиҳозларини (*тўп, кегли, ҳалқа в.б.*) бериб, уларни катта ёшдагилар назорати остида териши ва саралаш учун шароит ҳозирлаш, хавфсиз уй-рўзғор буюмлари билан ўйнашга рухсат бериш. Боланинг майда моторикасини ривожлантириш мақсадида “Ҳалқаларни йиғ”, “Саватга тушир”, “Коптокни ол” каби ҳаракатли ўйинларни ўйнатиш.

**Сенсомоторикани ривожлантириш.** Боланинг сувни кичик идишдан катта идишга қуйишга бўлган ҳаракатларига имкон бериш, бош, кулоқ, бурун, кўз, қўл, оёқ каби тана аъзоларини кўрсатишга ўргатиш; турли ўлчамдаги иккита идиш бериб, бир идишдаги коптокчаларни иккинчи идишга солишни сўраш, ушбу жараёнда кўргазмали ва қизиқарли усуллардан фойдаланиш (*шиқилдоқлар, шаффоф елим идишлар в.б.*), болага у кўраётган нарса ва ҳаракат ўртасидаги боғлиқликни тушунишга ёрдам бериш; уни иссиқ сувдан эҳтиёт бўлишга ўргатиш. Боланинг энг кичик ютуғини ҳам рағбатлантириш.

**Маданий-гигиеник кўникмаларни ривожлантириш.** Болада маданий-гигиеник кўникмаларни таркиб топтиришда давом этиш; катталар ёрдамида тиш чўткаси билан тишларини тозалаш; қўллар ва юзини мустақил ювиш ва артиш, ўриндиқда тўғри ўтириш, мустақил равишда қошиқни ушлаш ва овқат ейиш, пиёладан чой ёки сув ичиш; тувақдан мустақил фойдаланиш; кўйлак, қўлқоп, пайпоқ ва пойабзални тўғри кийиш ва ечиш кўникмаларини шакллантириш. Болани юз-қўллари ва кўйлакларини тоза тутишга, сочларини тараб, одобли бўлиб юришга одатлантириш. Уларда озодаликка, тартибга ҳавас уйғотиш.

**Бола ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.** Болани қаровсиз қолдирмаслик, барча гигиена муолажаларини катталар билан бирга ўтказиш, болада бармоқ сўриш, лапанглаш, қоматни нотўғри тутиш ва шу каби бошқа салбий одатлар пайдо бўлишининг олдини олиш, тувақда узоқ вақт ўтиришига йўл қўймаслик, яссиоёқликка қарши машқларни ўтказиш, жароҳатланишдан сақлаш, ўз гавдасини қандай тутишини мунтазам кузатиб туриш, болага реал хавф туғдириши мумкин бўлган буюмлар бўлмаслигига эътибор бериш, ўйинчоқларнинг гигиеник ва эстетик талабларга жавоб беришини таъминлаш.

**Йил охирида бола:**

- тўғри йўналишда юради;
- йўлакда, энли тахта устида таянмасдан юради;
- баландлиги 10 см бўлган буюмнинг устига чиқади ва тушади;

- мустақил туради ва ўтиради;
- мустақил равишда орқага бир неча қадам ташлайди;
- катталарнинг кўрсатмаси бўйича 3-4 та турли ҳаракатларни бажаради;
- коптокни кўрсатилган томонга тепади, кичик баландликдан юмалатади;
- коптокни олдинга ва юқорига ирғитади;
- белгиланган масофадан (*стол ости, ҳалқанинг ичи*) эмаклар ўтади;
- узунлиги 1 м бўлган нарвончага чиқади ва тушади;
- ердан 5-10 см баландликдаги арқон, новда ёки ёғоч устидан ўтади;
- қўллари ва юзини мустақил ювади, артади;
- ўриндикда тўғри ўтиради;
- мустақил равишда қошиқни ушлайди ва овқат ейди;
- тувакдан мустақил фойдаланади;
- тиш **чўткаси** билан тишларини тозалайди, кўйлак, қўлқоп, пайпоқ, пойабзални тўғри кийишга ва ечишга ҳаракат қилади.

### **Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш (1-2 ёш)**

**Ижтимоий ривожланиш. Катталар билан мулоқот.** Бу ёшдаги болада катталар билан мулоқотга мойиллик (*танишларини кўрганда севинади, қўлини чўзади, уларнинг исмини айтади*) ортади, шу сабабли унга янада эътиборли бўлиш лозим.

Катталар берган оддий топшириқларни бажаришга, фаол ўйинларни ўйнашга, берилган саволларга жавоб беришга, кундалик мулоқотда бўладиган катталарнинг исмлари (*буви, бува, ойи, дада, ака, она*)ни айта олишга ўргатиш. Катталар ва болаларнинг ҳаракатларига таклид қилиш, узоқ вақт давомида кўрмаган ва унга яхши муносабатда бўлган катталарни кўрганда хурсанд бўлиши, нотаниш болалар ва катталарга нисбатан қизиқиш билдиришини рағбатлантириш, аста-секин ўзини тутиш қоидаларини ҳамда “яхши”, “мумкин”, “мумкин эмас” каби тушунчаларни ўргатишни бошлаш лозим.

Болага дўстона, самимий муносабатда бўлиш, ўзи ҳақида қисқа (*ҳиссий*) ҳикоячалар; тўртликлар, халқ кўшиқларидан айтиб бериш, уни кузатиш ва атрофдагилар билан мулоқот қилишини рағбатлантириш, турли ўйинларни биргаликда ўйнаш ниҳоятда муҳим эканлигини тушунишига ёрдам бериш.

**Тенгдошлари билан мулоқот.** Болага тенгдошлари билан биргаликда ўйнашга имкон бериш; тенгдошларининг исмини айтишга ўргатиш. Унинг бошқа болалар билан ижобий муомала қилишини рағбатлантириш ва мустаҳкамлаш.

**Ҳиссий ривожланиш. “Мен” концепцияси** ёки ўз-ўзини англаш. Болага ўз исмини айтишни, ўзини кўзгуда, расмда танишни ўргатишни давом эттириш.

Катталарнинг талаблари ўз хоҳишига мос тулмаганда норозилик билдира олишга, оила фаолиятида (*ўйинчоқларни йиғиштириш, телевизорни ёқиш ва ўчириш*) қатнашишга имкон бериш.

Боланинг исмини айтиб чақириш, кўзгу, фотосуратларда ўзи, онаси, отаси, яқинларини кўрсатишини рағбатлантириш. Кичкинтойга оилада уни яхши кўришлари, қадрлашлари ва доимо ғамхўрлик қилишларини тушуниш имконини бериш; ҳар бир янги ҳаракатини олқишлаш, рағбатлантириш ва мақташ.

**Ҳиссий ифодалаш.** Боланинг ўзига яқин инсонларга интилиши ва меҳр кўрсатишини (*ўпади, қучоқлайди*) рағбатлантириш.

Муסיқага монанд ҳаракат қилишни, катталарнинг яхши ва ёмон муносабатини сезишни, атрофдагиларнинг ҳис-туйғуларини (*она бахтиёр, бува толиққан*) сўз оҳанги ва ҳаракатидан ажратишни, ўз ҳиссиётларини ифодалаш (*қувониш, ўз ютуқлари билан гурурланиш, ўзи таниган катталар билан хайрлашаётганда хафа бўлиш, йиғлаётганларни ўзича юпатиш*)ни ўргатиш.

Боланинг эътиборини бошқа болаларнинг кайфияти (*хурсанд, хафа, чарчаган*)га қаратиш, кийкинтойлар ҳақида, уларнинг қувноқ ҳаёти, орзу-умидлари ва севинчлари тасвирланган қисқа ҳикоячаларни ўқиб бериш.

1-2 ёшли бола билан муносабатда қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

- болани эмас, унинг ҳаракатлари ва муомаласини баҳолаш;
- гўдакнинг ҳаддан ташқари ҳаяжонланиш (*стресс*)ининг олдини олиш.

#### **Йил охирида бола:**

- атрофидаги катталар ва болаларнинг ҳаракатларига тақлид қилади;
- узоқ вақт кўрмаган катталарни кўрганда хурсанд бўлади;
- нотаниш болалар ва катталарга нисбатан қизиқиш билдиради;
- танишлари билан мулоқот қилиш истагини яққол ифодалайди;
- қисқа вақт давомида ўз тенгдошлари билан ўйнашни яхши кўради;
- катталар билан фаол ўйинларни ўйнашни, уларнинг топшириқ беришларини ёқтиради ва бажаришга уринади;
- кўзгуда, суратда ўзини танийди, ўз исмини билади;
- истаклари катталарнинг талабларига мос келмаганда норозилик билдиради;
- оила фаолиятига (*ўйинчоқларни йиғиштириш*) аралаша бошлайди;
- руҳан кўнгилчан, катталарнинг унга нисбатан муносабатига жуда сезгир;
- атрофдагиларнинг ҳис-туйғуларини (*она бахтиёр, бува толиққан*) сўз оҳанги ва ҳаракатидан ажратади;
- ўз ҳиссиётларини ифодалайди (*қучоқлаш, ўтиш, қувониш, ўз ютуқлари билан гурурланиш, йиғлаётганларни ўзича юпатиш*).

## Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик (1-2 ёш)

**Нутқ.** Болага катталарнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, сўз бўлақларини ва 1-2 бўғиндан иборат оддий сўзларни (*нон, олма, мушук, кучук, копток*) айта олишни ўргатиш.

Кундалик турмушда учрайдиган маълум ҳаракатларни ифодаловчи сўзларни; эшитган оддий, қисқа мурожаатларни (*ўйинчоқни олиб кел, қошиқни ол, қалпогингни кий*) тушуниш ва уларни бажаришга; сўзлашганда тақлид қилишга; 2-3 та сўздан иборат (*мен чой ичаман; олма ширин; чой иссиқ*) гапларни тузишга ўргатиш.

Буюмларни расмда ва аслини кўрганда таниш, номларини айтиш, улар билан ҳаракат қилиш; ўз ҳаракатларини сўз билан (*нон едим, чўмилдим*) ифодалаш; мураккаб бўлмаган ҳаракатларни бажаришни (*кубикни олиб кел, устма-уст қўй*) машқ қилиш.

Бола билан ўйнаётганда ва муомала қилаётганда унинг қисқа маълумотларни қайтаришини рағбатлантириш, кўпроқ буюмлар ва ўйинчоқлар кўрсатиш, номларини айтиш, уларни маълум ҳаракатлар билан боғлаш.

Кичкинтойни қисқа ҳикоя ва эртакларни эшитишга; суҳбатлашишга қизиқтириш; унга равон ва тўғри гапириш, саволлар бериш, саволларига жавоб қайтариш; расм ва фотосуратларни томоша қилиш, уларни 2-3 та сўз ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қилишини рағбатлантириш, расмга мос сўзларни топишга ёрдам бериш.

Бола билан турли ўйинлар ўйнаш, нутқни ривожлантирувчи машқлар бажариш; бармоқлар театри ўтказиш; катта ёшдагиларнинг сўзларини такрорлаш, уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг овозига (*“вов-вов”, “миёв-миёв”, “қу-қу-қув”*) тақлид қиладиган ўйинлар ўйнаш мақсадга мувофиқ.

**Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш.** Ёрқин расмлар билан безатилган китобларни томоша қилиш, расмларда акс эттирилган буюмларни таниши ва тушунишга ўргатиш. Ёзма матн, ҳарфлар ва рақамларга қизиқиш уйғотиш. Боланинг қоғоз сатҳига қалам ва ручка ёрдамида горизонтал, доирасимон ва вертикал чизиқларни чизишга, қалам ёки мўйқалам билан расм чизишга ҳаракат қилишини рағбатлантириш.

**Бадий адабиёт.** Боланинг катталар томонидан жозибали тарзда айтилаётган шеърӣ мисралардаги ритмик изчилликдан, қофияли сўзлардан, мусиқий оҳангдан қувонишини рағбатлантириш; атрофдагиларга, яқинларига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотишда, ўзига нисбатан ишонч ҳиссини пайдо қилишда халқ эркаламаларидан (*“Дилрабо дилим, дедилар...”, “Акбаржоним отлидур...”, “Ферузахон – ой қиз...”*); илк ҳаракатларини олқишловчи (*“Чопиб-чопиб юрганда...”, “Югурса, онаси кўрса...”*) қўшиқлардан кенг фойдаланиш. Қўшиқдаги айрим сўз ва мисраларни такрорлаш кўникмасини таркиб топтириш; бола билан биргаликда қувноқ ўйин қўшиқларини (*“Ҳой-ҳой, чапак-чапак...”, “Бармоқлар хақида...”*) айтаётганда, қўшиқ сўзларини маълум ҳаракатлар билан боғлаш орқали болани қувонтириш, шўхчанг

кайфият бағишлаш, ўйинга иштиёқ уйғотиш.

Катталар боланинг кундалик ҳаётидан олинган мавзулар асосида қисқа, содда ҳикоялар тўқиши (“Сардор деган бола ҳақида”, “Кўйлакчаси ҳақида”, “Боғчаси ҳақида”, “Сардорнинг ойиси”, “...дадаси”, “...опаси”, “...акаси”, “...ўртоғи”) ва мароқли тарзда сўзлаб беришлари мақсадга мувофиқ. Шу тарзда болани суҳбатлашишга қизиқтириш, тинглаш, тушуниш кўникмаларини таркиб топтириш; унга эртак ёки ҳикоя асосида оддий саволлар бериб, жавоб беришга йўналтириш. Кичкинтойнинг диққатини китобларда ишланган ёрқин рангдаги расмларга қаратиш.

Болага китобни тоза қўл билан ушлаш, варақларини авайлаб очиш, букламаслик, йиртмаслик, чизмаслик ҳақида илк тушунчалар бериш.

#### **Йил охирида бола:**

- катталарнинг нутқини тушунади, сўз бўлақларини ва 1-2 бўғиндан иборат оддий сўзларни айта олади;
- маълум ҳаракатларни ифодалайдиган сўзларни тушунади;
- эшитган оддий, қисқа мурожаатларни такрорлайди ва уларни бажаради;
- 2-3 та сўздан иборат гапларни айтади;
- расмни ёки фотосуратни 2-3 та сўз ёрдамида тушунтиради;
- халқ кўшиқлари, қисқа эртак ва ҳикояларни тинглайди, тушунади;
- саволларга 2-3 та сўз билан жавоб беради;
- ёрқин расмлар билан безатилган китобларни томоша қилади, расмларда акс эттирилган нарсаларни танийди;
- ёзма матн, ҳарф ва рақамларга қизиқиш билдиради;
- қалам ва ручкани ушлайди, қалам ёки мўйқалам билан “расм” чизишга ҳаракат қилади.

### **Билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш (1-2 ёш)**

#### **Элементар математик кўникмалар ва билимларни ривожлантириш.**

Боланинг ақлий ривожланишига ёрдам берадиган ўйинчоқлар билан ўйнашига шароит яратиш. Икки-уч қисмли ўйинчоқларни (2-3 та *ҳалқалардан пирамида*) йиғиш, қутичаларга мос қопқоқларни танлаш, катталарнинг илтимосига кўра буюмларни йиғиш, олиб бериш ва жойлаштиришни; ўйинчоқлар турадиган жойларни топишни ўргатиб бориш. Ўйинчоқларнинг ва буюмларнинг кўп-камлиги, катта-кичиклигини фарқлашни ҳамда айтишни ўргатиш.

Кубиклар, пирамидалар билан ўйинлар ўйнаш, ўйинчоқларни, буюмларни узатишни (“*Битта кубикни олиб бер*”, “*Иккита ҳалқани узат*”) сўраш, ўйинчоқларни саралаш ёки ўлчами (*катта-кичиклиги*)га қараб жойлаштиришга ёрдам бериш, боланинг муваффақиятли ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ва мақташ.

#### **Йил охирида бола:**

- икки, уч қисмдан иборат бўлган ўйинчоқларни (*икки, уч ҳалқали пирамидалар*) йиға олади;
- катталарнинг илтимосига кўра буюмларни йиғади ва олиб келади;
- нарсаларни териб қўяди ва улар билан ҳаракатлар бажаради;
- буюмларни катта-кичиклигига қараб гуруҳларга ажратади;
- кутичаларга худди шундай шаклдаги қопқоқларни танлаб олади;
- “кўп” ва “кам” сўзларининг маъносини тушунади;
- ўйинчоқлар турадиган жойни топа олади.

### **Атроф-муҳитни ўрганиш ва англаш (1-2 ёш)**

Боланинг атроф-олам ҳақидаги илк тасаввурларини шакллантириш. Болага катталар билан саломлашишни, миннатдорчилик билдиришни, китобдаги расмларни томоша қилишни, таниш образга қараб уларнинг ҳаракатларини ифода эта олишни (*айиқча ўйнапти, қуёнча сакраяпти*), яқин атрофдаги буюмларнинг номини айтиш ва кўрсатишни, ўзининг кўринишидан, кийимидан, чиройли кўғирчоқлар ва ўйинчоқлардан завқланишни ўргатиш. Ўзининг тана аъзолари (*қулоқлари, кўзлари, бурни, оғзи, қўллари, оёқлари*)ни тўғри кўрсатишни машқ қилдириш.

#### **Йил охирида бола:**

- катталарга салом беради;
- миннатдорчилик билдиришни билади;
- китобдаги расмларни томоша қилади;
- таниш буюмларнинг номини айтади ва кўрсатади;
- ўзининг кўринишидан, кийимидан, чиройли кўғирчоқлар ва ўйинчоқлардан завқланади;
- тана аъзолари (*қулоқлари, кўзлари, бурни, оғзи, қўллари, оёқлари*)ни тўғри кўрсатади.

### **Табиат билан таништириш (1-2 ёш)**

**Жонсиз табиат.** Боланинг сув ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш: сув тўкилади, тошиб кетади, сачрайди. Сувни ҳамма – одамлар, ҳайвону паррандалар, ўсимликлар ичади. Биз тоза, озода бўлиш учун сувда ювинамиз, чўмиламиз. Сув ниҳоятда керакли, улуғ неъматлардан бири ҳисобланади. Уни исроф қилмай, аяб ишлатиш зарурлиги ҳақида кичкинтойнинг ёшига мослаб, қизиқарли тарзда тушунча бериш.

Бола билан йилнинг барча фаслларида сайр қилиш ва айрим табиат ходисаларини тушунарли қилиб изоҳлаш. Ҳаводаги ўзгаришларни (*масалан, қор ёғаётганда дарахтлар, йўлкалар оппоқ қор билан қопланади; ёмғир ёғаётганда ер ҳўл бўлади*) кузатиш ва тушунтириш. Болага жонли ва жонсиз буюмларни кўрсатиш. Атрофдаги ўзаро боғлиқлик (*агар ниҳолга сув қуйиб турилса ўсади, аксинча, сув қуйилмаса сўлиб қолади*)лар ҳақида дастлабки тушунчани бериш.

**Жонли табиат.** Жонли оламни кузатишга қизиқиш уйғотиш. Расмда акс эттирилган ёки атрофдаги ҳайвонлар (*мушук, кучук*), паррандалар (*товуқ, хўроз*), дарахт ва гулларни кўрсатиш (*гул, дарахт*) ва таништириш. Боланинг баъзи ўсимлик ва ҳайвонлар номларини айтишини рағбатлантириш.

Сабзи ва олманинг ташқи кўриниши, номи, таъми билан таништириш.

Болани қуш, мушук, кучукни асл кўринишидан, расм ва ўйинчоқларидан таниб кўрсатишга ўргатиш, жониворлар танасининг асосий қисмларига, ўзига хос фарқловчи белгилари (*дум, қанот*), ҳаракати (*югуради, учади*)га қаратиш, номларини айтишга ўргатиш.

**Йил охирида бола:**

- хаводаги ўзгаришлар (*масалан, қор ёғишини, дарахт ва йўлкадаги оппоқ қорга, ёмғир ёғаётганда томчиларнинг шўхчан ўйини*)га эътибор қаратади, кузатади;
- сув ҳақида (*сув тўкилади, тошиб кетади, сачрайди*) тушунчага эга;
- сувни одамлар, ҳайвону паррандалар, ўсимликлар ичиши ҳақида тушунчага эга;
- бола ўзига таниш бўлган ўсимлик ва ҳайвонлар номини катталар ёрдамида тўғри айтишга ҳаракат қилади.

**Ижод**

**(1-2 ёш)**

Болада чиройли, рангли нарсаларни ҳис қилиш, қувониш туйғусини таркиб топтириш. Кичкинтойнинг эътиборини нарсаларнинг ранги, ўлчовига қаратиш, суратлар, иллюстрацияларни қизиқиб кўришга, лойдан ясалган миллий ўйинчоқлар билан ўйнашга ўргатиш. Қалам ва ручка ёрдамида турли тартибсиз (*тўғри, доирасимон*) чизиқларни, расмларни чизиш, лой, хамир, пластилиндан нарса (*таёқча, копток*) ясашга қизиқтириш. Уч ёки ундан ортиқ бўлақлардан иборат бўлган минорачалар қуришга ўргатиш.

Боланинг мусиқага қизиқиш билдиришини, оҳангга мос равишда ҳаракатланишини, ёқтирган кўшиқларини айтишга интилишини рағбатлантириш.

**Йил охирида бола:**

- суратлар, иллюстрацияларни қизиқиб кўради;
- лойдан ясалган миллий ўйинчоқлар билан ўйнайди;
- қалам ва ручка ёрдамида турли тартибсиз (*тўғри, доирасимон*) чизиқларни чизади;
- лой, хамир, пластилиндан нарсалар ясашга қизиқади;
- мусиқага қизиқиш билдиради, оҳангга мос ҳаракатланишга интилади.



## Ўйин фаолияти (1-2 ёш)

Катталар ўйин фаолияти давомида боланинг қувноқ, тетик кайфиятини ҳамда эмоционал-ижобий хатти-ҳаракатларини таъминлаши жуда муҳим.

Болани оддий ўйинчоқларни қисмларга ажратиш ва йиғиш; турли ўйинчоқларни бармоқлар билан айлантириш; уч ёки ундан ортиқ бўлаклардан иборат (*кубик, гиштак*) минорачалар қуриш; енгил шарлар билан пластмасса кеглиларни уриб тушириш; йиғма иншоот ўйинчоқлар ва коптоқлар билан ўйинлар ўйнашга ундаш. Болани аравачаларни судраш; йирик ўйинчоқ машиналарни итариб юргизиш каби ҳаракатлантирувчи ўйинларга жалб этиш.

Кичкинтой билан биргаликда қувноқ ўйинлар (“Дон чўқиётган товук”, “Сакрайдиган қурбақа” - ўйинчоқлар воситасида); таълимий ўйинлар (“Типратиканга ёрдам берамиз”, “Рангини топ”, “Пирамида яса”, “Бир хил буюмларни топ”, “Халқачаларни ўзакка жойлаштир”, “Катта-кичик”, “Ўйинчоқни топ”, “Шаклларни ўзига мос уяларга жойлаштир”, “Нима ўзгарди?”, “Расмни тахла”); қуриш-ясаш ўйинлари (*кубик устига кубик - минора, кубик устига учбурчак - уйча, кубикни ёнига гиштак қўйиш - машина, стол, стул, йўлкалар қуриш*)ни ўйнаш, ҳаракатли ўйинларни тинч ўйинлар билан бирга қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Болага ўйинчоқларни қидириб топиш, узатиш, номини айтиш ва улардан қандай фойдаланиш йўллари айлани айрим ўйин ҳаракатлари (*қўғирчоққа пиёладан чой ичириш, ухлатгани каравотга ётқизиш*) орқали ўргатиш.

Кичкинтой ўйин учун керакли ўйинчоқларни (*айиқчани учирши учун аравачани, қўғирчоқни ўраш учун чойшабни*) топишга ҳаракат қилади, ўриндиқ остидан ўйинчоқни олиш учун тиззасида ўтиради ва туради.

Боланинг ўрганган ҳаракатларини ўзгартириб, бир ўйинчоқда қўллаганларини бошқа ўйинчоққа ҳам татбиқ қилиш (*қуённи ва айиқчани овқатлантириш; қуёнчани ва қўғирчоқни ухлашга ётқизиш*)ни рағбатлантириш.

2 ёшли болага мантиқан бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган ҳаракатли ўйинларни (*қўғирчоқни овқатлантириш, ухлатиш, ётқизиш, кийинтириш, сайрга олиб чиқиш*) ўйнашни, ўйинда етишмаган нарсаларнинг ўрнини босувчи бошқа ўйинчоқлардан, оддий нарсалардан фойдаланиш (*совун ўрнида гиштак, градусник ўрнида чўп*)ни ўргатиш.

Кичкинтойга қор ва қум билан ўйнаганда ўйинчоқ ҳокандозча ёки белкуракчадан тўғри фойдаланишни, ҳўл қумни челақча ёки шаклларга солиб юлдузча, нон, гул ва бошқа нарсалар ясашни; катталарнинг илтимосига кўра маълум рангдаги ўйинчоқни кўрсатиш ва олиб беришни ўргатиш.

Болада қўғирчоқлар ва ўйинчоқлардан завқланиш, тенгқурларига нисбатан мойиллик ҳиссини тарбиялаш, ўйин жараёнида бошқаларга

халақит бермасдан, ўйинчоқларни тортиб олмасдан, аҳиллик билан ўйнашга ўргатиш; ўйинчоқларни сахийлик билан алмашиш; ёрдам кўрсатиш (*ўйин учун зарур буюмни олиб келиш, бериб туриш*), ўйин ҳаракатларини биргаликда (*катталар ёрдамида*) бажариш (*бир бола аравачага кубикларни ортади, иккинчи бола уни ташийди ёки иккита бола стулчаларни кетма-кет қўйиб «поезд»да сайр қилади*) кўникмасини ҳосил қилиш.

Болани муסיқали ўйинчоқлар билан ўйнашга, муסיқали ўйинчоқнинг ёқимли овозини эшитиш ва ундан завқланишга ўргатиш.

**Йил охирида бола:**

- оддий ўйинчоқларни қисмларга ажратади ва йиғади;
- турли ўйинчоқларни бармоқлари билан айлантиради;
- уч ёки ундан ортиқ бўлаклардан иборат минорачалар куради;
- йиғма иншоот ўйинчоқлар ва коптоқлар билан ўйнайди;
- ўйинчоқлар турган жойларни топа олади;
- кўғирчоқлар ва ўйинчоқлардан завқланади;
- муסיқали ўйинчоқнинг ёқимли овозини эшитишни яхши кўради.

## ИЛК ГУРУХ (2-3 ёш)

### Илк гуруҳда ўтказиладиган машғулотлар

Т.р.	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				
		Ҳафтада	Бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	Жами
1.	Атроф-муҳит билан таништириш	0,5	2	8	10	18
2.	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3.	Таълимий ўйин-машқлар ( <i>сенсор тарбия</i> )	1	4	16	20	36
4.	Нутқ ўстириш	1	4	16	20	36
5.	Бадиий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
6.	Расм	1	4	16	20	36
7.	Лой иши	0,5	2	8	10	18
8.	Қуриш-яаш	1	4	16	20	36
9.	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
10.	Мусиқа	2	8	32	40	72
<b>Жами:</b>		<b>10</b>	<b>40</b>	<b>160</b>	<b>200</b>	<b>360</b>

### БОЛАНИНГ ИККИ ЁШДАН УЧ ЁШГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА РИВОЖЛАНИШИ

#### Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена (2-3 ёш)

Кичкинтойнинг жисмоний ривожланишида 2-3 ёш ўзига хос давр хисобланади. Бу даврда боланинг вазни 13-15 кг, бўйи тахминан 85-90 см бўлади.

Икки ёшли боланинг турли ҳаракатлар қила олиш имконияти теварак-атрофни ўрганишида жуда катта шароит яратади. Бола атрофидаги нарсаларни кузатади, қўли билан ушлаб, текшириб кўради. Шу тариқа боланинг сезги ва идроки, тасаввур ва хотираси, нутқи ва ҳиссиёти ривожланади.

Кичкинтойда жисмоний ҳаракатларнинг муҳим ҳаётий турларини шакллантириш (*юриш, югуриш, сакраш, эмаклаш, ирғитиш*) орқали оёқ, қўл, тана, бош ҳаракатларини ривожлантириш, турган жойида айланишни ўргатиш, ҳаракатли ўйинларни ўйнашга бўлган қизиқишларини ошириш, жисмоний сифатларни ривожлантириш (*чаққонлик, эпчиллик, зийраклик, иродалик, сабр-қаноат, куч в.б.*), бола қоматини тўғри шакллантиришга таъсир кўрсатиш лозим.

Болани тарбиячининг кўрсатмаси асосида машқларни тушуниб, биргаликда ҳаракат қилишга, ўз ҳаракатини бошқаларники билан

солиштиришга ўргатиш. Машқлар бажараётганда гавдани тўғри ва товонни мустаҳкам тутишига эътибор бериш. Жисмоний тарбия машғулотларига, шунингдек, эрталабки бадантарбияга ижобий муносабатни уйғотиш.

**Йирик моторикани ривожлантириш.** Боланинг жисмоний фаоллигини ошириш, бўйининг меъёрида ўсишини кузатиб бориш, саломатлигини мустаҳкамлаш; кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилдириш, жисмоний шуғулланиши учун зарур бўлган жиҳозлар ва ўйинчоқлар билан таъминлашга эътибор қаратиш; соғлом турмуш тарзини (*соғлом овқатланиш, ҳаракат фаоллиги, кун тартибига риоя қилиш*) сингдириш; маданий гигиена ва ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини шакллантириш; боланинг саломатлигини инобатга олган ҳолда чиниқтириш чоратадбирларини амалга ошириш лозим.

Боланинг ҳаракатланиш фаолиятини турли жисмоний машқлар ва ўйинлар билан бойитиб бориш; катталарнинг кўрсатмаси асосида ҳаракатларни тўғри бажаришга ундаш, фаол ҳаракатланишнинг жамоавий шаклларига жалб қилиш, болада таниш ҳаракатларни осон ва эркин, бир маромда, фазовий йўналишдан адашмай, мувозанатни сақлаган ҳолда бажара олиш кўникмаларини шакллантириш.

#### **Асосий ҳаракатларга доир машқлар.**

**Юриш машқлари.** Тарбиячининг кўрсатмаси асосида, белгиланган йўналишда бир қатор бўлиб тўғри юриш, оёқларининг учида юриш; эни 15-20 см бўлган юзада юриш; илон изи шаклидаги чизиқча устидан юриш; тўлқинлар шаклида ташлаб қўйилган арқон устидан юриб ўтиш; эни 20 см бўлган юзада йўналишни сақлаб юришга ўргатиш.

**Югуриш машқлари.** Тарбиячи кўрсатмасига кўра югуриш; доира бўйлаб бир томонга қараб 30-40 сония давомида югуриш.

**Сакраш машқлари.** Турган жойида икки оёқлаб сакраш; эни 20-25 см бўлган кичик ариқчадан, тўсиқлар устидан, кичик нарсалар устидан сакраб ўтишга ўргатиш.

**Юмалатиш, иргитиш ва илиб олиш машқлари.** Буюмларни йиғиш, маълум жойга қўйиш. Буюмларни (*тўплар, қум халтача в.б.*) нишонга икки қўллаб; ўнг ёки чап қўл билан иргитиш; отилган тўпни икки қўл билан илиб олиш.

**Эмаклаш ва тирмашиб чиқиш машқлари.** Баландлиги 25-30 см бўлган арқон остидан эмаклаб ўтиш, болага қулай усулда гимнастика деворчасидан тирмашиб чиқиш ва тушиш, мустақил равишда зинадан чиқиб, тушиш.

#### **Умумривожлантирувчи машқлар.**

**Қўл ва елка мускуллари учун машқлар.** Дастлабки ҳолат: гавда тик тутилган, оёқлар елка кенглигида очилган, қўлларни юқорига кўтариш ва букиш, ёнга чўзиш ва букиш; кўкрак олдида чалиштириш ва ёнга узатиш; қўлларни орқага яшириш, бош устида, кўкрак олдида чапак чалиш; қўлларни олдинга ва орқага айланттириш, пастга-юқорига (*қўллар ён ҳолатда*), қўлларни бош устига кўтариш ва қафтларни айланттириш.

Шунингдек, машқларни турли хил буюмлар (*шиқилдоқлар, кубиклар, лентачалар, рўмолчалар*) билан турлича ҳолатларда бажариш.

**Оёқлар учун машқлар.** Турган жойида юриш, олдинга қадам ташлаш. Оёқ учини кўтариб товонда туриш, бармоқларини қимирлатиш.

**Гавдани ривожлантирувчи машқлар.** Ўнг ва чапга ўгирилиш; кўлидаги буюмни ёнида турган болага узатиш. Олдинга ва ён томонларга энгашиш. Ўтирган ҳолда оёқларни букиш ва ёзиш. Чалқанча ётган ҳолда оёқларни юқорига кўтариб, тушириш, кўллар ва оёқларни бир вақтда биргаликда қимирлатиш. Ўтириш ва туриш. Қорин билан ётган ҳолда кўлларни ва оёқларни кўтариш, ёнбошдан-ёнбошга ағдарилиш.

**Сафланиш ва қайта сафланиш.** Тарбиячи ёрдамида гуруҳларга бўлиниш ёки бирлашиш, бир-бирининг кетидан туриш, бутун гуруҳ билан айлана бўйлаб, жуфт-жуфт бўлиб сафланиш.

**Майда моторикани ривожлантириш.** Бола юзали ва ҳажмли буюмларни тегишли шаклдаги тешиқларга солиши, пластилин ёки лойдан турли буюмларни иштиёқ билан ясаши (*узиб, юмалоқлаб, яссилаб в.б.*), мозаикани териши, ўйинчоқ тўпламларидан оддий конструкцияларни йиғиши, 5-7 бўлаклардан иборат бўлган минорачаларни қуриши, кичик нарсаларни саватга жойлаштириши ва ундан чиқаришини рағбатлантириш.

Қаламни ушлаётганда катта ва кўрсаткич бармоқларидан фойдаланишга, кийимларининг тугмачаларини тақиб, ечишга; ўйинчоқ ёки нарсаларнинг қисмларини ажратишга, қутичалар ёки ручкаларнинг копқоқларини очиш ва ёпишга ўргатиш.

**Сенсомоторикани ривожлантириш.** Бола билан тузилиши турлича бўлган нарсалар, озиқ-овқатлар, уларнинг таъми ва ҳидини ажрата олишга ёрдам берадиган машқларни бажариш; овқат тайёрлаш жараёнларига жалб қилиш ва у билан ўйнаш.

Кичкинтойга юзаси турлича (*дағал, силлиқ, майин, ёпишқоқ*) бўлган буюмларни бериш; бола билан ҳайвонларнинг (*қучук, мушук, от ва б.*) ҳаракатларига таклид қиладиган ўйинлар ўйнаш; овоз қаердан келаётганлигини топиши ва чиқаётган овоз томон ҳаракатланишини рағбатлантириш.

**Чиниқтириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш.**

**Эрталабки бадантарбия.** Ҳар куни эрталаб бадантарбия қилиш, ҳаракатларни намунага мувофиқ бажариш. Бадантарбияни очик ҳавода, енгил кийимда бажариш ва сув муолажалари билан тугаллаш (*катталар кўмагида*).

**Чиниқтириш.** Мавсумий ўзгаришларга қараб, очик ҳавода кўпроқ бўлиш. Катталар назоратида кичик сув ҳавзаси (*бассейн*)да чўмилиш (*гигиена талабларига амал қилган ҳолда*).

**Қоматни тўғри тутуш.** Катталарнинг назорати остида жисмоний машқларни мунтазам бажариш. Тўғри қоматни шакллантириш, ясситовонликнинг олдини олишга ёрдам берадиган машқларни бажартириш.

**Ҳаракатлантирувчи тартиб.** Ҳар кунги сайрларда иштирок этиш. Ҳаракатли ўйинларда, жисмоний машқлар пайтида турли спорт анжомлари ва ўйинчоқлар билан фаол ҳаракат қилишга ундаш.

**Маданий-гигиеник кўникмаларни ривожлантириш.** Кичкинтойларни кўлларини совун билан ювиб, кейин сочиқ билан артишга ўргатиб бориш; мустақил равишда қошиқ билан овқат ейишини; салфеткадан фойдаланишини рағбатлантириш; тишларни босқичма-босқич тўғри ювишни кўргазмали намойиш этиш (*амалда бажариб ёки плакат ёрдамида*), болага янги ва нотаниш шароитга тушиб қолганда ёрдам бериш. Стол атрофида ўтирганда тартибли овқатланиш маданиятини тарбиялаш.

**Шахсий гигиена:**

- эрталаб бадантарбия ва сув муолажаларини ўтказишга одатлантириш;
- ичак ва қовуқни ўз вақтида бўшатиб туришга ўргатиш: хожатхонадан эҳтиёткорлик билан фойдаланишни тушунтириш;
- тирноқ, қалам ва бошқа нарсаларни тишламаслик, кўлларни, лабни ва бошқа буюмларни сўрмаслик.

**Овқатланиш гигиенаси:**

- тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш;
- мустақил овқат ейишга интилишни намойиш этиш, “овқатлантириб кўйиш” таклифидан воз кечиш;
- овқатланаётган пайтда тана аъзоларига кўл теккизмасликка, қошиқни ўнг кўл билан ушлаб, тўкмасдан ейишга ўргатиш;
- мустақил равишда овқатланаётганидан, сочиқчадан фойдаланаётганидан қувониш. Чиройли қилиб тuzалган стол, мазали овқатларни илғай билиш;
- овқатланиш қоидаларига риоя қилиш: овқатни шошилмасдан, яхшилаб чайнаб ейиш, гаплашмаслик, суюқ овқатларни, чойни тўкмасдан ичиш;
- овқатланиб бўлгач, “раҳмат” айтиш.

**Ухлаш гигиенаси:**

- тоза чойшаб ва кўрпа-тўшакда, алоҳида ўринда, шамоллатилган хонада ухлаш;
- ухлашга айнан бир вақтда ётиш;
- уйқудан олдин ва кейин ювиниш.

**Тахминий кун тартиби:**

7.00 – 7.30	Ўриндан туриш, эрталабки ювиниб-тараниш ( <i>уйда</i> )
7.30 – 8.30	Қабул, болаларнинг соғлиғини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия
8.30 – 9.00	Нонушта
9.00 – 9.30	Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик

9.30 – 10.00	Машғулотлар
10.00 – 10.20	Сайрга тайёргарлик
10.20 – 11.40	Сайр
11.40 – 12.00	Сайрдан қайтиш
12.00 – 13.00	Тушлик
13.00 – 15.30	Уйқу
15.30 – 16.00	Уйқудан туриш, ювиниш
16.00 – 16.30	Енгил иккинчи тушлик
16.30 – 17.00	Ўйинлар, мустақил фаолият
17.00 – 17.20	Сайрга тайёргарлик
17.20 – 18.20	Сайр, ўйинлар
18.20 – 18.35	Сайрдан қайтиш
18.35 - 19.00	Кечки овқат
19.00 – 19.30	Ўйинлар
19.30 – 20.00	Сайр
20.00 – 20.30	Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалар.
20.30 – 7.00	Тунги уйқуга тайёрланиш, тунги уйқу

**Бола ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.** 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган боланинг хавфсиз яшаши ва ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида куйидаги жиҳатларга амал қилиш лозим: боланинг ювиниши учун хона ҳароратига мос сувдан фойдаланиш; қайноқ сувдан куйиб қолиш ҳолатларини олдини олиш, ҳароратни ўлчагич билан ўлчаш, болалар учун мўлжалланган совун бўлагининг ўлчамлари 3,5x5 см дан катта бўлмаслигини таъминлаш, боланинг жароҳатланишига йўл қўймаслик учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш; деразаларни очиқ қолдирмаслик; болага ўз саломатлигини сақлашнинг элементар қоидаларини – зинадан пастга тушаётганда шошилмасдан, аста, поғонама-поғона тушиш лозимлигини, қўлига ўткир қиррали буюмларни олиш мумкин эмаслигини, майда нарсалар (*қум, тупроқ ва б.*) билан ўйнаётганда кичик заррачалар кўзга киришидан эҳтиёт бўлишни ўргатишда давом этиш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- тарбиячининг намунаси асосида бир қатор бўлиб тўғри юради;
- оёқларини судрамасдан юради;
- оёқларининг учида юради;
- эни 15-20 см бўлган юзада юради;
- илон изи шаклидаги чизикча устидан юради;
- тўлқинсимон шаклда ташлаб қўйилган арқон устидан юриб ўтади;
- эни 20 см бўлган юзада йўналишни сақлаб юради;
- доира бўйлаб бир томонга қараб 30-40 сония давомида югуради;
- турган жойида икки оёқлаб сакрайди;
- эни 20-25 см бўлган кичик ариқчадан сакрайди;
- тўсиқлар устидан сакраб ўтади;

- буюмларни йиғиб, маълум жойга қўяди;
- баландлиги 25-30 см бўлган арқон остидан эмаклаб ўтади;
- зинадан мустақил кўтарилади ва тушади;
- турган жойида айланади;
- умумривожлантирувчи машқларни тарбиячи намунаси асосида бажаради;
- сафланиш машқларини кўрсатма асосида бажаради;
- кичик нарсаларни саватга жойлаштиради ва ундан чиқаради;
- эрталаб бадантарбия қилишга одатланади;
- овқатланиш тартибига риоя қилади;
- овқатланаётган пайтда тана аъзоларига қўл теккизмайди, қошиқни ўнг қўл билан ушлаб, тўкмасдан ейди;
- сочиқчадан фойдаланишни билади.

### **Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш (2-3 ёш)**

**Ижтимоий ривожланиш. Катталар билан мулоқот.** Боланинг катталар билан самимий, дўстона мулоқотда бўлиш истагини рағбатлантириш. Таниш катталарнинг топшириқларини бажаришни, ўйин давомида уларга мурожаат қилишни, катталарнинг ҳикояларига, китоблардаги расмларга нисбатан қизиқишни тарбиялаш.

Ҳар бир одамнинг исми борлигини ҳамда уларнинг орасидаги муносабатларга хос номлар (*буви, бува, ойи, дада, ака, она, тоға, хола каби*) мавжудлигини тушунишга ёрдам бериш.

Болани таниш ва нотаниш одамларни ажратишга ўргатиш. Нотаниш катта одамлар билан бўладиган мулоқотда эҳтиёт бўлиш, нимани қилиш мумкин, нимани қилиш мумкин эмаслигини тушунтириш.

Бола нотаниш шароитларга кўниккунга қадар унинг ёнида бўлиш, нотаниш муҳитда у ўзини хавфсиз ҳис этаётганига ишонч ҳосил қилиш, болани тинглаётганда сабрли бўлиш, саволларига аниқ ва тўлиқ, турли усуллардан фойдаланган ҳолда жавоб бериш.

**Тенгдошлари билан мулоқот.** Бола мактабгача таълим муассасасига келгач “бола-катталар” муносабатига, “бола-тенгдош” муносабати қўшилади ва унда аста-секин тенгдошлари билан ўйнаш кўникмаси шакллана бошлайди.

Болага тенгдошларининг исмини айтиб мурожаат қилишни, саломлашиш ва хайрлашишни ўргатиш. Кичкинтойни мажбурламаган ҳолда ўз тенгдошлари билан ўйнашига имконият яратиш: биргаликда ўйнашга интилишини, уларнинг ҳаракатларини кузатиб туриши, ўйнаш истагини билдириши, сўнг ўйинга қўшилишини ҳурмат қилиш, тенгдошларини ўйинга жалб қилишга уринишини рағбатлантириш.

Ўйин давомида болалар билан ишончли муносабат (*ўйинчоқлари билан ўртоқлашади*) ўрнатишга, саволлар бериш ва суҳбатлашишга, тенгдошига ёрдам беришга (*биргаликда ўйинчоқларни йиғиш*) ўргатиш.



**Ҳиссий ривожланиш. “Мен” концепцияси** ёки ўз-ўзини англаш. Ҳамма нарсани ўзи бажаришга интилишини, ўз муваффақиятларидан (*расм чизганида, нарсалар ясаганда*) гурурланиши, ёқтирган нарсаларни олиб беришни сўраши, ўзига нисбатан эътибор талаб қилиши ва бошқалар билан мулоқот қилаётганда ўзини таништиришини, “Мен” олмошидан фойдаланишини рағбатлантириш. Боланинг кичик ютуқларига ҳам эътибор бериш, кайфиятини кўтарувчи мақтов, олқиш сўзлар айтиш зарур.

**Ҳиссий ривожланиш.** Болага атрофдагиларнинг ҳиссиётларини тушуниш, ўз ҳиссиётларини билдириш (*суюниш, муваффақиятлари билан фахрланиш*), имо-ишораларни англаш, қизиқарли топшириқни бажариш жараёнида хурсанд бўлиш, ўзига нисбатан катталарнинг муносабатларини тушунишга ёрдам бериш. Тенгдошлари билан мулоқотдан завқланиш туйғусини рағбатлантириш.

Бола билан турли ҳиссиётлар қандай пайдо бўлиши ҳақида қизиқарли суҳбатлар уюштириш, хурсанд ёки хафа бўлган ҳолатини эслатиш, ўзини қандай ҳис қилганини сўраш; одамларнинг турли ҳиссиётлари ва имо-ишоралари акс эттирилган расмларни кўрсатиш ва биргаликда муҳокама қилиш. Боланинг эътиборини бошқа болаларнинг кайфияти (*хурсанд, хафа, чарчаган*)га қаратиш, кийкинтойлар ҳақида, уларнинг қувноқ ҳаёти, орзу-умидлари ва севинчлари тасвирланган қисқа ҳикоячаларни ўқиб бериш.

#### **Ўқув йили охирида бола:**

- ўйин пайтида танишларга мурожаат қилади;
- яқинларининг ҳикоялари ва расмларига қизиқиш билдиради;
- ўзига нисбатан эътибор талаб қилади;
- болалар билан ўйнашга интилади;
- биргаликдаги ҳаракатлар орқали катталар эътиборига сазовор бўлишга уринади;
- саволлар беради ва суҳбатга киришади;
- ўйин вақтида ўртоғи билан яқин мулоқот қилади (*ўйинчоқларини бирга ўйнайди*), тенгдошларини ўйинга жалб қилишга уринади, уларнинг ҳаракатларини кузатиб туради;
- барча ишларни шахсан бажаришга ҳаракат қилади, бунда бирор-бир ҳаракатни бажариб, нафақат ўзининг исмини айтади, балки “Мен” олмошидан ҳам фойдаланади;
- эришган ютуқлари (*расм чизши, минора йиғиши*) билан фахрланади;
- ўзига ёқадиган нарсани харид қилишни талаб қилади;
- қизиқарли топшириқни бажарганда хурсанд бўлади;
- бошқаларнинг ҳис-туйғуларини билади ва ўз ҳиссиётларини ифодалайди.

#### **Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик (2-3 ёш)**

**Нутқ.** Болада катталарнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга киришиш; “раҳмат”, “марҳамат” каби

илтифотли сўзлардан фойдаланиш; боланинг ёшини сўраганда бармоқлари билан кўрсатишга ва оғзаки айтишга ўргатиш. Эртакларни ўқиш вақтида “Нима?”, “Нима учун?” каби саволлар бериш, катталарга илтимос орқали мурожаат қилиш; “Ким?”, “Нима?” деган саволга жавоб бериш, алоҳида сўз ва қисқа-қисқа жумлаларни тушуниш; катталарнинг оғзаки кўрсатмасини бажариш; мустақил ўйинларда ўз ҳаракатларини нутқ орқали ифодалаш; буюмларнинг номини, бўлаклари ва сифатларини айтиб бериш (*машина, уни рули, гилдираклари бор, юради, катта*); турли буюмлар ва расмларни диққат билан кўриш малакасини ҳосил қилиш.

Кундалик турмушда учрайдиган маълум ҳаракатларни ифодаловчи сўзларни тушуниш; эшитган оддий, қисқа мурожаатларни такрорлаш ва уларни бажариш; сўзлашганда тақлид қилиш; расмдаги нарсаларни таниш ва икки-учта сўз ёрдамида гап тузишга ўргатиш.

**Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш.** Болани аниқ, шошилмай, етарлича баланд овозда гапиришга одатлантириш.

Сўзга тақлид қилувчи товушлардан фойдаланиб, унли (*e, i, a, o, u, o'*) ва ундош (*m, n, b, p, t, d, k, g, f, v, l, r*) товушларни тўғри талаффуз этишни машқ қилдириш. Болани аста-секин саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб беришга ўргатиш. Болада эрмак, овутмачоқ ва кичик шеърларни қайтариш кўникмасини таркиб топтириш, чиройли, тўғри гапириш иштиёқини тарбиялаш.

**Луғат иши.** Товушга тақлид қилишдан аниқ сўзларни талаффуз қилишга ўргатишда давом этиш: товушга тақлид қилувчи (“*вов-вов*”, “*чиқ-чиқ*”) кабиларни аниқ номлари (*кучук, соат*) билан алмаштириш; тақлид қилишни ўстириш, яъни “айт”, “қайтар” каби топшириқларни бажаришга ундаш; болага турли товуш, бўғин ва сўзларнинг талаффузини машқ қилдириш.

Боланинг сўз бойлигини отлар (*кийим, идиш, мебель, ўйинчоқлар*), ўсимликлар (*дарахт, ўт, гул*), сабзавот (*сабзи, помидор, бодринг*), мевалар (*олма, олча, нок*), уй ҳайвонлари (*сигир, ит, мушук*) ва парандалар (*хўроз, товуқ*), уларнинг болалари (*жўжа, бузоқча, кучукча*); феъллар (*югурмоқ, сакрамоқ, юрмоқ*); сифатлар (*қизил, сариқ, кўк, иссиқ, совуқ*); равишлар (*узоқ, яқин, паст, баланд*) билан бойитиш.

Бола луғатига: катта-кичик, баланд-паст, кўп-кам каби сўз бирикмаларини киритиш.

Луғатни фаоллаштириш. Уй-рўзғор буюмларининг номлари, вазифалари ва баъзи сифат хусусиятларини билдирувчи сўзларни тўғри ишлатишга ўргатиш.

Боланинг ўрганган янги сўзларини сўз ўйинлари орқали мустаҳкамлаб бориш.

**Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш.** Ҳайвон ва паррандаларни бирлик ва кўпликда ифодалашни ўргатиш. Болага воқеанинг вақтини, жойини (“*Эртага богчага борамиз*”) ифодалайдиган сўзларни; содда гапларнинг (“*Мен ўйнайман*”) тузилишини ўзлаштириб олишида ёрдам бериш.

**Боғланишли нутқни шакллантириш.** Сўзлашув нутқини ўстириш. Болада тарбиячининг нутқини тинглашни ва тушуниб берилган саволларга тортинмасдан жавоб бериш малакасини ҳосил қилишда давом этиш, савол билан мурожаат этишга ўргатиш.

Болани таниш ҳикоя ва эртак (*тарбиячининг саволлари ва китобдаги расмлар ёрдамида, кейинчалик мустақил*)ларни қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. Ўйинчоқ, буюм ва расм мазмуни бўйича тасвирий ҳикоя (3-5 сўздан иборат) тузиш; ихчам шеърлар (*икки ёки тўрт мисра*)ни такрорлашни ўргатиш.

Таниш эртаклардан олинган парчани саҳналаштиришда қатнашишга қизиқиш уйғотиш.

**Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш.** Бола билан ёрқин расмли китобларни томоша қилиш; расмларда акс эттирилган буюмларни кўриб таниш ҳамда ёзма матн, ҳарфлар ва рақамларга қизиқишни таркиб топтириш.

Қалам ва мўйқалам билан горизонтал, вертикал ва доирасимон чизиқлар, расм чизишга (*тасвирий фаолият машғулотида*) иштиёқ уйғотиш.

**Бадий адабиёт.** Боланинг бадий сўзга нисбатан қизиқишини шакллантиришда давом этиш. Уни доимий равишда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари – эркаламалар (“Осмондаги ойларни...”); йил фаслларига бағишланган кўшиқлар (“Бойчечагим хиллолик...”, “Чаман-чаман очилар...”); айтишма-ўйин кўшиқлар (“Қуёним-қуёним...”) билан таништириш, сўзларни биргаликда такрорлаш; товушларни тўғри талаффуз этишига эътибор бериш.

Болага қувноқ шеърларни ифодали тарзда ўқиб бериш (Ш.Саъдулла “Лола ва мушук”, Қ.Муҳаммадий “Бўталок”, О.Маҳкамов “Капалак”); шеърини оҳангдаги жозибадан завқланиш каби ҳис-туйғуларни тарбиялаш; шеърда акс эттирилаётган воқеалар маъносига тушунишга ёрдам бериш; шеърни биргаликда такрорлаш, ёдлаш кўникмасини таркиб топтириш.

Бола тушунчасига мос қисқа, содда эртак (ўзбек халқ эртаклари: “Икки эчки”, “Фил билан хўроз”, рус халқ эртаги “Шолғом”) ва ҳикоялар (А.Ирисов. “Билмай қолиб”, Р.Азизхўжаев “Ойижон”)ни кўрғазмалилик (*расмлар, ўйинчоқлар, стол театри, бармоқлар ўйини*) асосида сўзлаб бериш; бадий асарларни диққат билан тинглаш; қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини кузатиш каби дастлабки кўникмаларни ҳосил қилиш; саволларга имкон даражасида тўлиқ жавоб беришга; тушунмаган жойлари ҳақида “Нима?” “Нима учун?” каби саволларни беришга ўргатиш. Бола эътиборини бадий асар мазмуни бўйича ишланган расмларга қаратиш ҳамда расм асосида асар воқеаларини сўзлаб беришга ундаш, матн ва расмнинг бир-биридан фарқи ҳақида илк тасаввур ҳосил қилиш.

Болада китобни тоза қўл билан ушлаш, варақларини авайлаб, шошмасдан, аста очиш, букламаслик, йиртмаслик, чизмаслик каби одатларни тарбиялаб бориш.

### **Ўқув йили охирида бола:**

- ёшини сўраганда бармоқлари билан кўрсатади ва айтишга ҳаракат қилади;
- катталар томонидан айтилган сўзларни тушунади;
- оғзаки берилган оддий топшириқларни бажаради; “Ким?”, “Нима?” деган саволларга жавоб беради;
- таниш буюмларнинг номини, бўлаклари ва сифатларини айтиб беради;
- айрим уй-рўзғор буюмларининг номи ва вазифаларини билади;
- нутқда отларни кўпликда тўғри ишлатади;
- ўйинчоқ, буюм ва расм мазмуни бўйича гап туза олади;
- “Раҳмат”, “Марҳамат” каби илтифотли сўзлардан фойдаланади;
- икки ёки тўрт мисрадан иборат қисқа шеърларни ёдлай олади;
- шеърини ва насрий асарларни тинглайди, мазмунини тушунади;
- эртақ ва ҳикоя воқеалари бўйича қизиқиб “Нима?” Нима учун?” деган саволлар беради; берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади;
- таниш расмларга қараб асар мазмунини гапириб бера олади;
- севимли китоби ва расмларини танийди;
- матн ва расм ҳақида илк тасаввурга эга;
- китобни тоза қўл билан ушлаш, varaқларини аста очиш, букламаслик ҳақида дастлабки тушунчаларга эга.

### **Билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш (2-3 ёш)**

#### **Элементар математик кўникмалар ва билимларни ривожлантириш.**

Бу ёшдаги бола нарсалар, уларнинг миқдори, шакли, катталиги, ранги ҳақидаги дастлабки тасаввурларни ўйин давомида, кундалик ҳаёт тарзида ва мазкур дастурда кўзда тутилган қуриш-ясаш, таълимий ўйин машқлар, расм каби машғулотлар давомида ўрганади.

Болага нарсаларни сенсор белгиларидан бири (*катталиги, шакли, ранги, миқдори*) бўйича бир жойга тўплаш, устма-уст қўйиш, остига қўйиш, қатор қилиб териш, “кўп” буюмлардан “битта” буюмни олиш, намуна ва оғзаки кўрсатмаларга асосланиб катта-кичик, кўп, кам, битта сўзларидан фойдаланиб топшириқни бажаришни ўргатиш. Бола билан икки-уч қисмли таълимий ўйинчоқларни йиғишни машқ қилиш, масалан, 2-3 та халқалардан пирамидани йиғиш, 2-3 та қутичаларга мос копоқларни танлаш.

Геометрик шакллардан доира ва куб билан таништириш.

Боладаги илк математик тушунчаларни кундалик ҳаётини вазиятларда қўллаб машқ қилиш. Унга иккита нарса бериб биттасини дўстига беришни, икки дўст учун нечта олма кераклигини сўраш. Ўйинчоқларни, кийимларини йиғишни, олиб келиб беришни ёки жойига қўйишни ўргатиш.

Ранг-баранг копток, шарчаларни бир жойга тўплаб, боладан уларни муайян хусусиятига қараб саралашни, масалан, рангига мос равишда жавонга териб қўйишни таклиф қилиш. Боланинг кичик муваффақиятларини ҳам рағбатлантириш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- “кўп” буюмлардан “битта” буюмни ажрата олади;
- катта ва кичик буюмларни ажратади, уларнинг ўлчамларини айтади;
- доира ва кубни билади;
- унга берилган 2 та нарсадан бирини дўстига беришни истайди;
- куб ва коптоқларни уларнинг ранги бўйича (*қизил, яшил, кўк, сариқ*) туркумлайди ва рангига қараб қутичага жойлаштиради;
- ўз буюмларини тартибга солади (*машиначасини, коптокни стол тагига, кийимларини жавончасига жойлаштиради*).

### **Атроф-муҳитни ўрганиш ва англаш (2-3 ёш)**

**Она Ватан ва атроф-олам.** Боланинг теварак-атроф ҳақидаги дастлабки тасаввурларини таркиб топтиришда давом этиш. Бола эътиборини гуруҳ хоналари (*ётоқхона, кийиниш, ювиниш хонаси в.б.*)га, ундаги бурчаклар (*китоб, ўйинчоқ, табиат*)га қаратиш; ҳар бир хонанинг ўз вазифаси борлиги, хонани тартибли, саранжом-сарипшта тутиш лозимлиги ҳақида тушунча бериш.

Боланинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳақидаги тушунчасини кенгайтириш ва уларга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини тарбиялаш. Бола билан “Бизнинг оила”, “Гуруҳимиз хоналари”, “Ўйин майдончамиз” каби мавзуларда қизиқарли суҳбатлар уюштириш.

**Байрамлар.** Болада мустақиллик байрами барчамиз учун энг қадрли байрам эканлиги ҳақида дастлабки тасаввурни ҳосил қилиш.

Янги йил байрами шодёналари ҳақида суҳбатлашиш.

**Катталар меҳнати.** Болани тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиси меҳнати билан таништириш, катталар меҳнатига қизиқиш уйғотиш, катталар меҳнатини қадрлаш, ҳурмат қилиш ҳиссини тарбиялаш.

**Буюмлар.** Болага ўйинчоқлар ва ошхона буюмларидан – чой идиш (*чайнак, пиёла*)лари ҳақида тушунча бериш.

**Кийимлар.** Болага устки кийим, бош кийим, оёқ кийимлар ва уларнинг вазифалари ҳақида тушунча бериш. Болада кийимларга тўғри муносабатни тарбиялаш, тоза, озода кийинишни ўргатиб бориш.

**Бола ўз танасининг қисмларини ва гигиенани ўрганади.** Болани соғлом турмуш тарзига (*қўлни ва тишни ювишга, озода юришга*) одатлантириб бориш.

Болани тана аъзоларининг номларини (*бош, қош, кўз, бурун, оғиз, тиш, қулоқ, қўл ва оёқлар*) айтиш ва уларни кўрсатишга ундаш. Инсон ҳаётида ҳар бир тана аъзосининг вазифаси ва аҳамияти ҳақида (*Қулоқларимиз эшитади. Кўзларимиз кўради в.б.*) илк тушунча бериш.

Катталар ва болаларни бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

### **Ўқув йили охирида бола:**

- гуруҳ хоналарининг номи ва вазифасини билади;
- оила аъзоларининг аталишини фарқлайди;
- тарбиячи ва энага меҳнатини қадрлашга одатланади;
- яқин атрофидаги унга маълум бўлган буюмларнинг (*ўйинчоқлар, идишлар, кийимлар, пойабзал*) номларини айтади;
- инсоннинг асосий тана аъзоларининг вазифалари (*қулоқлар эшитиши, кўзлар кўриши*)ни билади, ўз тана аъзоларини тўғри кўрсатади;
- катталар ва болаларни бир-биридан фарқлайди.

### **Табиат билан таништириш (2-3 ёш)**

**Жонсиз табиат.** Болада қуёш ва ой ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Уларга кун ва тунни ажрата олишни, кун ва тун сўзларини нутқда тўғри қўллашга ўргатиш асосида табиат ходисалари ҳақида тасаввурларини шакллантириш.

Бола билан йил фасллари алмашиши ва об-ҳаводаги айрим ўзгаришлар (*ёмғир, қор ёғиши, қуёш чарақлаб туриши, булутли ва булутсиз осмон*)ни кузатиш. Мактабгача таълим муассасаси ер майдончасида: куз фаслида ранг-баранг, чиройли барглари йиғиш, қишда дарахтлардаги, йўлкадаги оппоқ қорни, баҳорда гуллаган дарахтларни, ёзда мевали дарахтларни кузатиш; қорнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча бериш (*қор – оппоқ, юмиоқ, совуқ, иссиқда эриб, сувга айланади*).

**Жонли табиат.** Болани ўсимлик ва жониворлар ҳаётидаги айрим ходисалар билан таништириш.

Болани дарахт, гул ва ўт-ўланни фарқлашга ўргатиш. Ўсимликларни эҳтиётлаш, дарахт шохини эгиб синдирмаслик, гулларни, ўтларни пайҳон қилмасликни тушунтириш.

Болани сабзавотлар (*помидор, бодринг*) ва мевалар (*олма, ўрик, гилос*)нинг ташқи кўриниши, номи, таъми билан таништиришда давом этиш. Уларни аслига қараб ва расмлардаги тасвири асосида фарқлаш кўникмасини таркиб топтириш.

Расмда акс эттирилган ҳайвон (*мушук, кучук, сизир ва бузоқча*) ва паррандалар (*товуқ ва жўжсалар*)ни кўрсатиш, уларнинг номларини тўғри айтиш, овозига тақлид қилишга ўргатиш. Боланинг эътиборини жониворлар танасининг асосий қисмларига, ўзига хос фарқловчи белгилари, ҳаракати (*ҳайвонлар - юради, қушлар - учади*)га қаратиш. Ҳайвонларга нисбатан ғамхўр бўлишга, уларни парваришлашга ўргатиш.

Майдончага учиб келувчи қушлар билан таништириш, уларнинг хатти-ҳаракатини кузатиш (*учади, дарахтга қўнади, чўқийди*).

Сайрда бола билан капалакни кузатиш, капалакнинг чиройли, нозиклигини тушунтириш.

Табиат бурчагида аквариумдаги балиқни кузатиш ва бола билан у ҳақида суҳбатлашиш.

### **Ўқув йили охирида бола:**

- табиат ҳодисаларини кузатади;
- кун ва тунни ажрата олади;
- ҳаводаги ўзгаришларни ажратади (*масалан, қор ёғаётганда ташқарига чиқишни хоҳлайди, ёмғир ёғаётганда соябонни олади*);
- уй ҳайвонларининг номларини билади, уларнинг овозларига тақлид қилади;
- ўсимлик ва дарахтларни фарқлайди.

### **Ижод Тасвирий фаолият (2-3 ёш)**

**Расм. 2** ёшли болани бадиий асар мазмуни бўйича ишланган иллюстрациялар ва табиат манзаралари тасвирланган чиройли расмларни томоша қилиш орқали тасвирий фаолиятга қизиқтириш, улардан завқланиш каби ҳиссий идрокни таркиб топтириш мақсадга мувофиқдир.

Расм машғулотида болани қумдан ва табиий бўёқлар (*лавлаги, ўсма, сабзи, турп суви*)дан фойдаланиб – бармоқлар, кафтлар, тайёр шакллар, иплар, пахтали таёқчалар орқали расм чизишга ўргатиш мумкин. Ноанъанавий усулларни қўллаш боланинг қизиқиб, завқ билан расм солишига ёрдам беради.

Бола бу ёшда қалам билан чизишга табиий равишда қизиқади; нарсаларни ранги, ҳажми, шаклига кўра идрок қила бошлайди. Эндиликда уни аста-секин оғзаки кўрсатма ва намуна бўйича тасвирий фаолият машқига ўргатиб бориш мумкин.

Болани қоғоз, қалам ва ранглар (*қизил, сариқ, кўк, яшил*) билан таништириш, қаламни тўғри (*бош, ўрта ва кўрсаткич бармоқ билан учи очилган жойдан юқорироқдан*) ушлаш, расм чизиш ва бўяшни ўргатиш.

Кичкинтойнинг қалам ёрдамида доиралар, узун-қисқа, тўғри-эгри, тўлқинли чизиқлар чизишни рағбатлантириш. Ўйин тарзида чизаётган бу чизиқларни маъноли расм чизишга йўналтириш: қисқа чизиқларни кетма-кетликда чизиб – майсалар; доирадан – копток, бўғирсоқ чизиш мумкинлиги ҳақида тушунча бериш. Болани чизган расмлари ҳақида сўзлаб беришга ундаш, қайси ранглардан фойдаланганлигини сўраш ва ранглар номини тўғри айтишга ўргатиш.

Мўйқалам билан таништиришда, мўйқаламни темир билан қопланган қисмидан юқорироқ жойидан (*ёғоч қисмидан*) ушлашга, қалам ва мўйқаламни бир-биридан фарқлашга ўргатиш. Бўёқ билан ишлашнинг техник усулларини: мўйқаламнинг тукини сув солинган идишга ботириб, бўёқ устига бир томчи томизиш, сўнгра бўёқни мўйқаламнинг туки билан аста-секин аралаштириш, мўйқаламдаги ортиқча бўёқни сувли идиш четига суртиб туширишни тўғри ўргатиб бориш.

Болани чизик, доғ ва тасвирлар орқали атроф-борлиқдаги мавжуд товушларни англаш ва фарқлашга (*ёмғир ёғмоқда – “чак-чак”, қадам товушлари – “тўп-тўп”*); мустақил чизишга ва тарбиячи билан

биргаликда оддий мавзули расмлар (“*Чиройли қизил копток*”, “*Қор бола*”, “*Чарақлаб турган қуёш*”, “*Бўғирсоқ йўлакча бўйлаб юмаламоқда*”)ни солишга ўргатиш.

Расм чизишда қоматни тўғри тутишга ўргатиш (*эркин ўтириш, қозоғ варағи устида бошни жуда паст эгилтирмаслик*). Бармоқ ва қўл ҳаракатларини ривожлантириш.

Тасвирий фаолиятда фойдаланиладиган иш қуролларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга одатлантириш. Бола қалам, мўйқалам ва бўёқлардан фойдалангач, қўлларини тозалаб ювиши ва сувдан тўғри фойдаланишига доимо эътибор бериш.

**Лой, пластилин (тузли хамир ва рангли шамча)лар билан ишлаш.** Болада лой, пластилин (*тузли хамир ва рангли шам*)лардан ажойиб нарсалар яшаш мумкинлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва қизиқиш уйғотиш.

Болани лой, пластилин (*тузли хамир ва рангли шам*)ларнинг хусусиятлари билан таништириш (*юмшоқ, чўзилади, ёйилади, узиб олиш, юмалоқлаш мумкин*), улар билан ишлашда қўлланиладиган техник усулларни кўрсатиш ва турли шакллар яшашни ўргатиш: юмалоқланган катта гуваладан кичик гувалачани узиб, олинган бўлакни қўл кафтлари орасида ишқалаш ҳаракати билан таёқча ҳосил қилиш; таёқчанинг учларини бирлаштириб – тешик кулча; қўл кафтлари орасида айлана ҳаракат орқали – копток, бўғирсоқ, мунчоқ, олма; кафтлар орасида юмалоқланган лой парчасини яссилаб – нон, холва; бармоқлар билан яссиланган гувала ўртасида чуқурча қилиб – кичкина ликопча, пиёла ва бошқалар.

Лой, пластилин (*тузли хамир, рангли шамча*)дан тўғри фойдаланиш: нарсани клеёнка ёки тахтача устида яшаш; материалларни тартибли ишлатиш кўникмасини таркиб топтириш. Болага мавжуд кўникма ва малакаларига таянган ҳолда пластик материаллар (*лой, пластилин ва рангли шамлар*)дан мустақил нарса ясашига имкон бериш.

Лой, пластилин ва бошқалар билан ишлагандан сўнг қўлларини совунлаб ювишга ўргатиш.

**Қуриш-яшаш.** Болада намунага кўра ва мустақил тарзда қуриш-яшашни амалга ошириш бўйича бошланғич тасаввурларни шакллантириш. Қурилиш деталлари (*кубик, гшитча*) ва леґо билан таништириш. Қуриш-яшаш материалларининг ранги, шакли, узун-қисқа, катта-кичиклигига эътиборини қаратиш, ўлчовига мувофиқ равишда узун ёки қисқа йўлакча қуриш, қўшимча сюжетли ўйинчоқлар (*қўғирчоқ, машина в.б.*)дан фойдаланишга ўргатиш, яъни кичкина машиналар учун кичкина гараж, катта қўғирчоқлар учун катта уй қуриш. Тақдим этилган 3-4 жиҳоздан бирини танлашга имкон бериш.

Ўйнаб бўлгандан сўнг қурилиш материалларини жойига тартиб билан жойлаштириб қўйишга одатлантириш.

**Ўқув йили охирида бола:**



- қалам ва мўйқаламни ушлаётганда бош, ўрта ва кўрсаткич бармоқларидан фойдаланади;
- қизил, сариқ, кўк, яшил рангларни билади;
- қалам ёрдамида эгри чизиқлар, доиралар чизади;
- ўзи чизган расмларидан қувонади, завқланади;
- лой, пластилин (*тузли хамир, рангли шамча*)лардан эҳтиёткорона фойдаланишни, унинг юмшоқ ва эгилувчанлигини билади;
- лой, пластилин (*тузли хамир, рангли шамча*)ларни узади, юмалоқлайди иштиёқ билан ҳар хил буюмлар ва шакллар ясайди;
- катталар кўмагида оддий қуриш-ясаш ишларини амалга оширади;
- қурилиш материалларидан ясаган нарсани бўлақларга ажратади, қайта тахлайди ва ўз ўрнига қўяди;
- бўёқ, лой, пластилин, қурилиш материаллари ва бошқалар билан ишлагандан сўнг қўлларини совунлаб ювади.

## **Музыка** **(2-3 ёш)**

**Музыка тинглаш.** Болада музикаий фаолиятга қизиқиш уйғотиш. Боланинг ёқтирган музика асарини завқ билан тинглашини, музика оҳангига мос ҳаракатлар қилишини рағбатлантириш. Кичкинтойларга мўлжалланган энг яхши, қувноқ ёки осойишта музикаий асарлар (С.Бобоев “Қўғирчоғим аллаё”; М.Икромова “Қўғирчоғим-ўйинчоқ” в.б.)дан баҳраманд қилиш орқали уларда музикаий қобилиятни ўстириш.

Боланинг сенсор қобилиятини шакллантириш. Товуш баландлиги ва тембри турлича бўлган музикаий ўйинчоқлар: шиқилдоқча, доирача ҳақида илк тушунча бериш, товуш ва овозларни фарқлашга (Р.Рустамова “Нима чаляпман?”) ўргатиш.

Аввал тинглаган музикани эшитганда таниш; бола яхши биладиган образлар: самолёт, мушукча, айиқча, қушча кабилар талқин этилган кичик ҳажмли чолғу асарларига (Ғ.Қодиров “Айиқчам”; Е.Тиличиева “Қуш ва қушчалар”) қизиқиш уйғотиш; музика остида ифодали тарзда ўқиб берилаётган содда, ихчам ҳикоя ва шеърларни, катталар куйлаётган кўшиқларни чалғимай эшитишга ўргатиб бориш.

Турли характердаги, майин оҳангли (Д. Омонуллаева “Алла”), қувноқ оҳангдаги (Л.Ломова “Праздник”), рақсона (ўзбек халқ куйи “Дўлонча”) куйлардан тинглаш.

**Кўшиқ айтиш.** Болада кўшиқлардан эмоционал завқланишни тарбиялаш ва куйлашга иштиёқ уйғотиш.

Катталар ёки болалар куйлаётганида уларга кўшилиб куйлаш, музикадаги ритмни ҳис қилиш, кўшиқни биргаликда бошлаш ва тугаллаш (С.Абрамова “Ёмғиржон”, М.Юсупов “Чумчуқча”, М.Икромова “Сариқ баргчалар”) кўникмасини таркиб топтириш.

Болада кўшиқни енгил, табиий овозда, бақирмасдан; куйлаётганда музикага эътибор бериб, катталар овозига ҳамоҳанг равишда куйлашга

ўргатиш. Болани қувноқ, ихчам ва содда халқ кўшиқлари (“Ўрдакчам”, “Хўрозим”)ни куйлашга ўргатиш.

Тарбиячи таниш кўшиқни бошланиш қисмини ўзи айтиб, болага давомини биргаликда куйлашни таклиф қилиши, куй оҳангига мослаб хиргойи қилишни, кўшиқ айтиш билан бирга қўл ва оёқларни ҳаракатлантириш: чапак чалиш, оёқлар билан тапиллатишни ўргатиб бориши лозим.

Боланинг аввал ўрганган кўшиқни эшитганда танишини, мусиқали оҳанги билан айтишини, оҳангга мувофиқ оддий ҳаракатларни бажаришини, ўзича бирон-бир кўшиқ тўқишини рағбатлантириш.

**Мусиқий-ритмик ҳаракатлар.** Болага ритмик ҳаракатларни ўргатаётганда, дастлаб мусиқа ва ҳаракат бирлигига риоя этишга; мусиқа бошланиши ва тугалланишига қараб ҳаракатларини бошлаш ва тугатишни ўргатиш.

Аста-секин тўп бўлиб юриш; турган жойида юриш (Э.Парлов “Марш”); енгил югуриш (Венгер халқ куйи “Чумчуқлар”); икки-уч хил мураккаб бўлмаган оддий рақс ҳаракатларини таққослаб бажаришга, турган жойида якка ўзи ҳамда қўл ушлашиб жуфтликда айланишга ўргатиш.

Юриш, енгил югуриш, югуриш вақтида икки қўлни белга қўйиш, чапак чалиш, қўлларни олдинга ва икки ёнга узатиб, кафтларни айлантириш, бир оёқни тўпиллатиш каби дастлабки рақс ҳаракатларини мусиқа остида бажаришга; ўйинчоқ, байроқча, шиқилдоқчаларни ушлаб, мусиқага мослаб юқорига кўтариш, пастга тушириш, силкитиш, айлантириш каби ҳаракатларни бажаришга ўргатиш.

**Мусиқий таълимий ўйин.** Боланинг мусиқий ўйинларга қизиқиб ва қувониб иштирок этишини таъминлаш. Таниш образларнинг ҳаракатлари (*қуёнча сакраяпти, мушукча ўйнаяпти, сичқонча югураяпти*)ни бажаришга ундаш. Мусиқий-ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш.

Таълимий ўйинларда мусиқани тинглаш, диққатни жамлаш, турли товуш ва овозларни ажратиш, қўл ҳаракатларидан фойдаланиб товушларнинг паст-баландлиги ва регистр хусусиятларига кўра фарқлашга ўргатиш. (Е.Тиличиева “Паст-баланд”, Ғ.Қодиров “Ким бу?”, “Ким куйлаётганини топ”, “Қўғирчоқ нима қиляпти?”).

Кўшиқ матнига мос ўйинчоқларни (*қушча, айиқча, жўжа, мушукча, кучукча*) ўйнатиш орқали боланинг ритмик ҳаракатларини мусиқа билан боғлай олиш кўникмасини ривожлантириш.

**Болалар чолғу асбоби билан таништириш.** Шиқилдоқча, доирача каби болалар мусиқа чолғу асбоблари билан таништириш. Уларда чалиш усулларини кўрсатиш ва овозини фарқлашга ўргатиш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- мусиқали фаолиятда иштирок этишга қизиқа бошлайди;
- турли товуш ва овозларни ажрата олади;
- шиқилдоқча, доирача каби болалар чолғуларини фарқлайди;
- болалар билан биргаликда куйлай олади;

- аввал ўрганган кўшиқларини танийди;
- кўшиқ айтаётганда оҳангга мос равишда кўллари билан чапак чалади, оёқларини тапиллатади;
- катталарга эргашиб рақс тушади, кўлларни ушлаб жуфт бўлиб айланади;
- катталар ёрдамида турли образли ҳаракатларни ифода эта олади;
- мусиқа бошланиши ва тугалланишига қараб ҳаракатларини бошлашга ва тугаллашга ҳаракат қилади.

### 2-3 ёшли болалар билан ўтказиладиган эрталиклар

№	Эрталиклар	Ўтказиш вақти
1.	Қиш байрами	25-29 декабрь
2.	Баҳор байрами	20 март-20 апрель

### Ўйин фаолияти (2-3 ёш)

Болада тенгдошларининг ўйинига қизиқиш, уларни ўйинга жалб қилиш, бир-бирларига ҳалақит бермаган ҳолда биргаликда аҳил ўйнаш, ўз ўйинчоқлари билан ўртоқлашиш кўникмасини ҳосил қилишда давом этиш.

Боланинг билиш ва ҳаракат фаоллигини турли ўйинлар (*таълимий, воқеабанд, ҳаракатли, қуриш-ясаш*) орқали рағбатлантириш.

**Воқеабанд – ижроли ўйинлар.** Болани воқеабанд-ижроли ўйинга хос ҳаракатлар билан таништириш. Тарбиячи билан ҳамкорликда таниш ўйинга янги мазмун қўшиш орқали ўйин ҳаракатларини ривожлантириб боришга, яъни бир сюжет орқали бирлашган бир неча воқеабанд ўйин ўйнашга ўргатишни давом эттириш. Масалан, “Лолахон овқатланиб бўлди. Энди у нима қилади?”, “Тўғри айтаяпсизлар, Лолахоннинг уйқуси келаётганга ўхшайди” каби йўлловчи саволлар ёрдамида ўйин давом эттирилади.

Болага ўйин жараёнини тушунтириш, ижрода ўзини тутишнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш, воқеабанд ҳаракатларни ижро билан боғлашга ўргатиш. Масалан, ўйин жараёнида “она”, “ота”, “ҳайдовчи” ёки “шифокор”га хос ҳаракатларни бажаришга ундаш; айрим қаҳрамонларнинг ҳаракатлари (*қушча бўлиб учии, қуёнча бўлиб сакраи*)ни акс эттириш; ўйинда ўйинчоқлардан фойдаланиш (*кучукча вовиллайди, югуради; хўрозча қичқиради, дон чўқийди*)ни ўргатиш. Боланинг ўйин жараёнида тенгдошлари билан дўстона муносабатларини рағбатлантириш.

**Ҳаракатли ўйинлар.** Болада тарбиячи билан биргаликда оддий, содда ҳаракатли ўйинлар ўйнашга иштиёқ уйғотиш. Кичик гуруҳларга бўлиниб ўйнашга ўргатиб бориш. Ҳаракатлар (*юриш, югуриш, қўл билан отиш, сирганиш*) фаоллашадиган ўйинларни қўллаб-қувватлаш.

Боланинг соғлиғи, ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда жамоа бўлиб ўйналадиган ўйинларга жалб этиш.

**Юриш ва югуриш ўйинлари.** “Қўғирчоқниқига меҳмонга”, “Сўқмоқ бўйлаб”, “Ким секинроқ (*тезроқ*)?”, “Менга етиб ол”, “Поезд”, “Қуёш ва булут”, “Нарсани олиб кел”, “Қушчалар учяпти”, “Қуёним-қуёним”.

**Ўрмалаш ўйинлари.** “Шиқилдоққача ўрмалаб кел”, “Дарвозачадан эмаклаб ўт”, “Чизикни босма”, “Эҳтиёт бўл”.

**Улоқтириш ва илиб олиш ўйинлари.** “Доирадаги копток”, “Коптокни ушла”, “Дарвозачага киргиз”, “Нишонни мўлжалга ол”.

**Сакраш ўйинлари.** “Менинг қувноқ коптогим”, “Ариқчадан сакраш”.

**Саҳналаштирилган ўйинлар.** Болада театрлаштирилган ўйинларга кизиқиш уйғотиш, асар қаҳрамонлари билан мулоқот қилишнинг дастлабки тажрибасидан атроф-муҳит ҳақидаги (“*Лолахон бувисиникига кетяпти*”, “*Туруҳимизга меҳмон келди*”) тушунчаларини кенгайтириш.

Ўйин қаҳрамонларининг турли ҳаракатларини мусиқа орқали ифодалаш, жониворлар овозига тақлид қилиш, халқ оғзаки ижоди асарларидаги сўзларни такрорлашга кўмаклашиш. Боланинг ўйин жараёнидаги фаоллигини қувватлаш, ижодий қобилиятини ривожлантириш.

Болага катталар томонидан театрлаштирилган томошаларни қўйиб бериш.

**Саҳналаштириладиган ўйинлар:** “Шолғом”, “Фил билан хўроз”, “Бўғирсоқ”.

**Таълимий ўйинлар.** Болани дидактик материал билан ўтказиладиган ўйинларда янги нарсаларни ўрганишга бўлган иштиёқини тарбиялаш.

Нарсаларнинг ўлчами, шакли, ранги ҳақидаги тушунчаларини бойитиш. Турли ўлчамдаги халқчадан пирамида (*минорача*) ясашга, “Геометрик мозаика”га (*доира, учбурчак, квадрат*) хос шаклларнинг ўзаро муносабатлари ичида тўғри мўлжал олишга, тўртта қисмдан (*қирқма расмлар, кубиклар*) бир бутунни ҳосил қилишга, бир хилдаги нарсаларнинг битта сенсор белгиси (*ранг, шакл, ўлчам*) бўйича мослиги ва фарқларини аниқлашга, қиёслашга ва гуруҳлашга ўргатиш.

Болага 4 та ранг (*қизил, кўк, сариқ, яшил*) ҳақида содда тарзда (*номларини айтиш ва кўрсатиш орқали*) илк тушунча бериш, копток ва кубикларни ранги бўйича туркумлашни, рангига қараб қутичага жойлаштиришни ўргатиш.

Ўйинчоқ ва нарсаларни қисмларга ажратишини, қутича ёки ручкаларнинг қопқоғини очиш ва ёпишини, кичик нарсаларни саватга жойлаштириши ва ундан чиқаришини рағбатлантириш.

Дикқат ва хотирани (“Нима йўқ бўлди?”); эшитишни (“Ниманинг овози?”); тери орқали сезиш, ҳарорат фарқларини билиш қобилиятини (“Ажойиб халтача”, “Оғир-енгил”); қўлнинг майда моторикасини (*тугмачали, илмоқчали, чилвирли ўйинчоқлар*) ривожлантиришга қаратилган таълимий ўйинлар ўтказиш.

**Таълимий ўйинлар:** “Топчи, нима йўқ?”, “Иссиқ-совуқ”, “Тугмачалар”, “Илгакчалар”, “Қулфчалар”, “Боғичлар”, “Рангини топ”, “Пирамида қур”, “Бир хил буюмларни топ”, “Гулдаста тўпла”, “Ўйинчоқни топ”, “Қўғирчоқни ухлатамиз”, “Нима ўзгарди?”.

**Ўқув йили охирида бола:**

- ўйин вақтида дўсти билан мулоқот қилади;
- ўйинчоқ ва нарсаларни қисмларга ажратади, қутича ёки ручкаларнинг қопқоғини очади ва ёпади;
- кичик нарсаларни саватга жойлаштиради ва ундан чиқаради;

- 4-5 бўлакдан иборат бўлган минорачалар қуради;
- мозаикани тиради ва ўйинчоқлар тўпламидан оддий конструкциялар ясайди;
- катталар таклиф қилган ўйинларни қизиқиб ўйнайди.

## КИЧИК ГУРУҲ (3-4 ёш)

### Кичик гуруҳда ўтказиладиган машғулотлар

Т.р.	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				Жами
		Ҳафтада	Бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	
1.	Атроф-муҳит билан таништириш	1	4	16	20	36
2.	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3.	Илк математик тасаввурларни шакллантириш	1	4	16	20	36
4.	Нутқ ўстириш	1	4	16	20	36
5.	Бадий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
6.	Расм	2	8	32	40	72
7.	Лой иши	1	4	16	20	36
8.	Аппликация	0,5	2	8	10	18
9.	Қуриш-ясаш	0,5	2	8	10	18
10.	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
11.	Мусика	2	8	32	40	72
<b>Жами:</b>		<b>12</b>	<b>48</b>	<b>192</b>	<b>240</b>	<b>432</b>

### БОЛАНИНГ УЧ ЁШДАН ТЎРТ ЁШГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА РИВОЖЛАНИШИ

#### Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена (3-4 ёш)

Бола 3 ёшга қадам қўйганда жисмоний ўсиши бир қадар секинлашади. Бу даврда унинг вазни 16-18 кг атрофида, бўйи 90-100 см гача етади. Бола жисмонан анча чиниқиб, асаб тизими тараққий этади. Таянч ҳаракат органлари такомиллашиб боради. 3 ёшли бола ўз хатти-ҳаракатларини идора қилиш кўникмасига эга бўла бошлайди. Болада мустақиллик ортади, ҳиссиёт ҳамда сенсор идроки ривожланиб боради. Жамоа бўлиб ўйнаш кўникмалари шаклланади. Уч ёшли боланинг диққати қисман марказлашади, хотираси мустақамланиб, борлиқни идрок этиш жараёни бошланади, фарз қилиш имкониятлари вужудга келади.

Болани гавдасини тик тутишга ўргатиш, жисмоний сифатларини янада ривожлантириш ҳамда спорт турларига қизиқишини орттириш, жисмоний ҳаракат турлари билан таништириш, фаол бўлишга ундаш, турли ўйин ва машқларга қизиқиш уйғотиш муҳимдир. Машғулот вақтида болани қўл ва оёқ ҳаракатларини машққа мувофиқлаштиришга, оёқни судрамай, бошни эгмай енгил юришга одатлантириш ва мувозанат сақлашга ўргатиб бориш.

**Йирик моторикани ривожлантириш.** 3-4 ёшли бола юриш, югуриш, сакраш, юмалатиш, ирғитиш, илиб олиш, эмаклаш, тирмашиш, мувозанат сақлаш каби асосий ҳаракат машқларини бажара олади. Бу ёшдаги болада турли йўналишларда юриш ва югуриш, турли баландликлардан сакраш, коптокларни бир-бирига қаратиб юмалатиш, икки қўллаб пастдан, кўкрак олдидан, бошидан олдинга ошириб ирғитишни ривожлантириш.

**Асосий ҳаракатларга доир машқлар.**

**Юриш машқлари.** Қаторда тўғри юриш, йўналишни ўзгартириб юриш, навбатма-навбат юриш; чизик бўйлаб жуфт бўлиб қўл ушлашиб юришга ўргатиш.

**Югуриш машқлари.** Йўналишни ва тезликни ўзгартириб югуриш; 1 дақиқа давомида аста-секин югуриш; югуриш чоғида бурилиш; ҳуштак бўйича тўхташ; доира бўйлаб бир ўзи ва жуфтликда қўл ушламасдан қатор бўлиб югуриш; югураётганда бирданига тўхташ ва мувозанатни сақлаш.

**Сакраш машқлари.** Тўсиқларни ошиб ўтиш; икки оёқни жуфтлаб турган жойда сакраш, баландликка сакрашга ўргатиш.

**Юмалатиш, ирғитиш, илиб олиш машқлари.** Юмалатиб юборилган буюмни қувиб етиш; полга, деворга урилган коптокни илиб олиш; коптокни ўнг ёки чап қўл билан қайтариш; ерда юмалатиш; коптокни икки қўл билан баландга кўтариб, маълум нишонга (*саватга ёки челакка*) отиши учун имконият яратиш.

**Эмаклаш ва тирмашиш машқлари.** Тўғри йўналиш бўйича қўл қафтлари ва тиззалари ёрдамида, гимнастика курсиси устида тўрт оёқлаб 10 м гача эмаклаш.

**Умумривожлантирувчи машқлар.**

**Қўл мускуллари учун машқлар.** Дастлабки ҳолат: гавда тик тутилган, оёқлар елка кенглигида очилган, қўлларни юқорига ва ёнга узатиш. Букиш ва чўзиш, қўлларни орқага яшириш, бош устида, кўкрак олдида чапак чалиш; қўлларни сувда сузаётгандек ҳаракатлантириш.

**Оёқлар учун машқлар.** Турган жойида юриш; олдинга, орқага ва ёнга қадам ташлаш; бир оёқда турган ҳолда иккинчи оёқни букиш ва ёзиш; ўтириб туриш; оёқ учида кўтарилиш; товонда туриш, оёқ бармоқларини кимирлатиш; чалқанча ётган ҳолда оёқларда велосипед машқини қилдириш.

**Гавдани ривожлантирувчи машқлар.** Ўнг ва чапга бурилиш; ён томонга энгашиш; қорин билан ётган ҳолда қўлларни олдинга узатиш ва оёқларни кўтариш; ёнбошдан-ёнбошга ағдарилиш.

**Сафланиш ва қайта сафланиш.** Бир-бирининг кетидан туриш, доирага кетма-кет сафланиш.

**Майда моторикани ривожлантириш.** Лой ёки пластилиндан бўлакча юлиб олиш, пачоқлаш, узиб олиш ва чўзиш усулида турли шаклчаларни яшаш; қафтлар орасида бир бўлак лой ёки пластилинни тўғри ёки доира шаклида юмалатиб ёйиш, тайёр қисмларни бир-бирига улаш; мунчоқларни ипга териш; қаламни тўғри ушлашга ҳаракат қилиб чизик чизиш, шиша копоқоғини очиш, бураш ва ёпиш, пиёлани бир қўлида ушлаб туриш;

коптокни кўлларида ушлаш ва олдинга ташлаш каби ҳаракатларни бажартириш тавсия этилади.

**Сенсомоторикани ривожлантириш.** Бўйинини бурмасдан туриб, кўзлар билан буюмни кузатиш; кўзларини чап ва ўнг томонга ҳаракатлантиришни таклиф қилиш; айрим мусиқа асбобларининг овозига таклид қилишини рағбатлантириш; боланинг эътиборини буюмлар турлича ёритилганда хилма-хил кўринишга эга бўлишига қаратиш, болага ёруғлик ва соя тўғрисида тушунча бериш.

**Чиниқтириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш.**

**Эрталабки бадантарбия.** Бадантарбияни очик ҳавода, енгил кийимда, ҳаракатларни намунага мувофиқ аниқ, изчил бажариш. Болани 5 дақиқа давомида ўйин характеридаги машқларни бажаришга одатлантириш. Тарбиячига таклид қилиб биргаликда ҳаракат қилиш кўникмасини ўстириш, ҳаракатли ўйинларда иштирок этишга ҳамда ўйин топшириқларини бажаришга ўргатиб бориш. Ҳар куни ўтказиладиган бадантарбияни сув муолажалари билан тугаллаш (*катталар кўмагида*).

**Чиниқтириш.** Ҳаво, қуёш, сувдан фойдаланган ҳолда чиниқтириш тадбирларини амалга ошириш. Қуёшда чиниқтириш асосан эрталабки сайр вақтида боланинг турли фаолиятлари жараёнида ўтказилади. Қуёшда кун давомида 5-10 дақиқа бўлишлари мумкин.

Болани юз кўллари мустақил ювишга одатлантиришда давом этиш. Сувни сачратмаслик, совундан тўғри фойдаланиш, баданини хўл сочикда артиш, ёз ойларида очик ҳавода иложи борича кўпроқ бўлиш, чўмилишга, душдан фойдаланишга ўргатиш. Очик сув ҳавзаси (*бассейнда*)да чўмилиш (*гигиена талабларига амал қилган ҳолда*). Чўмилиш давомийлиги 5-10 дақиқа. Чўмилиш эрталабки сайрдан сўнг тушликдан олдин ўтказилади.

**Қоматни тўғри тутиш.** Катталарнинг назорати остида жисмоний машқларни мунтазам бажариш. Тўғри қоматни шакллантириш, ясситовонликни олдини олишга имкон берадиган машқлар бажартириш. Машғулотларда қоматни тик тутиш, бошни ҳаддан ташқари қуйи эгмаслик, кўкрак билан стол четларига суянмаслик, оёқларни тўғри қўйиб ўтириш.

**Ҳаракатлантирувчи тартиб.** Ҳар кунги сайрларда иштирок этиш. Ҳаракатли ўйинларда ўйинчоқлар, жисмоний машқларда спорт анжомлари билан фаол иштирок этиш.

**Маданий-гигиеник кўникмаларни ривожлантириш.** Болани эслатишсиз юзини ва кўллари совунлаб ювишга, тиш чўткасидан фойдаланиб тишларини тозалашга, қошиқдан фойдаланган ҳолда тартибли овқатланишга, ўйинчоқларини ўйнаб бўлгандан кейин жойига олиб қўйишга, дастрўмолча ва ҳожатхона қоғозидан фойдаланишга, йўталганда, аксирганда оғзи ва бурнини дастрўмолча ёки салфетка билан беркитишга одатлантириш.

Маълум изчилликда кийимни ечиш, тахлаш, жойига осиб қўйишни; тугмани ечиш ва қадашни, оёқ кийимлари ипини ечиш ва боғлашни ўргатиш. Ечиниш ва кийинишда аста-секин мустақилликни шакллантириш.



Болани озода ва тартибли бўлишга одатлантириш. Кийимдаги бетартиблик (*тугмачанинг нотўғри қадалгани ёки ечилиб кетгани, ёқанинг қайрилиб қолгани, оёқ кийимининг лой ёки чанглиги*)ка эътибор бериш, кўзгуга қараб, кийими, соч турмагини тартибга келтириши, уларни мустақил тўғрилаш ёки ёрдам сўраб катталарга мурожаат қилиш кўникмасини шакллантириш.

**Шахсий гигиена:**

- овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан сўнг ва қўл ифлосланганда (*жониворлар билан ўйнагандан кейин, сайрдан сўнг*) қўл ювиш;
- қўл ва оёқ тирноқларини ўз вақтида олиш (*катталар кўмагида*);
- ювиниш, кийиниш, чўмилиш жараёнларини тўғри айта олиш ва билиш малакаси;
- ювиниш учун зарур бўладиган нарсалар (*совун, сочиқ, мочалка в.б.*)ни билиш;
- юз ва қўлни ювиш, ювингандан кейин артиниш, сочиқни мустақил равишда олиш ва осиб қўйиш;
- шахсий буюмлардан (*дастрўмол, тароқ ва шу кабилардан*) фойдаланиш, тоза сақлаш;
- тиш чўткасидан фойдаланишни ўрганиш, қаттиқ нарсаларни тишламаслик; ширин нарсаларни кўп емаслик;
- иссиқ ва совуқ овқатларни кескин алмаштиришга йўл қўймаслик;
- шикастланган тишларни ўз вақтида даволатиш;
- озода, чиройли либосдан қувониш, сочларни тартибли турмаклаб юриш; ифлос кийимбош, кир қўлларни, таралмаган сочларни, тартибсизликни бартараф этиш (*катталардан ёрдам сўраш*);
- тоза дастрўмолдан фойдаланиш ва уни чўнтакда олиб юриш.

**Овқатланиш гигиенаси:**

- тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш;
- мустақил равишда овқат ейишга интилишни намоёйиш этиш;
- қошиқни ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, овқатни шошмасдан, яхшилаб чайнаб ейиш, суюқ овқатларни, чойни тўкмаслик;
- овқатланиш столи атрофида тўғри ўтириш, гаплашмаслик ва ошхона асбобларидан фойдаланиш;
- овқатланиб бўлгач, “раҳмат” айтиш;
- стол устини йиғиштиришда катталарга ёрдам бериш.

**Ухлаш гигиенаси.**

- ухлашга айнан бир вақтда ётиш;
- уйқудан олдин ва кейин ювиниш;
- алоҳида ўринда ухлаш.

**Тахминий кун тартиби:**

7.00 – 7.30	Ўридан туриш, эрталабки ювиниб – тараниш ( <i>уйда</i> )
7.30 – 8.30	Қабул, соғлиғини текшириш, ўйинлар, эрталабки

	бадантарбия
8.30 – 9.00	Нонушта
9.00 – 9.20	Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик
9.20 – 10.00	Машғулотлар
10.00 – 10.20	Сайрга тайёргарлик
10.20 – 12.00	Сайр
12.00 – 12.20	Сайрдан қайтиш
12.20 – 13.00	Тушлик
13.00 – 15.10	Уйқу
15.10 – 15.40	Уйқудан туриш, ювиниш
15.40 – 16.00	Енгил иккинчи тушлик
16.00 – 16.30	Ўйинлар, мустақил фаолият
16.30 – 16.50	Сайрга тайёргарлик
16.50 – 18.00	Сайр
18.00 – 18.30	Сайрдан қайтиш
18.30 - 19.00	Кечки овқат
19.00 – 19.30	Ўйинлар, болаларнинг уйга кетиши
19.30 – 20.00	Сайр ( <i>уйда</i> )
20.00 – 20.30	Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалар ( <i>уйда</i> )
20.30 – 7.00	Тунги уйқуга тайёрланиш ва тунги уйқу ( <i>уйда</i> )

**Бола ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.** 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган боланинг хавфсиз яшаши ва ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида куйидаги жиҳатларга амал қилиш лозим: болани доимо гигиена қоидаларига риоя этишини назоратга олиш; кўзларни жароҳатланишдан, куюшнинг ёрқин нури, чанг ва кум тушишидан асраш, шунингдек, гавдасини тўғри тутишини қатъий кузатиб туриш; машқларни меъёрда бажартириш; чарчашнинг олдини олиш, машғулотда боланинг ҳолатига эътибор қаратиш; машқларни эркин бажариши учун хавфсиз жой ажратиш, техника хавфсизлик қоидаларига риоя этиш; сочиқ ва ўйинчоқлар учун мўлжалланган жавонларнинг барқарор туриши ва боланинг ҳаёти учун хавф туғдирмаслигини таъминлаш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- каторда тўғри, йўналишни ўзгартириб, навбатма-навбат, жуфт бўлиб қўл ушлашиб юради;
- йўналишни ва тезликни ўзгартириб югуради;
- 1 дақиқа давомида узлуксиз югуради;
- югуриш чоғида бурилади, ҳуштак бўйича тўхтади;
- тўсиқларни енгиб ўтади;
- икки оёқни жуфтлаб турган жойда сакрайди;
- юмалатиб юборилган буюмни қувиб етади;
- нарсаларни тутиб олади ва улардан ўзини олиб қочади;
- коптокни илиб олади, уни қайтаради, ерда юмалатади;

- тўғри йўналиш бўйича қўл кафтлари ва тиззалари ёрдамида, гимнастика курсиси устида тўрт оёқлаб 10 м гача эмаклаш;
- сувда сузаётгандек қўлларини ҳаракатлантиради;
- умумривожлантирувчи машқларни тарбиячи кўрсатмаси асосида бажаради;
- ювиниш учун зарур бўладиган нарсалар (*совун, сочиқ, мочалка в. б.*)ни фарқлайди;
- юз ва қўлни ювгандан кейин сочиқдан мустақил фойдаланиб артади;
- тоза дастрўмолдан фойдаланади ва уни чўнтакда олиб юради;
- тўғри овқатланиш тартибига риоя қилади;
- мустақил равишда овқат ейди;
- қошиқни ўнг қўл билан ушлайди;
- овқатланиб бўлгач, “раҳмат” айтади;
- стол устини йиғиштиришда катталарга ёрдам беради;
- ухлашга айнан бир вақтда ётади;
- уйқудан олдин ва кейин ювинади, алоҳида ўринда ухлайди.

### **Ижтимоий- ҳиссий ривожланиш (3-4 ёш)**

**Ижтимоий ривожланиш. Катталар билан мулоқот.** Болага катталар билан мулоқотга киришиш, уларга тақлид қилиш, овоз оҳангидан мақтов ва танқидни фарқлаш, катталарни “исми” билан (*буви, бува, ойи, дада, ака, опа, тоға, хола каби*) чақиришни ўргатишни давом эттириш.

Боланинг оила аъзоларига нисбатан илиқ муносабатларни намоён этишини, уларнинг илтимосларини бажаришга ҳаракат қилиш, ёрдам сўраб мурожаат этиш, оғзаки кўрсатма бўйича буюмлар билан ҳаракат қилишини ҳамда катталар билан жуфтликдаги ўйинларга фаол киришишини рағбатлантириш.

Катталарни ҳурмат қилиш, тинглай олиш, илтимосларини, топшириқларини бажариш, кўрсатмаларига қулоқ солиш, катталар билан бўладиган мулоқотдан хурсанд бўлиш, уларнинг саволларига тўғри жавоб бериш, хушмуомалалик билан “Ассалому-алайкум”, “Лаббай”, “Хўп бўлади”, “Хайр”, “Яхши бориб келинг” каби сўзларни айтишга ўргатиш.

Бола билан суҳбатлашаётганда бошни енгил силкитиш, табассум қилиш орқали “мен сен билан”, “мен сени тушунаман” деб айтилаётганлигини унга англатиш, унинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ҳиссиётларини тушуниш.

Бола билан бирга турли расмлар, фотосуратларни томоша қилиш.

**Тенгдошлари билан мулоқот.** Тенгдоши билан мулоқотда самимийлик билан саломлаша олиш, мулойимлик билан миннатдорчилик билдиришга, биргаликда фаолият олиб боришга ўргатиш. Ўртоқлари билан қисқа вақт давомида ёнма-ён ўйнай олиши, ўйинчоқларини бошқа болалар билан ўртоқлашиши, ўйинда ташаббускорликни намоён қилиши, мулоқотда ўз имкониятларига ишонишини рағбатлантириш.

Тенгдошларининг кайфиятини, хурсанд ёки хафа эканлигини англаш ва уларга тўғри муомала қилиш, “Хафа бўлма, мен сенга ёрдам бераман” каби гапларни айтишга ўргатиш. Бошқа болаларга саволлар билан мурожаат қилишни ўргатиш, нима яхши-ю, нима ёмон эканлиги ҳақида унда тасаввур пайдо қилиш: нима қилиш мумкин (*тенгдошларига гамхўрлик қилиши*), нима қилиш мумкин эмас (*тўполон ва инжиқлик қилиши, ўйинчоқни тортиб олиши, ёмон сўзларни айтиши в.б.*). Тенгдошларининг ишларига эътиборли бўлиш ва уларни рағбатлантиришни ўргатиш: “Жуда чиройли чизибсан!”, “Жамолбек, ясаган уйча менга ёқди!”.

**Ҳиссий ривожланиш. “Мен” концепцияси** ёки ўз-ўзини англаш. Боланинг “Мен”и қуйидагиларда намоён бўлади: ўзини кўзгуда таниш, ўз исмини билиш, оила аъзолари, ўз она юрти, севимли ўйинчоқлари тўғрисида айтиб бериш. Болада ўзига нисбатан ишонч уйғотиш, мустақил ишлашга, кундалик ишларда ёрдам бериш (*хонани йиғиштириши, телевизорни ўчириши*)га ўргатиш. Ўзи ҳақида гапирганда, учинчи шахсда эмас, балки биринчи шахс “мен” олмошини қўллашга одатлантириш (“*Мен ўзим ўйнайман*”, “*Мен ўзим ейман*”, “*Мен қила оламан*”, “*Мен ўзим чизаман*”, “*Мен яхшиман*”).

Бола ўзига ишониши ёки ишонмаслигидан қатъи назар, уни қўллаб-қувватлаш, болага доимо “мен сен билан, мен сени тушунаяпман” деб тушунтириш, унинг ҳаракатларни мустақил бажаришини, савол беришини рағбатлантириш, муайян ролни ижро этадиган ўйинлар ташкил этиш, ўйинда нима ёққанлигини сўраш.

**Ҳиссий ифодалаш.** Боланинг ўз яқинларига меҳр кўрсата олиши (*ўпади, қучоқлайди*), катталарнинг ўзига нисбатан муносабатини ҳис этиши, ўзининг руҳий-ҳиссий ҳолатини ифодалай олишини (“*Ўйин менга жуда ёқди*”, “*Мен жуда хурсандман*”) қўллаб-қувватлаш.

Болани ўз ҳиссий ҳолатини бошқаришга: “Йиғлама, ҳозир бирга ўйнаймиз” деганда, йиғини тўхтатиб, катталарнинг кўрсатмаларига риоя қилишга ўргатиш.

Болада унга таниш бўлган катталар ва тенгдошларининг турли ҳиссий ҳолатларини (*қувонч, ҳайрат, жаҳл, хафа бўлиши кабиларни*) ҳис этиш қобилиятини шакллантириш ва бу ҳолатларга ўз муносабатини билдириши (*тенгдошларига гамхўрлик қилиши, уларга ёрдам бериши*)ни, йиғлаётган ёки хафа бўлган бошқа болани қўллаб-қувватлашини рағбатлантириш. Боладан у ёки бошқа бола қачон ўзини хафа, хурсанд, ёлғиз ҳис қилганлигини, нима учун ўзини шундай ҳис этганлигини айтишни илтимос қилиш. Болага ўзини бахтиёр ҳис қилиши учун шароит яратиш, уни нима бахтли ва мамнун қилиши тўғрисида сўзлашиш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- оила аъзоларига нисбатан илиқ муносабатларни намоён этади, меҳр кўрсатади (*ўпади, қучоқлайди, талпинади*), уларнинг илтимосларини бажаришга ҳаракат қилади;
- ёрдам сўраб яқинларига мурожаат этади;
- нутқдан фойдаланиш асосида мулоқот қилади;

- оғзаки кўрсатма бўйича буюмлар билан ҳаракат қилади;
- катталар билан жуфтликдаги ўйинларга фаол киришади;
- ўйинчоқларини болалар билан ўртоқлашади;
- ўз ҳис-туйғулари ва кечинмаларини ифодалайди;
- кўзгудаги аксини таърифлай олади;
- ўз она юрти, севимли ўйинчоқлари тўғрисида айтиб бера олади;
- жаҳл, қувонч, ҳайрат, хафалик каби ҳиссиётларни тушунади.

### **Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик (3-4 ёш)**

**Нутқ.** Болада катталарнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, уларга мурожаат қилиш, сўзлашиш ва мулоқот юритиш малакасини таркиб топтиришда давом этиш. Катталарга мурожаат қилиш (*“Кўзгирчоқни беринг”, “Овқат ейман”*); савол бериш (*“Эртага боғчага бораманми?”*); ўзининг хатти-ҳаракатларини сўз билан ифодалаш (*“Мен қиламан”, “Кўйлагимни ўзим кияман”*); ўзини ва қилаётган ишларини сўз ва иборалар билан (*“Кўйлагим чиройли”, “Кўлим тоза”, “Чиройли уйча қурдим”*) ифодалашга ўргатиш; турли буюмлар ва расмларни диққат билан кўриш малакасини ҳосил қилиш.

**Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш.** Болани аниқ, шошилмай, етарлича баланд овозда гапиришга одатлантиришда давом этиш. Товушларни тўғри талаффуз этишига эътибор бериш. Сўзга тақлид қилувчи товушлардан фойдаланиб, бу сўзларни ҳар хил баландликда ва тезликда, унли (*e, i, a, o, u, o*) ва ундошлар (*m, n, b, p, t, d, k, g, f, v*)ни тўғри талаффуз этишни машқ қилдириш. Берилган саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб беришни ўргатиш; расмда кўрган ёки эшитган бирор воқеани сўзлаб беришга ундаш; қисқа эртак ва шеърларни ифодали айтиш кўникмасини таркиб топтириш ва чиройли, равон гапириш иштиёқини тарбиялаш.

Бола *“г”, “г”* каби айрим товушларни талаффуз этишда қийналса, ушбу товушларни тўғри талаффузи бўйича алоҳида машқ қилдириш.

**Луғат иши.** Боланинг луғатини уй-рўзғор буюмларнинг номини англатадиган отлар (*кийим, идиш-товоқ, мебель, ўйинчоқлар*); табиат ходисаларини (*ёмғир, шамол, қор*) айтиб бериш; ўсимликлар (*дарахт, ўт, гул*); сабзавот (*сабзи, карам, помидор, бодринг.*); мевалар (*олма, ўрик, нок, олча*); уй ҳайвонлари (*от, сизир, ит, мушук*) ва уларнинг болалари (*тойчоқ, бузоқ, кучукча*); айрим ҳаракатларни ифодаловчи феъллардан (*артмоқ, пиширмоқ, тайёрламоқ*) фаол фойдаланиш; сифатлар (*катта-кичик, қизил, сариқ, кўк, яшил, иссиқ, совуқ, ширин, аччиқ*); вақтни белгилайдиган равишлар (*кеча, бугун, эртага, узоқ, яқин*) билан бойитишда давом этиш.

Боланинг теварак-атрофдаги нарса ва ходисалар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш; буюмларнинг шакли, ҳажми, сифати ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча бериш орқали сўз бойлигини орттириш.

Катта-кичик, баланд-паст, кўп-битта каби сўз бирикмаларини маъносини тушунтириш ва ўз ўрнида қўллашга ўргатиш.

**Луғатни фаоллаштириш.** Расмларда тасвирланган нарсаларни таниш, улар ҳақида имкон даражасида сўзлаб бериш; уй-рўзгор буюмларининг номлари, вазифалари ва баъзи хусусиятларини билдирувчи сўзларни тўғри ишлатишга ўргатиш.

Боланинг янги ўрганган сўзларини сўз ўйинлари, топишмоқлар орқали мустаҳкамлаб бориш.

**Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш.** Болага нутқда отларни кўпликда (*гул-гуллар, дарахт-дарахтлар*) тўғри ишлатиш; сифатларни от билан шахс ва сонда (*Унинг иккита оқ куйлаги бор*) мослаштириш; феълларни ўтган (*Кеча тугилган кунга бордим*) ва келаси замонда (*Эртага гул экамиз*) келишини машқ қилдириш; сўроқ сўзларнинг интонациясини эгаллашга тайёрлаш. Отларни келишик кўшимчалари билан тўғри турлашга (*Анварни, Анварнинг, Анварга*); феълларни шахс-замон кўшимчалари билан тўғри туслашга (*олдим, олдинг, олди*) ўргатиш. Ҳайвон ва паррандаларни бирлик ва кўпликда (*қўй-қўйлар, қуш-қушлар*) ифодалашга ўргатиш. Айрим ҳайвонларнинг болаларини билдирувчи сўзларни аниқ айтишга эътиборини қаратиш. Болага воқеанинг вақти, жойини (*Мен бугун боғчага бордим*) ифодаладиган сўзларни; содда (*Мен келдим*) ва қўшма гапларнинг (*Мен меҳмонга бордим ва ўртоғим билан ўйнадим*) тузилишини ўзлаштириб олишларида ёрдам бериш.

**Боғланишли нутқни шакллантириш.** Сўзлашув нутқини ўстириш. Бола тарбиячининг нутқини тинглаши ва тушуниши. Берилган саволларга тортинмасдан жавоб бериш кўникмасини таркиб топтиришда давом эттириш. Савол билан муружаат этишни ўргатиш.

Болани таниш ҳикоя ва эртаклар (*тарбиячининг саволлари бўйича ёки китобдаги расмларга қараб*) мазмунини сўзлаб беришга ўргатиш. Эртак ва ҳикояларни саҳналаштиришда иштирок этишга, ёдлаган шеърларини ифодали ўқиб беришга ҳавас уйғотиш.

**Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш.** Китобдаги расмлар маъносини англаш, адабий асар мазмунини сўзлаб бериш, шеърларни ёдлаш ва ифодали айтишга ўргатиш. Ўзидан кичик ёшдаги болаларга ёки кўғирчоқларига китоб ўқиб беришга тақлид қилиш; катталар китоб ўқиб бераётганида, саҳифа горизонтал йўналиш бўйлаб ўқиладиганлигига бола эътиборини қаратиш.

“Сўз” ва “товуш”нинг маъносини тушуниш, уларни ўйинларда, амалий машқларда қўллаш олишга ўргатиш. Сўздаги товушларни тўғри талаффуз этиш, оддий чизиқлар, илгаклар, белгилар нусхаларини кўчиришга ўргатиш (*тасвирий фаолият машғулотларида олиб борилади*).

**Бадий адабиёт.** Болада бадий асарларга нисбатан қизиқиш уйғотиш, шеърини асарлардан завқланиш, насрий асарларда акс эттириладиган воқеалар мазмунини тушуниш, таъсирланиш кўникмаларини таркиб топтиришда давом этиш. Болага доимий равишда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан: йил фасллари ҳақидаги (“Келса йилбоши – Наврўз”, “Офтоб чикди оламга...”); қувноқ ўйин қўшиқлари (“Сичқон-мушук ўйнаймиз...”); айтишмалар (“Карим қайда?...”)ни

ифодали тарзда ўқиб бериш орқали миллий оҳангдаги жозибани, ритмнинг бир текисда такрорланишидан вужудга келадиган муסיқийликни ҳис этиш туйғусини шакллантириш. Боланинг тафаккури ва нутқини ривожлантиришда, хотирасини мустаҳкамлашда, одоб-ахлоққа ўргатишда кўл келувчи халқ мақоллари билан доимий равишда таништириш.

Болада шеърӣ асар қаҳрамонларини кузатиш, уларнинг руҳий ҳолатидан таъсирланиш: шодланиш, қувониш ёки аксинча ҳамдардлик билдириш (Т.Адашбоев “Насибанинг олмаси”, Ҳ.Раҳмат, “Қувонч”, М.Раззоқов “Ўжар”, Р.Файз “Бодиринг”) каби туйғуларни тарбиялаш; табиат манзаралари, йил фасллари ҳақидаги қувноқ шеърлар (А.Зиёмат “Олтин кузим”, З.Исомиддинов “Чана”, А.Абдураззоқ “Қиш кетар” в.б.) дан намуналар ўқиш орқали атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Боланинг шеър ёдлашга (А.Обиджон “Коптоқлар кўшиғи”, Й.Сулаймон “Бувижон” в.б.) бўлган ҳавасини рағбатлантириш.

Болани бадий асар (*эртақ, афсона, ҳикоя*)ларни диққат билан тинглаш, маъносига тушуниш, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини кузатишга ўргатиш. Эртақларга хос хусусиятлар ҳақида илк тушунчалар бериш (ўзбек халқ эртақлари “Эчки болалари”, “Бароқхон”); ҳикоялардаги ҳаётӣ воқеаларни англаш, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини (*хафа, хурсанд*) ҳис этиш, аста-секин уларнинг хулқига ”яхши” ёки “ёмон” деб (А.Носиров “Янги машина”, Я.Саъдуллаева ”Йўлда”, Ҳ.Бадалов “Қип-қизил олма”, М.Муродов “Бўлиб ейишди” в.б.) баҳо беришга ундаш. Болани халқ афсонаси - “Нон ҳамроҳ” билан таништириш асосида нон ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Нонни азиз билиб, уни увол қилмасликка, қадрлашга одатлантириш.

Болани ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзувчиларининг бадий асарлари билан бир қаторда турли халқ оғзаки ижоди ва ёзувчиларининг асарлари билан ҳам таништириш (қозоқ халқ эртаги “Олмаҳон”, украин халқ эртаги – “Кўлқоп”, рус халқ эртаги – “Бўғирсоқ”; Қ.Мирзоалиев “Шкафга етса бўйим”, А.Барто “Коптоқча”, С.Маршак “Фил”, Г.Виеру “Офтоб, офтобжон” в.б.).

Бадий асарлар бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган суҳбат-мунозаралар ўтказиш; суҳбат жараёнида таниш эртақ ва ҳикояларни сўзлаб беришга; асар қаҳрамонлари ҳақида ўз муносабатини билдиришга бўлган иштиёқини рағбатлантириш; сеvimли асарларидан парча ўқиб ёки сўзлаб берилганида, асар номини айтиш; асар воқеалари асосида берилган оддий саволларга тушуниб, жавоб бериш кўникмасини шакллантириш; тушунмаган жойлари ҳақида тортинмасдан кўшимча изоҳлаб беришни сўрашга ўргатиш. Бола диққатини бадий асар мазмуни бўйича ишланган расмларга қаратиш, унда акс этган асар қаҳрамонларини таниш, номларини айтиш ва сўзлаб беришга ундаш; матн ва расмнинг бир-биридан фарқи ҳақидаги (*матн - сўзлар, гаплар воситасида тузилади; расм эса қалам, акварел бўёқ, гуаш в.б. воситасида тасвирланади*) тасаввурларини кенгайтириш.

Болада китобга нисбатан қизиқиш, меҳр ҳисларини кучайтириш, китобни тоза қўл билан ушлаш, варақларини авайлаб, шошмасдан, аста очиш, букламаслик каби қоидаларни ўргатишда давом этиш.

#### **Ўқув йили охирида бола:**

- катталар ва болалар билан мулоқот қилади;
- ўзининг эҳтиёжларини нутқ орқали ифодалайди;
- уй-рўзғор буюмлари ва кийим-кечакларнинг номи ва вазифаларини; табиат ҳодисаларини (*ёмғир, қор ёғаяпти; шамол эсаяпти*) ифодаловчи сўзларни тўғри ишлатади;
- нутқда отларни кўпликда ишлатишга; сифатларни от билан шахс ва сонда мослаштиришга; феълларни ўтган ва келаси замонда тўғри ифодалашга ҳаракат қилади;
- таниш ўйинчоқлар, мева ва сабзавотлар, мавзули расмлар бўйича 2-3 та гапдан иборат тасвирий ҳикоя туза олади;
- эртак ва ҳикояларни қизиқиб тинглайди;
- севимли асаридан парча эшитганида танийди, номини айтади;
- асар мазмуни бўйича саволларга жавоб беради;
- китобдаги расмларга асосланиб, бадиий асар мазмунини сўзлаб беради;
- эртак ва ҳикоялар мазмунини (*тарбиячи билан бирга, мустақил ҳолда*) сўзлаб бериш кўникмасига эга;
- тўрт қатор шеърни ёдлайди ва ифодали тарзда ўқий олади;
- китобга қизиқади, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади;
- ўртоқларига ёки қўғирчоқларига “китоб ўқиб бериш”га тақлид қилади;
- китоб ўқиётганда, саҳифани горизонтал йўналиш бўйлаб кузатади;
- расмларда акс эттирилган воқеалар маъносини англайди;
- “сўз” ва “товуш”нинг маъносини тушунади, уларни ўйинларда қўллайди;
- сўздаги товушларни тўғри талаффуз эта олади, (*“р”, “л” каби айрим товушларни талаффуз этишда маълум қийинчиликларга учраши мумкин*);
- оддий чизиклар, илгаклар, белгилар нусхаларини кўчира олади.

### **Билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш (3-4 ёш)**

#### **Элементар математик кўникмалар ва билимларни ривожлантириш.**

**Сон ва санок.** Болага буюмларнинг ранги (*қизил, сариқ, кўк, яшил*), шакли (*юмалоқ, квадрат*) бўйича гуруҳ ҳосил қилишни, гуруҳдан бир буюмни ажратишни, “кўп”, “битта”ни фарқлашни, хонада қайси буюмлар кўп, қайси битталигини, “биттадан”, “битта ҳам”, “кўп”, “кам” “тенг”, “шунча” каби сўзларни тушуниш ва нутқда ўз ўрнида қўллашни, “қанча?” сўроғининг маъносини тушунишни ўргатиш.



Тўплам таркибига кирувчи буюмларнинг миқдорига кўра гуруҳларнинг тенглиги ва тенг эмаслигини фарқлаш, бир буюмни иккинчисининг устига ёки остига қўйиб таққослашни ўргатиш.

Теварак-атрофдан битта ва кўп буюмларни топишни машқ қилиш. 1 ва 2 сони билан таништириш. Биринчи машғулотда 1 сони билан таништириш; иккинчи машғулотда аввал 1 сони ҳақидаги тасаввурини аниқлаб, мустаҳкамлаб, сўнг 2 сонини ўргатишни бошлаш. 2 гача санаш ва 2 та нарсанинг сонини айтиб умумлаштиришни ўргатиш. Масалан, “Бир, икки – иккита ёнғоқ”, “Бир, икки – иккита олма. Икки дўстга иккита олма берамиз”.

Боланинг мулоқот ва ўйин вақтида сонлардан фойдаланишини рағбатлантириш. Илк математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларида ҳар бир боланинг ўзига хос хусусиятини доимо ҳисобга олиш. Масалан, бир бола сонларни тез эслаб қолади, бошқа бола жуда кўп машқ қилганидан сўнг ўрганиб олади.

**Миқдор, катталиқ.** Болага буюмларнинг катта-кичиклиги бўйича гуруҳларга ажратишни, бир турдаги буюмлардан гуруҳ тузишни, “катта-кичик”лигини таққослаб аниқлашни ўргатиш. “Катта”, “кичик” сўзларининг маъносини тушунтириш.

Кескин фарқ қилувчи ва бир хил ўлчамдаги икки буюмнинг баландлиги ва энига кўра қиёслаш ҳамда қиёслаш натижаларини “баланд”, “паст”, “бир хил” сўзлари билан белгилаб айтишни, буюмларнинг ўлчамини аниқлашда ажратилган белгилари (“*узун-калта*”, “*тор-кенг*”) бўйича қиёслаб, устига ва энига қўйиш усулларида фойдаланишни, катта-кичик, узун-калта, баланд-паст, кенг-тор сўзларининг маъносини тушуниш ва нутқда тўғри қўллашни ўргатиш.

**Геометрик шакл.** Доирани таниш ва номини айтишни, уни сезиш, ҳаракат ва кўриш йўллари билан текшириш усуллариини ўргатиш.

Квадрат билан таништириш. Доира ва квадратни фарқлаш ҳамда айтишни – сезиш, ҳаракат ва кўриш усуллари орқали ўргатиш.

Болага шар ва куб ҳақида тушунча бериш ва турли топшириқлар ёрдамида шар ва куб ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Учбурчакни таниш ва номини айтишни, уни сезиш, ҳаракат ва кўриш йўллари билан текшириш усуллариини ўргатиш.

Болага буюмларни кузатиш, уларнинг жойлашуви, белгилари, ўлчамларига эътибор қаратиш имкониятини бериш, буюмларнинг белгиларини саралайдиган ўйинлар ташкил этиш, уларнинг ўлчами, шакли ва рангини солиштириш ҳамда ўртасидаги тафовутлар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилиш.

**Фазода мўлжал олиш.** Ўнг ва чап қўлни фарқлаш ва айтишни, буюм (*ўйинчоқ*)ларни ўнг қўл билан чапдан ўнгга қўйишни ўргатиш.

Болага жиҳозларнинг жойлашган ўрни ҳақида саволлар билан мурожаат қилиш. Мустақил ҳолда ўз ўйинчоқларини тартибга (*машина ва коптокни стол остига, кийимини шкафга, ...*) солишга одатлантириш.

Буюмларнинг ўзига нисбатан жойлашишини аниқлашга, “яқин-узоқ”,

“тепада-пастда”, “орқада-олдинда” сўзларини нутқда тўғри қўллашга ўргатиш.

**Вақт бўйича илк тушунчалар.** Болада сутка қисмлари (*эрталаб, кундузи, кечқурун, тун*)ни айтиш ва фарқлаш кўникмасини таркиб топтириш.

**Қуриш-ясаш.** Болага содда воқеабанд ўйин масалаларини лойиҳалаб оддий қурилмаларни: “лего” туридаги бўлақлардан моделлар, 3-4 та қисмли пазлларни йиғишни ўргатиш.

Бола эгаллаган билим ва кўникмалар қуйидаги ўйинлар орқали мустақамланади: “Ким тўғри кўрсатади ва айтади?”, “Рангли доиралар”, “Сеҳрли халтача”, “Пазл”, “Ўз уйингни топ”, “Ўнг томонга бир қадам, чап томонга бир қадам”, “Кимга қанча?”, “Кўп, оз, битта”, “Қайси қўлимда кўп?”, “Қанча бўлса, шунчани кўрсатинг”, “Тез юрар поезд”, “Дўкон”, “Шунча халқани топинг”, “Қопчада қанча доира бор?”, “Юқорида-пастда”, “Ўнг-чап”, “Қайси қўл билан тезроқ?”, “Олдинга-орқага”, “Пастда-тепада”, “Узун-калта ленталар”, “Катта ва кичик”, “Қайси шаклни қўямиз?”.

**Ўқув йили охирида бола:**

- “кўп” ва “битта” буюмларни ажратади, “битта”, “кўп”, “кам”, “тенг”, “шунча” сўзларини ўз ўрнида қўллай олади;
- катта-кичик, узун-калта, баланд-паст, кенг-тор буюмларни ўлчамига қараб ажратади, уларнинг ўлчамларини айтади;
- теварак-атрофдан битта, кўп ва ўхшаш буюмларни топа олади;
- 2 гача санайди (*иккита олма беришни сўрайди, биттасини ўртоғига беришни хоҳлагани учун*);
- доира, учбурчак ва квадратни билади ва номларини айта олади;
- шар ва кубни билади;
- “якин-узок”, “орқада-олдинда”, “тепада-пастда”, “ўнгда-чапда” сўзларини тушунади ва нутқда тўғри қўллайди;
- мустақил ҳолда ўз ўйинчоқларини тартибга солади (*машина ва коптокни стол остига, кийимини шкафга, ...*);
- сутка қисмлари (*эрталаб, кундузи, кечқурун, тун*)ни фарқлайди;
- лего туридаги ўйин бўлақларидан содда моделлар йиғади;
- 3-4 қисмли пазлларни йиғади.

### **Атроф-муҳитни ўрганиш ва англаш (3-4 ёш)**

**Она Ватан ва атроф-олам.** Болада оила аъзолари (*буви, бува, ота-она, ака-ука, опа-сингил*)га нисбатан муҳаббат, ҳурмат ҳиссини тарбиялаш.

Болани ўз исми, ёши, бошқа болалар исминини айтишга ундаш.

Ҳаётда ҳар бир одамнинг вазифаси борлиги: катталар ишлайди, кичик болалар мактабгача таълим муассасаларига борадилар, катта болалар мактабда ўқийдилар ва бошқалар тўғрисида тушунча бериш.

Шунингдек, одамлар ўз уйларида яшайдилар, овқат тайёрлайдилар (*суюқ ва қуюқ овқат пиширилади, сабзавотлар ювилади, артилади,*

*тўғралади; сут қайнатилади*), маълум вақтда овқатланадилар, ухлайдилар ва бошқалар ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш.

Болага атроф-оламдаги воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирига боғлиқлигини тушунтириш: ҳаво совуқ бўлса иссиқ кийим кийилади; қоронғида чироқ ёқилади; шамол бўлганда деразаларни ёпиш керак.

**Буюк сиймолар.** Болани Алишер Навоий расми билан таништириш. Тарбиячи Алишер Навоийнинг расмда акс этган сиймоси ҳақида тушунарли, содда жумлаларда, меҳр ва ифтихор билан тасвирий ҳикоя (*нуронийлиги, кўзларининг меҳр билан боқиши, кийимлари*) айтиб бериш орқали бола қалбида улуғ шоирга нисбатан муҳаббат, ҳурмат ҳиссини уйғотади. Китоб бурчагига Алишер Навоийнинг расми, китобларидан намуналар қўйиш мумкин.

**Байрамлар.** Болада “Мустақиллик”, “Меҳржон”, “Наврўз” байрамлари ҳақида илк тасаввур ҳосил қилиш. Байрам кунлари кичиклар катталар (*ота-оналари, буви, боболари*)ни ҳурматлаб, эъозлаб кўргани боришлари, ҳар хил совғалар бериб ҳурсанд қилишлари; ўз навбатида катталар уларни дуо қилишлари ҳақида тушунча бериш. Болада катталардан дуо олишга, “баракалла”, “раҳмат”, “кўп яша” каби олқиш сўзларини эшитишга нисбатан ҳавас уйғотиш.

**Катталар меҳнати.** Боланинг мактабгача таълим муассасаси ходимлари (*тарбиячи ёрдамчиси, ошпаз, қоровул, ҳамшира, фаррош*)нинг меҳнати ҳақидаги тасаввурларини бойитиш. Уларнинг меҳнат жараёнлари (*тарбиячи ёрдамчиси хонани тозалайди, идишларни, деразаларни ювади, сочиқларни алмаштиради, овқат келтиради; ошпаз овқатлар, пишириқлар, ичимликлар тайёрлайди*) билан таништириш. Болага катталарнинг меҳнатини ҳурмат қилиш кераклигини сингдириб бориш.

Бола ўз оила аъзоларини, тарбиячини, тарбиячи ёрдамчиси ва мусиқа раҳбарининг исмини билиши ва катталарга “сизлаб” мурожаат этишига эришиш лозим.

Болани тарбиячига енгил ишларда ёрдамлашиш (*стол тузатиш, қошиқлар, кичик сочиқларни, нон идишларни қўйишига; машғулотлар учун керакли материалларни тарқатиш ва уларни йиғиштириш; ўйинчоқларни ўйнаб бўлгандан сўнг йиғиштириш*)га ўргатиб бориш.

**Транспорт воситалари.** Болага турли транспорт воситалари (*енгил машина, автобус, самолёт, поезд*) ҳақида тушунча бериш, бу борадаги билимларини кенгайтириш ва уларнинг номларини тўғри айтишга ўргатиш.

Болага йўл қоидаларига риоя этишни ўргатиш. Кўчанинг машина юрадиган қисми билан пиёдалар юрадиган йўлкани фарқлаш кўникмасини шакллантириш. Светофорнинг ранглари ва уларнинг вазифаларини тушунтириш.

**Буюмлар.** Болага уй-рўзғор буюмлари (*гилам, жавон, хонтахта, стол, стул*) ва ошхона идишлари (*коса, лиссонча, лаган, чойнак-пиёла, челақ*)ни фарқлашни, номларини тўғри айтишни ўргатиш.

Электр жиҳозлардан телевизор ҳақида тасаввурни шакллантириш.

**Кийимлар.** Болага кийимларнинг турлари ҳақида тушунча бериш, уларни гуруҳларга ажратишга ўргатиш. Устки кийимлар (*кўйлак, нимча, пальто, тўн*), бош кийимлар (*дўппи, телпак, қалпоқ, рўмол*), оёқ кийимлар (*туфли, этик, шиппак*)нинг вазифалари ва улардан мавсумга қараб фойдаланиш, кийимларни эҳтиётлаш, тоза ва озода кийиш малакасини тарбиялаш.

**Бола ўз танасининг қисмларини ва гигиенани ўрганеди.** Болани соғлом турмуш тарзига одатлантириш. Унга танасининг аъзоларини кўрсатиш, номларини ва вазифаларини айтиш. Масалан, одамда иккита, ўнг ва чап қулоқ бор. Қулоқларимиз орқали эшитамиз. Кўзларимиз ҳам иккита, биз улар орқали оламни кўрамиз. Бурун орқали нафас оламиз. Танадаги ҳар бир аъзо соғ бўлса, ўз вазифасини аниқ бажарса, одам соғлом ҳаёт кечириши ҳақида болага содда тарзда тушунчалар бериш. Мавзуга оид ҳикоя ва шеърлар ўқиб бериш, кўргазмали материаллардан фойдаланиш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- буюк бобомиз Алишер Навоийни суратидан танийди;
- “Мустақиллик”, “Меҳржон”, “Наврўз” байрамлари ҳақида илк тасаввурга эга;
- мактабгача таълим муассасаси ходимларининг меҳнати ҳақида илк тушунчага эга;
- турли транспорт воситаларини билади, йўл қоидалари, светофор ҳақида дастлабки тасаввурга эга;
- уй жиҳозлари (*гилам, жавон, хонтахта, стол, стул*) ва ошхона идишларининг номларини билади;
- электр жиҳозлардан телевизорнинг номини айтади;
- бола ўзининг кўринишини таърифлай олади.

### **Табиат билан таништириш**

**(3-4 ёш)**

**Жонсиз табиат.** Болани об-ҳаводаги ўзгаришлар (*шамол эсиши, ёмғир, қор ёғиши, ҳаво булутли ёки очиқ бўлиши қуёш чарақлаб туриши*)ни айтишга ўргатиш.

Сув, қор, муз, қум, лойнинг ўзига хос белгиларини фарқлаш ва номини айтиш, оддий тажрибага асосланиб, уларнинг хусусиятларини (*қор-оппоқ, юмшоқ, совуқ; муз-қаттиқ ва сирпанчиқ; сув оқади, илиқ ва совуқ бўлиши мумкин; лой-юмшоқ, ундан нарсалар ясаш мумкин, агар лой қуриса, эзганда уқаланади, тупроққа айланади*) ўргатиш.

Болага қумнинг хусусиятларини қизиқарли мисоллар орқали таништириш: қум қуруқ бўлса – тўкилади, ҳўл бўлса – шаклни яхши сақлайди, ҳўл қумдан нарсалар ясаш мумкин. Шунинг учун турли шакллар (*нон, юлдузча*) ясашда қумга сув аралаштирилади. Боланинг қумдан хилма-хил шакллар ясаб ўйнашини рағбатлантириш.

Йил фасллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари (*ёзнинг иссиқ, қишнинг совуқ эканлиги*) тўғрисида тушунча бериш.

Табиат ҳодисалари ва одамларнинг унга муносабати (*ёмғирли – нам ҳавода костюмсиз сайр қилиш мумкин эмас, ёзда иссиқ ҳавода қуёш тафтидан сақланиш учун бош кийим кийилади, қишда совуқ ҳавода иссиқ пальто, шарф, этик, шапкалар кийилади*)ни тушунтириш.

Эрталаб, кундузи, кечкурун, кечаси сўзларининг маъносини ҳамда катталар ва болалар сутканинг турли вақтларида қандай ҳаракат қилишлари ҳақида суҳбатлашиш орқали тасаввурларини кенгайтириш.

**Жонли табиат. Ўсимликлар дунёси.** Сабзавотлар (*бодринг, помидор*) ва мевалар (*олма, гилос, ўрик*)нинг номи, таъми, ранги ва шаклини билишга, ўзаро фарқлашга ўргатишда давом этиш.

Сабзавотлар (*сабзи, картошка, шолғом, пиёз*) ва мевалар (*олча, анор, ёнғоқ*) билан таништириш, уларнинг номи, таъми, ранги ва шаклини ўргатиш.

Хона гули (*фикус*) билан таништириш, уни парвариш қилиш йўллари (*йирик барглари арттиш, сув қуйиш*)ни ўргатиш. Тарбиячи тувакка пиёз экиб, қандай парвариш қилишни тушунтиради.

Гуллайдиган маданий (*атиргул*) ва ўт ўсимликлар (*қоқиўт, лолақизгалдоқ*) билан таништириш. Уларнинг номлари ва ранглари тўғри айтишга ўргатиш. Шу билан бирга боланинг эътиборини баргларнинг шаклига, пояси ва гулларидаги фарқларга, баъзи ўсимликларнинг шифобахш хусусиятларига қаратиш.

Ёз фаслида ўсимликлар ҳаёти қандай кечиши ҳақида суҳбат ўтказиш.

Олма, ўрик, олча, ёнғоқ дарахтлари мисолида уларга хос бўлган умумий хусусиятлар: тана қисмлари (*шохи, барги, гули, меваси*) билан таништириш.

Истироҳат боғида сайр қилиб юрганда манзарали дарахтларнинг барги ва меваларини тўплаш.

**Ҳайвонот дунёси.** Болани уй ҳайвонлари (*мушук, кучук, қўй ва қўзичоқ*) ва ёввойи ҳайвонлар (*қуён, айиқ*), паррандалар (*хўроз, товуқ, жўжалар*) билан таништириш. Уларнинг номларини тўғри айтишга ўргатиш.

**Қушлар:** мусича, чумчуқ ва қалдирғоч билан таништириш. Уларнинг номини тўғри айтиш, катта-кичиклигига эътибор бериш, товушларидан таниш ва фарқлашни ўргатиш.

**Ҳашаротлардан** хонқизи ва асалари билан таништириш. Уларнинг айрим ўзига хос хусусиятларини фарқлашга ўргатиш.

Аквариумдаги балиқлар билан таништириш, уларнинг ҳаёт тарзи, нималар билан озиқланиши ҳақида қисқача маълумот бериш ва тана қисмлари, рангларидаги фарқларга бола эътиборини қаратиш. Аквариумдаги балиқчаларни озуқа билан боқиш, жониворларга сув, дон беришга ўргатиш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- 2-3 хил дарахт ва 2-3 хил ўсимликнинг номини билади;
- йил фасллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари (*ёзнинг иссиқ, қишнинг совуқ эканлиги*) тўғрисида тасаввурга эга бўлади;

- эрталаб, кундузи, кечкурун, кечаси сўзларининг маъносини ҳамда катталар ва болалар сутканинг турли вақтларида қандай ҳаракат қилишларини тушунади;
- уй ва ёввойи ҳайвонлар боласининг номини айта олади;
- ҳайвон ва қушларни ажратади.

### **Ижод Тасвирий фаолият (3-4 ёш)**

**Расм.** Болани расм чизишга қизиқтириш, атроф-олам ҳақидаги тасаввур ва таассуротларини тасвирлашга ўргатиш. Йил давомида боланинг ранглар (*қизил, кўк, сариқ, яшил, оқ, қора*) ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаб бориш.

Болага қалам ва мўйқаламни тўғри ушлашни ўргатишда давом этиш. Қаламни бош, ўрта ва кўрсаткич бармоқ билан учи очилган жойдан юқорирокдан, мўйқаламни темир билан қопланган қисмидан юқорирок жойидан (*ёғоч қисмидан*) тўғри ушлаган ҳолда бармоқларини сикмасдан, қоғоз сатҳида эркин, бемалол ҳаракатлантириб расм солиш, турли кўринишдаги горизонтал, вертикал, тўлқинсимон, эгри чизиқларни чизиш, доғларни суркаб юбормаслигига алоҳида эътибор бериш.

Болада расмни (*қалам ва мўйқалам билан*) бўяш малакасини таркиб топтириш. Қаламни қаттиқ босмай бир текисда ҳаракатлантириб юқоридан-пастга, чапдан-ўнгга ёки қиялатиб; мўйқаламда эса тукларини фақат бир тарафга йўналтириб юқоридан, чапдан ўнгга узиб-узиб бўяш. Мўйқаламга етарли бўёқни суркаш, ортиқчасини сувли идиш четига суриб, сиқиб ташлаш; бошқа рангдан фойдаланиш учун мўйқаламни сувли идишга солиб яхшилаб ювиш. Мўйқаламни қоғоз салфетка ёки дока бўлакчаси ёрдамида куритишга одатлантириш.

Болани рангли қалам ва мўйқаламда кетма-кет такрорланиб келувчи ҳаракатларни тасвирлаётганда сўз ва ўйинга боғлаб (*“Томчи томар – чак-чак”, “Барг тўкилар – шитир-шитир”, “Қор ёғади – гун-гун”*) ифодалашга ўргатиш.

Доира ва квадрат шаклларни тасвирлаш бўйича тушунча бериш. Кўл сезгиси ва кўз билан чамалаш кўникмасини таркиб топтириш: болага турли ҳажмдаги (*катта-кичик*) квадарт ва доира шаклларни қўлида ушлаб кўриш, квадратнинг томонлари бўйлаб қўлни юргизиш, бурчакда тўхтаб, яна давом этишни; доира (*ёки копток*)нинг силлиқ сатҳи бўйлаб айланали, оҳиста, сирғалувчи ҳаракат орқали шакл ва мутаносибликни ҳис қилиш, чамалаш малакасини ҳосил қилиш.

Доирадан – катта-кичик совун кўпиклари, рангли пуфаклар, копток, олма; квадратдан – дастрўмол чизишни ўргатиш.

Болани расмда ранглардан тўғри фойдаланишга, турли нарсалар ёки табиат ҳодисалари (*қуёш – сариқ, арча – яшил, қор – оқ*)ни тасвирлаш учун мувофиқ ранг танлашга ўргатиш. Ранг танлашга қийналаётган болага ёрдам бериш.

Табиат гўзаллиги (*кўм-кўк осмонда оппоқ булутлар, чарақлаб турган қуёш*); фаслларнинг ўзгариши: кузда ранг-баранг япроқлар; киш фаслида қор бола, қор парчаси; баҳор фаслида гуллар, камалак; ёзда ўрик, олча, олмаларни тасвирлашга ўргатиш. Мураккаб бўлмаган воқеабанд расмлар чизиш (*“Ўтлоқда сариқ ва қизил копток”*).

Хоҳишига кўра ўйинчоқ ва турли табиат манзараларини чизиш, жамоа билан ишлашга ўргатиш (*“Кўм-кўк майсалар ва гуллар”*).

Табиий бўёқлар (*лавлаги, ўсма, сабзи, турп суви*)дан фойдаланган ҳолда ноанъанавий усулларда (*бармоқлар, кафтлар, тайёр шакллар асосида*) расм солишга қизиқтиришни давом эттириш.

Тасвирий фаолиятда фойдаланиладиган иш қуролларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга одатлантириш.

Расм чизишда қоматни тўғри тутишни шакллантиришга (*эркин ўтириш, қоғоз варағи устида бошни жуда паст эгилтирмаслик*), бармоқ ва қўл ҳаракатларини ривожлантиришга доимо эътибор бериш. Қалам, мўйкалам ва бўёқлардан фойдалангач, қўлларини тозалаб ювиш ва сувдан тўғри фойдаланишга одатлантириш.

**Лой, пластилин (тузли хамир ва рангли шамча)лар билан ишлаш.**

Болада лой, пластилин (*тузли хамир, рангли шамча*)лардан нарсалар ясашга қизиқиш уйғотиш. Пластик материал (*лой, пластилин, тузли хамир, рангли шамча*)ларнинг хусусиятлари ҳақида тушунча бериш, бола нарсани қўллари билан ушлаб, ҳис қилишига эришиш; иккала қўлидан фойдаланган ҳолда нарса ясаш усулларини ўргатишда давом этиш. Қўл кафтлари орасидаги лой бўлагини ишқалаш ҳаракати билан – кўғирчоқ учун конфет, сабзи, таёқчалар ҳосил қилиш; айланали ҳаракатлар билан ритмик тарзда думалоқлаш ва бўғирсоқ, олма ясаш, юмалоқланган лойни иккала қўл кафти билан эзиб япалоқлаб – кулча нон, ҳолва; бармоқлар билан яссиланган гувала ўртасида чуқурча қилиб – кичкина ва катта ликопча, пиёла ясаш ва улар билан турли ўйинлар ўйнаш.

Лой ёки пластилин бўлагидан тайёрланган бир неча юмалоқ шаклларни бирлаштириб, турли буюмлар ва ўйинчоқлар (*қорбола, сарак-сарак кўғирчоқ, жўжача*)ни ясаш. Чимдиш усулидан фойдаланиб ўйинчоқларнинг характерли жиҳатлари (*бурни, тумшуқчаси, қулоқчаси*)ни ҳосил қилишга ўргатиш.

Қайси пластик материалдан қандай предметлар ясаш мумкинлигини тушунтириш, тўғри ва айланали ҳаракат, яссилаш, юлиш, пачоқлаш, узиб олиш ва чўзиш, бармоқ учи билан четларини чимчилаб туғиб қўйиш усулларидан фойдаланганча 2-3 қисмли бир хил ёки ҳар хил шаклдаги предметларни мустақил ясашга қизиқтириш.

Болада лойдан ясалган ўзбек халқ ўйинчоқларидаги гўзалликни кўра олиш ва ясалган нарсаларни безашга ҳавас уйғотиш.

**Аппликация.** Болани аппликация билан таништириш, аппликацияли тасвир тайёрлашга қизиқиш уйғотиш. Шакл (*доира, квадрат, учбурчак*)лар ва ранглар бўйича тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Болани тарбиячи томонидан кесиб тайёрланган битта шаклни (*олма*) қоғоз сатҳига

тўғри кўйиш ва елимлашни ўргатиш. Тайёр шакллар (*ҳажми бир хил, ранглари ҳар хил бўлган қизил, сариқ, яшил коптоклар*)ни қоғоз сатҳига оралиқ масофани ҳисобга олиб, рангига кўра навбатма-навбат жойлаштириш ва елим суртилган шаклни босма қоғоз ёрдамида қаттиқ босиб, яхшилаб елимлашга ўргатиш.

Болада турли шакллардан нақш ясаш, шакл ва ритмнинг ўзаро мослигини ҳис қилиш кўникмасини таркиб топтириш. Шакли бўйича доира ва квадратни қоғозда тартиб билан кўйиш ва елимлаш орқали муайян тасвир ҳосил қилишга эришиш. Рангига кўра геометрик шаклларни (*доира, учбурчак ва квадратлар*) ва ўсимликларни (*гуллар ва япроқлар*) навбатма-навбат кўйиш йўли билан 2-3 қисмли нақш ҳосил қилиш. Яхлит тасвир тузиш ва қоғоз сатҳига елимлаш.

Болага табиий материаллардан безакли композициялар (*қизил ва сариқ гуллар, яшил барглари*) тузишни; учбурчак, квадрат ва юмалоқ шаклдаги (*арча, бўғирсоқ*) нарсаларни тасвирлашни, қоғозни йиртиш йўли билан турли аппликациялар ҳосил қилишни ўргатиш.

Жамоа бўлиб содда композициялар тузиш, масалан, “Япроқлар ўйин тушар” мавзуси бўйича тарбиячи катта (*ватман*) қоғозга дарахт шаклини елимлайди. Болаларга кўп миқдорда қирқиб тайёрланган ҳар хил рангдаги (*қизил, сариқ, яшил*) барглари силуэтини дарахтга ва унинг атрофига елимлашни таклиф қилиш орқали кузги гўзал манзарани акс эттиришга ёки ноанъанавий усулдан фойдаланиб, қизил, сариқ, яшил рангли қоғозларни йиртиш йўли билан барг ясаш ва елимлашни ўргатиш мумкин.

Болага ижодий аппликация ишларини амалга оширишига имкон бериш ва ўзи ясаган ишдан завқланиш, қувониш ҳиссини уйғотиш.

**Қуриш-ясаш.** Болада қуриш-ясаш фаолиятига нисбатан қизиқишни тарбиялаш, мустақил ўрганишига ғамхўрлик кўрсатиш; ясаган нарсалари бўйича имкон даражасида сўзлаб беришга ундаш. Асосий қурилиш материаллари (*кубик, гиштча, доира, учбурчак*)нинг номларини айтишни ва улардан фойдаланишни ўргатиш.

Болани оддий қуриш-ясаш ишини (*тарбиячи билан биргаликда*) амалга оширишга: кенлиги ва узунлиги бўйича – пиёдалар ва машиналар учун йўл қуриш, баландлигига қараб жойлаштириб – уй ва дарвоза қуриш, тартиб билан бир-бирининг устига мустаҳкам қилиб тахлашга; маълум ораликда жой қолдириб, эшик, дераза қўя олишга ўргатиш. Тайёр бўлган бинога янги деталлар қўшиб конструкциянинг бошқа вариантини ҳосил қилиш; битта детални бошқаси билан алмаштириб ёки миноранинг баландлиги ва узунлигини ўзгартириб (*наст ва баланд минора*) қуриш. Болани ўз иншоотини маромига етказиш (*уй, йўлакча, кўча*), хонани жиҳозлаш: стол, стул, диван, мебел тарзида жойлаштиришга ўргатиш.

Болага пазлларни, мозайкаларни мустақил теришга имкон бериш ва ўз режалари асосида легодан қуриш-ясаш ишларини амалга ошириш хоҳиш-истагини рағбатлантириш. Ўйнаб бўлгач, барча қурилиш материалларини сақлаш қутисига тартиб билан тахлаб қўйишга одатлантириш.



### **Ўқув йили охирида бола:**

- қалам, мўйқаламни тўғри ушлаш ва ишлатишни, бўёқлардан фойдаланишни билади;
- узиб-узиб, доғ кўйиб, чизиклар ёрдамида расм чизади;
- алоҳида буюмларни ва содда воқеабанд расмлар чизишни билади;
- лой, пластилин (*тузли хамир, рангли шамча*)ларнинг юмшоқ ва эгилувчанлигини билади ва улардан тартибли, эҳтиёткорона фойдаланади;
- лой ёки пластилин (*тузли хамир, рангли шамча*)дан узиб олиш, юмалоқлаш, пачоқлаш, чўзиш ва тайёр қисмларни бир-бирига улаш усулида турли шаклчаларни ясайди;
- аппликация элементларини ёпиштиради;
- тайёр шакллардан нарсалар ва безакли композицияларни ясайди;
- қурилиш материалларининг асосий деталлари (*кубик, гиштчалар, доира, учбурчак*)ни билади ва улардан фойдаланади;
- қалам, мўйқалам, бўёқлар, лой, пластилин, аппликация ва қурилиш материаллари билан ишлагандан кейин қўлларини тозалаб ювади ва сувдан тўғри фойдаланади.

### **Мусиқа**

#### **(3-4 ёш)**

**Мусиқа тинглаш.** Болада мусиқий фаолиятга қизиқиш уйғотишда давом этиш. Таниш мусиқани (*радио, телевизор ва бошқа қурилмалар орқали эшитганда*) завқ билан астойдил тинглаши ва куйлашини, эмоционал таъсирланишини рағбатлантириш. Мусиқа асарининг характерини аниқлаш кўникмаларини таркиб топтириш; мусиқий хотира (*аввал эшитган куй ва кўшиқларни эслаш, такрорлаш*)ни ривожлантириш. Кичик ҳажмли мусиқа асарини тинглашга иштиёқ уйғотиш. Болада аста-секин мусиқа асарини бошидан якуний қисмигача диққат билан тинглаш, мусиқани ҳис этиш, мусиқадаги қарама-қарши кайфиятларни сезиш кўникмаларини таркиб топтириш. Кўшиқ, рақс, марш ҳақида илк тушунча бериш.

Болани бир-бирига ўхшаш бўлмаган: байрамона-тантанали (Ўзбек халқ куйи “Андижон полкаси”; С.Бобоев «Бугун байрам»); оҳиста-тебранувчан (Д.Омонуллаева “Алла”); рақсона-қувноқ (Ўзбек халқ куйи “Қашқарча”) кайфиятдаги кўшиқ ва чолғу куйларини идрок этишга ўргатиш.

Болада илк мусиқа маданияти (*чалғимасдан, атрофдагиларга ҳалақит бермасдан мусиқа асарини охиригача тинглаш*)ини таркиб топтириш.

**Кўшиқ айтиш.** Бола кўшиқ айтаётганида (*катталарга жўр бўлиб, якка ёки жамоа билан биргаликда*), табиий овозда, зўриқмасдан, бақирмасдан, кўшиқ сўзларини тўғри таллаффуз этишига, мусиқий жумлаларнинг охири ва кўшиқ матнида такрорланиб келувчи сўзларни куйлашига алоҳида аҳамият бериш. Куйлаш вақтида тўғри нафас олиш,

ўтирган ва турган ҳолатда қоматни ростлаб, эркин куйлашга ўргатиш. (М.Икромова “Опажон қаранг”).

Қўшиқ мазмунини тушуниб ҳис этиш ва матнга мос ҳаракатлар бажариш кўникмасини таркиб топтириш. Қўшиқ мазмуни ва мусиқаси бўйича марокли суҳбатлар ташкил қилиш, шеърларни ифодали айтишга ўргатиш. (М.Икромова “Арча қўшиғи”, “Айиқча”; Б.Каримов “Кулча нон”; Д.Омонуллаева “Этикчам”; К.Абдуллаев “Хўрозим”; Ф.Назаров “Полапон”; С.Бобоев “Тойчоғим”).

**Мусиқий-ритмик ҳаракат.** Болада ёқимли мусиқа оҳангидан кувониш, унга жўшқин муносабатда бўлиш, рақс тушиш, фаол ҳаракатланиш кўникмасини таркиб топтириш. Болани ўртоқлари билан кенг зал бўйлаб тўп бўлиб юриш (*енгил, тез, оҳиста*) ва югуриш (*енгил, тез, майда қадам билан*)дан секин-аста турли тарафга: тўғрига, доира бўйлаб, эркин-сочма тартибда енгил юриш ва югуришга; мусиқа ритмига мувофиқ оёқни тўпиллатишга ўргатиш.

Болани қўлидаги атрибутлар (*байроқчалар, барглар, гуллар, шиқилдоқлар*) билан енгил ҳаракатланишга (Ўзбек халқ куйи “Дўлонча”, Д.Омонуллаева “Шиқилдоқ билан ўйин”) ўргатишда давом этиш.

Марш жанридаги мусиқага хос такрорланувчи ритмни ҳис қилишга ундаш; биргаликда ва якка ҳолда марш мусиқаси оҳангига мос юриш кўникмасини таркиб топтириш. Мусиқали ҳаракатли ўйинларда (Н. Метлова “Поезд”; ўзбек халқ куйлари - “Чори-чамбар”, “Куёним”) иштирок этиш. Қўшиқ матнига мос ритмик ҳаракатлар бажариш орқали турли образларни (М.Икромова “Айиқполвон”, “Қорбобожон”) ифодали кўрсатишга қизиқтириш.

**Рақс.** Болани мусиқадаги кайфият (*қувноқ, сокин*)ни, динамик ўзгаришлар (*қаттиқ, секин, тез, оҳиста*)ни, икки қисмли мусиқа асарининг қисмлар ўзгаришини ҳис қилишга ва рақс ҳаракатлари орқали акс эттиришга ўргатиш.

Юриш, енгил югуриш, югуриш вақтида икки қўлни белга қўйиш, чапак чалиш, қўлларни олдинга ва икки ёнга узатиб, кафтларни айлантириш, тиззаларини ярим букиб ўтириб-туриш, бир оёқни тўпиллатиш каби рақс ҳаракатларини мусиқа остида бажаришга ўргатишда давом этиш.

Уч, тўрт қисмли содда ва оддий ҳаракатлардан иборат рақсларни (*тўп бўлиб, жуфтликда, сочма тарзда*) эркин ижро этишга; рақс ҳаракатларини (“*Коптокни юқорига от*”, “*Қўлларимиз чиройли*”) катталар билан биргаликда мусиқага мослаб бажаришга, мусиқанинг якуний қисмини ифодали кўрсатишга ўргатиш. Гуруҳ бўлиб, кичик гуруҳларга бўлиниб, жуфтликда рақс тушиш (Ўзбек халқ куйи “Асп бўламан”; “Қўғирчоқ ва ўйинчоқлар билан рақс”, “Гуллар билан рақс”, “Куз баргчалари билан рақс”, “Жуфтли рақс”) кўникмаларини таркиб топтиришда давом этиш.

**Болалар чолғу асбоблари билан таништириш.** Болани шовқинли чолғулар (*қўнғироқча, шиқилдоқча, доирача*) билан таништириш ва

товушларнинг тембри, баландлиги ва регистрига кўра фарқлаш ҳақида илк тушунча бериш. Чолғуларда мусиқа ижро этиш, ҳар бир мусиқанинг ўз нотаси мавжудлиги тўғрисида қизиқарли ҳикоячалар сўзлаб бериш, чолғу асбобларини кўлига олиб диққат билан кўришига имкон бериш, мусиқа асбобининг овозига тақлид қилишини рағбатлантириш.

Доирача, шиқилдоқча, кўнғироқчаларда кўшиқ (Ўзбек халқ куйи “Қуёним”) ва рақс ижро этишда катталар ёрдамидан фойдаланиш.

Турли мусиқий фаолиятларда болалар чолғу асбобларини кўллаш. Катталарнинг металлофон, учбурчак каби чолғу асбобларида ижро этилган (*ихтиёрий*) куйлардан баҳраманд қилиш.

**Мусиқий таълимий ўйин.** Кичкинтойлар дунёсига мос, тушунарли, қизиқарли мусиқали воқеабанд ўйинлар ташкил қилиш. Ўйин ёрдамида боланинг мусиқага иштиёқини ошириш, тасаввур, тафаккур доирасини кенгайтириш, нутқини ривожлантириш; мустақил равишда кўшиқ айтиши мумкин бўлган ўйинлар ташкиллаштириш; болалар чолғу асбобларидан ва мусиқали ўйинчоқлардан фойдаланиш, баланд ва паст мусиқа садоларига эътибор бериш ва оҳангга мос ҳаракатланишга ўргатиш.

Мусиқий фаолиятларда олган билимларини таълимий ўйин давомида аниқлаш ва мустаҳкамлаб бориш (“Айиқчалар рақси”, “Чори-чамбар”, “Чапак чалиш”, “Қалдирғоч”). Болада зийраклик ва хотирани ривожлантирувчи “Қайси чолғу яширинган?”; тасаввур ва сенсор қобилиятини ривожлантирувчи “Сехрли қопча”; товуш баландлиги ва тембрни фарқлашга ўргатувчи “Қуш ва қушчалар”, “Ўрмонда”; мусиқанинг темпини фарқлашга ўргатувчи “Юрамиз, югурамиз”, “Ўйинчоғим” каби мусиқий таълимий ўйинларни машғулот давомида ва мустақил фаолиятларда гуруҳ хоналаридаги мусиқа бурчакларида ташкил этиш.

**Мусиқага оид маълумотлар.** Мусиқий ва шовқин берувчи товушларни фарқлашга ўргатиш. Мусиқий товушлар (*паст-баланд*) ҳақида илк тушунча бериш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- мусиқий ва кўрғазмали фаолиятда иштирок этишга қизиқиш билдиради;
- эшитган куйларини танийди, ёқтирган мусиқасини тинглайди ва куйлайди;
- кўнғироқча, шиқилдоқ, доирача каби болалар чолғуларини фарқлайди;
- товушларнинг тембри, баландлиги ва регистрига кўра фарқлаш ҳақида дастлабки тушунчага эга;
- ҳар бир мусиқанинг ўз нотаси мавжудлиги тўғрисида тасаввурга эга;
- мусиқа асбобининг овозига тақлид қилади;
- мустақил равишда кўшиқ айтишга ҳаракат қилади;
- кўшиқ куйлаш билан бир вақтда рақс ҳаракатларини бажара олади;
- рақс ҳаракатларини мусиқа садосига мослаб бажаради.

### 3-4 ёшли болалар билан ўтказиладиган эрталиклар

№	Эрталик	Ўтказиш вақти
1.	Қиш байрами	25-декабрь-30-декабрь
2.	Онажонлар байрами	5-7 март
3.	Салом, ёз!	июнь

#### Ўйин фаолияти (3-4 ёш)

Болада тенгдошлари билан биргаликда ўйналадиган ўйинларда бир-бирини ҳурмат қилиб, ўзаро келишиб ҳаракат қилиш кўникмаларини ривожлантириш, ўйинчоқларини ўртоқлари билан ўйнашга ва ўйнаб бўлганидан кейин жойига қўйишга одатлантириш.

**Воқеабанд – ижроли ўйинлар.** Болага таниш воқеалар, ҳаётий мавзулар, адабий асарлар бўйича қизиқарли ўйинлар ташкил қилиш; ўзаро боғланган бир неча алоҳида ҳаракатларни (*овқат тайёрлаш, столни безатиш, овқатлантириш*) ягона бир мазмунга бирлаштириш, ўйинчоқлар сонини кўпайтириш орқали ўйин фаолиятини кенгайтириш ва бойитишга ёрдам беришда давом этиш.

Иккита шахс (*ҳайдовчи ва йўловчи, она ва бола, шифокор ва бемор*) иштирок этадиган воқеабанд ўйинларда ўзаро келишиб ҳаракатланишни, ижрода ўзини тутишни; ўйинчоқ – ўринбосарлар билан ўйналадиган яқка ўйинларда ўзига ва ўйинчоққа тегишли ролни ўйнаш усулларини ўргатиш. Воқеабанд ўйин учун зарур нарсаларни мустақил танлаши, керакли нарсаларни қидириши ва тўлдиришга бўлган уринишларини рағбатлантириш.

Болани ўйинларда қурилиш материалларидан (*куб, гиштча, гўлача, пластина*); оддий ёғоч ва пластмасса конструкторлардан; табиий материаллардан (*қум, қор, сув*) фойдаланиб, ўйин учун турли нарсалар (*қўғирчоқ учун уйча, кўприкча ва йўлка қуриш в.б.*) ясашга ўргатиш.

Воқеабанд – ижроли ўйинлар: “Болалар боғчаси”, “Оила”, “Дўконда”, “Касалхона”, “Сартарошхона”, “Автобус”, “Ҳайвонот боғи”, “Шифокор”.

**Ҳаракатли ўйинлар.** Боланинг ҳаракатли ўйинлардаги фаоллигини ошириш. Тирмашиб чиқиш, эмаклаш кўникмаларини шакллантирувчи; ҳаракат эпчиллигини ривожлантирувчи копток, пуфак, аравача, ўйинчоқ автомобил билан ўйналадиган ўйинларни ташкил этиш. Ўйинда боланинг фаол иштирок этишини таъминлаш. Аста-секинлик билан мураккаброқ ва ҳаракат турларини ўзгартирадиган ўйинларни жорий қилиб бориш. Болани ўйин қоидаларига риоя қилишга ўргатиш.

Ҳаракатли ўйинлар: “Поезд”, “Самолёт”, “Пуфак”, “Оппоқ куёнча ўтирибди”, “Трамвай”, “Ким тезроқ”, “Қуёш ва булут”, “Кўз боғлаш”, “Чавандозлар”, “Болалар қочинглар, қуш учиб келди”, “Чори-чамбар”, “Товуқ ва жўжалар”, “Қалдирғоч”, “Ким биринчи?”.

**Сахналаштирилган ўйинлар.** Болада театрлаштирилган ўйинларга қизиқиш ҳиссини уйғотишда давом этиш. Катталар ёки катта ёшли болалар томонидан сахналаштирилган ўйинлар ва қўғирчоқ спектаклларидаги воқеалар ривожини кузатиш, тушуниш кўникмасини шакллантириш.

Болани стол театрида ўйналадиган ўйин тартиб-қоидалари билан таништириш; ўзига ёққан қаҳрамон ролини танлаш ва ўйинда тенгдошлари билан биргаликда ҳаракат қилишига имкон бериш. Болани асар қаҳрамонларининг ўзига хос ҳаракатларига (*қуш учади, улоқча сакрайди*) тақлид қилишга; инсоннинг ҳиссий ҳолатини (*юз ҳаракатлари, гавда ҳолати, имо-ишора ёрдамида*) таъсирли кўрсатишга, ҳаракатларини кўшиқ, мусиқа садоси остида биргаликда бажаришга ўргатиш. Болада асар қаҳрамонига хос ташқи белгиларни (*кийимлари – пешбанд, шапка, ёқа в.б.*) ҳаракатга боғлаб ижро этиш истагини уйғотиш.

Боланинг ижодий қобилиятини ўстириш. Унинг кўшиқ, эртак тўқишга бўлган интилишини рағбатлантириш. Тенгдошлари олдида рақс тушиш, шеърни ифодали ўқиш орқали истеъдодини намоён қилиш ҳавасини ривожлантириш. Театрлаштириладиган сахналарни ўз имкониятлари асосида безашни ўргатиш. Театр маданияти (*театр – актёрлар – томошабинлар; одамларнинг томоша залида ўзини тутишлари*) ҳақида суҳбатлар ўтказиш орқали болада тасаввур уйғотиш.

Сахналаштириладиган ўйинлар: “Эчки болалари”, “Бўғирсоқ”, “Қўлқопча” эртаклари ва “Олхўри ва ўрик” Мирмуҳсин ҳикояси асосида.

**Таълимий ўйинлар.** Болада нарсаларнинг ранги ва ўлчами (*2-3 хил рангдаги катта ва кичик пуфакчалар*)га қараб фарқлаш, рангни алмаштирган ҳолда ўлчам жиҳатидан кичрайиб борадиган халқалардан пирамида йиғиш кўникмаларини шакллантириш. 4-6 қисмдан иборат расмни, мозаика ва бошқа шаклларни йиғишга ўргатиш. Биргаликда ўйналадиган таълимий ўйинларда аста-секинлик билан мураккаблашиб борадиган қоидаларни бажаришга ўргатиш.

*Таълимий ўйинлар:* “Минорани йиғ”, “Ўйинчоқларни топ”, “Ким тўғри айтади ва кўрсатади?”, “Рангли доиралар”, “Ажойиб қопча”, “Ўз уйчангни топ”, “Қайси кўлда кўп?”, “Рангли пуфаклар”, “Катта-кичик идишлар”.

**Ўқув йили охирида бола:**

- ўзига ёққан қаҳрамон ролини танлайди ва ўйинда тенгдошлари билан биргаликда ҳаракат қила олади;
- мозаика ва бошқа шаклларни осонлик билан йиғади;
- ўйинчоқларини бошқа болалар билан ўйнайди;
- ўйинда нарсалар билан ҳаракатланади ва одамлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради;
- ўйин қоидаларига риоя қилади;
- ўйинчоқларини ўйнаб бўлгандан кейин жойига қўяди;
- театрлаштирилган сахналарни қизиқиб кузатади;

- таниш эртаклардан кичик парчани мустақил ижро этади, қаҳрамонлар ҳаракатларига, имо-ишорасига ва оҳангига тақлид қилади;
- театр маданияти, актёрлик касби ҳақида дастлабки тасаввурга эга.

## ЎРТА ГУРУХ (4-5 ёш)

### Ўрта гуруҳда ўтказиладиган машғулотлар

Т.р.	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				
		Ҳафтада	Бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	Жами
1.	Атроф-муҳит билан таништириш	1	4	16	20	36
2.	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3.	Илк математик тасаввурларни шакллантириш	1	4	16	20	36
4.	Нутқ ўстириш	2	8	32	40	72
5.	Бадий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
6.	Расм	2	8	32	40	72
7.	Лой иши	1	4	16	20	36
8.	Апликация	0,5	2	8	10	18
9.	Қуриш-яшаш	0,5	2	8	10	18
10.	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
11.	Муסיқа	2	8	32	40	72
<b>Жами:</b>		<b>13</b>	<b>52</b>	<b>208</b>	<b>260</b>	<b>468</b>

### БОЛАНИНГ ТЎРТ ЁШДАН БЕШ ЁШГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА РИВОЖЛАНИШИ

#### Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена (4-5 ёш)

Бола тўрт ёшга етгач, унинг жисмоний ўсиши бир мунча жадаллашади, бўйи 100-110 см атрофида, оғирлиги 20-22 кг гача бўлади. Бу даврда боланинг мияси тез ривожланади. Катта ярим шарлар пўстлоғининг фаолияти такомиллашиб боради. Боладаги асосий ҳаракатларнинг ривожланишида жиддий сифат ўзгаришлар содир бўлади, уларни бажаришда табиийлик ортиб боради, қиёслаш кўникмаси шаклланади; нутқи равонлашади, хотираси анча теран бўлиб, мустақил фикрлаш даражаси бир қадар ривожланган бўлади. Барча ҳаракат ва фаолиятларни мустақил бажаришга интилади, қизиқувчанлиги ошади ва ҳар қандай тадбирга бажонидил қатнашади. Бу даврда ҳам кун тартибига риоя қилиш, болани тўғри овқатлантириш, ўз вақтида ухлатиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, руҳий ҳолатини назорат қилиб бориш, қувноқ кайфиятда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бола билан олиб бориладиган машғулотларнинг мазмунини худди мана шунга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Болани жисмоний тарбия ва спортга қизиқишини оширишда жисмонан чиниқтиришда қуйидагиларга эътиборли бўлиш талаб этилади: турли ҳаракатли қувноқ халқ ўйинларини ўйнаш; чиниқтириш муолажаларини мунтазам ўтказиб туриш, эркин ҳаракат қилиш малакалари шаклланиши учун гуруҳларда шароит яратиш; болага жисмоний машқларнинг муҳимлигини таъкидлаш ва мустақил бажаришга ундаш; ёпиқ ва очиқ майдонларда ўтказиладиган турли спорт ўйинларига жалб этиш; югуриш, мувозанат сақлаш, икки оёқлаб баландга сакраш, тўсиқларни енгиб ўтиш бўйича мусобақаларни ташкиллаштириш; коптокни бирор тўсиқ устидан бошқа болага иргитиш ва ушлаб олиш элементлари бор бўлган ўйинларни ўйнатиш; жисмоний машқларни ўз вақтида ўтказиш учун доимо вақт ажратиш; бола билан бирга шерик сифатида ёки бир жамоа аъзоси сифатида спорт ўйинлари ўйнаш, мусобақа ва ўйинларда турли нарсалар, ўйинчоқлар билан ҳаракатланишларни уюштириш, мусиқа садоларига мос тарзда ҳаракатланишини рағбатлантириш.

Боланинг ўйинларни мустақил равишда ташкил этишига имкон бериш. Жисмоний тарбия машғулотларида ҳамда дам олиш дақиқаларидаги ўйинларга эркин қўшилишга одатлантириш. Чанада учиш ҳаракат малакаларини такомиллаштириш.

**Йирик моторикани ривожлантириш.** Боланинг мувозанат сақлаш, 20-30 м масофага ўртача тезликда, аста-секин югуришни, якка ва икки қатор бўлиб доира бўйлаб югуриш малакасини орттириш, оёқ учида, катта қадам ташлаб югуриш, тўсиқларни айланиб ўтиб, бир оёғида олдинга сакраш, куч билан коптокни олдинга ташлаш ва уни илиб олиш ҳаракатларини шакллантириш.

Стол тенниси ва спортнинг бошқа турларига (*футбол, баскетбол*) қизиқиш уйғотиш. Қўш нарвонча устига чиқиб-тушиши; ихтиёрий равишда сакроғичда сакрай олиши; 25-30 см баландликдан матрас устига ёки қумли чуқурчага; турган жойидан 50 см узунликка сакраши; гимнастика деворининг тахта тўсиқлари бўйлаб 2-3 м масофага ўнг ва чап томонга ҳамда олдинга; бир оёғида ўнг ва чап томонга бурилиб ҳаракатланиши, буйруқ бўйича мустақил равишда қаторга туриши, кичик гуруҳчаларда ва йиғма гуруҳларда, доира шаклида, жуфтликда ва бир қаторга тизилиб туришни ўргатишда давом этиш.

#### **Асосий ҳаракатга доир машқлар.**

**Юриш машқлари.** Бир қатор бўлиб, доира бўйлаб қўл ушлашиб, ён томонга кетма-кет юриш, юришдан югуришга ўтиш; оёқ учида юриш; оёқ учида тиззаларни баланд кўтариб юриш, товон билан, оёқ кафтларининг ён томони билан юриш, турли буюмлар оралаб ён томонга юриш. Гимнастика ўриндиғида мувозанат сақлаб юриш. Ҳаракат тезлиги ва йўналишларини ўзгартириб сафда юриш.

**Югуриш машқлари.** Оёқ учида, тиззаларини баланд кўтариб катта қадамлар билан югуриш, сафда қўлини ушлаб жуфт бўлиб, доира бўлиб; илон изи бўлиб югуриш; ҳамда югуришни юриш билан алмаштириш;



тўхтовсиз 1 дақиқагача югуришга; 20-30 м масофага секин югуришга, югуриб келгандан сўнг мувозанат сақлашга ўргатиш.

**Сакраш машқлари.** Турган жойида икки оёқлаб 50 см узунликка сакраш; қўлларни юқорига кўтариб сакраш; олдинга сакраб юриш; бир оёқлаб турган жойида ва сакраган ҳолда юриш. Тўсиқлардан сакраб ўтиш; 10-15 см баландликдан сакраб ўтиш, арқон билан сакрашга уриниш.

**Эмаклаш ва тирмашиш машқлари.** Камида 10 м масофагача ҳамда турли баландликдаги буюмлар остидан эмаклаб ўтиш. Гимнастика ўриндиғида қўлларга таянган ҳолда, қорин билан судралиш. Тўрт оёқлаб эмаклаш, гимнастика деворига ўнгдан чапга ўтиб тирмашиб чиқиш; 20-30 см баландликда тортилган арқон тагидан, халқа орасидан эмаклаб ўтиш.

**Юмалатиш, иргитиш ва илиб олиш машқлари.** Тўпни бир-бирига иргитиб, деворга, ерга уриб илиб олишга, навбатма-навбат ўнг ва чап қўл билан тўпни уришга, оғирлиги 0,5 кг бўлган тўпларни ерда юмалатиш, улоқтиришга ўргатиш.

**Спорт машқлари. Велосипед ҳайдаш.** Уч ғилдиракли велосипедда ўнгга ва чапга бурилиб, доира бўйлаб, тўсиқларни четлаб ўтиб ҳайдаш ва буйруқ бўйича тўхташга ўргатиш.

**Сузиш.** Сувда қўл ва оёқларини ҳаракатлантиришни, нафас олиб, нафас чиқариб сузишни ўргатиш.

**Умумривожлантирувчи машқлар.**

**Қўл ва елка учун машқлар.** Дастлабки ҳолат: гавда тик тутилган, оёқлар елка кенглигида очилган, қўлларни олдинга, ён томонга, юқорига кўтариш ва тушириш. Қўлларни ёнга, олдинга узатган ҳолда кафтларни очиб ёпиш ва айлантириш. Қўлларни бирин-кетин навбат билан олдинга ва юқорига кўтариш, тушириш, орқага ва олдинга айлантириш. Қўлларни тирсакдан букиб сўнг ёзиш.

**Оёқ учун машқлар.** Навбати билан аввал товонда сўнг оёқ учида туриш; кетма-кет бир неча марта ярим ўтириб туриш, оёқ кафтларини букиш ва ёзиш; оёқ панжалари билан арқонни йиғиш, товон билан буюмларни бир жойдан иккинчи жойга силжитиш; бир оёқни букиб, иккинчисида туриш.

**Гавдани ривожлантирувчи машқлар.** Қўллар белда, уларни ён томонга узатиб гоҳ чап, гоҳ ўнг томонга буриш; оёқларни жуфтлаб олдинга эгилиш; қўл бармоқларини оёқ учига тегизиш: бирон нарсани ерга қўйиш ва олиш; бир оёқни кўтариб унинг остидан бирор буюмни ўнг қўлдан чап қўлга ўтказиш. Тиззаларга таяниб, белни букиш ва тўғрилаш; қўлларни навбат билан кўтариш; чалқанча ётган ҳолда қўллар билан турли ҳаракатларни бажариш; айланиб қоринда ётиш, қўлни узатиб бирор буюмни ушлаб туриш; қорин билан ётган ҳолда олдинга узатилган қўлни, елка ва бошни кўтариш кабиларни ўргатиш.

**Сафланиш ва қайта сафланиш.** Мустақил ҳолда алоҳида гуруҳчаларга ва бутун гуруҳ билан бир қатор бўлиб сафланиш, доира бўлиб сафланиш, алоҳида гуруҳга қайта сафланиш, мўлжал бўйича текисланиш, ишорага кўра чапга, ўнгга, орқага айланиш, шунингдек,

кетма-кет юришдан жуфт-жуфт бўлиб юришга ўтишни ўргатиш. Уч каторга сафланиб туриш.

**Майда моторикани ривожлантириш.** Болага ўйинчоқлар ва умумий фойдаланишда бўлган буюмларни ишлатиш; қалам, мўйқалам ва бўёқлардан тўғри фойдаланиш ҳамда узиб-узиб, доғ қўйиб расм солиш; аппликация бўлакларини мустақил ҳолда ёпиштириш; мозаика ва бошқа шаклларни териб йиғиш; оддий шаклларни қайчи билан қирқиш ва қоғоздан буклаш йўли билан турли моделларни яшаш кўникмаларини шакллантириш.

Болани китобларни йиртмасликка, улардан тартибли фойдаланишга ўргатиш; топширикни бажаришда ранг, материал ва усулни танлашда ёрдам бериш; кўрғазмали намуналардан фойдаланишни тавсия қилиш; расмлари бўяладиган китобчалар билан ишлашни таклиф қилиш; болага изчиллик билан мунчоқларни йиғиш ва ипга теришига имкон бериш, майда нарсаларни оғзига солмаслигини кузатиш; кийиниш жараёнида фаол иштирок этиш; кийим тугмачаларини тақиш ва ечиш, пойабзал ипларини ечиш ва боғлашни ўргатишда давом этиш; болага хуштак бўйича сув солинган идишни очиш ва ёпиш, унга сув тўлдиришни ўргатиш; шишанинг қопқоғини бурашига рухсат бериш.

**Сенсомоторикани ривожлантириш.** Болада ерга ёки деворга урилган коптокни илиб олишни, уни ўнг ёки чап қўли билан қайтаришни, ерда юмалатиш; мусиқа асбобининг овозига тақлид қилиш; кўзлари билан буюмни кузатиб бориш кўникмаларини шакллантириш.

Болага коптокни икки қўли билан баланд кўтариб, нишонга (*саватга ёки челака*) отиши учун имкон бериш, бўйинини бурмасдан кўзларни чап ва ўнг томонга ҳаракатлантиришни таклиф қилиш.

**Чиниқтириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш.**

**Эрталабки бадантарбия.** Эрталабки бадантарбия вақтида болани юриш, сакраш ҳамда қўл ва оёқ гавдага мўлжалланган машқларни фаол бажаришга одатлантириш. Ҳар куни катталар назоратида бадантарбия машқларини очиқ ҳавода (*хонада бўлганда дарчаларни очиб қўйган ҳолда*) бажариш. Қўл, оёқ, гавдани ривожлантирувчи машқларни аниқ ва изчиллик билан бажариш, қоматни тўғри тутишни ўргатишда давом этиш.

**Чиниқтириш.** Ҳар қандай об-ҳавода ҳам ҳаракатли ўйинларни ўйнаш. Уйқуга ётишдан олдин хонани шамоллатиш, юз-қўлни, оёқларни, тишларни ювиш; хона ҳароратидаги сувда ҳўлланган губка ёки пахмоқ қўлқоп билан дастлаб қўлларни, кейин оёқларни, кўкракни, қорин ва орқани тескари йўналишда тери қизаргунча артиш. Сув ҳароратини ҳар куни 1<sup>0</sup> С ҳароратдан пасайтириб бориш.

**Қоматни тўғри тутиш.** Қомат ўзгаришининг олдини олишга ёрдам берувчи жисмоний машқларни мунтазам равишда бажариш (“Қайиқча”, “Мушук”, “Велосипед ҳайдаш”, “Бешик”). Стол атрофида ўтирганда, уйқу вақтида гавдани тўғри тутишига эътибор бериш. Қўл икки ёнда, бошни салгина кўтарган ҳолда олдинга қараш.

**Ҳаракатлантирувчи тартиб.** Ҳар кунги сайрларда фаол қатнашиш; очик ҳавода тўп, арқон, бадминтон ўйнаш, ўйин қоидаларига риоя этиш, тезкорликни, эпчилликни ривожлантириш. Бир неча ҳаракатли ўйинларнинг мазмуни ва қоидаларини билиш, уларни ташкил этишга ундаш.

**Маданий-гигиеник кўникмаларни ривожлантириш.** Болани овқатланиш гигиенаси, ухлаш ва шахсий гигиена қоидаларига риоя этишини таъминлаш; тартибли ва озода бўлишга интилиш ҳиссини тарбиялашда давом этиш. Боланинг мустақил кийиниши ва ечинишини рағбатлантириш; бу ҳаракатларнинг белгиланган изчиллигига риоя қилиш (*туғмаларни қадаши, пойабзалининг ипини боғлаши*); кийимини яхшилаб тахлаб, илгичга осиб; ўз вақтида тартибга келтириш (*тозалаш, қуритиш в.б.*) кераклигини уқтириш орқали мунтазам меҳнат қилишга ўргатиб бориш.

Болага гигиена тўғрисидаги китоблар кўрсатиш, расмлар томоша қилиш, ҳикоя, эртак ва шеърлар ўқиш; аста-секин гигиена бўйича топшириқлар бериб бориш ҳамда соғлом овқатланиш ҳақида суҳбатлашиш.

***Шахсий гигиена:***

- юз, қўл ва оёқларни ювиш, ҳожатхонадан батартиб фойдаланиш. Бурунни тоза сақлаш;
- қўл, оёқ ва бадан учун фойдаланиладиган сочиқларни фарқлашга одатлантириш;
- ҳар хил нарсаларни оғизга солмаслик;
- тирноқ, қалам ва бошқа нарсаларни тишламаслик;
- мустақил кийиниб ечинишларини рағбатлантириш, пойабзалини ўзи кийиш, ипларини ҳам ўзи боғлаш;
- чўмилиш вақтида чиниқтириш учун ташқи муҳит омиллар (*қуёш, сув, ҳаво*)ини фаол қўллаш;
- йўталганда, аксирганда оғзи ва бурнини дастрўмолча ёки салфетка билан беркитиш;
- ҳожатхона қоғозидан фойдаланиш;
- ўйинчоқларини ўйнаб бўлгандан кейин жойига олиб қўйиш;
- кўзгуга қараб, кийими, соч турмагини тартибга келтириш.

***Овқатланиш гигиенаси:***

- тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш;
- овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва бирор ишни бажаргандан сўнг қўлни совун билан ювиш;
- тартиб билан, гаплашмасдан овқат ейиш, овқатлангандан кейин оғизни чайиш;
- тиш чўткасидан фойдаланиб тишларини тозалашни билиш;
- қаттиқ нарсаларни тишда чакмаслик, касалланган тишни ўз вақтида даволатиш;
- стол атрофида ўзини тўғри тутиш, овқатланиш жиҳозлари – қошиқ,

- санчки, салфеткалардан тўғри фойдаланиш;
- овоз чиқармасдан тартибли овқат ейиш;
- овқатланиб бўлгандан сўнг қошиқ ва санчкини тақсимча устига қўйиш;
- стол атрофида ўтирганда қоматни тўғри тутиш;
- овқатни тўла чайнаб, ютиб бўлмагунча гаплашмаслик;
- овқатни оз-оздан олиш, оғизда яхшилаб чайнаш, салфеткадан унумли фойдаланиш;
- стол устини йиғиштириб қўйиш ва идиш-товоқларни ювиш.

**Ухлаш гигиенаси:**

- ухлаш олдидан хонани шамоллатиш;
- айнан бир вақтда ухлашга ётиш;
- тоза чойшаб, кўрпа – тўшакда, алоҳида ўринда шамоллатилган хонада ухлашга одатлантириш;
- уйкуга ётишдан олдин юз-қўлни, тишни ва оёқларни ювиш, ҳожатхонадан батартиб фойдаланиш;
- уйқудан турганда ювиниш.

**Тахминий кун тартиби:**

7.00 – 7.30	Ўридан туриш, эрталабки ювиниб – тараниш ( <i>уйда</i> )
7.30 – 8.30	Қабул, соғлиғини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия
8.30 – 9.00	Нонушта
9.00 – 9.15	Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик
9.15 – 10.00	Машғулотлар
10.00 – 10.20	Сайрга тайёргарлик
10.20 – 12.10	Сайр
12.10 – 12.30	Сайрдан қайтиш
12.30 – 13.00	Тушлик
13.00 – 15.10	Уйқу
15.10 – 15.40	Уйқудан туриш, ювиниш
15.40 – 16.00	Енгил иккинчи тушлик
16.00 – 16.30	Ўйинлар, мустақил фаолият
16.30 – 16.50	Сайрга тайёргарлик
16.50 – 18.00	Сайр
18.00 – 18.20	Сайрдан қайтиш
18.20 - 18.45	Кечки овқат
18.45 – 19.30	Ўйинлар, болаларни уйга кетиши
19.30 – 20.00	Сайр ( <i>уйда</i> )
20.00 – 20.30	Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалар ( <i>уйда</i> )
20.30 – 7.00	Тунги уйкуга тайёрланиш ва тунги уйқу ( <i>уйда</i> )

**Бола ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.** 4 ёшдан 5 ёшгача бўлган боланинг хавфсиз яшаши ва ҳаракатланиши учун қуйидагиларга риоя қилиш лозим: машқларни меъёردа бажартириш, чарчашнинг олдини олиш, машғулот жараёнида боланинг ҳолатига эътибор бериб туриш; машқларни эркин бажариши учун хавфсиз жой ажратиш; жароҳатланишдан асраш, об-ҳавонинг ноқулай шароитидан ва бахтсиз ҳодисалардан муҳофаза қилиш; гуруҳда, ўйин майдончасида ва сузиш ҳавзаларида боланинг ҳаёти хавфсизлигини сақлаш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- чизик бўйлаб мувозанат сақлаб юради;
- 20-30 м масофага секин югуради;
- 1 дақиқа давомида югуради;
- оёқ учида, катта қадам ташлаб югуради;
- ихтиёрий равишда арқонда сакрайди;
- 25-30 см баландликдан матрас устига ёки қумли чуқурчага сакрайди;
- турган жойидан камида 50 см узунликка сакрайди;
- тўпни бир-бирига ирғитади, навбатма-навбат ўнг ва чап қўл билан тўпни уради;
- гимнастика ўриндиғида қўлларга таянган ҳолда, қорин билан судралади;
- сатҳи кўкрагигача бўлган сув ичида юради;
- буйруқ бўйича мустақил равишда қаторга туради, кичик гуруҳчаларда ва йиғма гуруҳларда, доира шаклида, жуфтликда ва бир қаторга тизилиб туради;
- 3 ғилдиракли велосипедда ўнгга ва чапга бурилади, доира бўйлаб, тўсиқларни четлаб ўтиб ҳайдайди ва буйруқ бўйича тўхтади;
- умумривожлантирувчи машқларни мустақил бажаради;
- уйқуга ётишдан олдин юз-қўлни, тишни ва оёқларни ювади;
- уйқудан турганда ювинади;
- ҳожатхонадан батартиб фойдаланади;
- қўл, оёқ ва бадан учун фойдаланиладиган сочиқларни фарқлайди;
- мустақил кийиниб ечинади;
- пойабзалини ўзи кияди ва ипларини ҳам ўзи боғлайди;
- йўталганда, аксирганда оғзи ва бурнини дастрўмолча ёки салфетка билан беркитади;
- дастрўмолча ва ҳожатхона қоғозидан фойдаланади;
- ўйинчоқларини ўйнаб бўлгандан кейин жойига олиб қўяди;
- кўзгуга қараб, кийими, соч турмагини тартибга келтиради;
- тўғри овқатланиш тартибига риоя қилади;
- овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва бирор ишни бажаргандан сўнг қўлни совун билан ювади;
- тиш чўтқасидан фойдаланиб тишларини тозалайди;
- овқатдан кейин оғизни чайқайди;
- овқатланиш жиҳозлари – қошиқ, санчқи, салфеткалардан тўғри

фойдаланишни билади.

### **Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш (4-5 ёш)**

**Ижтимоий ривожланиш. Катталар билан мулоқот.** Болани катталар билан мулоқот қилишга, ўз фикрини катталарга баён этиш, ўз хоҳишини сўзлар билан ифодалаш, катталардан сўз орқали ёрдам сўрашга ўргатиш.

Оила аъзоларига нисбатан меҳрли муносабатда бўлиш, уларнинг илтимосларини бажаришга интилиш, кимни яхши кўриши, нимани яхши кўрмаслиги, ўз оиласи ва танишлари тўғрисида ҳикоя қилиб беришини рағбатлантириш.

Катталар билан ўйнаш малакасини шакллантириш, катталарга миннатдорчилик билдириш, ўзини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиш, мулоқот вақтида ўз фикрини баён қилиш, оғзаки кўрсатма орқали катталарнинг топшириқларини бажариш, катталар билан бўладиган самимий мулоқотдан мамнун бўлиш.

Жамоат жойларида, транспорт воситаларида ўзини тута билиш, одоб билан саломлашиш ва хайрлашиш, ўзидан катталарга “Сиз”, “Ака”, “Опа” деб мурожаат қилишга, “Марҳамат”, “Илтимос” каби илтифотли сўзлардан фойдаланишга ўргатиш.

Катталарнинг гапини тинглаш, мулоқот вақтида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиш, катталарнинг ҳикояларига нисбатан қизиқиш уйғотиш.

Катталар бола билан мулоқотни барча фаолиятлар (*турли ўйинлар, қогоз ёки турли жиҳозлардан нарсалар, ўйинчоқлар ясаш ва улар билан тажриба ўтказиш*)да олиб бориши, мулоқот қилаётганда, боланинг шахсини ҳурмат қилиши, ҳиссиётларини тушуниши жуда муҳим.

**Тенгдошлари билан мулоқот.** Болада тенгдошлари билан ўзаро самимий, дўстона мулоқотга киришиш, биргаликда ўйнашга интилиш малакасини шакллантириш. Тенгдошлари билан саломлашиш ва хайрлаша олиш, уларни исми билан чақириш, маълумотлар билан ўртоқлашишга интилишини рағбатлантириш.

Кўрсатилган ёрдамга, тенгдошидан совға олганида миннатдорчилик билдиришини, ўртоғининг илтимосини қабул қилиш, бошқаларнинг сўзларини диққат билан тинглаш, ўзининг норозилигини бошқаларни хафа қилмасдан ифодалашга интилишини қўллаб-қувватлаш.

Тортинчоқ, камгап болани тенгдошлари билан кўпроқ мулоқот қилишга жалб этиш, ўртоқлари билан мулоқотда ўз фикрини эркин билдиришга ўргатиш.

Ўйин вақтида ҳамкорлик қилиш, ролларни тақсимлаш ва ўйин мазмуни юзасидан келишиш, саҳналаштирувчи ўйинларда ижро қилаётган ролини сўз билан ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш.

**Ҳиссий ривожланиш. “Мен” концепцияси** ёки ўз-ўзини англаш. Боланинг ўз ҳис-туйғулари ва кечинмаларини ифода этишини, ўз-ўзини

англай бошлаётганини, мустақил фаолият кўрсатишга интилишини, катталар ва тенгдошларининг диққатини жалб қилиши, ўз она юрти, оиласи, сеvimли ўйинчоқлари тўғрисида сўзлаб бериши ҳамда халқ анъаналари, урф-одатларига қизиқиш билдиришини рағбатлантириш. Мулоқот жараёнида боланинг “Мен”ини шакллантириш.

Ўйин фаолиятида ўзи учун рол танлаш, ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бериш, имконият ва ютуқларини турли фаолиятларда намоён қилиш, тенгдошларига нисбатан ҳурмат ва мойилликни ифодалашга ўргатиш.

Ўғил болага (*жасур, мард, зийрак, чаққон, қизларни ҳурмат қилиш*) ва қиз болага (*назокатли, мулойим, чаққон, саришта*) хос бўлган фазилятларни тарбиялаш.

Болани ўзини англашга, ўз ҳиссиётларини ифодалашга (“*Мен ёқтираман*”, “*Мен ёқтирмайман*”), мустақил фаолият кўрсатишга (“*Мен ўзим*”), ўз ҳаракатлари учун жавоб бера олишга ўргатиш. Ўзига нисбатан ишонч уйғотиш (“*Мен бажара оламан*”). Болада ўзига нисбатан ҳурматни тарбиялаш. Масалан: тенгдоши уни кучи етмайдиган ёки нотўғри ишни бажаришга ундаса, хушмуомалалик билан ва айни вақтда қатъиян инкор қилиш.

**Ҳиссий ифодалаш.** Болани ҳис-туйғулари ва кечинмаларини, кайфиятини сўз билан ифодалаш, ҳиссий ҳолат ва унинг сабаблари ўртасидаги боғлиқликни тушуниш, ота-онаси ва катталар билан самимий муносабат ўрнатиш, мулойим оҳангда сўзлашиш, одоб билан саволларга жавоб беришга одатлантириш.

Катталарнинг ҳиссий ҳолатини (*севиниш, гурурланиш, асабийлашиш в. б.*) ҳис қилиш кўникмасини шакллантиришда давом этиш.

Дўстини қўллаб-қувватлашга, ижобий ҳис-туйғулар орқали ўртадаги низоларни бартараф қилишга, мулоқот пайтида мулойимлик билан ўртоғининг кўзига қараб, табассум билан, “Кел, ярашамиз” – каби муомалани қўллашга ўргатиш.

Болани ўз ҳиссиётларини бошқара олишга, қувонч, ҳайрат, ҳаяжон, жаҳл, хафалик каби ҳиссиётларни тушунишга, жаҳли чиққанида, кўрққанида ўзини тута олиш (*итармаслик, урмаслик, ўйинчоқни бошқалардан тортиб олмаслик, йиғламаслик*)га ўргатиш. Хато қилса узр сўрашни, ўзидан кичикларга нисбатан яхши муносабатда бўлишни тарбиялаш.

#### **Тарбиячи суҳбат ва ўйинлар орқали болада:**

- ўзининг ташқи қиёфасини (*Мен кимман? Мен қанақаман?*) изоҳлаш малакасини;
- ўзи ва атрофдагиларнинг ҳиссий ҳолатларини ҳис қила билишни;
- ўзини англаш қобилиятини шакллантириши лозим.
- ўзи ёқтирган нарсалар (*Менга нима ёқади? Нима ёқмайди?*) ҳақида гапириб беришга ундаши.

#### **Ўқув йили охирида бола:**

- оила аъзоларига нисбатан меҳрли муносабатни намоён этади, уларнинг илтимосларини бажаришга ҳаракат қилади;
- оиласи ва яқинлари нимани яхши кўриши ва ёқтирмаслиги ҳақида сўзлаб беради;
- ёрдам сўраб таниш катталарга мурожаат этади;
- мулоқотда нутқдан фойдаланади;
- оғзаки кўрсатма бўйича буюмлар билан ҳаракат қилади;
- катталар билан жуфтликдаги ўйинларга фаол киришади;
- ўйинчоқларини ўртоқлари билан ўйнайди;
- ўйин вақтида ҳамкорлик қилади, ролларни тақсимлаш ва ўйин мазмуни юзасидан келишади;
- ҳис-туйғулари ва кечинмаларини ифодалайди;
- ўзининг қайси жинсга мансублигини билади;
- ўйинларда роль бажаришни ўз зиммасига олади;
- ўз ҳаракатлари учун жавоб беради;
- кўзгудаги аксини таърифлай олади;
- она юрти, сеvimли ўйинчоқлари тўғрисида айтиб беради, халқ анъаналари, урф-одатларига қизиқиш билдиради;
- тенгдошининг салбий юриш-туриши ҳақида фикрларини айтади;
- яқинлари ва қариндошларига нисбатан меҳр кўрсатади;
- жаҳл, қувонч, ҳайрат, хафалик каби ҳиссиётларни тушунади.

### **Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик (4-5 ёш)**

**Нутқ.** Бу ёшда бола атрофдагилар билан мулоқат қилишга кириша бошлайди. Боланинг теvarак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасавурларини кенгайтириш асосида сўз бойлигини ошириш ва фаоллаштириш. Катталар ва тенгдошларининг нутқини тинглаш ва тушуниш; савол ёки илтимос билан мурожаат қилиш; ўзининг ҳатти ҳаракатларини, фаолиятини сўз билан ифодалаш; табиат ҳодисаларидан таъсирланиб, ўз ҳиссиётларини содда гапларда ифодалаш; кичик ҳикоя тузиш, хилма-хил буюмлар ва расмларни диққат билан кўриш малакасини ҳосил қилиш муҳимдир. Ушбу кўникма ва малакаларни ҳосил қилувчи муҳит яратиш мақсадида турли таълимий ўйинлар ўтказилади.

**Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш.** Боланинг она тилидаги барча товушларни аниқ, тўғри талаффуз этишига алоҳида эътибор бериш; аниқ, шошилмай, етарлича баланд овозда гапиришини доимий равишда кузатиш. Сўзларни ҳар хил баландликда ва тезликда, унли (е, *i*, а, о, *u*, о) ва ундошлар (*m*, *n*, *b*, *p*, *t*, *d*, *k*, *g*, *f*, *v*)ни тўғри талаффуз этишни машқ қилдиришда давом этиш. Ҳавони оғиздан бир текисда ва чўзиб чиқаришни ўргатиш.

Фонетик идрокни, яъни эшитиш орқали товуш ва сўзларни фарқлашни шакллантиришда давом этиш. Сўзларни адабий талаффуз қоидаларига риоя этган ҳолда айтишга ундаш. Болага турли суҳбатларда иштирок этиш, суҳбат мавзуси бўйича берилган саволларга аниқ ва тўғри



жавоб қайтариш; саволни тўғри бериш, бирор воқеани (*расмда кўрган ёки эшитган*) изчилликда равон сўзлашга ўргатишни давом эттириш.

Боланинг тўғри жумла тузишига эътибор бериш; эртак ва шеърларни айтишга ўргатиш; чиройли, тўғри гапириш иштиёқини ривожлантириш.

Бола “r”, “l” каби айрим товушларни талаффуз этишда қийналса, ушбу товушларни тўғри талаффузини шакллантириш машқларини бажаришни давом эттириш.

**Луғат иши.** Боланинг сўз бойлигини уй-рўзғор буюмларининг номини англатадиган отлар (*идиш-товоқ, мебель*); мавсумий кийимлар; табиат ва жамият ҳодисаларини айтиб бериш (*қиш байрами, онажонлар байрами*); ўсимликлар (*полиз, боғ экинлари*); уй ҳайвонлари (*қўй, эчки, от, сигир, ит, мушук*), уларнинг болалари (*қўзичоқ, улоқча, тойчоқ, бузоқ в.б.*); айрим ҳаракатларни ифодаловчи феъллар (*артмоқ, пиширмоқ, тайёрламоқ, экмоқ в.б.*); сифатлар (*қизил, сариқ, яшил, кўк, оқ, қора, иссиқ, совуқ, юмалоқ*) билан бойитиш.

Буюмларнинг жойлашиш ўрни (*ўнгда, чанда, ўртада, орқада, ёнида*); вақт жиҳатдан бир сутка бир нечта қисмга бўлиниши (*эрталаб, кундузи, кечқурун, кечаси*) ҳақида тушунча бериш ва ўз ўрнида тўғри қўллашга ўргатиш. Одамларнинг ҳолат ва кайфиятларини (*хафа, хурсанд*); қарама-қарши маънони билдирувчи антоним сўзлар (*катта-кичик, узун-қисқа, қоронғи-ёруғ*)дан фойдаланишга ўргатиш.

Боланинг теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш; таниш буюмларнинг сифати ва ўзига хос хусусиятлари, ранги, катта-кичиклиги билан таништириш орқали сўз бойлигини ошириш.

Катта-кичик, баланд-паст, кўп-кам, кўп-битта каби сўз бирикмаларидан ўз ўрнида фойдаланишга ўргатишни давом эттириш.

**Луғатни фаоллаштириш.** Таниш расмларни ёки уй-рўзғор буюмларини кўздан кечираётганда, уларнинг номлари, вазифалари ва баъзи хусусиятларини билдирувчи сўзларни тўғри ишлатишга ўргатиш.

Боланинг ўрганган янги сўзларини сўз ўйинлари, топишмоқлар орқали мустаҳкамлаб бориш.

**Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш.** Болага сўзлашаётганда, ҳикоя қилаётганда сўзларни грамматик жиҳатдан тўғри тузишга: нутқда отларни бирлик ва кўпликда (*қўғирчоқ - қўғирчоқлар, ўйинчоқ - ўйинчоқлар*) тўғри ишлатиш; сифатларни от билан шахс ва сонда (“*Менинг битта қизил коптогим бор*”) мослаштириш, феълларни ўтган ва келаси замонда (“*Мен кеча боғчага бордим*”, “*Мен эртага меҳмонга бораман*”) ишлатишни машқ қилдириш; сўроқ сўзларнинг интонациясини эгаллашга тайёрлаш. Отларни келишик қўшимчалари билан тўғри турлашга (*Зулхуморни, Зулхуморнинг, Зулхумордан в.б.*); феълларни шахс-замон қўшимчалари билан тўғри туслашга (*олдим, олдинг, олди*); ҳайвон ва паррандаларни бирлик ва кўпликда ифодалашга ўргатиш. Айрим ҳайвонларнинг болаларини билдирувчи сўзларнинг ясалиш йўлларига эътиборларини қаратиш. Болага воқеанинг вақти, жойини ифодалайдиган сўзларни; содда ва қўшма гапларнинг тузилишини ўзлаштириб олишида

ёрдам бериш. Уюшиқ бўлакли гаплар тузишга (*Собир саватга копток, кубик, байроқчани солди*) ўргатиш.

**Боғланишли нутқни шакллантириш.** Боланинг сўзлашув ва ҳикоя қилиб бериш нутқини ўстириш. Сухбат жараёнида фаол иштирок этишга ундаш; мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, аниқ ва тўлиқ жавоб беришга, ўртоқларининг бераётган жавобларига эътибор беришга; шунингдек тушунмаган нарсаси бўйича савол бериш малакасини шакллантиришда давом этиш.

Боланинг бадиий асарларни қайта ҳикоя қилиш (*тарбиячининг саволлари ва китобдаги расмлар асосида*) малакасини ўстириш. Таниш эртак ва ҳикояларни диққат билан тинглаб, асар мазмунини тушуниб, воқеаларни мантикий изчилликда, грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тузиб, қаҳрамонлар сухбатини англаб, равон сўзлаб беришга ўргатиш. Тенгдошлари ҳикоя қилаётганда эътибор билан тинглаш, асар мазмуни бўйича нотўғри айтилган жойларга аҳамият бериб, одоб билан фикрини айтишга ўргатишни давом эттириш. Шунингдек, бадиий асарлар, эшитган ёки кўрган воқеалари ҳақида мустақил фикрини билдиришга, қўшимча изоҳлаб беришга ундаш лозим.

Ўйинчоқлар, йил фасллари, турли буюмларнинг (*кийим-кечак, идиш-товоқ, мебел*) номи, белгиси ва вазифалари бўйича, воқеабанд расмлар асосида (*аввал тарбиячининг саволлари, сўнгра у берган намуна ва режа асосида*) тасвирий ҳикоя тузишга ўргатишда давом этиш.

Сўзлашув нутқини ўстириш. Болада тарбиячининг нутқини тинглаш ва тушуниш, мавзу бўйича берилган саволларга тортинмасдан, аниқ ва тўлиқ жавоб бериш; савол билан мурожаат этиш малакасини шакллантиришни давом эттириш.

Таниш эртаклардан олинган парчаларни сахналантиришда фаолликка ундаш.

**Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш.** Адабий асарларга ишланган расмлар бўйича асар мазмунини сўзлаб беришга; таниш асардан бир парчани эшитганида, бу қайси асардан эканлигини айтиб беришга; қисқа шеърларни ёддан, ифодали ўқиб беришга ўргатишда давом этиш. Ўзидан кичик болаларга ёки ўйинчоқлар учун китоб ўқиб беришга таклид қилиш; китоб ўқиётганида, саҳифани горизонтал йўналиш бўйлаб кузатиб боришга ўргатиш.

“Сўз” ва “товуш”нинг маъносига тушуниб, турли ўйинларда, амалий машқларда ўринли қўллашга ўргатишни давом эттириш.

Икки сўздан иборат гап тузиш (“*Бола ўтирибди*”, “*Қуш сайраяпти*”, “*Биз сайрдамиз*”). Гап ва сўз ҳақидаги тушунчаларини амалий машқларда ўринли қўллашга ўргатиш.

Оддий чизиқлар, илгаклар, белгилар нусхаларини кўчириш, табиат манзараларини ва одамларнинг расмини чизишга ўргатиш.

**Бадиий адабиёт.** Болада бадиий сўзга қизиқиш, муҳаббат ва завқланиш кўникмасини шакллантириш; аста-секин китобхонлик саводини, китобхонлик маданиятини тарбиялаш. Турли жанрдаги (*эртак,*

*достон, ривоят, ҳикоя, шеър*) бадий асарларни тушунишга, мазмунини сўзлаб бераётганда шошилмай, равон баён этишга, ҳар бир сўзни аниқ талаффуз қилишга ўргатиш.

Болага доимий равишда халқ оғзаки ижоди намуналари: йил фасллари ҳақидаги (“Эски йил кетди...”, “Лайлак келди, соз бўлди...”) кўшиқлар; айтишма-ўйин кўшиқлари (“Оқ теракми, кўк терак...”, “Шамол, шамол...”) билан таништириш; оҳангнинг мазмунга кўра ўзгариб боришига эътиборини қаратиш, бадий сўзни ҳис этиш туйғусини кучайтириш.

Боланинг ақлини чархлайдиган мақол, топишмоқ, тез айтиш ва санамалар билан таништириб бориш; ёшига мос кулгили латифалар айтиш.

Шеърый асарлар орқали табиатга, она-Ватанга муҳаббат туйғусини (Х.Комилов “Ватан”, М.Қодиров “Талпинаман кўёшга”, Ҳ.Раҳмат “Яхши сўз”) уйғотиш; табиатни асраб-авайлаш (Р.Файз “Кузда”, Ё.Мирзо “Ёмғир”, К.Турдиева “Баҳор”, Ш.Саъдулла “Бойчечак”, Қ.Ҳикмат “Тунафша” в.б.) ҳиссини тарбиялаш; қувноқ шеърларга (Р.Фарҳодий “Ёз ёмғири”, М.Қўшоқов “Ҳой, олма”, А.Зиёмат “Мен – ойимга ёрдамчи”) тушуниш кўникмасини шакллантириш; шеър ёдлашга бўлган ҳавасини рағбатлантириш (*саккиз қатор шеърни ёдлатиш*). Болага шеърый асардаги мусикавийликни юзага чиқарувчи шакл элементлари ҳақида қисқача тушунча бериш; шеърни ифодали айтаётганда қофия, такрорий сўз, ритм, мантикий урғуга эътибор беришни; мазмунни оҳанг воситасида (*сўроқ, ҳис-ҳаяжон, илтимос, эркаланиш оҳанги*) ифодали билишни; керак жойида сукут сақлашга (*пауза*) риоя этишни ўргатиш.

Буюк алломаларимиздан Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳақида маълумот бериш, айрим асарлари (А.Навоий “Шер билан Дуррож”) ва халқ ривоятлари (“Бобур ва кабутар”) билан таништириш.

Бола диққатини эртакларнинг (ўзбек халқ эртаклари: “Олтин тарвуз”, “Овчи, кўкча ва доно”) ўзига хос хусусиятлари (*бошланма, тугалланма*)га қаратиш. Ўзбек халқ достонлари (“Алпомиш” достонидан парча) бўйича қизиқарли тарзда илк маълумот бериш.

Болани ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзувчиларининг бадий асарлари билан бир қаторда турли халқ оғзаки ижоди ва ёзувчиларининг асарлари билан ҳам таништириш (бирма халқ эртаги – “Дурча ва Бақача”, корейс халқ эртаги – “Гул ўстиролмаган бола”, уйғур халқ эртаги – “Сехрли кетмон”, рус халқ эртаги - “Ҳайвонлар қишлови”, Л.Толстой “Уч айиқ” (*эртак*), В.Осеева. “Қайси бири осон?” (*ҳикоя*), К.Чуковский “Телефон” (*эртак*)).

Болага тенгдошларининг ҳаёти акс эттирилган қизиқарли ҳикоялардан ўқиб бериш. Ҳикоя қаҳрамонларининг маънавий сифатларини (*меҳрибон, софдил, ҳалол*) тушунишига (Н.Норқобилов “Дўст”, Х.Тўхтабоев “Ҳасса”, Я.Саъдуллаева “Ғишт”), хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолашига эътибор бериш; яхши фазилатларга нисбатан ижобий муносабатни тарбиялаш. Шеърый асар қаҳрамонлари руҳий ҳолати: хафа ёки хурсандлигини

(Т.Йўлдош “Ойим уйда бўлсалар”, А.Абдураззоқ “Тойчоғим”) ҳис қилиш ва таърифлашга ундаш. Бадиий асар воқеалари асосида ишланган расмларни томоша қилиш, уларнинг асосий мазмунини сўзлаш; ўз таассуротларини баён қилиш; таниш асардан бир парчани тинглаб, бу қайси асардан эканлигини топиб, номини айтиш; эшитган, кўрган ва билганларига нисбатан ўз муносабатини билдириш кўникмаларини ривожлантириш.

Бадиий асарларни сахналаштириш, ролларга бўлиниб қизиқарли ўйинлар ташкил этиш, мароқли суҳбат-мунозаралар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Суҳбат-мунозара жараёнида бадиий асарни “муҳокама” қилиш; асар қаҳрамонлари ҳақида фикр билдиришини; берилган саволларга тушуниб, тўлиқ ва дадил жавоб беришга интилишини; фикрларини эркин баён этишини рағбатлантириш; тушунмаган жойлари ҳақида тортинмасдан изоҳлаб беришни сўраш, “Нима?”, “Нима учун?” каби савол орқали муурожаат этишга ўргатишда давом этиш.

Болада китобга нисбатан қизиқиш, меҳр ҳисларини кучайтириш, китобни тоза қўл билан ушлаш, варақларини авайлаб, шошмасдан, аста очиш, букламаслик қоидаларини ўргатишда давом этиш.

#### **Ўқув йили охирида бола:**

- катталар ва тенгдошларининг нутқини тинглайди ва тушунади;
- нутқда ўз хатти-ҳаракатларини ифодалайди;
- уй-рўзғор буюмларининг номи ва вазифаларини, табиат ва жамият ҳаётидаги айрим ҳодисаларни айтиб беради;
- нутқда отларни кўпликда тўғри ишлатади, сифатларни от билан шахс ва сонда мослаштиради, феълларни ўтган ва келаси замонда ишлата олади;
- ўйинчоқлар, турли буюмлар, йил фасллари ва расм мазмуни бўйича тасвирловчи ҳикоя туза олади;
- буюмларнинг (*кийим, идиш, мебель*) номи, белгиси ва вазифалари бўйича (*тарбиячининг саволлари ва намуна асосида*) кичик ҳикоялар тузади;
- қисқа эртак ва ҳикояларни мустақил қайта сўзлаб беради;
- таниш эртак ва расмлар мазмуни бўйича берилган саволларга аниқ жавоб беради; бадиий асарни муҳокама қилади ва саволлар беради;
- эртак ва ҳикояларни диққат билан тинглайди, қаҳрамонларга, эшитган ва кўрган воқеаларига нисбатан ўз муносабатини (*яхши, ёмон, одобли, одобсиз*) билдиради; қўшимча изоҳлаб беришни сўрайди;
- эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари (*бошланма, тугалланма*) ҳақида тасаввурга эга;
- саккиз қатор шеърни ёдлай олади ва ифодалай айтиди;
- таниш асардан бир парча тинглаб, қайси асар эканлигини айтиди;
- китобдаги расмларга асосланиб, адабий асарнинг мазмунини сўзлаб бера олади;
- расмга қараб, сўз бирикмалари, 2-3 та сўздан иборат гап туза олади;

- тез-тез учрайдиган рамзий белгилар, сўзлар, логотипларни танийди;
- ўзидан кичик болалар ёки ўйинчоқлар учун китоб ўқиб беришга тақлид қилади;
- китоб ўқиб берилаётганида, саҳифани горизонтал йўналиш бўйлаб кузатиб боради;
- “сўз” ва “товуш”лар маъносини тушунади, уларни ўйинларда, амалий машқларда қўллай олади;
- оддий чизиклар, илгаклар, белгилар нусхаларини кўчира олади;
- китобни авайлаб, эҳтиётлайди.

### **Билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш (4-5 ёш)**

#### **Элементар математик кўникмалар ва билимларни ривожлантириш.**

**Сон ва санок.** Болани 3, 4, 5 сонларининг ҳосил бўлиши билан таништириш. Ҳар бир сонни алоҳида машғулотда ўргатиш. Биринчи машғулотда 1 ва 2 сони ҳақидаги тасаввурини аниқлаш ва мустаҳкамлаш, сўнг 3 сони билан таништириш. Кейинги машғулотда 3 сонигача мустаҳкамлаш, сўнг 4 сонини ўргатиш. Сонларни ўргатиш шу тарзда давом этади.

Болани 5 гача санашга ўргатиш: бир қатор қўйилган буюмларни санаб, сонни тартиб билан айтиш, сонни от билан мослаштириб, охириги сонни саналган буюмларга тааллуқли қилиб айтиш, масалан, “Бир, икки, уч, – ҳаммаси бўлиб учта қалам”, “Бир, икки, уч, тўрт – ҳаммаси бўлиб тўртта қалам” тарзида.

1, 2, 3, 4, 5 сонлар доирасида сонли карточкалар билан таништириш.

Болага 5 гача бўлган санок ва тартиб сонлардан тўғри фойдаланишни, “Қанча?”, “Қайси?”, “Нечанчиси?”, “Санок бўйича нечанчи?”, “Нечанчи ўринда?”, “Ҳаммаси бўлиб нечта?” каби саволларга жавоб беришни ўргатиш.

Буюмларнинг икки гуруҳини қиёслашни машқ қилдириш ва таққослашни ўргатиш, масалан (“*Бир, икки, уч, тўрт, беш – ҳаммаси бўлиб бешта копток*”, “*Бир, икки, уч, тўрт – ҳаммаси бўлиб тўртта кубик. Бешта копток кўп, тўртта кубик кам. Коптоқлар кубиклардан битта кўп экан*”).

Буюмларнинг кам гуруҳига етишмаган буюмни қўшиш ёки кўп гуруҳдан битта ортиқча буюмни олиш ва шу тарзда гуруҳлар ўртасида бир хил миқдордаги ҳар хил буюмлардан иборат тенглик ҳосил қилишни ўргатиш. (“*Карточканинг юқори қаторида учта анор, пастки қаторида тўртта олма бор, анорлар олмалардан битта кам. Агар яна битта анор қўйсак анорлар ва олмалар сони тенг бўлади*”).

5 гача бўлган сонни ўзидан кичик бўлган иккита сонга (*буюмлар мисолида*) ажратиш. Масалан, “Сенда 4 та олма бор, иккитасини укангга бердинг. Ўзингда нечта қолди?” деган савол билан мурожаат қилиш.

Мулоқот ва ўйин вақтида боланинг сонлардан фойдаланишини

рағбатлантириш. Боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, унга осон бажара оладиган икки-уч ҳаракатлардан иборат топширик бериш.

**Миқдор, катталиқ.** Болага буюмларни (*5 тағача*) катта-кичиклиги, кенг-торлиги, узун-калталиги, баланд-пастлигига кўра бир-бирининг устига қўйиб қиёслашни, ортиб ва камайиб борадиган тартибда қўйиб қиёслашни машқ қилдириш (*энг кенг, тор, торроқ, янада торроқ, энг тор тасма*).

Нарсаларнинг қалин-юпқалигини қиёслаш, “қалин”, “қалинроқ”, “юпқа”, “юпқароқ”, “бир хил” сўзларини нутқда тўғри қўллашни ўргатиш.

**Геометрик шакллар.** Доира, квадрат, учбурчак шаклларини бир-биридан фарқлашни мустаҳкамлаш.

Тўғри тўртбурчак шакли билан таништириш, тўғри тўртбурчак ва квадратни фарқлашни, номини айтишни, уларни сезиш – ҳаракат ва кўриш усуллари орқали ўргатиш.

Овал шакли билан таништириш, доира ва овални фарқлашни, номини айтишни, уларни сезиш – ҳаракат ва кўриш усуллари орқали ўргатиш.

Куб, шар, цилиндр каби шаклларнинг номини айтиш ва бир-биридан фарқлаш.

Шакллар ҳар хил ўлчамда бўлиши мумкинлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш (*катта доира – кичик доира, катта квадрат – кичик квадрат*).

Таёқчалардан тўғри тўртбурчак, квадрат, учбурчак ясашга, бу шакллардан фойдаланиб турли нарсалар ясашни машқ қилиш.

Болага буюмларни кузатиш, уларнинг жойлашуви, белгилари, ўлчамларига эътибор қаратиш имкониятини бериш, буюмларнинг ўлчами, шакли ва рангини солиштириш ҳамда улар ўртасидаги тафовутлар тўғрисида сўзлаб беришга ўргатиш.

**Фазода мўлжал олиш.** Нарсаларни ўнг қўл билан чапдан ўнгга қараб териш кўникмасини мустаҳкамлаш.

Болага буюмларнинг жойлашган ўрни ҳақида саволлар билан муружаат қилиш, у ёки бу буюмнинг ўзига нисбатан жойлашувини сўз билан ифодалашни (*олдимда – стол, орқамда – шкаф, пастда – пол, юқорида – шип, ўнг томонимда – дераза, чап томонимда – эшик, шкаф – узоқда, стул – яқинда*), берилган йўналишда (*олдинга-орқага, ўнгга-чапга*) ҳаракат қилишни ўргатиш.

**Вақт бўйича илк тушунчалар.** Боланинг кун ва тун ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, вақтни ифодаловчи “кун”, “тун” сўзларини нутқда тўғри қўллашга ўргатиш асосида вақт ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш.

Боланинг сутка қисмлари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш (*кундузи, эрталаб, кечқурун, тун*) ва мустаҳкамлаш.

“Кеча”, “Бугун”, “Эртага” тушунчаларини фарқлаш ва бу сўзлардан тўғри фойдаланишни; ҳаракат тарзини ифодаловчи сўзларни (*тез, секин*) ўргатиш.

**Қуриш-ясаш.** Болага содда воқеабанд ўйин масалаларини лойиҳалаб оддий қурилмаларни: “лего” туридаги бўлақлардан моделлар, 6-8 та қисмдан пазллар йиғишни, қоғоздан буклаш йўли (*оригами*) орқали содда шакллар (*самолёт, қайиқ*) ясашни ўргатиш.

Бола эгаллаган билим ва кўникмалар қуйидаги ўйинлар орқали мустаҳкамланади:

“Саноғини топ”, “Ким топқир?”, “Ким бекинди?”, “Яқин-узоқ”, “Шакл яса”, “Кенг-тор”, “Ўхшашини топ ва қиёсла”, “Кун-тун”, “Кимга қанча?”, “Қайси ўйинчоқ яширилган?”, “Кимда шунча?”, “Дарвозадан ўтинг”, “Келинг, санаймиз”, “Қайси ўйинчоқ қайси сонга тегишли?”, “Товушига кўра сонини топинг”, “Ким тезроқ териб олади?”, “Қайси шаклни кўйиш зарур?”, “Нима ўзгарди?”, “Худди шундай халқани топинг?”, “Бу қандай шакл?”, “Сехрли қопча”, “Сотувчисиз дўкон”, “Олдинга-орқага”.

**Ўқув йили охирида бола:**

- 5 гача санайди;
- бир жойда турган буюмларни (*5 тагача*) тартиб сони билан айта олади;
- сони 5 тагача бўлган икки гуруҳдаги буюмлар сонини таққослайди;
- буюмларнинг шакли, катта-кичик, узун-қиска, кенг-тор, баланд-паст, қалин-юпқалигига кўра фарқлайди;
- доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, овал шаклларини бири-биридан фарқлайди;
- шар, куб, цилиндрларнинг номини айта олади ва уларни фарқлайди;
- аниқ бир йўналишни ифодаловчи олдинга, орқага, ўнгга, чапга, юқорида, пастда, узоқда, яқинда каби сўзларни нутқда қўллай олади;
- у ёки бу буюмнинг ўзига нисбатан жойлашувини сўз билан ифодалайди;
- кун, тун, эрталаб, кундузи, кечкурун, кеча, бугун, эртага, тез, секин каби вақтни ифодаловчи сўзларни тушунади, нутқда қўллайди;
- “лего” туридаги ўйин бўлақларидан содда моделлар йиғади;
- 6-8 та қисмли пазлларни йиғади;
- қоғозни буклаб (*оригами*) содда шаклларни ясайди.

### **Атроф-муҳитни ўрганиш ва англаш (4-5 ёш)**

**Она Ватан ва атроф-олам.** Болада туғилиб ўсган юртига муҳаббат хиссини уйғотиш. Болани ўзи яшаётган кўча, маҳалла, қишлоқ, туман ва шаҳар билан таништириш, уларнинг номларини тўғри айтишга ўргатиш. Боланинг эътиборини яшаш жойидаги диққатга сазовор жойлар, меъморчилик ёдгорликлари, баланд ва кўркем биноларга, кенг ва равон йўлларга қаратиб уларга нисбатан қизиқиш уйғотиш.

Боланинг ўз исми шарифини, ота-онасининг исми шарифини, яшаш манзилини билишига эришиш.

“Конституция сабоқлари” ва “Тежамкорлик сабоқлари” дастурлари асосида илк тушунчалар бериш.

**Буюк сиймолар.** Ўзбек халқининг Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари буюк сиймолари ҳақида қисқача маълумот бериш, уларнинг болалиги ҳақидаги ривоятлар билан таништириш. Буюк боболаримизга нисбатан ҳурмат, фахрланиш, ифтихор туйғусини таркиб топтириш.

**Байрамлар.** Боланинг Мустақиллик байрами халқимиз учун ниҳоятда кадрли байрам эканлиги ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш.

Болани ўзбек халқининг миллий байрамлари билан таништиришда давом этиш, “Наврўз” халқимизнинг қадимий байрамларидан бири эканлиги, у юртимизда кенг нишонланиши; байрамни катталар ҳам, болалар ҳам бирдек қувонч билан ўтказиши ҳақида тушунча бериш. Байрамда баҳор таомлари: сумалак, ҳалим, кўк сомса, чучваралар пиширилиши ҳақида маълумот бериш.

Миллий қадриятлар, урф-одатларимизни улуғлаш, ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш.

Ўлкамизда ҳосил байрами – “Меҳржон” ҳар йили олтин куз фаслида ўтказилиши, унда бободехқонлар етиштирган мўл ҳосилга шукроналик билдирилиши, турли кўргазмалар, қизгин савдолар ташкил этилиши, ўйин-кулгу, хурсандчиликда нишонланиши, қовун, узум сайли ўтказилиши ва бошқалар ҳақида тушунча бериш.

**Катталар меҳнати.** Болада катталар меҳнатига ҳурмат ва қизиқиш ҳиссини тарбиялаш, ҳар бир касбнинг ўз вазифаси борлигини тушунтириш.

Ғаллакорлар ва новвойлар меҳнати, уларнинг иш қуроллари, меҳнатларининг натижалари ҳақида қисқача маълумот бериш. Нонни кадрлашга, увол қилмасликка одатлантириш.

Болага боғбон, деҳқон, сотувчи, ошпаз, қурувчи меҳнати ва улар бажарадиган асосий ишлар ҳақида тушунча бериш. Иш натижаси ва унинг аҳамиятини ажратиш кўрсатишга ўргатиш. Катталар меҳнати учун зарур бўладиган иш қуроллари, кишилар меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат жараёнини тезлаштирадиган турли машиналар билан таништириш.

Болани катталар меҳнати билан таништириш жараёнида, меҳнаткаш инсонларга нисбатан самимий ҳурмат ҳиссини уйғотиш, уларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга эътиборни кучайтириш.

Болани тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчисининг ишларида ёрдам беришга ўргатиш: гуруҳ хонасида тартиб сақлашга, қурилиш материаллари, ўйинчоқларни мустақил равишда жой-жойига қўйиш, катталарга стол тузатиш (*қошиқларни, лисонча, коса, сочиқ, нон идишларни қўйиш*)га ёрдамлашиш; стол устида ўйналадиган ўйинларни йиғиш; стулчани керакли жойга олиб боришга одатлантириш.

Машғулотларда навбатчилик қилишни: тарбиячи тайёрлаб қўйган материаллар, қўлланмаларни қўйиб чиқиш, машғулотдан сўнг уларни жойига қўйишни ўргатиш.

Бола қалбида ота-оналарига, катталарга уй-рўзғор ишларида ёрдам бериш (*ўйинчоқларни йиғиштириш, кийимларини тартиб билан тахлаш*)



истагини таркиб топтириш. Ўз ишлари билан ота-оналарини севинтириб, уларнинг дуо-олқишларини олишга ҳавас уйғотиш.

**Транспорт воситалари.** Болани ҳудуддаги транспорт воситалари билан таништириш, улардан фойдаланиш қоидалари ҳақида тушунча бериш.

Жамоат транспорти (*автобус, такси, поезд, самолёт, кема*) турлари ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, номларини айтишни ўргатиш. Ҳайдовчи касби ҳақида қисқача тушунча бериш.

Йўл ҳаракати қоидалари билан таништиришни давом эттириш. Светофор ва унинг вазифаси ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

**Буюмлар.** Теварак-атрофдаги буюмларнинг хилма хил сифатларига эътиборни жалб қилиш.

Уй-рўзғор буюмларининг (*кўрпа-тўшак, кўрпача, ёстиқ, чойшаб, кийим жавони, хонтахта*) шакли, ранги, қаттиқ ва юмшоқлиги, вазифалари ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Буюмларни умумлаштириш (*ошхона идишлари – чойнак, пиёла, ликопча, чўмич, капкир, қозон, коса, пичоқ, това, челак, лаган, товоқ, тоғорача, жува*); фарқлаш (*пиёлани косадан, чойнакни човғумдан*); бир турдаги буюмларни гуруҳлаш (*чай идишлари – чойнак, пиёла, қанддон*) кўникмасини шакллантириш.

Хўжалик меҳнат қуроллари (*кетмон, белкурак, хаскаш*) тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш.

Маиший буюмлардан – дазмол, кир ювиш машинаси, тикиш машинаси билан таништириш.

**Кийимлар.** Боланинг кийим-кечакларни умумлаштириш ва гуруҳлаштириш бўйича тушунчаларини мустаҳкамлаш. Устки кийимлар (*кўйлак, яхтак, чопон*), бош кийимлар (*рўмол, телпак, дўппи, қалпоқ*), оёқ кийимлари (*туфли, этик, шиппак*) ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва бойитиш. Кийимларни мавсумга қараб кийиш ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

**Бола ўз танасининг қисмларини ва гигиенани ўрганеди.** Болани соғлом турмуш тарзига одатлантириш. Унда ўзининг ташқи кўринишидан мамнунлик ҳиссини уйғотиш, кўринишини таърифлаб беришга ундаш. Болага танасининг баъзи аъзоларини кўрсатиш, номларини (*ўнг ва чап тирсак, ўнг ва чап елка, ияк*) тўғри айтишни ўргатиш.

Одам соғлом ҳаёт кечирishi, танадаги ҳар бир аъзо соғ бўлиб, ўз вазифасини аниқ бажариши учун, ўз танасини чиниқтириши, жисмоний машқлар бажариши, гигиенага (*қўлни тозалаб ювиш, тишларни тўғри парваришлаш*) риоя этиши ҳақида болага содда, қизиқарли тарзда тушунчалар бериш. Мавзуга оид ҳикоя ва шеърлар ўқиш, кўрғазмали материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Ўқув йили охирида бола:**

- ўзи яшаётган кўча, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳарнинг номини билади;
- ўз исм-шарифи, ота-онасининг исм-шарифини айта олади;

- буюк боболаримиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида дастлабки тушунчаларга эга;
- миллий байрамлардан: “Мустақиллик”, “Наврӯз”, “Меҳржон” ҳақида тасаввурга эга;
- катталар меҳнати (*боғбон, деҳқон, сотувчи, ошпаз, новвой, қурувчи*) ҳақида билади;
- транспорт турлари ва кўча ҳаракати қоидалари ҳақида маълумотга эга;
- уй-рўзғор буюмлари ва уларнинг вазифаларини билади;
- маиший буюмлардан – дазмол, кир ювиш машинаси, тикиш машинасини билади;
- ўзининг ташқи кўринишини таърифлаб беради;
- ўнг ва чап тирсак, ияк, ўнг ва чап елка каби тана аъзоларининг номини билади ва қаерда жойлашганлигини кўрсатади;
- одам шаклини чизади;
- таниш буюмларни гуруҳларга ажратади, туркумлайди.

### **Табиат билан таништириш (4-5 ёш)**

**Жонсиз табиат.** Болада бизни ўраб турган борлиқни, табиат ходисаларини кузатиш, табиат гўзаллигини кўриш, уни асраб авайлаш ва онгли равишда муносабатда бўлишни тарбиялаш.

Болани об-ҳаводаги ўзгаришлар (*совуқ, иссиқ, илиқ, қуёшли, булутли бўлиши; шамол эсиши, ёмғир, қор ёки дўл ёғиши*), сув ва қорнинг айрим хусусиятлари (*тиниқ, тоза сув истеъмол қилинади; қор юмшоқ, оппоқ, уни истеъмол қилиб бўлмайди, қордан қорбобо ясаш, қорбўрон ўйнаш мумкин*) билан таништириш ва фарқлашга ўргатиш.

Табиатдаги айрим нарсаларнинг ўзига хос хусусиятлари (*тошқаттиқ, қум-сочилувчан*) ҳақида қизиқарли тарзда тушунча бериш.

Боланинг тун ва кун ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш, кун қисмлари (*эрталаб, кундуз, кечқурун, тун*)да катталар ва болаларнинг ҳаракатлари ҳақида суҳбатлар ўтказишни давом эттириш.

**Жонли табиат. Ўсимликлар дунёси.** Болани сабзавотлар ва меваларнинг ўзига хос белгилари билан таништириш. Сабзавотлар полизда, мевалар эса боғда, дарахтда ўсиши; сабзавотлар ҳар йили экилиши, мевали дарахтлар эса кўп йиллик ўсимлик ҳисобланиши ҳақида қисқача тушунча бериш. Мевали боғлар ва полиз хўжаликлари билан таништириш.

Сабзавотлар (*сабзи, картошка, шолғом, пиёз, помидор, бодринг*) ва мевалар (*олма, гилос, ўрик, олча, анор, нок*) ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сабзавотлар (*лавлаги, редиска, турп, саримсоқ*) ва мевалар (*шафтоли, олхўри, хурмо*) билан таништириш. Болага сабзавот ва меваларнинг номини, ранги, шакли, таъми, тановул қилиниши (*пиширилади, тузланади, қуритилади ёки хомлигича ейилади*) ҳақида

амалий машғулотлар орқали тушунча бериш. Сабзавот ва мевалар етиштиришда катталарнинг меҳнати ҳақидаги тасаввурни шакллантириш.

Полиз экинлари (*қовун, тарвуз*) билан таништириш.

Боланинг эътиборини фасллар ўзгариши (*баҳор, ёз, куз, қиш*); ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ равишда ўсимликлар дунёсида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига қаратиш. Кузда дарахтларнинг барги тўкилади, ўтлар сарғаяди, дала ва боғларда йиғим-терим ишлари бошланади.

Қиш фаслида тарбиячи бола диққатини барглarning тўкилиб, дарахтлар ялонғоч бўлиб қолганига, игна баргли арчалар эса доимгидек кўм-кўк бўлиб, яшнаб туришига жалб қилади.

Бола эътиборини баҳор келиб кунлар илиши билан дарахтларнинг куртак чиқариши, гуллаши, барг ёзиши, ўт-ўланларнинг кўкариши кабиларга қаратиш.

Ёз фаслида мевазор боғлар, дарахтлардаги ўзгаришлар ҳақида кизиқарли суҳбатлар уюштириш. Мевали дарахтлардан шафтоли, олхўри, хурмо билан таништириш.

Ўсимликлар яхши ўсиши учун энг аввало унумдор ер, сув, қуёш, озуқа ва доимий парвариш зарурлиги ҳақида тасаввурларни шакллантириш.

Бола билан мевали дарахтлар боғда, сабзавотлар полизда ўсиши ҳақида суҳбатлашиш. Таниш ўсимликлар номларини эслаб қолишга ўргатиш.

Мактабгача таълим муассасасининг ер майдончасига пиёз, кашнич, гулловчи ўсимликларнинг йирик уруғларини тарбиячи бошчилигида экиш ва уларнинг ўсиш жараёнини кузатиш, парваришlash.

Гуллайдиган маданий (*чиннигул*), ўт ўсимлик (*бойчечак*) ва доривор ўсимликлар (*мойчечак, ялпиз*) билан таништириш. Уларнинг номлари ва рангларини тўғри айтишга ўргатиш. Шу билан бирга боланинг эътиборини барглarning шаклига, пояси ва гулларидаги фарқларга, баъзи ўсимликларнинг шифобахш хусусиятларига қаратиш.

Хона гули фикус ҳақидаги билимини мустаҳкамлаш ва наврўзгул, ёронгул (*геран*) билан таништириш, уларни парвариш қилиш йўллариини ўргатишни давом эттириш.

**Ҳайвонот дунёси.** Болани фасллар ўзгарганда, хусусан, куз ва қиш даврида айиқ, бўри, олмахон, қуён, тошбақа сингари ёввойи ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи (*қаерда яшайди, нима билан озиқланади, душманларидан қандай ҳимояланади*) ҳақидаги тасаввурларини бойитиш.

Бу фаслда уй ҳайвонларининг ҳаёти қандай кечиши, уларнинг болалари (*ит-кучукча, мушук-мушукча, қўй-қўзичоқ, сизир-бузоқ, эчки-улоқча в.б.*) ҳақида тушунчаларни аниқлаш ва кенгайтириш.

Уй ҳайвонларининг ташқи кўринишидаги фарқлар (*тана қисмлари, товушлари, юриши-туришларига хос хусусиятлар*), нима билан озиқланиши, хўжаликка қандай фойда келтириши, уларга ғамхўрлик

қилиш, парваришlash йўллари хусусида қизиқарли маълумотлар бериб, боланинг уй ҳайвонлари ҳақидаги тушунчаларини янада бойитиш.

Паррандаларни (*ўрдак ва жўжалари, курка ва жўжалари*) парвариш қилиш ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Болада илк экологик маданиятни тарбиялаш.

Бола диққатини кунлар илиши билан қушлар кўпайиб, ҳашаротлар пайдо бўлиши, кунлар совиши билан ҳашаротлар буткул кўринмай қолганига, муассаса ҳовлисидаги қушлар ҳам камайиб кетганига қаратиш. Совуқ киш кунда қорни очиб овқат излаётган қушчага қийин эканлигини ҳис этишга ундаш. Болада қушларга ғамхўрлик қилиш (*майдончада учиб юрган қушларга дон сешиш*) ҳиссини тарбиялаш.

Қушларнинг нима билан озикланиши, қишлоқ хўжалигига келтирадиган фойдаси ҳақида ҳам қисқача маълумот бериш. Болани қушлар (*чумчуқ, мусича, қалдирғоч*) ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш ва булбул, майна, зағизғон билан таништириш.

Атроф-муҳитда учрайдиган ҳашаротлар (*капалак, хонқизи, асалари, ниначи, тиллақўнғиз*)ни фарқлашга ўргатиш.

Болани аквариумдаги балиқларга озуқа беришга ўргатишда давом этиш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- 3-4 хил турдаги дарахтлар, 2-3 хил турдаги ўсимликларнинг номини билади;
- сабзавотлар полизда, мевалар эса боғда, дарахтда ўсишини билади;
- йил фасллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари (*ёзнинг иссиқ, қишнинг совуқ эканлиги*) тўғрисида тасаввурга эга;
- уй ва ёввойи ҳайвонлар боласининг номини айта олади;
- ҳайвон ва қушларни ажратади;
- жонли оламга таъсир кўрсатадиган омилларни (*озуқа, сув, нур*) айтиб беради;
- жонсиз табиатнинг айрим хусусиятлари (*тош-қаттиқ, қум-сочилувчан*)ни фарқлайди;
- буюмларни кузатади, оддий тажрибалар (*чўкади-чўкмайди, йиртилади-йиртилмайди*) ўтказишни билади.

## Ижод

### Тасвирий фаолият

#### (4-5 ёш)

**Расм.** Болада тасвирий фаолият орқали атроф-оламга эстетик муносабатни тарбиялаш. Гўзалликни ҳис қилиш туйғусини, қизиқувчанлик ва фаолликни ривожлантириш. Болага таниш шаклларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқлаш, катталиқ, кенглик ва узунлик бўйича жойлаштиришда мутаносибликка риоя қилиш, турфа хил ранг ва тусда акс этириш кўникмасини шакллантиришда давом этиш.

Болага керакли ранг ва тусни (*зарғалдоқ, пушти ва оч яшил*) ҳосил қилиш учун бўёқларни қандай аралаштириш лозимлигини тушунтириш, масалан, қизил ва сариқ ранг аралаштирилганда – зарғалдоқ ранг ҳосил бўлади.

Қалам, маркер, фломастер, мумли қалам ва мўйқаламни ишлатишда янги усуллар билан таништириш. Масалан, бўёқ билан қалин чизик тортишда мўйқаламни ётиқ ҳолда ушлаб, тукларини бироз босим билан ҳаракатлантириш; ингичка чизик тортишда ёки нуқта қўйишда мўйқаламни тик ҳолда ушлаб, тукларининг учи билан енгил ҳаракатлантириш; бўяшда шакл тарҳи (*контур*)дан чиқиб кетмаслик.

Боланинг қўл ҳаракатларини бошқаришини ривожлантириш (*катта расмларни тасвирлашда қозоғ бўйлаб қўлни кенг кўламда, кичик қисмларни тасвирлашда қўлни қисқа масофада; кетма-кетликни тасвирлашда қўлни ритмик тарзда ҳаракатлантириш*).

Болага сабзаёт, меваларни қўл сезгиси ва кўз билан чамалаш усулида текшириб кўриш орқали доира, овал шаклларининг фарқи ҳақида тушунча бериш, ҳамда уларни тасвирлашга қизиқтириш: доира – олма, олча, тарвуз; овал – бақлажон, бодринг.

Квадрат, тўғри тўртбурчак ва учбурчакни ҳам қўл сезгиси ва кўз билан чамалаш усули (*томонлар бўйлаб қўлни юргизиш, қайси жойда бурилиш кераклигини чамалаш, бурчакда тўхтаб, яна давом этиш*) орқали шаклларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини кўришга ва расм чизаётганида эътибор беришга ундаш.

Шакл ва чизиклардан муайян нарсалар тасвирини чизиш: доира ва тўғри чизикдан – бандли олча; овал ва тўлқинсимон чизикдан – ипга боғланган пуфак; овал, доира ва тўғри чизикчадан – жўжа; тўғри тўртбурчак ва тўлқинсимон чизикдан – аквариум ва сув в.б.

Болага табиатни диққат билан кузатиш, гўзалликни ҳис қилиш, ўз таассуротларини расмлар орқали акс эттиришни ўргатиш (“Дарахтлар куртак чиқарди”, “Қуёш булутлар орасидан мўралаяпти”, “Қор ёғаяпти” в.б.); турли мавзуларда (“Рангли пуфаклар учмоқда”, “Аквариумдаги балиқлар”) расм солишини рағбатлантириш, бунда аввал эгаллаган билимларидан фойдаланишига имкон бериш.

Боланинг *безакли нақш* ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва кенгайтириш. Безакли нақшнинг чиройли бўлиши учун ҳар хил шаклларни кетма-кетликда, тартиб билан жойлаштириш, ранг ва шаклларнинг мутаносиблигига риоя қилиш муҳим эканлиги ҳақида тушунча бериш.

Бола эътиборини бош ва устки кийимлардаги, дастурхон, сочиқ, дастрўмол, қийикчадаги нақш безакларига қаратиш, улардаги ритмни, рангларни ҳис қилишга ундаш, нақш безакларини чизишга ўргатиш. Масалан, дастурхонга қуйидагича нақш чизиш мумкин: квадратнинг бурчак ва томонларига бир хил рангдаги гул, гулнинг икки тарафига тўлқинли ёки тўғри чизик чизиш. Дастурхоннинг ўртасини катта ҳажмдаги гул билан безатиш. Ранглар уйғунлигига, нақшлар мутаносиблигига

алоҳида эътибор бериш. Жамоа бўлиб безакли композициялар тузишга ўргатиш.

Халқ усталарининг лойдан ясалган ўйинчоқларини кўриб чиқиш ва уларнинг қоғоздан қирқилган силуэтларини нақш элементлари билан безашни ўргатишни давом эттириш.

Миллий газлама – беқасам, атлас билан таништириш. Бола эътиборини миллий газламалардаги ранглар уйғунлигига, рангларнинг жойлашиш тартибига кўра бир-бирини тўлдириб боришига, газламаларда миллий нақш безаклари ўз аксини топганлигига қаратиш. Миллий газлама – атласдаги рангларни, ёмғирдан сўнг пайдо бўладиган камалак рангига қиёслаш ва номларини айтиш.

Болага ўз иш ўрнини тартибли ва озода сақлашни, ишни тугатгач, стол устини йиғиштириб қўйиш, қалам, мўйқалам ва бўёқлардан фойдалангач, қўлларини тозалаб ювиш ва сувдан тўғри фойдаланишга ўргатишни давом эттириш.

### **Лой, пластилин (тузли хамир ва рангли шамча)лар билан ишлаш.**

Боланинг лой, тузли хамир, пластилин, рангли шамдан нарсалар ясашга бўлган қизиқишини кучайтириш. Бир неча қисмли нарсани ясашда тенгликка риоя қилган ҳолда тўғри жойлаштиришни; чимдиб ясаш усулини ўзлаштириб бориш.

Ясашнинг аввалги гуруҳларда ўрганилган техник усулларини: лой бўлагини қўл кафтининг тўғри, айланали ҳаракатлари билан доира, цилиндр, овал шакллар (*сабзи, олма, бодринг, лимон*); япалоқлаш, яссилаш орқали (*нон, ликобча*) ҳосил қилиш; яхлит бўлакдан алоҳида қисмларни чимдиб, майда деталлар (*қушчадаги тумшук*)ни чиқариш ва текислашга ўргатишни такомиллаштириш.

Пластик материал (*лой, тузли хамир, пластилин, рангли шам*)лардан бир неча қисмдан иборат нарса ясаш, бунда ҳар бир тайёр қисмни бир-бирига улаб, ёпиштирилган қисмларни силлиқлаш йўли билан мустаҳкамлаш; аниқ мазмунга эга бўлган кўринишни тасвирлашга (“Қушча дон чўқияпти”, “Саватдаги олмалар”) ўргатиш.

Ясалган буюмларнинг характерли белгиларини кўрсатишда, нақш билан безашда хипчин, тиш ковлагич, қуш пати, пахтали таёқчадан фойдаланишни ўргатиш. Бола эгаллаган техник билим ва кўникмаларидан фойдаланиб мустақил равишда ижод қилишига имкон бериш.

**Апликация.** Болада апликация машғулотларига нисбатан қизиқишни ривожлантириш. Болага учи тўмтоқ қайчини тўғри ушлаш ва ишлатишни, аввал энли, сўнгра энсиз тасмачалар қирқишни, тасмачалардан турли шакллар тузиб (*дарахт, бутоқ в.б.*), қоғоз сатҳига елимлашни ўргатиш.

Квадратнинг бурчакларини юмалоқлаш йўли билан доира (*олма, гилос, нуфак*); тўғри тўртбурчакдан тухумсимон (*овал*) шакл қирқиш (*сабзавотлар, мевалар, гуллар в.б.*); квадратни диагональ бўйлаб қирқиш йўли билан учбурчак (*арча ўйинчоқлари, байроқча*), трапеция ҳосил қилиш учун қия кесиш (*қайиқ*), доирани тенг иккига буклаб қирқиш йўли билан

ярим доира ҳосил қилиш ва улардан 2-3 та тайёр шаклли нарсалар (*гуллар*) тузиш, елимлаш ва безаш. Қирқиш ва ёпиштириш малакаларини мустаҳкамлаш.

Шаклига ва рангига кўра геометрик шаклларни (*доира, квадрат, овал*) ва ўсимликлар (*гуллар, япроқлар*)ни навбатма-навбат кўйиш йўли билан 2-3 қисмли яхлит нақш ҳосил қилиш ва қоғоз сатҳига елимлашни ўргатишда давом этиш.

Болани жамоа таркибида ишлашга, жамоавий иш (*Гулзордаги капалаклар*)ни бунёд этишга, жамоа бўлиб қайчисиз аппликация ясашга ўргатиш.

Ноанъанавий аппликация яъни бўрттирилган усулдан (*гулқоғоздан, рангли иплардан*) фойдаланиш; қоғозга турлича ишлов бериш (*қоғозни гижимлаш, йиртиб олиш, қалам билан шакл бериш*) орқали аппликация ясаш. Нақш, сюжет ва нарса тимсолларида ўз таассуротларини гавдалантиришга ҳаракат қилиш.

**Қуриш-ясаш.** Болада қуриш-ясаш ўйинлари орқали ижодий фикрлашни ривожлантириш. Қурилиш материалларини фарқлаш ва номларини тўғри айтишга ўргатишда давом этиш; лево, ғишт, кубларнинг ўзига хос хусусиятларини (*мустаҳкамлиги, шакли, ранги, катталиги*) инобатга олган ҳолда фойдаланишни тушунтириш.

Биоларни қуришда катта-кичиклиги, баланд-пастлиги, узунлигига мослаб уйғунлаштиришни, қурилиш тартибига (*девор пастдан кўтарилади, юқорида – том*) эътибор беришни уқтириш.

Бирор объектнинг конструкциясини амалга оширишда, асосий ва бошқа томонларини ажратиш, қиёслаш, қурилишнинг баландлиги, узунлиги ва кенглигини мустақил ўлчаш, болага тарбиячи томонидан берилган кўрсатма (*худди шунга ўхшаш гараж қур, фақат кенгроқ, баландроқ бўлсин*) асосида қуриш-ясаш тамойилларига риоя қилишни ўргатиш. Турли рангдаги деталлардан, майда ва йирик қурилиш материалларидан фойдаланиб иншоотни жиҳозлаш мумкинлигини айтиш.

Ўйинчоқлар ўлчовига мувофиқ бино ва турли уй жиҳозлари (*Лолахон учун курсича*) қуриш. Турли рангли деталлардан фойдаланиб, майда ва йирик материалларни қўллаган ҳолда қуриш-ясаш ишларини амалга оширишга ўргатиш.

Болага қоғоздан оригами усулида нарсалар (*қайиқча, қалпоқча, самолёт*) ясашни ўргатиш.

Болага пазл, мозайкаларни мустақил йиғишга имкон бериш ва ўз режалари асосида легодан қуриш-ясаш ишларини амалга ошириш хоҳиш-истагини рағбатлантириш.

Турли материаллардан нарса-буюмлар тайёрлаш, уларнинг қисмларини мустаҳкамлаш учун пластилин ва елимдан фойдаланиш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- расмда ранглари танлаб, тартибли бўяш йўли билан буюм ва манзараларни тасвирлай олади;
- мураккаб бўлмаган воқеабанд мазмунли расмларни чиза олади;

- доира, овал, квадрат, учбурчак ва тўғри тўртбурчак шаклдаги предметларни тасвирлайди;
- рангли бўёқлардан фойдаланади ва рангларни мустақил равишда аралаштиради;
- ўйинчоқ силуэтларни лойдан ясалган халқ ўйинчоқларига хос нақш элементлари билан безашни билади;
- миллий матоларда акс этган нақш элементларини чиза олади;
- ўз иш ўрнини тартибли ва озода сақлайди, ишни тугатгач, стол устини йиғиштириб қўяди;
- лой ёки пластилин (*тузли хамир, рангли шамча*)лардан узиб олиш, чимдиш, япалоқлаш ва чўзиш усулларида фойдаланиб турли шаклларни ясайди;
- кафтлари орасида бир бўлак лой ёки пластилинни тўғри ёки доира шаклида думалатиб ёйиб, тайёр қисмларни бир-бирига улайди;
- қайчи билан оддий шаклларни қирқади;
- бир неча қисмдан иборат буюмларни қоғозга жойлаштириб, елимлайди;
- жамоа бўлиб қайчисиз аппликация ишлайди;
- бўрттирилган аппликация усулидан фойдаланиб композициялар тузади;
- қурилиш материалларидан ясашиш жиҳатини инобатга олган ҳолда фойдаланади;
- қоғоздан буклаш йўли (*оригами*) билан оддий моделларни ясайди;
- мозаика ва бошқа шаклларни осонлик билан тиради ва йиғади;
- леголاردан турли иншоотларни мустақил куради;
- тасвирий фаолият машғулотларидан сўнг қўлларини совунлаб, тозалаб ювади.

## **Муסיқа** **(4-5 ёш)**

**Муסיқа тинглаш.** Боланинг ўзи ёқтирган муסיқани завқ билан тинглашини рағбатлантириш, муסיқий қобилияти ва хотирасини ривожлантириш.

Болага товушлардан оҳанглар, оҳанглардан эса куй ҳосил бўлиши ҳақида тушунча бериш. Икки қисмли муסיқий асар шакли билан таништириш, қисмлар ўзгаришини фарқлаш, характерини аниқлаш ва муסיқий асар мазмунини англашга (Ш.Ёрматов “Қор”, Х.Муҳамедов “Қўғирчоғим алла-ё”) ўргатишда давом этиш.

Қўшиқ, рақс, марш жанрлари ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Бола эътиборини асар кайфияти ва уни очиб берувчи ифода воситаларига қаратиш (В. Моцарт “Қўнғироқчалар”; А.Хачатурян “Арқон сакраш”); миллий куй ва қўшиқлардаги дилрабо оҳанглар билан таништириш (ўзбек халқ куйи – “Норим-норим”; ўзбек халқ қўшиғи – “Чаманда гул”).



Боланинг тинглаган мусикий асари бўйича ўз фикрлари билан ўртоқлашиш, куйларнинг мазмунини изоҳлаб бериш кўникмаларини шакллантириш (Х.Муҳамедов “Какку”; П.Чайковский “Касал кўғирчоқ”).

Болада муסיқа маданияти кўникмаларини (*муסיқани бошидан якуний қисмигача диққат билан тинглаш, атрофдагиларга халақит бермаслик*) таркиб топтиришда давом этиш.

Тинглаш учун қуйидаги мусикий асарлар тавсия этилади: Ғ.Қодиров “Бинафша”; Р. Ребиков “Айиқ ва қушчалар”; С. Бобоев “Улоқчам”; Н. Норхўжаев “Типратикон”; А.Берлин “Қувноқ рақс”; В. Кубинская “Барабан”.

**Мусикий-ритмик ҳаракатлар.** Болада ритмик ҳаракатлар орқали муסיқага бўлган эмоционал муносабатни, тасаввур, тафаккур ва хотирани ривожлантириш. Мусикий асардаги қисмлар ўзгаришига мувофиқ равишда ҳаракатларни ўзгартириш; марш, кўшиқ, рақс куйларига мос ритмик ҳаракатларни бажариш; бошловчининг ортидан муסיқага мос юриш, югуриш ва сакраш; рақс ҳаракатларининг номини билиш ва уларни бажаришда қўлни эркин ва майин ҳаракатлантиришга ўргатиш.

4-5 ҳаракатни кетма-кетликда, ўзаро бир-бирига боғлаган ҳолда муסיқага мослаб ижро эта олиш. Рақсларда ҳиссий кайфиятларни (*“аразлаш”, “ярашиш”*) билдирувчи ҳаракатларни ёки жониворларнинг ҳолати (*қувноқ қуёнча, айёр тулкича, жаҳлдор бўри, мағрур хўроз, жонсарак товуқ*)ни қўл, юз, кўзлар имо-ишораси орқали кайфиятга мослаб ижро этишга ўргатиш.

Гуруҳ бўлиб, кичик гуруҳларга бўлиниб, якка ҳолда ҳаракатланишга, хонанинг бир қисмидан иккинчи қисмига (*марказдан бурчакка, ўнгдан чапга в.б.*) ўтишда ўз ҳаракатларини бошқара олишга ўргатиш.

Болани доира бўйлаб ҳаракатланишга; юришдан энгил югуришга ўтиш; бир оёқни олдинга чиқариб, товонига кўйиш; турли атрибутлар билан (“Баргчалар”, “Доирачалар билан рақс”, “Шиқилдоқлар билан рақс”, “Тасмалар билан рақс”, “Гуллар билан рақс”) машқ бажаришга ўргатишда давом этиш. Халқ ўйинларини ўргатиш.

**Рақс.** Болани муסיқадаги ранг-барангликни ҳис қилишга, ёрқин ёки сокин кайфиятни, динамик ўзгаришларни, 2-3 қисмли муסיқа асаридаги фарқларни рақс ҳаракатлари орқали жозибали акс этиришга ўргатишда давом этиш.

Болага сочма, бир жойда туриб ўйналадиган рақслардан (М. Икромова “Ярашамиз” “Кўғирчоқлар рақси”, “Ўйнайман”) секин-аста доира бўйлаб ҳаракатланиб ижро этиладиган (ўзбек халқ куйлари - “Пахтаой”, “Рўмолим”, “Қорпарчалар рақси”) рақсларни ўргатиб бориш. Муסיқа ва ҳаракат бирлигига риоя этишига, табиий ва нафис бажаришига эътибор бериш.

Катталар билан биргаликда рақс элементларини (*“Коптокни юқорига от”, “Кўзгуга қара”, “Майсани сила”, “Кўлларимиз чиройли”*) муסיқага мослаб бажариш; юриш, энгил югуриш, югуриш вақтида қўлларни белга кўйиш, чапак чалиш, бир қўлни бош тепасига, иккинчи қўлни ён томонга

узатиш, тиззаларини ярим букиб ўтириб-туриш, қўлларни ушлаб жуфт бўлиб айланиш, бир оёқни тўпиллатиш каби рақс ҳаракатларини мусиқа остида бажаришга ўргатишни давом эттириш.

Жуфт бўлиб (“Ўтирамик-турамик”, “Полька”), шунингдек, алоҳида ўғил ва қиз болалар ҳаракатларидан тузилган рақсларни чиройли бажаришни ўргатиш. Қўшиқ ва рақсларни ижро этишда мустақилликни намоиш этишга ундаш.

**Қўшиқ айтиш.** Болада қўшиқ эшитиб завқланиш, овоз тембрини, жозибани ҳис этиш кўникмасини тарбиялашда давом этиш. Қўшиқ айтишга ўргатаётганда, сўзларни аниқ ва дона-дона талаффуз этиш, овозни мусиқага мослаш, биргаликда куйлаш, ансамбл ва якка ҳолда куйлаш каби ижрочилик кўникма ва малакаларини такомиллаштириш. (М.Икромова “Куз”, “Сариқ баргчалар”, “Қувноқ болалар кўшиғи”; Ғ.Қодиров “Пахтаой”, “Боғчамиз”; С.Абрамова “Шамол”).

Боланинг овозига шикаст етказмай, секин-аста ривожлантириш. Куйлаш вақтида, ўтирган ва турган ҳолатда қомат (*елка, бош ва оёқ*)ни тик тутиш, тўғри нафас олишга (*қисқа мусиқий жумлалар орасида, елкаларни кўтармасдан*) ўргатишда давом этиш. (Ғ.Қодиров “Қорбобо”, “Қуёнлар”; К.Абдуллаев “Олма”; Д.Зокиров “Оппоқ қантим”; Н. Норхўжаев “Бир, икки, уч”; Ф. Назаров “Иноқ ўйнаймиз”; Д.Омонуллаева “Этикчам”, “Чилдирма”).

Боланинг ёшига мос турли мавзудаги қўшиқлар билан репертуарни бойитиш орқали, нутқ ва тафаккурини ўстириш, теварак-атроф, миллий байрам, сайллар ва урф-одатлар ҳақидаги билимларини кенгайтириш, она Ватанга муҳаббат туйғуларини орттириш (ўзбек халқ кўшиғи “Чаманда гул”; Х.Раҳимов “Дўмбоқчалар кўшиғи”; З.Қаюмова “Онажон”, “Кўзмунчок”; А.Берлин “Арча”; Д.Омонуллаева “Биринчи қор”, “Қурбақа”; Л.Турсунова “Келди яна баҳорой”, “Юртимда байрам бўлсин”; М.Икромова “Турналар”, “Камалак”, “Баҳор гуллари”; С.Абрамова “Шамол”; Т.Азимов “Қўшиғимиз авжида”; С.Абрамова “Саъва”; С.Бобоев, “Тойчоғим”).

Халқ лапарлари йўлида айтиладиган айрим қўшиқ намуналари (“Эрта билан тураман”, “Омон ёр”) билан таништириш.

**Болалар чолғу асбоблари билан таништириш.** Болани урма мусиқа чолғу асбоблари (*доира, ёғоч қошиқ, сафойил, ногора, қутича, бубен, барабан*) билан таништириш. Айрим чолғу асбоблари билан боғлиқ қизиқарли ҳикоячалар айтиш, суратлар, кўргазмали материаллардан фойдаланиш орқали бола қалбида ижрога нисбатан қизиқиш уйғотиш; ҳар бир мусиқанинг ўз нотаси мавжудлиги тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Мусиқа чалаётганда гавдани тўғри тутиш, қўлларни қандай қўйиш кераклигини, чолғу асбобларида овоз ҳосил қилишнинг асосий усулларини ўзлаштиришга ўргатиш (ўзбек халқ куйи - “Қуёним”). Болани мусиқа асбобини маҳкам ва айна пайтда эркин тутишига, қўл қафтлари мушакларини зўриқтирмаслигига алоҳида эътибор бериш. Чунки, урма

чолғу асбобини чалаётганда, кўл кафти асосий вазифани бажаради, елка ва елка олди қисми эса у ёки бу даражада қатнашади. Овоз ҳосил қилишда етакчи усул ҳисобланган - зарб ҳақида тушунча бериш. Масалан, зарб - бир неча босқичдан иборат эканлиги, дастлаб кўлни силташ, унинг чолғу асбобига томон йўналтирилган ҳаракати, овоз манбаси билан тегиниши ва овозни қайта яралиши, кўлнинг орқага итарилиши ва қайтиши (рус халқ куйи – “Қувноқ ғозлар”). Болани чолғу чалаётганда доимий равишда овозни эшитиб, назорат қилишга ўргатиб бориш зарур. Бу чиройли овоз ҳосил қилиш имконини беради. Кўл кафт мушакларини ривожлантиришга тизимли машғулотлар натижасида эришилади, малакалар эса махсус машқлар жараёнида шаклланади.

Болада чолғу асбобларида янги куйлар ўйлаб топишга, муסיқалаштиришга ҳавас, қизиқиш уйғотиш. Болалар чолғуларидан иборат оркестр ташкил қилиш.

Фортепиано, карнай каби чолғу асбоблари номларини айтиш ва овозидан фарқлашга ўргатиш. Фортепиано жўрлигида ёки усиз, жамоада куйлашга қизиқишини, муסיқани идрок қилишини, куйларни кириш ёки якуний қисмидан таниб олишини, ритмик ўйинларни яхши кўришини, айрим муסיқа асбобларининг овозига тақлид қилишини рағбатлантириш.

Товушларнинг тембри, баландлиги ва регистрига кўра фарқлаш ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Кўнғироқча, бубен, шиқилдоқ ва бошқа болалар чолғуларида катталарга жўр бўлиб чалиш (ўзбек халқ кўшиғи - “Оқ теракми, кўк терак”; ўзбек халқ куйи - “Олатой”; А.Левиев “Пьеса”; А.Мухамедов “Марш” (парча); М.Хусейнли “Жўжаларим”) кўникмасини шакллантириш.

**Муסיқий таълимий ўйин.** Боланинг куй ва шовқинли товушлар ҳақидаги тасаввурини (“Қайси чолғу яширинган?”) кенгайтириш ва уларни фарқлашга ўргатишда давом этиш. Давра кўшиқларида мустақил ҳаракатланишга (М.Икромова “Баҳор гуллари”) ўргатиш. Шунингдек, боланинг мустақил равишда кўшиқ айта олиши мумкин бўлган ўйинларни ташкил қилиш. Муסיқий таълимий ўйинлар орқали (“Муסיқали сандиқча”) боланинг ўрганган билимларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш; турли кайфиятдаги муסיқа садолари остида чакқонлик, зийракликка хос ҳаракатларни (“Рўмолчани узат” “Тулки ва товуклар”, “Қуёнлар ва айиқ”, “Оқ теракми - кўк терак”) бажаришга ундаш.

Муסיқий-таълимий ўйинлардан: “Исмингни куйлаб бер”, “Кўнғироқчалар”, “Юрамиз-югурамиз”, “Ўрмонда”, “Қуёш ва булут”, “Мушук ва мушукчалар”, “Қуш ва қушчалар”, “Қувноқ муסיқачилар”, “Капалаклар ва гуллар”, “Кўғирчоқ-ўйинчоқ”, “Ким келяпти?”, “Қайси чолғуда куй чалинаяпти?”, “Қувноқ паровоз” кабиларни ташкил этиш.

**Муסיқага оид маълумотлар.** Болада муסיқий ва шовқинли товушлар ҳақида тасаввур пайдо қилиш ва уларни фарқлашга ўргатиш. Товушнинг баландлик, тембр, динамик хусусиятларини боланинг ёши ва имкониятига мос ҳолда, кўргазмалилик асосида тушунтириш.

Фортепиано, доира чолғулари ҳамда металлофон, бубен, кўнғироқча

каби болалар чолғулари ижросидаги куйлардан баҳраманд қилиш.

#### **Ўқув йили охирида бола:**

- муסיқа товушларининг тембри, баландлиги ва регистрига кўра фарқлайди;
- айрим чолғу асбоблари (*қўнғироқча, шиқилдоқча, доирача в.б.*)да чалиш усулларини билади;
- ҳар бир муסיқанинг ўз нотаси мавжудлигини билади;
- болалар чолғуларидан ташкил топган оркестрда иштирок эта олади;
- рақс ҳаракатларини муסיқага мослай олади.
- жамоада, ансамбл ва якка ҳолда қўшиқ айта олади;
- фортепиано, доира, карнай каби чолғу асбоблари номларини билади ва овозидан фарқлайди.
- муסיқий-таълимий ўйинларда қизиқиб иштирок этади;
- муסיқий асар бўйича ўз фикрлари билан ўртоқлашади ва куйларнинг мазмунини изоҳлаб беришга ҳаракат қилади.

#### **4-5 ёшли болалар билан ўтказиладиган эрталиклар**

	<b>Эрталиклар</b>	<b>Ўтказиш вақти</b>
1.	Меҳржон байрами	25-октябр-5 ноябр
2.	Арча байрами	25-декабр-30-декабр
3.	Онажонлар байрами	5-7 март
4.	Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни	1-июн

#### **Ўйин фаолияти (4-5 ёш)**

Боланинг тетик ва кўтаринки кайфиятини қўллаб-қувватлаш, фаол ўйин фаолиятига, мустақилликка ундаш, ўйин турини ўзи танлашига ва мустақил ўйнашига имкон бериш.

**Воқеабанд–ролли ўйинлар.** Болага тенгқурлари билан (*тарбиячи ёрдамида*) биргаликда ўйналадиган, 2-3 та қаҳрамонни ўз ичига олган ўйинларда асосий ролларни аниқ тақсимлаш (*она, ота, бола; ҳайдовчи – йўловчи; шифокор-касал*), ўйин ғоясига мос ҳаракатларни бажариш, ўйинчоқлар билан ўйналадиган ролларни навбатма-навбат (*ўзи ва қўғирчоқ учун*) ижро этиш усулларини ўргатишда давом этиш. Ўйинда иштирок этувчиларни катталарнинг касбий фаолиятига тақлид қилишлари ҳисобига ижтимоий муносабатларни ривожлантириш.

Болани воқеабанд-ролли ўйинларда қурилиш материалларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш. Уларни турли мураккабликдаги иншоотлар қуришга (*бир неча машина учун гараж, 2–3 қаватли уй; машина ёки поездлар ўтиши учун мўлжалланган, икки йўналишдаги кенг кўприк в.б.*) ундаш. Боланинг ўйин учун керакли нарса ва анжомларни мустақил танлашга интилишини, роль танлашда, ғояни

ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги ҳаракатларини, ижодкорлигини кўллаб-қувватлаш.

Болалар ўртасида дўстона муносабатни тарбиялаш, уларни нима куриш ҳақида ўзаро келишиб олишга, материалларни тақсимлашга, ҳаракатларни мувофиқлаштиришга, бир-бирларининг хоҳиш-истаги билан ҳисоблашиш ва ўзаро ёрдамлашиш орқали ижобий натижаларга эришишга ўргатиш.

Воқеабанд-ролли ўйинлар: “Болалар боғчаси”, “Оила”, “Дўкон”, “Касалхона”, “Сартарошхона”, “Автобус”, “Ҳайвонот боғи”, “Шифокор”, “Кўғирчоқ театри”, “Ошхона”.

**Ҳаракатли ўйинлар.** Боланинг ҳаракатли ўйинлардаги фаоллигини, эпчиллигини, тезкорлигини, маконда мўлжал ола билиш малакаларини шакллантиришда давом этиш; ижодий қобилиятларини (*ўйин вариантларини ўйлаб топши, ҳаракатларни ўзгартириши*), тенгдошлари билан кичик гуруҳда ўйналадиган таниш ўйинларни қайта ташкил қилишдаги мустақиллигини рағбатлантириш. Ўйин қоидаларига риоя қилишга ўргатиш.

Ҳаракатли ўйинлар: “Поезд”, “Самолёт”, “Пуфак”, “Трамвай”, “Ким тезроқ?”, “Қуёш ва булут”, “Кўз боғлаш”, “Чавандозлар”, “Болалар қочинглари, қуш учиб келди”, “Чори-чамбар”, “Товуқ ва жўжалар”, “Қалдирғоч”, “Ким биринчи?”, “Югуриб ўтишга улгур”, “Қизикчилар”, “Ким кўп қадам кўяди?”, “Тутувчилар”, “Ҳалқага тушир”, “Копток бошқарувчига”.

**Саҳналаштирилган ўйинлар.** Боланинг саҳналаштирилган ўйинлари бўйича кўникма ва малакаларини (*бадиий образни идрок қилиши, қаҳрамонларнинг ҳаракатлари ва маънавий ўсишини кузатиши в.б.*) шакллантириш орқали театрлаштирилган ўйинларга бўлган қизиқишларини ривожлантириш ва кўллаб-қувватлашда давом этиш.

Мусиқа, нутқ ва кўриш образларидан фойдаланган ҳолда руҳий сифатларни (*идрок, тасаввур, тафаккур, диққат*), ижрочилик кўникмаларини (*ролга кириши, тасаввурдаги муҳитда ҳаракатланиши*) ва сезгиларни (*мушак ва ҳиссий*) ривожлантириш учун саҳна машқларини ўтказиш.

Болани таниш адабий асарлардан кичик парчани саҳналаштиришга, бошқа қаҳрамонлар билан ролли муносабатларга киришишга, уларнинг ҳис-туйғуларини тушунишга, образни акс эттиришда ифода воситаларидан (*оҳанг, юз ҳаракати, имо-ишора*), образли ўйинчоқлардан, лойдан, пластмассадан, пластилиндан мустақил ясалган, совғадан чиққан ўйинчоқлардан фойдаланишга ўргатиш.

Узоқ давом этадиган ўйинларда бошқа болалар билан алмашиб ўйнашига, жой, ўйин анжомларини тақдим этиш орқали режиссёрлик лаёқатини ривожлантиришга имкон бериш.

Ҳар бир боланинг ўйнаётган роли миқдори ва табиатини кузатиш, ролга кириш воситаларини танлашда ташаббус кўрсатишини,

мустақилликка интилишини рағбатлантириш, ижро этиш учун синов ишларини ўтказишга ёрдам бериш.

Ҳиссий-таъсирий тажрибани тўплаш, спектаклда қўлланадиган ифода воситаларини боланинг тушуниши учун катталарнинг педагогик театри имкониятларидан фойдаланишни давом эттириш.

Театр маданияти ҳақида (*театр – актёр – томошабин; одамларнинг томоша залида ўзини тутишлари*) суҳбатлар ўтказиш орқали боланинг тасаввурини ривожлантириш.

**Таълимий ўйинлар.** Болани нарсаларни ташқи белгилари бўйича қиёслаш, гуруҳлаш, қисмлардан (*кубча, мозаика, пазлар*) бутунни тузиш кўникмаларини такомиллаштириш.

Таълимий ўйинлар: “Топчи нима жиринглапти?”, “Таъмидан топ”, “Бизнинг идиш”, “Иссиқ-совуқ”, “Домино”, “Лото”, “Бу қачон бўлади?”, “Кимнинг уйи?”, “Йил фасллари”.

Кузатувчанлик, диққат ва хотирани (“Нима ўзгарди?”, “Халқача кимда эди?”); эшитишни (“Ниманинг овози?”); тери орқали сезиш (“Ажойиб халтача”, “Ушлаб кўр”); таъмини билиш (“Ниманинг таъми?”) ривожлантиришга қаратилган таълимий ўйинлар ўтказиш.

Боланинг столда ўйналадиган (“Домино”, “Лото”) ўйинларни ўзлаштиришга бўлган интилишларини рағбатлантириш .

**Ўқув йили охирида бола:**

- ўйин учун янги ғоя излайди;
- ўйин вақтида ҳамкорлик қилади, ролларни тақсимлашни ва ўйин мазмуни юзасидан келишишни билади;
- ўзига мос ролни танлайди ва ролни маромида ижро этишга ҳаракат қилади;
- бошқа болалар билан ўйинчоқларини ўртоқлашади;
- ўйинчоқларни ўйнаб бўлгандан кейин жойига қўяди;
- ўйин қоидаларига риоя қилади ва тенгдошларига ўйин қоидаларини тушунтира олади;
- мозаика ва бошқа шаклларни осонлик билан йиғеди;
- сахнани безашда қатнашади;
- роль ижро этаётганда ифода воситалари (*ҳаракат, оҳанг, юз ҳаракати*) ва керакли анжомлардан фойдаланади;
- театр маданияти ҳақида дастлабки тасаввурга эга.

## КАТТА ГУРУХ (5-6 ёш)

### Катта гуруҳда ўтказиладиган машғулотлар

Т.р.	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				
		Хафтада	Бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	Жами
1.	Атроф-муҳит билан таништириш	2	8	32	40	72
2.	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3.	Илк математик тасаввурларни шакллантириш	1	4	16	20	36
4.	Нутқ ўстириш ва саводга тайёргарлик	2	8	32	40	72
5.	Бадий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
6.	Расм	2	8	32	40	72
7.	Лой иши	1	4	16	20	36
8.	Апликация	0,5	2	8	10	18
9.	Қуриш-яаш (қўл меҳнати)	0,5	2	8	10	18
10.	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
11.	Музыка	2	8	32	40	72
<b>Жами:</b>		<b>14</b>	<b>56</b>	<b>224</b>	<b>280</b>	<b>504</b>

## БОЛАНИНГ БЕШ ЁШДАН ОЛТИ ЁШГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА РИВОЖЛАНИШИ

### Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена (5-6 ёш)

Бу даврда боланинг бўйи 116-120 см га ўсади, оғирлиги 23-25 кг ни ташкил этади, оёқлари гавдасига нисбатан тезроқ ривожланади. Боланинг умуртқа суяклари қотмаганлиги туфайли тез қийшайиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам суякларнинг тўғри ўсишига алоҳида эътибор бериш керак. Боланинг юраги чақалоқ юрагига нисбатан 4-5 баробар катталашади, бироқ мускуллари ҳали етарли даражада мустаҳкамланмаган бўлади. Олти ёшга етганда мия пўстлоғи ривожланиб, оғирлиги ва ташқи кўриниши жихатидан катталарникига яқинлашади. Шунинг учун ҳам боланинг асабларига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади.

Тарбиячи ва ота-оналар жисмоний тарбия фаолиятига оид турли усулларни бола билан биргаликда (*унинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда*) танлашлари мақсадга мувофиқдир.

Боланинг жисмоний тарбия бўйича машқларни онгли равишда тушуниб, аниқ ва тўғри бажаришига, ҳаракатли ўйинлар қондасига риоя этишига алоҳида эътибор бериш. Велосипедда учиш, сузишга оид турли усуллар, ҳар хил спорт ўйинларида амал қилинадиган қондаларни қисқача ўргатиб бориш. Кураш тушишининг айрим усулларини ўргатиш. (*Масалан, ўзбек кураши усуллари*).

Жисмоний сифатларни ўстириш, мувозанат сақлаш, ҳаракатни бошқариш ҳамда фазода мўлжалга олишни шакллантиришни давом эттириш.

Болада фаоллик, мустақиллик, дўстона муносабат ва ўзаро ёрдам қабиларни тарбиялаш. Спорт турлари (*футбол, баскетбол, волейбол в.б.*) ҳақида тушунча бериш, машҳур спортчилар (масалан, футболчи - Миржалол Қосимов, тенисчи – Ирода Тўлаганова) билан таништириш, уларнинг ҳаётига оид қизиқарли воқеаларни сўзлаб бериш орқали бола қалбида спортга нисбатан муҳаббатни орттириш.

**Йирик моторикани ривожлантириш.** Бола ўз танасини бошқаради ва маълум мақсад сари аниқ ҳаракатланади. У юриш, югуриш, юмалатиш, ирғитиш, илиб олиш, эмаклаш, тирмашиш, мувозанат сақлаш каби асосий ҳаракатга доир машқларни бажара олади.

Боланинг спорт турлари билан шуғулланишига кўмаклашиш; жисмоний чиниқиши учун очиқ ҳаводан самарали фойдаланиш: сайрга, кичик сафарларга, экскурсияга олиб бориш; очиқ ҳавода мусобақалар, ҳаракатли ва эстафетали ўйинларни ташкил қилиш, сузишни ўрганишини ташкил этиш; мусиқа оҳангига мос жисмоний ҳаракатларни бажаришини рағбатлантириш, спорт анжомлари билан таъминлаш, турли спорт анжомларидан фойдаланиш имкониятини бериш.

#### **Асосий ҳаракатларга доир машқлар**

**Юриш машқлари.** Оддий гимнастик қадам ташлаб юриш; олдинга, ёнга, орқага, доира бўйлаб, енгил қадам ташлаб юриш; бир қаторда ва жуфтликда, оёқларини олд томон ташлаб шаҳдам юриш, оёқ учларида юриш, катталарнинг кўрсатмасига қараб юриш; тезлиги ва йўналишини ўзгартирган ҳолда юриш; юриш вақтида мувозанатни сақлаш. Гимнастика ўриндиғида тик туриш, оёқ учида туриш, гимнастика ўриндиғи устидан юриб ўтиш, қўллар белда, кўзни юмиб юриш кўникмаларини таркиб топтириш.

**Югуриш машқлари.** 1,5 дақиқа давомида секин югуриш; 30-40 м масофага ўртача тезликда югуриш; буюмлар орасидан, уларга тегиб кетмасликка ҳаракат қилган ҳолда югуриш; 10мх3 масофага бориб-келган ҳолда югуриш; секин, ўртача ва тез югуришга; ким ўзарга югуришга ўргатиш; югуриш вақтида мувозанатни сақлаш.

**Сакраш машқлари.** Турли усулларда: икки оёғида, бир оёғида олдинга ҳаракатланиб, бир оёғини иккинчи оёғига алмаштириб сакраш; чизиқлар устидан; паст буюмлар устидан сакраб ўтиш ва сакраб тушиш; югуриб келиб баландлик ва узунликка сакраш.

**Отиш, илиб олиш ва ирғитиш машқлари.** Тўпни бир қўл билан



отиш ва илиб олиш; бир қўлидан бошқа қўлига ирғитиш; коптокни ўз шеригига турли ҳолатларда ирғитиш; бир жойда туриб ёки олдинга ҳаракатланиб, полга, ерга уриш; икки қўли билан илиб олиш, бу жараёнда (*юқорига отиб тушгунга қадар*) чапак чалиш ва бошқа топшириқларни бажариш.

**Эмаклаш ва ўрмалаб чиқиш машқлари.** Эмаклар юриш, қоринда ва елка билан ётиб қўлларга таяниб ҳамда оёқларни итариб хона бўйлаб эмаклай олиш; гимнастика курсиси устидан ўрмалаш, гимнастика нарвончасидан, зинадан чиқиш ва тушиш, тўсиқлар устидан ўтиш.

**Умумривожланттирувчи машқлар.**

**Қўл ва елка учун машқлар.** Дастлабки ҳолат: гавда тик тутилган, оёқлар елка кенглигида очилган, қўллар кўкрак олдида; қўллар елкада; тирсақлар туширилган биринчи ҳолатдан ён томонга чўзиш, қўлларни тирсақдан букиш ва тўғрилаш иккинчи ҳолатдан қўлларни юқорига кўтариш, қўлларни бош орқасига қўйган ҳолатдан ён томонга ёзиш, юқорига кўтариш, бармоқларни кулф қилган ҳолда қўлларни олдинга ва юқорига кўтариш, иккала қўлни галма-гал, бир вақтда юқорига кўтариш ва орқага узатиш, бармоқларни букиш ва ёзиш.

**Оёқ учун машқлар.** Турган жойда кадам ташлаш; кетма-кет бир неча марта ўтириб туриш, оёқ бармоқлари билан майда нарсаларни қисиб олиб кўтариш ва пастга тушириш; уларни бир жойдан иккинчи жойга қўйиш, товонда ён томонга юриш.

**Гавдани ривожланттирувчи машқлар.** Деворга ёпишиб тик туриш қўлларни юқорига кўтариш ва тушириш; гимнастика деворига елка билан ёпишиб туриш, оёқни букилган ва ёзилган ҳолда навбати билан кўтариш, танани олдинга букиш, энгашиш ва таяниб ўтириш. Чалқанча ётиб оёқларни бир-бирига чалиштириб ҳаракат қилиш; ўтирган ҳолда бошни оёққача энгаштириш; қоринга ётган ҳолда қўлларга тираниш, гимнастика деворига осилиб гавдани кўтариш. Қўлни-қўлга бериб жуфт бўлиб айланиш.

**Сафланиш ва қайта сафланиш.** Мустақил равишда сафланиш, каторга туриш; икки гуруҳга бўлиниб туриш, айлана бўйлаб туриш; бир сафдан бир неча гуруҳга бўлиниш ва қайта сафланиш; чап ва ўнг томонга сафланиш; чап ва ўнгга кадам ташлаб бурилиш қилиш. Оёқ учига қараб текисланиш, бурчак ҳосил қилиб кетма-кет юриш.

**Спорт машқлари. Велосипед ҳайдаш.** Икки ғилдиракли велосипедда тўғри, муюлишлар билан, айлана бўйлаб, илонсимон усулда ҳайдашга ўргатиш.

**Сузиш.** Сувда нафас чиқариш, қўл ҳаракатларини ўрганиш ҳамда эркин усулда сузиш, кўкраги ва орқа томони билан ҳамда галма-гал нафас олиб, нафас чиқариб сузишга ўргатиш.

**Майда моторикани ривожланттириш.** Болада ўйинчоқлар ва буюмларни ўз вазифасига кўра ишлатиш; қоғоздан оддий конструкцияларни яшаш, қайчини бир қўлида ушлаб, белгиланган чизиклар бўйича қоғозни кесиш, камида 16 та бўлақлардан шакл йиғиш, майда мунчоқларни ипга ўтказиш

кўникмаларини мустаҳкамлаш; махсус идишлардан елим, тиш пастаси ёки бўёқни сиқиб чиқаришига, сувни бир идишдан бошқа идишга тўкмасдан қўйишга эътибор бериш.

**Сенсомоторикани ривожлантириш.** Болани турли ҳажмдаги коптоклар, кум солинган қопчалар билан таъминлаш; катта-кичик миноралар, турли шакллардан бинолар қуришга; хамир, пластилин (*лой*)дан шакллар ясашга, сайр вақтида асфальтга расм чизишга ва бўяшига имкон бериш, қалам ва рангли бўрларни бераётганда буюмларни қандай чизиш кераклигини ўргатиш.

**Чиниқтириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш.**

**Эрталабки бадантарбия.** Ҳар куни катталар назоратида эрталабки бадантарбия машқларини очиқ ҳавода, гиламча устида, енгил кийимда, буюмлар билан (*буюмларсиз*) бажариш, машқларни сув муолажалари билан тугаллаш. Муайян изчилликда қоматни тўғри тутган ҳолда машқларни бажариш.

**Чиниқтириш.** Хонада енгил кийимда бўлиш, дераза дарчасини очиб қўйиш. Кийим ва пойабзални мавсумга ва машқ турига мувофиқ танлаш. Юз, бўйин, қўлни тирсаккача совуқ сув билан ювиш. Бадантарбиядан сўнг дарҳол уй ҳароратидаги сувда ҳўлланган кичикроқ пахмоқ сочиқ билан тана аъзоларини артиш: аввал қўлларни, кейин баданни қуруқ сочиқ билан тана қизаргунча, тезда қуруқ қилиб артиш. Катталарнинг назорати остида чўмилиш ва унинг асосий қоидаларига риоя қилиш. Ялангоёқ юрганда оёқни шикастлантиришдан эҳтиёт қилиш.

**Қоматни тўғри тутиш.** Бадантарбия ва машғулотларга қоматни тўғри шакллантирадиган, ясситовонликнинг олдини оладиган машқларни киритиш (*катталар билан биргаликда*). Қоматни мустақил назорат қилиб юриш қоидаларига риоя қилиш: орқа билан деворга суяниб, тик туриш, деворга елкани теккизиб туриш, юришда ана шундай ҳолатни сақлаш.

**Маданий-гигиеник кўникмаларни ривожлантириш.** Болага шахсий ва жамоа гигиенаси қоидаларини тушунтиришда давом этиш, соғлом турмуш тарзи бўйича қизиқарли суҳбатлар ўтказиш; гавдасини тўғри тутишини кузатиш; гигиена ва этика мавзуларида сахна кўринишларини ташкил этишга кўмаклашиш; инфекциялар нима ва улар қандай йўллар билан юқишини; нима учун болаликдан оқ соғлиқни сақлаш муҳимлигини тушунтириш, номаъқул хатти-ҳаракатларнинг (*сигарет чекиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш*) зарари ҳақида сўзлаб бериш; болага ўйинчоқларни йиғиши ва тозалаш, уйқуга тайёрланишига ёрдам бериш, боланинг мустақил равишда овқатланиши, овқатланиб бўлгандан сўнг стол устидаги идиш-товоқларни йиғиштиришини рағбатлантириш. Батартиблик, ҳамиша чиройли кўринишга эга бўлиш иштиёқини тарбиялашда давом этиш; кийимларни тартибли равишда ечиб, уларни жойига осиб қўйиш; ўнг ва чап оёқ пойабзалларини фарқлай билиш, уларни тўғри кийиш; ўзининг ташқи кўринишидаги тартибсизликни сезиши ва мустақил бартараф қилиши; ўртоғининг кийимидаги камчилик ва тартибсизликларни пайқаса бу ҳақида одоб билан айтишга ўргатиш;

дастрўмолдан тўғри фойдалана олиши; шахсий буюмларини ювишни ва тугма қадашни билиши, ўйнаб бўлгандан сўнг ўйинчоқларни ҳамда спорт инвентарларини (*коптокни, велосипедни в.б.*) жойига олиб қўйиш, уларни эҳтиётлаш ва тоза сақлашга одатлантириш.

**Шахсий гигиена:**

- мустақил равишда ҳожатхонадан фойдаланиш ва гигиена қоидаларига амал қилиш;
- қўлларни овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва ифлосланганда ювиш;
- ичакларни ва қовуқни ўз вақтида бўшатиб, ҳожатхонадан батартиб равишда фойдаланиш;
- кун давомида танаси тозалиги, кийимлари, сочлари, уст-боши озодалигини кузатиб туриш;
- қўл, оёқ ва бадан учун фойдаланиладиган сочиқларни фарқлашга одатлантириш;
- тирноқларни тишламаслик, қалам ва бошқа буюмларни оғзига солмаслик;
- бармоқлар, тил, соч толаларини сўрмаслик;
- бурунни тоза сақлашга одатлантириш;
- фақат индивидуал (*ўзининг*) тароғидан, сочиғидан, дастрўмолчасидан фойдаланишга одатлантириш;
- мустақил равишда хонасини йиғиштириш ва ўйинчоқларини ўз жойига териб қўйиш;
- биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳақида тасаввурга эга бўлиш.

**Овқатланиш гигиенаси:**

- тўғри, тартибли овқатланишга риоя этиш;
- қошиқ, санчқилардан фойдалана билиши;
- стол атрофида ўтирганда гавдасини тўғри тутиб ўтириши;
- тўғри овқатланиш муҳимлигини англаш;
- овқатдан кейин оғиз ва томоқни чайиш.

**Ухлаш гигиенаси:**

- айнан бир вақтда ухлашга ётиш;
- ухлаш олдидан ювиниш;
- алоҳида ўринда ухлаш;
- саломатлик тўғрисида ғамхўрлик қилиш муҳимлигини тушуниш.

**Тахминий кун тартиби:**

7.00 – 7.30	Ўриндан туриш, эрталабки ювиниб – тараниш ( <i>уйда</i> )
7.30 – 8.30	Қабул, соғлиғини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия
8.30 – 8.55	Нонушта
8.55 – 9.10	Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик
9.10 – 10.40	Машғулотлар

10.40 – 11.00	Сайрга тайёргарлик
11.00 – 12.35	Сайр
12.35 – 12.50	Сайрдан қайтиш
12.50 – 13.20	Тушлик
13.20 – 15.20	Уйқу
15.20 – 15.50	Уйқудан туриш, ювиниш
15.50 – 16.10	Енгил иккинчи тушлик
16.10 – 16.40	Ўйинлар, мустақил фаолият
16.40 – 17.00	Сайрга тайёргарлик
17.00 – 18.10	Сайр
18.10 – 18.20	Сайрдан қайтиш
18.20 - 18.45	Кечки овқат
18.45 – 19.30	Ўйинлар, болаларни уйга кетиши
19.30 – 20.00	Сайр (уйда)
20.00 – 20.30	Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалар (уйда)
20.30–6.30 (7.00)	Тунги уйқуга тайёрланиш ва тунги уйқу (уйда)

**Бола ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.** Боланинг хавфсиз яшаши ва ҳаракатланиши учун қуйидагиларга риоя қилиш лозим: серҳаракат фаолиятни бирмунча хотиржам фаолият ва дам олиш билан уйғунлаштириш, машқларни бажариш вақтида боланинг хавфсизлигини таъминлаш, шикастланишларнинг олдини олиш; ичига нарса солинадиган коптокларнинг вазни 0,5 кг дан оғир бўлмаслигига эътибор қаратиш; очиқ жойлар, темир панжарали воситалар бола ҳаётига хавф солмаслигини кузатиш; фазода мўлжалга олиш (*бошқаларга халақит бермаслик, бир бирига урилиб кетмаслик*) ва ҳаракатлардаги чакқонликни (*тўпни юмалатиши, кегиларни уриб тушириши вақтида*) ривожлантириш; хавфсизликнинг оддий қоидаларига амал қилишни ҳамда сув ҳавза (*бассейн*)ларида чўмилиш қоидаларига риоя этишни тарбиялаш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- оддий гимнастик қадам ташлаб юради (*олд, ён ва орқа томон, доира бўйлаб, оёқ учида, бир кишилик қаторда ва жуфтликда*);
- 1,5 дақиқа давомида секин югуради;
- 30-40 м масофага ўртача тезликда югуриш;
- буюмлар орасидан, уларга тегиб кетмасликка ҳаракат қилган ҳолда югуради;
- 10 м x 3 масофага бориб-келган ҳолда югуради;
- турли усулларда (*бир оёғида олдинга ҳаракатланиб, бир оёғини иккинчи оёғига алмаштириб*) сакрайди;
- чизиклар устидан, паст буюмлар устидан сакраб ўтади;
- тўпни икки қўл билан илади, уни бир қўлидан бошқа қўлига ирғитади;
- коптокни ўз шеригига турли ҳолатларда ирғитади;
- гимнастика курсиси устидан ўрмалайди;

- гимнастика нарвончаси устига чиқиб, тушади;
- зинадан мустақил чиқиб, тушади;
- тўсиқлар устидан ўтади;
- икки ғилдиракли велосипедда тўғри, муюлишлар билан, айлана бўйлаб, илонсимон усулда ҳайдайди;
- умумривожлантирувчи машқларни мустақил бажаради;
- мустақил равишда ҳожатхонадан фойдаланади ва гигиена қоидаларига амал қилади;
- кўлларни овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва ифлосланганда ювади;
- ичакларни ва қовуқни ўз вақтида бўшатиб, ҳожатхонадан тартибли фойдаланади;
- кун давомида танаси тозалиги, кийимлари, сочлари, уст-боши озодалигини кузатиб туради;
- кўл, оёқ ва бадан учун фойдаланиладиган сочиқларни фарқлайди;
  - фақат индивидуал (*ўзининг*) тароғидан, сочиғидан, дастрўмолчасидан фойдаланади;
  - мустақил равишда хонасини йиғиштиради ва ўйинчоқларини ўз жойига териб қўяди;
  - тўғри, тартибли овқатланишга риоя этади;
  - қошиқ, санчқилардан фойдалана билади;
  - стол атрофида ўтирганда гавдасини тўғри тутиб ўтиради;
  - овқатдан кейин оғиз ва томоқни чайқайди.

### **Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш (5-6 ёш)**

**Ижтимоий ривожланиш. Катталар билан мулоқот.** Болани катталар билан мулоқот қилишда одоб қоидаларига риоя қилишга, оналар билан самимий оҳангда сўзлашиш, одоб билан мулоқотга киришиш (*саломлашади, хайрлашади, миннатдорчилик билдиради*), юзага келадиган низоларни мулойимлик билан бартараф этишни ўргатишда давом этиш.

Катталар гапирганда тинглашга, сўзни ўз ўрнида сўзлашга ўргатиш. Миллий муомала маданиятида кенг қўлланиладиган “Ассалому алайкум”, “Лаббай”, “Хўп бўлади” “Кўришгунча”, “Яхши боринг”, “Раҳмат”, “Илтимос” каби илтифотли сўзлар билан мурожаат қилишга одатлантириш.

Болани катталар билан мавзудан ташқари ҳолатларда ҳам мулоқот қилиш, катталарнинг саволларига хоҳиш билан жавоб бериш, самимий ҳамкорлик қилиш, муомалада нутқ ва имо-ишоралардан ўринли фойдаланишга ўргатиш.

Катталар билан мулоқот вақтида мактаб ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш, ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилиш, биринчи маротаба кўрган кишилари тўғрисида қизиқиб саволлар бериш (“*Ким у?*”, “*Қаердан келган?*”, “*Унинг исми нима?*”).

Жамият меъёрлари ва қонун-қоидалари билан мос ҳолда “яхши”,

“мумкин”, “мумкин эмас”, “бажариш зарур” каби тушунчаларни фақат тушуниш эмас, балки шу ҳолатларни бажаришга одатлантириб бориш.

Муаммоларга дуч келганда танишлардан ёрдам сўраш, бошқаларни тушуниш, керак бўлганда уларга ёрдам бериш, ўзидан кичикларга ва кекса инсонларга эътиборли бўлиш, гуруҳга янги келган болаларга, уйига келган меҳмонларга самимий муносабатда бўлишга ўргатиш.

Жамоат жойлари (*театр, музей, кўрғазмаларда, транспортда, почта, банк, стадион, дўкон*)да ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақидаги видеофильмлар, расмлар, шунингдек болалар муассасасидаги ўйинлар, машғулотлар, байрамлар акс эттирилган махсус видеофильмлар кўрсатиш орқали одоб ва маданият ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Музей, театр, кўрғазмаларга экскурсиялар ташкил қилиш орқали катталар ва тенгдошлари оламига қизиқиш ва ҳавас уйғотиш. “Ким бўлсам экан?” мавзусида суҳбатлар ўтказиш.

**Тенгдошлари билан мулоқот.** Болани жамоада ўзини тутишга ўргатишни давом эттириш, тенгдошлари билан самимий муносабатда бўлиш, атрофдагилар билан барқарор алоқалар ўрнатиш, дўстлар орттириш, уларга ёрдам бериш, дўстларини исми билан чақириш, кўполлик қилмаслик, ўз фикрини ифодалаш, агар тушунмаса савол билан мурожаат қилиш, келишиб ўйнаш, овутиш, ўйинчоқлари ва қаламлари билан ўртоқлашиш, кичкинтойларга яхши муносабатда бўлиш кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Тенгдошларининг ютуқ ва камчиликларига диққат билан қараш, мулоқот даврида уларнинг шахсий хусусиятларини ҳурмат қилиш, ўйинда ролларни тақсимлай олиш кўникмаларини тарбиялаш.

Меҳнат фаолиятида ўртоғига ёрдам бериш, ўртоғининг ютуқларидан қувониш, бошқаларнинг меҳнати натижаларига ҳурмат билан қараш каби эзгу хислатларни шакллантириш.

Ўзаро алоқа ва муносабат ўрнатишда вербал ва новербал (*нутқ ва имо-ишора*) усуллардан фойдаланиш: вазминлик, ҳурмат билан таклифлар, саволлар, илтимослар билан чиқиш, жавобларни диққат билан эшитиш, саволларга ширинсуханлик билан жавоб бериш, “раҳмат”, “илтимос”, “балли”, “яша” каби сўзларни ифодалаш, мулойим табассум қилиш, бошқаларга ўз ёрдамини таклиф қилиш, болалар билан саломлашиш, катталарга, тенгдошига миннатдорчилик билдиришга одатлантириш.

Тенгдошлари билан мулоқотда ўз фикрини айтиш, тенгдошлари билан юзага келадиган низоли вазиятларни бартараф қилиш, қабул қилинган ижтимоий мулоқот қоидалари ёрдамида ўзини ҳимоя қилишга интилиш, тенгдоши унга қичқирганида, ундан жаҳли чиққанида, устидан кулганида “Мен сенга нима қилдим?”, “Нима учун сен менга бундай муомала қиляпсан?” каби саволлар билан мурожаат қилиш, “Кел, яхшиликча ўйнайлик” каби таклифлар киритиш, “Менинг расм чизгим келяпти, бошқа болалар билан ўйнай қол” каби тушунтиришлар орқали рад қилишни ўргатиш.

**Ҳиссий ривожланиши.** “Мен” концепцияси ёки ўз-ўзини англаш

тушунчаси. Боланинг исми-шарифи, ёши, манзили, оила аъзолари, қайси мамлакат, шаҳар, қишлоқда яшаётганлигини, она Ватани, унинг табиати, сеvimли ўйинчоқлари, халқ миллий анъаналари ва одатларини, миллий ва маданий кадриятларни билиши ва улар билан ғурурланишини қўллаб-қувватлаш. Тенгдошлари ўртасида ўз ўрнини англаши, ўзи тўғрисидаги маълумотларни бошқа болалар билан алмашишини рағбатлантириш.

Ўғил болага (*жасур, мард, зийрак, чаққон, қизларга ҳурмат*) ва қиз болага (*назокатли, мулойим, оқила, чаққон, саришта*) хос бўлган фазилятларни тарбиялашни давом эттириш.

Ўзини ҳар хил ёшда ва ҳолатларда танишга ўргатиш, атрофдагиларга яхши кўринишни исташига ҳурмат билан қараш.

Топшириқни бажаришда сабр-тоқатли, қатъиятли бўлиш, ўйинларни ташкиллаштириш, фаолиятларда мустақил ҳаракат қилиш, ўзига нисбатан самимий ва носамимий муносабатларни англаш, жаҳли чиққанида ўзини тута олиш, ўз хоҳишини катталарнинг талабига бўйсундириш, берилган топшириққа масъулият билан қарашни ўргатиш.

Ўзи эришаётган натижаларни ҳаққоний баҳолаш, ўзига ўзи берган баҳоси билан катталарнинг баҳосини солиштириш, ўз камчиликларини тузатиши мумкинлигини англашга ўргатиш.

**Ҳиссий ифодалаш.** Ўзининг ҳиссий ҳолатини тушунишга, мустақил равишда ўз кайфиятини, ҳиссиётларини сўз билан ифодалашга (*“Мен хурсандман”, “Мен мамнунман”, “Менинг кайфиятим яхши”, “Менинг кайфиятим ёмон”, “Мени ранжитишди”* каби) ўргатиш.

Катталар ва тенгдошлари билан муносабатдан қувониш ва завқланиш, меҳрибончилик кўрсата олиш, уларнинг ҳиссий ҳолатини (*суюниш, ғурурланиш, асабийлашиш*) ҳис қилиш, агар инсон чарчаса, нимадандир аразласа, кайфияти бузилса, жаҳли чиқса унинг кайфиятини сезиш қобилиятини шакллантириш.

Болани ўз ҳиссий ҳолатларини бошқаришга, тенгдошлари ва ўзи томонидан содир қилинган турли ҳолатлар орқали одамларнинг хулқ-атвори, руҳий ҳолати ва кайфиятларини билишга, *“Мана бундай қилсак – бошқаларга ҳам, менга ҳам яхши бўлади”, “Буни қилиш мумкин эмас, чунки у ҳафа бўлади”* каби хулоса чиқаришга ўргатиш.

Муסיқий асарларга нисбатан эмоционал муносабат билдириш, завқ билан тинглаш ва уларга жўр бўлиш, бадий асар қаҳрамонларининг ҳолатларини тушуниш, уларга ҳамдардлик билдириш, ўз фикрлари ва ҳиссиётларини сўз билан ифодалашини қўллаб-қувватлаш.

#### **Ўқув йили охирида бола:**

- мулоқот қилишда нутқли ва нутқсиз воситалардан фойдаланади;
- ўз атрофидаги таниш одамлар билан осонликча мулоқотга киришади;
- муаммоларга дуч келганда танишлардан ёрдам сўрайди;
- нотаниш ёки илк бор кўраётган одамлари тўғрисида саволлар беради;
- келишишни билади;
- хушмуомалаликни намоёниш этишининг оддий кўникмалари (*саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш*)ни билади;

- бошқалар билан барқарор алоқалар ўрнатади, дўстлар орттиради;
- атрофдагиларга ёрдам беради, овутади;
- катталар билан суҳбатлашганда савол беради ва жавоб қайтаради;
- ўйинлар ташкил этади ва болалар билан ўйнайди;
- ташаббускор, фаол бўлади, бўлажак воқеалардан хурсанд бўлади;
- ўзининг исми-шарифи, ёши, манзили, оила аъзолари, қайси мамлакат, шаҳар (*қишлоқ*)да яшаётганлигини билади, ўзи тўғрисидаги маълумотларни бошқа болалар билан алмашади;
- ўзининг миллий ва маданий қадриятларини билади ва улар билан ғурурланади;
- топшириқларни бажаришда қатъиятли ва сабр-тоқатли;
- тенгдошларига ёқишни истайди;
- катталар ва болаларнинг руҳий аҳволини сезади;
- яқинлари ва тенгдошларига нисбатан ҳамдардлик билдиради;
- атрофдагиларни кийимлари ва тили бўйича фарқлайди;
- ўзига ёққан мусиқа асарларини тинглайди, уларга нисбатан муносабат билдиради;
- бадиий асар қаҳрамонларининг ҳолатидан таъсирланади ва ҳамдардлик билдиради.

### **Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик (5-6 ёш)**

**Нутқ.** Болани она тилида бемалол сўзлашиш, кенг тарқалган содда гапларни ишлатиш, мураккаб гапни грамматик жиҳатдан тўғри туза олиш, расмлар устида ҳикоя тузиш, нутқида антоним (*қарама-қарши маъноли сўзлар*), синоним (*маънодош*) ва омоним (*шаклдош*) сўзларни ишлатиш, катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга киришиш малакасини шакллантириш; ўз ҳис-туйғуларини, мақсадини нутқ ёрдамида ифодалашга ўргатишда давом этиш.

Болага мусобақалар ва мунозаларда иштирок этиш, берилган топшириқ ва кўрсатмаларни тушуниб, аниқ бажаришни ўргатиш.

**Нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш.** Боланинг она тилидаги барча товушларни тўғри талаффуз этиш малакасини мустаҳкамлаш. Болага мавжуд тил тизими (*товуш, сўз, гап*) тўғрисидаги дастлабки тасаввурларни таркиб топтириш. Сўздан товушни, унли ва ундош товушларни ажрата олишга ўргатиш; овоз сифатларини (*баланд, ўртача, паст, йўгон, ингичка, жуда ингичка*), нутқ суръатини (*тез, ўртача, секин*) тарбиялаш, сўзда товуш ўрнини белгилашга (*т-т-т-ти-shuk, т-и-и-и-shuk, ти-sh-sh-sh-uk*) ўргатиш;

Болага *s-z, p-f, t-d, p-b, l-r, u-o', x-h, k-g* товушларини тўғри талаффуз этишни; товушларни эшитганда ва талаффуз этганда (*узун-қисқа*) ажрата олишни машқ қилдириш, товуш талаффузидаги нуқсонларни йўқотиш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

Боланинг адабий нутқини тарбиялашни давом эттириш. Сўзларни адабий тил нормалари асосида орфоэпик жиҳатдан тўғри, аниқ, дона-дона



килиб талаффуз этишини такомиллаштириш. Овоз кучининг паст-баландлигини нутқ суръатига, гап мазмунига қараб ўзгартира билишни шакллантириш, оҳанг воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш.

Болага қаттиқ ва юмшоқ ундош “*h*” ва “*x*” товушларини ажратиш ва тўғри талаффуз этиш машқларини бажартириш (*бу товушлар устида ишлаш кейинчалик ҳам давом эттирилади*).

**Луғат иши.** Боланинг теварак-атрофдаги ходисалар ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва кенгайтириш асосида уларнинг нутқини бойитиш ва фаоллигини ошириш. Бола луғатига республикалар, шаҳар, қишлоқ ва кўчаларнинг номи, айрим махсус сўзларнинг маъноси; касб-хунарга оид сўзлар (*ғишт терувчи, бўёқчи, дурадгор, пахтакор, ўқитувчи, тарбиячи*); нарсаларнинг номи, ўзига хос муҳим белгилари, ранги (*ёрқин, очиқ, пишиқ, пухта*)ни тўғри айтиш; ўхшаш нарсаларни бир-бирига солиштириб, фарқларини аниқлашга; одамларнинг меҳнатга муносабатини ифодаловчи (*зайратли, меҳнатсевар, дангаса, саранжом-сариишта*) сўзларини киритиш; умумлаштирувчи сўзлар (*сабзавотлар, мевалар, пайабзал, устки кийимлар*); антоним сўзлар (*узун-қиска, кечакундуз, кучли-кучсиз, паст-баланд*); маъноси бир хил, аммо айтилиши ҳар хил бўлган синоним сўзлар (*хурсанд, шод, қувноқ; баҳор, кўклам; чиройли, кўркам, гўзал*); айтилиши бир хил, аммо маънолари ҳар хил бўлган омоним сўзлар (*ўт-майса, ўт-ариқдан ўтиш, ўт-олов*)ни тушуниб, тўғри қўллай билиш малакасини мустаҳкамлаш. Боланинг янги сўзлар маъносини билишга ва улардан фойдаланишга бўлган хоҳишини рағбатлантириш.

Халқ мақоллари, маталлари ва ибораларини тушунтириш (“Каттага хурматда, кичикка иззатда бўл”, “Бирни кессанг, ўнни эк”, “Дўст бошга иш тушганда синалади”, “Яхши сўз билан, ёмон мушт билан”, “Ёлғон гапирмасанг, хижолат чекмайсан”).

**Луғатни фаоллаштириш.** Болага нарсалар номини тўғри айтишни ўргатиш, турли нарсаларни бир-бири билан солиштириш, фарқларини тушунтириш асосида луғат бойлигини ошириш. Масалан, нарсалар нимадан тайёрланган (*чинни, лой, металл, пластмасса, матодан*); шакли, ранги, сифати, ўлчови, хоссаларини англатувчи сўзларни ўргатиш.

Боланинг теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисалар ҳақидаги билимларини аниқлаш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш орқали, унинг нутқини бойитиш, фаоллигини ошириш. Бола луғатига қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган машиналар (*экскаватор, кўтарма кран, трактор, комбайн*), уларнинг ўзига хос муҳим белгилари ва вазифалари, мазкур касб эгалари (*экскаваторчи, тракторчи*)нинг меҳнат фаолиятларига тааллуқли сўзлар билан бойитиш ва фаоллаштириш.

Бола қалби ва онгига она тилига нисбатан муҳаббат, хурмат туйғусини сингдириш, соф, тўғри гапириш иштиёқини тарбиялаш.

**Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш.** Боланинг сўзларни бир-бирига боғлаб грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тузиш малакасини шакллантириш; ўз нутқи ва бошқалар нутқидаги камчиликларни пайқаш ва бартараф этишга ўргатиш.

Нутқида уюшиқ бўлакли содда, ёйиқ ва қўшма гапларнинг турли хилларидан (*боғланган қўшма гап, эргашиган қўшма гап. Масалан: “Малика келди ва биз бирга китоб кўрдик”, “Мадина кўрқди, шунинг учун биз аргимчоқ уча олмадик”*. Қўшма гапларда ишлатилган қўмакчи ва боғловчи сўзларга аҳамият бериши) фойдаланиш малакасини мустаҳкамлаш. Болани равишдан фойдаланишга ўргатиш (*тез юрди, секин гапирди*), сўз яшаш малакасини мустаҳкамлаш (*“ўқит-ўқитувчи”, “балиқ-балиқчи”*).

Бир фикрни турли воситалар билан баён қилишга (*“Бугун гул экмаймиз, чунки ёмғир ёга бошлади”*; *“Ёмғир ёга бошлагани учун бугун гул экмаймиз”*); бир-бирининг ўрнини босадиган гаплардан (*“Шаҳзода хурсанд бўлди”, “Шаҳзода қувонди”*) фойдаланишга ўргатиш.

Болага тўғри грамматик шаклларни машқ қилдиришда кўпроқ оғзаки ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан: *“Айт-чи қандай?”* оғзаки ўйинида (*“Қор қандай?- Оппоқ, муздай, совуқ, майда”*; *“Гул қандай?- Чиройли, қизил, хушбўй”*) бола фикрлаб, тез ва тўғри жавоб беришга ўрганади.

Болани содда (*“Мен қизил олма едим”*) ва қўшма гаплар (*“Туруҳимиз билан полизга кўчат экдик, фақат Собир қатнаша олмади”*) тузишга, бунда барча сўз туркумларидан фойдаланишга (*аввал намуна асосида, кейин мустақил*) ўргатилади.

Болани гапирганда сонни отга (*Стол устида бешта нок ва еттита олма бор*); сифатни отга (*чиройли кўйлак; қизил олма*); сифатни феълга (*қўшиқни ёқимли куйлади; расмни чиройли чизади*) тўғри боғлаш; хайвонларнинг болаларини билдирувчи отларни кўпликда (*қўзилар; бузоқлар*) тўғри ишлатиш малакасини такомиллаштириш. Болани турли усуллар билан янги сўзлар яшаш (*гул - гулдон, гулзор, гулчи, Гулнора; қанд – қанддон; сув - сувчи*)га, нутқда сифатдошлардан (*ўқиётган бола, учаётган капалак*) фойдаланишга ўргатиш.

**Боғланишли нутқни шакллантириш.** Боланинг сўзлашув ва ҳикоя қилиб бериш нутқини шакллантириш; суҳбат ва мунозараларда фаол иштирок этишга ундаш; мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, қисқа ва тўлиқ жавоб бериш; ўртоқларининг айтаётган жавобларига эътибор бериш малакасини такомиллаштириш.

Болага нутқнинг ифода воситалари: имо-ишора, овоз сифатлари (*баланд, ўртача, паст, жуда паст*)дан фойдаланишни ўргатиш; нутқий мулоқот маданиятини тарбиялаш. Боланинг бадий асарларни қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстириш, адабий асарларни мазмунли, мантиқий изчилликда, аниқ ва тасвирий ифодалардан фойдаланган ҳолда ҳикоя қилишга; мустақил ҳикоялар тузишда воқеаларни кетма-кетликда, грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тузиб баён қилишга ўргатиш.

Тарбиячи болага бадий асарни қайта ҳикоя қилишни ўргатаётганида эртакнинг бошланиши, такрор ва хулоса қисмига; ҳикояларда воқеалар тасвири, икки қаҳрамоннинг ўзаро нутқи кабиларга алоҳида эътибор бериши лозим.

Бола асар воқеаларини сўзлаётганда овоз оҳангининг хилма-хил турини (*сўроқ, ҳис-ҳаяжон, ҳайратланиш, илтимос*) кўллай билишига эришиш.

Болага ўйинчоқлар ва буюмлар ҳақида ҳикоя тузишни ўргатаётганда ўйинчоқ ёки буюмни таърифлаб беришга, уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи белгиларини (*ранги, шакли, вазифаси, қандай ўйналиши*) аниқ сўзлар орқали ифодалашга ўргатиш.

Турли мавзудаги ҳикояларни сўзлаб беришга, янги ҳикоялар ўйлаб топишга, қофия ва сўз ўйинига қизиқиш уйғотиш.

Китоб ва мультфильмлардан ёки болалар учун бериладиган телекўрсатувлардан бирор қаҳрамоннинг нутқини, шунингдек ўзига ёққан парчани ёдлаб, ифодалаи айтишга ёки ҳикоя қилиб беришга бўлган иштиёқини рағбатлантириш.

**Ижодий ҳикоя қилиш.** Боланинг тарбиячи томонидан айтилган ҳикоя ёки эртакни ниҳоясига етказиш, жумлаларни қисқа, лўнда тузиш, шахсий тажрибалари асосида ва тарбиячи таклиф этган мавзулар бўйича мантиқий ривожланиб борувчи ҳикоя ёки эртак тузиш лаёқатини ривожлантириш. “Бизнинг оила”, “Метрода”, “Циркда”, “Гуруҳимиздаги жонли бурчак”, “Мен қушларни овқатлантирдим”, “Мен қиш байрамини қандай ўтказдим?”, “Дам олиш куни”, “Гулзордаги гулларни қандай парвариш қилдик?”, “Ёқтирган ўйинчоғим”, “Ёқтирган ўйинларим”, “Энг яқин ўртоғим”, “Дадамларга ёрдам бердим”, “Зўр мультфильм кўрдим”, “Кўғирчоқ театрига бордик” ва бошқалар.

Болани қаҳрамонларнинг ҳис-ҳаяжонларини таъсирчан ифодалашга ўргатиш. “Биринчи қор!”, “Уйимизга қорбобо келди!”, “Энг гўзал фасл”, “Мен онамга ёрдамчи”, “Мен дадамга ёрдамчи”, “Онамларнинг байрами”, “Наврўз байрамини қандай ўтказдим?” кабилар.

Болани табиат манзаралари акс этирилган суратлар ёки мавзули расмлар асосида тасвирий ҳикоя айтишга ўргатишда ҳам, воқеаларни изчил баён қилишга, қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатлари бўйича ўз муносабатини билдиришга, ҳикояни мантиқли тугаллашга; гапни грамматик жиҳатдан тўғри тузишига, товушларни аниқ талаффуз этишига алоҳида эътибор берилади. Тарбиячи, бола ўз ҳикоясини тугатганидан сўнг, мавзуни давом эттириб, унга воқеабанд расмга яна бир бор диққат билан қарашни, илгари нима бўлгани ва келажакда нима бўлиши ҳақида тасаввур қилишни таклиф этиши мақсадга мувофиқ.

Мустақил танланган мавзу бўйича ҳикоя тузаётганда ҳам воқеанинг изчиллигига, тугал мантиққа эга бўлишига, тасвирий ифода воситаларидан ўринли фойдаланишига алоҳида аҳамият берилади.

Болани таққослаш усулидан фойдаланиб топишмоқлар ўйлаб топишга ўргатиш.

**Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш.** Боланинг китобни қизиқиб томоша қилишини рағбатлантириш; китобда фақат расмларга эмас, балки ҳарфларга ҳам эътибор билан қарашга ундаш, ўрганишга бўлган ҳавасни тарбиялаш. Болага зарур маълумотларни йиғишда китоб энг керакли манба

эканини тушунтириш; адабий асардан айрим парчани сўзлаб беришга, ёдлаган шеърини ифодали ўқишга ўргатиш.

**Оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантириш:**

- гапни сўзларга, сўзларни бўғинларга бўлиш (“Баҳорда лола очилади”. “Ба-ҳор-да ло-ла о-чи-ла-ди”);

- маълум товушларни ўрнини аниқлаш (сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида);

- сўзда товушлар кетма-кетлигини аниқлаш;

- товушларни эшитишда фарқлашга ўргатиш;

- илмоқ, гажак, чизикчалар, таёқчалар элементларини чизишга ўргатиш.

**Бадий адабиёт.** Болада бадий сўзга қизиқиш ва муҳаббат туйғусини, бадий асарлардаги гўзалликни ҳис этиш кўникмасини шакллантириш, маънавий-ахлоқий камолатига алоҳида эътибор қаратиш; китобхонлик саводини, китобхонлик маданиятини тарбиялашда давом этиш.

Болани миллий руҳда тарбиялаш, бадий дидини шакллантиришда доимий равишда халқ оғзаки ижоди намуналари билан таништириш: мавсум кўшиқлари (“Омонлик, ҳей, омонлик...”, “Читти гул-а, читти гул...”); қизикмачоқлар (“Қурбақажон, қурбақа...”, “Тулкича-я, тулкича...”); ўйин кўшиқлари (“Оппоқ-оппоқ, оқ кўрак...”, “Опа, опа анжир...”)ни ифодали ўқиш, ёдлатиш, ўйинлар ташкил этиш асосида бола дилига яқин бўлган миллий оҳангдаги жозибани, муסיқийликни ҳис этиш туйғусини такомиллаштириш.

Болани мақол, тез айтиш, санамаларни, ёшига мос кулгили латифаларни мустақил айтишга, топишмоқларга ўйлаб, фикрлаб жавоб беришга ўргатиш.

Шеърый асарлар орқали бола қалбида она-Ватанга (Э.Воҳидов “Ўлка”, Н.Ориф “Она юртим”, Э.Раимов “Куйга тўлсин она-Ватан”) муҳаббат туйғусини шакллантириш; шеърдаги юмор, ҳазил, кинояни тушуниш (Ш.Отабек “Аччиқ чой”, А.Обиджон “Сохта амаки”, А.Акбар “Биринчи июнь”) кўникмасини мустаҳкамлаш. Табиат манзаралари (Қ.Муҳаммадий “Тонгда”, Р.Файз “Чучмома”, Ҳ.Раҳмат “Шабнам” в.б.) акс этган шеърлардаги гўзал бадий тасвир (*ўхшатиш, жонлантириш*)ларни пайқаш ва аслига қиёслашни ўргатиш. Шеър ва ҳикоя орасидаги асосий фарқлар (*шеърда - қофия, ритм, муסיқавий оҳанг, бадий тасвир воситалари бор; ҳикояда - ҳаётый воқеалар баён қилинади, ҳаётый образлар иштирок этади*) ҳақида илк маълумот бериш.

Шарқнинг буюк алломалари Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Юсуф Хос Хожиб, Абу Али ибн Сино ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, айрим асарлари (Ю.Х.Хожиб “Қутадғу билиг” (*парча*), А.Навоий “Бир кабутар”); ривоятлар (“Боғи Бобурий”, “Ибн Сино шогирдлари”) билан таништириш.

Бола диққатини эртақларда тасвирланаётган ғаройиб воқеаларга, сеҳрли нарсаларга қаратиш (Ўзбек халқ эртақлари: “Зумрад ва Қимнат”,

“Эгри билан Тўғри”, “Қарғавой”); эртақнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, ижобий (*яхши*) ва салбий (*ёмон*) қаҳрамонлар ҳақида; бадиий асар жанрлари (*шеър, ҳикоя, эртақ*)нинг фарқли томонларини тушунтириш.

Халқ дostonларига қизиқтириш, кичик парчалар (“Ширин билан Шакар”) ўқиб бериш, дoston ҳақидаги тушунчаларини бойитиш.

Турли халқ оғзаки ижоди ва ёзувчиларининг асарлари билан таништириш (америка халқ эртаги – “Митти сичқоннинг катта саргузаштлари”, япон халқ эртаги – “Қалдирғоч ва иккита қовоқ воқеаси”, эстон халқ эртаги – “Ҳар ким феълига яраша”, рус халқ эртаги – “Ғозлар-окқушлар”, Қ.Тангриқулиев “Нон” (*ҳикоя*), Ч.Айтматов “Жимжилоқ” (*эртақ*), К.Чуковский “Дўхтир Войжоним” (*шеър*ий *эртақ*), В.Берестов “Чин сўз” (*эртақ*), В.Сухомлинский “Мақтанчоқ хўроз” (*эртақ*), Ш.Перро “Қизил қалпоқча” (*эртақ*), Ака-ука Гриммлар “Бир хумча шовла” (*эртақ*), Н.Боқизода “Чумчуқлар қарори” (*шеър*ий *эртақ*), Ж.Смақов “Бойчибор” (*шеър*)).

Болани ҳикояларда акс этган воқеалар маъносига тушуниш, қаҳрамонлар ҳаракатларини кузатиб, мулоҳаза юритишга (М.Муродов “Сенинг галинг”, Шухрат “Зайнабнинг мушуги нега аразлади?”), тўғри баҳо беришга ундаш. Халқ эртақлари (“Чивинбой”, “Қумурсқа”) ва адабий эртақлар (Р.Толиб “Ғалати зиёфат”, Ҳ.Олимова “Саришта ва Фаришта”) ҳақида тушунча бериш (*халқ эртақлари қадим замонларда яратилган ва авлоддан-авлодга ўтиб бизгача етиб келган. Бу эртақларни ким тўқиганини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун улар “халқ эртақлари” дейилади; ёзувчи ва шоирлар томонидан ёзилган эртақларга “адабий эртақ” дейилади*).

Болага турли мавзудаги бадиий асарларни тушуниш, мазмунини сўзлаб бераётганида шошилмай, воқеани изчил баён этиш, грамматик жиҳатдан тўғри гап тузиш ва аниқ талаффуз этишни ўргатишда давом этиш.

Бола билан кўғирчоқ театрига бориш; бадиий асарлар бўйича суҳбат-мунозаралар ташкил қилиш. Суҳбат-мунозарада фаол қатнашишини, кўрган театр томошасидан, эшитган бадиий асаридан олган таассуротларини қизгин “муҳокама” қилишини (“*Нима учун шундай бўлди?*”, “*Шундай бўлмаслиги учун, нима қилиш керак?*”); асар қаҳрамонлари ҳақида ўз мулоҳазасини (“*Менимча, у – тўғри (хато) қилди*”, “*У одобли (одобсиз) бола экан*”) бемалол билдиришини; саволларга ўйлаб, аниқ ва тўғри жавоб беришини рағбатлантириш; фикрларини эркин баён этиш кўникмасини шакллантириш; тушунмаган жойлари ҳақида тортинмасдан изоҳлаб беришни сўраш, “Нега?”, “Нима учун?” каби савол орқали мурожаат этишга ўргатишда давом этиш;

Мунозараларда ўзини тутиш маданиятини тарбиялаш.

Болада эртақ, ҳикоя, шеър, топишмоқ тўқишга бўлган ҳавасни шакллантириш; қофия ва сўз ўйинларига қизиқиш билдиришини

рағбатлантириш. Бадиий асарни саҳналаштириш ва ролларга бўлиниб ижро этишга бўлган ҳавасини орттириш.

**Ўқув йили охирида:**

- она тилидаги ҳамма товушларни тўғри талаффуз қилади;
- товушлар ва сўзлар ўртасидаги фарқларни англайди;
- ўрганган янги сўзларини (*касб-ҳунар; буюмларнинг сифати ва хоссалари, вазифалари; кун қисмлари ва б.*) ўз ўрнида ишлатади;
- сўзларни грамматик жиҳатдан тўғри ўзлаштиради;
- она тилида бемалол сўзлаша олади; содда ва қўшма гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузади; нутқда антоним, синоним ва омоним сўзлардан фойдаланади;
- ўйинчоқ, турли буюмлар ва воқеабанд расмлар бўйича мустақил ҳикоя тузади;
- китобга қизиқиш билдиради;
- эртак ва ҳикоя мазмунини англайди; қаҳрамонлар ҳолатини ҳис қилади ва таърифлаб беради;
- халқ оғзаки ижодига қизиқади;
- кўшиқларни мустақил айта олади;
- таниш эртак ва ҳикояларни равон баён қилади;
- саккиз қатор шеърни ёдлайди ва ифодали ўқийди;
- топишмоқлар жавобини топишга интилади; мақоллар мазмунини тушунади; тез айтиш ва санамаларни айтади;
- шеър ва ҳикоя жанри орасидаги фарқни билади;
- ёқтирган эртак, ҳикоя, телекўрсатув ва мультфильмлардан айрим ибораларни, қаҳрамонлар нутқини ёдлаб олади ва ўз ўрнида ишлатади;
- бадиий асарларни саҳналаштиришда қатнашади ва роль ижро этади;
- саволларга ўйлаб, аниқ ва тўғри жавоб беради, фикрларини имкон даражасида асослаб, эркин баён қилади;
- сўзнинг товуш таркиби ҳақида тасаввурга эга;
- унли ва ундош товушларни фарқлай олади;
- оддий таҳлил ва синтез қилиш ҳақида тасаввурга эга;
- гапни сўзларга ва сўзларни бўғинларга бўлади;
- маълум товушларнинг ўрнини (*сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида*) аниқлай олади;
- сўзда товушлар кетма-кетлигини билади;
- товушларни эшитиб фарқлайди;
- илмоқ, гажак, чизиқчалар, таёқчалар нусхаларини кўчира олади.

**Билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги  
билимларга эга бўлиш  
(5-6 ёш)**

**Элементар математик кўникмалар ва билимларни ривожлантириш.**

**Сон ва саноқ.** Боланинг 1, 2, 3, 4, 5 сонлари ҳақидаги тасаввурини аниқлаш ва 5 гача санаш кўникмасини мустақамлаш.

Болани 6, 7, 8, 9, 10 сонларининг ҳосил бўлиши билан таништириш (*ҳар бир сон алоҳида маиғулотда ўргатилади*). Бу сонлар доирасида санашни ўргатиш: бир қатор қўйилган буюмларни санаб, сонни тартиб билан айтиш, сонни от билан мослаштириб, охирги сонни саналган буюмларга тааллуқли қилиб умумлаштириб айтишга ўргатиш. Масалан, “Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти – ҳаммаси бўлиб олти китоб”.

Болага буюмларнинг икки гуруҳини қиёслашни машқ қилдириш (*“Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти – ҳаммаси бўлиб еттита сабзи, иккинчи гуруҳда бир, икки, уч, тўрт, беш, олти – ҳаммаси бўлиб олти кўён. Еттита сабзи кўп, олти кўён кам. Агар кўёнларга сабзиларни бериб чиқсак, битта сабзи ортиб қолади”*).

“Нечта?”, “Нечанчи?”, “Санок бўйича нечанчи”, “Қанча?”, “Қайси?”, “Нечанчиси?”, “Жами қанча?” саволларига жавоб бериб, 10 гача бўлган санок ва тартиб сонлардан тўғри фойдаланишни ўргатиш.

Сони 10 гача бўлган икки гуруҳдаги буюмлар сонини таққослаш тенглаштириш, биттага камайитириш ва биттага орттириш.

Буюмларнинг кам гуруҳига етишмаган буюмни қўшишни ёки кўп гуруҳдан битта ортиқча буюмни олишни ва гуруҳлар ўртасида бир хил миқдордаги ҳар хил буюмлардан иборат тенглик ҳосил қилишни ўргатиш. (*“Карточканинг юқори қаторида олти олма, пастки қаторида еттита нок, ноклар олмалардан битта кам. Агар яна битта нок қўйсак олмалар ва ноклар сони тенг бўлади”*).

Турли ҳолатда жойлашган (*доира, квадрат, учбурчак ичида, бир қатор*) буюмларнинг сонини аниқлашни машқ қилиш орқали сон буюмнинг жойлашишига боғлиқ эмаслиги ҳақида тасаввурни шакллантириш.

0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 рақамлари ёзилган карточкалар ёрдамида рақамлар билан таништириш, уларни ёзиб, бу қандай рақам эканлигини болага айтиб бериш. 10 гача бўлган сонларни бирликлардан иборат таркиби билан таништириш, масалан: 4 бу – 1, 1, 1 ва яна 1; 9 бу – 1, 1, 1, 1, 1, 1, 1, 1 ва яна 1.

10 гача бўлган сонларни ўзидан кичик бўлган 2 та сондан ҳосил қилишни ўргатиш, масалан: 4 бу – 3 ва 1; 1 ва 3; 2 ва 2 каби.

Олдин 5 дан 1 гача, сўнг 10 дан 1 гача тескари санашни ўргатиш.

10 сони ичида сонларнинг қўшниларини – олдинги ва кейингисини топишни машқ қилиш. Масалан, “5 дан олдин 4, 5 дан кейин 6 сони келади. 4 ва 6 сонлари 5 сонининг қўшнилари”.

Ёнма-ён турган 10 гача бўлган сонларни қиёслашга ўргатиш.

Тенгсизликдан тенгликни (*ёки тенгликдан тенгсизликни*) ҳосил қилиш – кам буюмга битта буюмни қўшиб ёки кўп буюмдан битта буюмни олиб, тенгликка ва тенгсизликка эришишга ўргатиш, масалан: “Саккиз – саккизга тенг, саккизта буюмга битта буюм қўшилса, тўққизта бўлади, битта буюмга кўпаяди.”, “Ўн ўнга тенг: агар ўнта буюмдан битта буюм олинса, тўққизта қолади, биттага камайди”.

Берилган сон бўйича гуруҳлар тузишга ўргатиш, масалан: 8 тадан, 9 тадан, 10 тадан.

Арифметик масала (*санашга асосланган*) тузилиши билан, қўшиш ва айиришга доир масалаларни ечишда битталаб қўшиб ва битталаб айириб ҳисоблаш усули билан таништириш.

Ўзбек миллий сўмлари (*100 сўм, 200 сўм, 500 сўм, 1000 сўм*) билан таништириш.

Боланинг ўз манзили ва уйининг рақамини ёдлаб олиш истагини қўллаб-қувватлаш ва айтишни ўргатиш.

10 ичида бармоқ, санок чўпи ва буюмлар ёрдамида санаш, қўшиш ва айириш керак бўлган турли ўйинларни ўйнаш.

**Миқдор, катталиқ.** Узунлиги, кенглиги ҳар хил бўлган бир нечта буюмни (*10 тагача*) бир-бирининг устига узунлиги, кенглигига, қалин-юпқалигига кўра ортиб ва камайиб борадиган тартибда қўйиб қиёслашни ўргатиш.

Турли узунликка, кенгликка, баландликка эга буюмларни кўпайиб бориш ёки камайиб бориш тартибида (*10 тагача бўлган буюмлардан фойдаланиб*) териб чиқишга ўргатиш, масалан: баланд, паст, пастрок, янада пастрок, энг паст.

Бутунни 2 та, 4 та тенг қисмга бўлишни, бутун билан қисмни таққослашни ўргатиш.

Шартли ўлчов билан таништириш. Таққосланаётган буюмлардан бирига тенг бўлган ўлчам ёрдамида иккита буюмни узунлиги (*кенглиги, баландлиги*)га қараб таққослашга ўргатиш.

Нарсаларни кўз билан чамалаб, унинг миқдори, катталиги, ўлчамини узун-қисқа, кенг-тор, энли-энсиз, баланд-паст, қалин-юпқалигини аниқлашга ўргатиш.

**Геометрик шакллар.** Шакллар ҳар хил ўлчамда бўлиши мумкинлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш (*катта доира – кичик доира, катта квадрат – кичик квадрат, катта учбурчак – кичик учбурчак*).

Шакллар ва унинг айрим белгилари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш: Масалан, тўртбурчакнинг 4 та бурчаги ва 4 та томони (*тўртбурчакнинг турли кўринишлари мисолида*) бор.

Боланинг шар, куб, цилиндр ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш ва улар ёрдамида турли мавзуларда лойиҳалар яратиш. Конус билан таништириш.

Доира ва овал шаклини фарқлашга доир турли машқларни бажартириш.

Атрофдаги нарсалар орасидан таниш бўлган геометрик шаклларни топа олишга ўргатиш: Масалан, лаган, нон доирага ўхшайди; столнинг усти, девор, эшик ва деразалар тўғри тўртбурчакка, рўмолча квадратга, стакан цилиндрга ўхшайди ва ҳакозо.

Учбурчак ва тўртбурчаклардан турлича катта ўлчамдаги нарсалар ва шакллар тузиш.



Турли геометрик шакллар тўпламидан ҳар хил ўйинлар ўйнаш, махсус шакллар тўпламидан фойдаланиб, намунадаги нарсаларни ясашни ўргатиш.

Таёқчалардан ҳосил бўлган геометрик шакллардан бир нечта таёқчани олиш усули билан кўринишини ўзгартиришга доир муаммоли вазифаларни ҳал этишни машқ қилиш.

Лабиринтлар билан таништириш ва уларнинг ечимини топишга ўргатиш.

**Фазода мўлжал олиш.** Боланинг атрофдаги нарсаларнинг ўзига нисбатан вазиятини сўз билан ифодалаш кўникмасини мустаҳкамлаш: ўнгда, чапда, олдинда, орқада, узокда, яқинда.

Болани кўрсатилган йўналишда мўлжал олишга, берилган шарт бўйича ўз жойини белгилашга ўргатиш (*шундай тургинки, машина ўнг томонингда, копток олдингда бўлсин*).

У ёки бу буюмни бошқа бир буюмга нисбатан жойлашганлигини сўз билан ифодалашга ўргатиш (*кучукчанинг чап томонида – қуён, кучукчанинг ўнг томонида – айиқча*).

Болани қоғоз варағи сатҳини мўлжалга олишга, қоғознинг ўнг, чап, юқори, паст, ўртасини аниқлашга ўргатиш.

**Вақт бўйича илк тушунчалар.** Боланинг вақт ҳақидаги тасавурларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш. “Эрталаб”, “Кечқурун”, “Кундуз”, “Тун”, “Кеча”, “Бугун”, “Эртага” тушунчаларини фарқлаш ва бу сўзлардан тўғри фойдаланиш кўникмасини мустаҳкамлаш.

Болани ҳафта кунлари билан таништириш ва ҳафта кунлари номларини изчиллик билан айтишни, кеча ҳафтанинг қайси куни бўлганлиги, бугун қанақа кун, эртага қайси кун бўлишини аниқлашни ўргатиш.

Йил фаслларининг номини кетма-кетликда айтиш кўникмасини мустаҳкамлаш.

Бола билан кўпроқ суҳбатлашиш, ундан эрталабдан кечқурунгача қандай ўтганлигини айтиб беришни сўраш.

**Қуриш-ясаш.** Лего жиҳозларидан лойиҳалар яратишни, 8-10 қисмдан кам бўлмаган пазлларни йиғишни ва қоғозларни букиб (*оригами йўли билан*) шакллар ясашни, қурилиш материаллари тўпламларидан турли мавзулардаги лойиҳаларни амалга оширишни ўргатиш.

Бола эгаллаган билим ва кўникмалар қуйидаги ўйинлар орқали мустаҳкамланади:

“Кун қисмлари”, “Тўғри жойлаштир”, “Тескари санок”, “Қаерга борасан, нимани топасан?”, “Кеча, бугун, эртага”, “Топган-топалок”, “Бутун ва қисмлар”, “Рангли доиралар ва оваллар”, “Ҳафта”, “Байроқчага қараб юр”, “Ким билса давомини санасин”, “Бир хилини топ”, “Ҳа-йўқ”, “Йил фасллари”, “Топинг нечта ўйинчоқ?”, “Ўнгда-чапда, олдинда-орқада”, “Қўнғироқча қаерда жиринглапти?”, “Мен қандай сон ўйладим?”, “Гараж”, “Етадимми?”, “Кўп, оз, шунча”, “Шартли белгилар асосида ҳаракат қиламиз”, “Зинапоя”, “Ўз сонингизни эслаб қолинг”,

“Дарвозадан ўтинг”, “Бошқа кўлимда нечта?”, “Бу кимнинг қутиси?”, “Ким биринчи?”, “Ким энг топқир?”, “Ким зийракроқ?”, “Ҳаракатдаги ҳафта кунлари”.

#### **Ўқув йили охирида бола:**

- 10 ичида тўғри ва тескари тартибда санай олади;
- 10 гача бўлган сонни ўзидан кичик бўлган иккита сонга ажратади;
- ёнма-ён турган сонлар орасидаги муносабатларни тушунади;
- 10 ичида бармоқ, саноқ чўпи ва буюмлар ёрдамида кўшиш ва айиришни билади;
- сони 10 гача бўлган икки гуруҳдаги буюмлар сонини таққослаш тенглаштириш, биттага камайтириш, биттага орттиришни билади;
- ўз уйининг рақамини билади;
- доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, овалларни фарқлайди;
- махсус шакллар тўпламидан фойдаланиб, намунадаги нарсаларни ясай олади;
- шар, куб, конус ва цилиндрларни танийди;
- лабиринтларни билади ва уларнинг ечимини топади;
- буюмларни қандай қисмлардан ташкил топганлигини, уларнинг хусусиятларини (*катталиги, шакли, номи*) фарқлайди;
- бутунни 2 та, 4 та тенг бўлакка бўлишни билади, бутун билан қисмни таққослайди ва фарқлайди;
- буюмларни (*10 тагача*) узунлиги, эни, қалин-юпқалигига кўра қиёслайди, “бир хил”, “кенг”, “кенгроқ”, “энг кенг”, “тор”, “торроқ”, “энг тор”; “қалин”, “қалинроқ”, “энг қалин”; “юпқа”, “юпқароқ”, “энг юпқа”; “баланд”, “баландроқ”, “энг баланд”; “паст”, “пастроқ”, “энг паст” сўзларини нутқда тўғри қўллайди;
- буюмларни ўзига нисбатан ўрнини аниқлай олади (*тепада-пастда, ўнгда–чапда, олдинда-орқада*), ишора бўйича турли йўналишда ҳаракатланади (*олдинга - орқага, чапга - ўннга*);
- қоғоз варағининг ўнг, чап, юқори, паст, ўртасини аниқлайди;
- сутка қисмлари – эрталаб, кундузи, кечкурун, тунни фарқлайди;
- кеча, бугун, эртани билади;
- ҳафта кунларининг номини, кетма-кетлигини, бугун ҳафтанинг қайси куни эканлигини айтади;
- йил фаслларининг номини билади;
- пул ва унинг кўриниши, ундаги рақамлар ва қийматни танийди;
- “лего” жиҳозларидан лойиҳалар яратади;
- 8-10 та қисмли пазлларни йиғади;
- қоғоздан буклаш йўли (*оригами*) орқали содда шаклларни ясайди.

### **Атроф-муҳитни ўрганиш ва англаш**

**(5-6 ёш)**

**Она Ватан ва атроф-олам.** Боланинг мустақил Ўзбекистон давлати ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива ва Тошкент шаҳарлари ҳақида қисқача маълумот бериш.

Болага “Конституция сабоқлари” ва “Тежамкорлик сабоқлари” дастурлари асосида тушунчалар беришда давом этиш.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кун; давлатимиз рамзлари; герб, байроқ ва мадҳия билан таништириш. Мадҳияни ёдлатиш ва ижро этишни ўргатиш. Ўзбекистонда давлат тили – ўзбек тили эканлигини, Ўзбекистон Республикаси Президент томонидан бошқарилиши, Ўзбекистоннинг пойтахти – Тошкент ҳақида тушунчалар бериш.

Болага ўзи яшаётган шаҳар, қишлоқ, маҳалла, кўча ҳақида маълумот бериш. Уларнинг номлари билан боғлиқ бўлган жиҳатларни аниқлаш. Уй манзиллини тўлиқ айтишга ўргатиш.

Бола қалбида ўз Ватанига, халқига нисбатан муҳаббат ва ҳурмат туйғуларини таркиб топтириш, миллий ғурурни тарбиялаш, ўзбек халқига хос меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик фазилатларини синдириш. Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар, замонавий иншоотлар ҳақида тушунча бериш.

**Буюк сиймолар.** Болани тарихимиз ва буюк Шарқ алломалари ҳаёти ва ижоди билан таништиришни давом эттириш.

Алишер Навоийнинг буюк шоир, мутафаккир олим, давлат арбоби, доно инсон бўлганлиги ҳақида маълумот бериш. Унинг болалар ёшига мос одоб-ахлоқ, тарбияга оид, ота-оналарга, Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотувчи асарлари билан таништириш.

Буюк инсонлар: Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ҳақида илк тушунчалар бериш.

**Байрамлар.** Боланинг умумхалқ байрамлари 1-сентябр – Мустақиллик куни, 1-октябр – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, 8-декабр – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун, 1-январ – Янги йил байрами, 8-март – Халқаро хотин-қизлар байрами, 21-март – Наврўз байрами ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

Шакл ва мазмун жиҳатдан хилма-хил бўлган байрамлар ва сайлларни мунтазам равишда ташкил қилиб туриш. Масалан, қушлар, гуллар байрами, қовун сайли ва б.

**Машҳур саркардалар.** Боланинг миллат тарихига бўлган қизиқишини шакллантириш ва ривожлантириш.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг подшоҳ, шоир ва буюк саркарда бўлганлиги ҳақида тушунча бериш.

Амир Темур машҳур саркарда, йирик давлат арбоби бўлганлиги ҳақида маълумот бериш.

Ўзбекистон ҳарбий кўшинлари ва уларнинг вазифаси, 14-январ ҳарбийларнинг касб байрами эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Ватанга муҳаббат ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳиссини тарбиялаш.

**Халқ амалий санъати.** Болада ўз халқига нисбатан муҳаббат ва ифтихор туйғусини тарбиялаш. Ўзбек халқ амалий санъатига оид асарлар, миллий хунарамандчилик намуналари ҳамда меъморчилик ёдгорликлари

билан таништириш. Уларга наққошлик, зардўзлик, кулолчилик касблари ҳақида маълумот бериш.

**Катталар меҳнати.** Боланинг катталар меҳнати ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш.

Ўзбек халқи қадим-қадим замонлардан бери деҳқончилик (*пахта, буғдой, арпа, шоли, маккажўхори ва б.*) ва чорвачилик билан шуғулланиши ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш. Чорвачиликка оид касблар (*чўпон, отбоқар, сут соғувчилар*) ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Кишиларнинг боғ, полиз ва далалардаги меҳнатлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Масалан, деҳқон куз фаслидан ер хайдаб, келгуси йил ҳосилини экиш учун тайёрлаши, ўғитлашнинг аҳамияти, эрта баҳордан ерга уруғ экиш, уни парваришлаш, вақтида суғориш ва ҳ.к.

Болани пахтакорларнинг меҳнати билан таништириш, унинг ерга ишлов бериб, чигит экиши, ҳосилни йиғиб-териб олгунча ғўзани асраб-авайлаб ўстириши, вақтида суғориб, ишлов бериш билан бирга, бу ишларда об-ҳаво инжиқликларини енгизиши кераклиги ҳақида тушунча бериш.

Пилла, пиллакорлар, пилланинг ипакли газлама ҳолига келгунгача бўлган меҳнати билан таништириш. Ипак қурти тут барги билан озикланиши ва пилла ўраши, ундан ипаклар ечилиб ўралиши ва ипакдан турли газламалар – атлас, адраслар тўкилиши ҳақида суҳбатлар ўтказиш.

Ўзбек пахтаси ва пилласи жаҳон бозорида ўз ўрнига эгалиги ҳақида қисқача сўзлаб бериш, бола қалбида муваффақиятларимиздан фахрланиш, ифтихор туйғусини шакллантириш.

Халқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган қурилиш ҳақида тушунча бериш. Бола эътиборини ўлкамизда бўлаётган катта ўзгаришларга, қад кўтараётган маҳобатли бинолар, замонавий уйлар, кенг йўллар, мустаҳкам кўприклар қурилиб, ишга туширилаётганига қаратиш. Қурувчиларнинг меҳнат натижалари, қурувчилик касбининг аҳамияти ҳақида суҳбатлар ўтказиш.

Бозор, дўкон, сотувчи, харидор ҳақида, сотувчи ва харидор ўртасидаги муомала маданияти ҳақида тушунча бериш. Бозор ва дўконларнинг турлари (*озик-овқат, кийим-кечак, хўжалик моллари*) ҳақида тасаввурларини мустаҳкамлаш.

Боланинг шифокорлар меҳнати ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

Катталар меҳнатига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, илк меҳнат кўникмаларини ўргатиш мақсадида, теварак-атрофда, уйда, гуруҳ хонасида доимий тартибни, озодаликни сақлашга, атрофдагилар учун фойдали бўлишга интилишга; навбатчилик вазифасини мустақил ва сидқидилдан бажаришга; столни овқатланишга тайёрлаш; овқатдан сўнг идиш-товокларни йиғиштириш, столларни артиш; тарбиячи томонидан машғулотлар учун тайёрланган материал ва қўлланмаларни стол устига териб қўйиш; ижодий ўйин бурчагини тартибга келтириш, ўйналган ўйинчоқларни йиғиб жойига қўйиш, ўйинчоқ шкафни тартибга келтириш;

гуруҳ ва ювиниш хоналаридаги шкафларни, дераза токчасидаги чангни, ўйинчоқлар ва қўлланмаларни артишга одатлантириш.

Китобларни, ўйинчоқларни тузатиш ишларида боланинг фаол катнашишига эришиш.

Ўйин майдончаси ва йўлкалардаги барглари теришга, тозалашга одатлантириш. Қум идишдаги қумни ковлаб юмшатишга ўргатиш.

Болада меҳнат маданиятини, хона ичидаги, майдончадаги тозалик ва тартибдан мамнун бўлиш туйғусини шакллантириш.

Касб – ҳунарга ўргатувчи “Дўкон”, “Деҳқон бобо”, “Почта”, “Чевар”, “Ҳайдовчи”, “Ўқитувчи”, “Ҳамшира”, “Бозор-бозор”, “Ошпаз” “Боғбон-боғбон”, “Ким чакқон?”, “Ниманинг ўрни ўзгарди?” каби ўйинларни ўйнаш.

**Транспорт ва алоқа воситалари.** Болага йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишни давом эттириш. Светофор белгилари ва уларга амал қилиш ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Транспорт воситаларини ҳаракат муҳитига (*ер, осмон, сув*) кўра фарқлашга ўргатиш.

Алоқа ходимларининг хизмати билан таништириш, аҳолининг алоқа воситаси: почта, телефон, телеграф, интернет эканлиги, уларнинг вазифалари хат, мактуб, табрикнома, рўзнома, телеграмма, факс, смс, электрон хатлар ва турли ахборотларни етказиб бериш эканлиги тўғрисида тушунча бериш. Почта ходимларининг меҳнати бир-бирига боғлиқлиги ҳақида, бу хизматларни енгиллаштириш учун транспорт воситаларидан, телефон хизматидан фойдаланишлари ҳақидаги тушунчаларини такомиллаштириш.

“Ким бўлсам экан?”, “Ҳайдовчи нималарни билиши керак?”, “Йўл қоидаси умр фойдаси” каби мавзуларда суҳбатлар ташкил қилиш.

**Буюмлар.** Буюмларнинг ўзига хос белгилари ва улардан фойдаланиш хусусиятига кўра гуруҳларга ажратиш. Темир, ёғоч ва матодан ишланган буюмлар, улардан тўғри фойдаланиш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш. Буюмларнинг ясалиши ва ишлатилиши ҳақида суҳбатлар ташкил этиш.

**Бола ўз танасининг қисмларини ва гигиенани ўрганеди.** Болани соғлом турмуш тарзига одатлантириш. Инсон танасининг ички аъзолари (*юрак, жигар, ошқозон, ўпка*) ҳақида тушунча бериш ва уларнинг хусусиятлари билан таништириш. Бу аъзолар тананинг қаерида жойлашганини кўрсатиш, номини айтишга ўргатиш.

Болага тананинг ташқи ва ички аъзолари бир-бирига боғлиқлиги; ташқи аъзолар тоза тутилса, гигиенага (*қўлни тозалаб ювиш, тишларни тўғри парваришлаш*) риоя этилса ички аъзолар касалланмаслиги, соғлом бўлиши ҳақида тушунтириш. Танани чиниқтиришда тоза ҳаво, жисмоний машқлар, витаминларга бой мева ва сабзавотларни, турли кўкатларни истеъмол қилиш фойдали эканлиги ҳақида маълумот бериш, мавзуга оид кўргазмалар, расмлар, ҳикоя ва шеърлардан фойдаланиш.

Одам ва ҳайвон ўртасидаги бир неча фарқланувчи ва умумий жиҳатларни айтиб беришга ўргатиш.

### **Ўқув йили охирида бола:**

- Ўзбекистоннинг Мустақиллик кунини, Давлатимиз рамзлари: герб, байроқ, мадҳияни, Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент эканлигини билади;
- Ўзбекистонда давлат тили – ўзбек тили эканлиги ҳақида тушунчага эга;
- ўзи яшайдиган кўча, маҳалла, кишлоқ, туман ёки шаҳарнинг номини билади;
- Буюк алломалардан: Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, А.Навоий ҳақида маълумотга эга;
- халқ амалий санъати ҳақида тушунчага эга;
- Буюк саркадалардан: Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида билади;
- умумхалқ байрамлари Мустақиллик куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун, Янги йил байрами, Халқаро хотин-қизлар байрами, Наврўз байрами ҳақида тасаввурга эга;
- ҳарбий кўшинлар, уларнинг вазифалари ҳақида тушунчага эга;
- ўзи учун янги бўлган нарсаларни кўриб қолганда, унинг хусусиятларини билиб олишга уринади;
- ўйинларда воқеалар, ҳаётини вазиятлар, катта ёшдагилар меҳнатига тақлид қилади;
- ўзининг мустақил далилларини келтириб, воқеаларни муҳокама қила олади;
- йўлда ҳаракатланиш ва кўчада ўзини тутиш қоидаларини билади;
- одамнинг бир неча органлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумотга эга;
- одам ва ҳайвон ўртасидаги бир неча фарқланувчи ва умумий жиҳатларни айта олади.

### **Табиат билан таништириш**

#### **(5-6 ёш)**

**Жонсиз табиат.** Боланинг табиат ҳодисаларига қизиқишини орттириш ва билимларини янада кенгайтириш (*қор, дўл ёғиши, туман тушиши, момақалди роқ в.б.*).

Болага сувнинг инсон ҳаёти учун ниҳоятда зарурлиги, сувсиз ҳаёт бўлмаслигини, ер юзидаги энг бебаҳо бойлик сув эканлиги, сувни асраш, тежаш, исроф қилмаслик лозимлиги ҳақида таъкидлаб бориш.

Одий сабаб-оқибат алоқаларини тушунишларига ёрдам бериш, амалий тажрибалар асосида кўрсатиш. Иссиқда музнинг сувга айланиши ва аксинча паст ҳарорат таъсирида суяқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга (*сувнинг музга*) ўтиши ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш.

Сувнинг буғга ва аксинча, буғни сувга айланиши ҳодисалари билан таништириш.

Тоғ, ўрмон, дарё сингари ўзига хос географик атамаларнинг номларини билишга қизиқиш уйғотиш, Ўзбекистонда юксак тоғлар, қалин ўрмонлар, денгиз ва дарёлар борлиги ҳақида суҳбатлашиш. Дарё – тоғдан бошланган ирмоқлардан ҳосил бўлади. Дарёларнинг сувлари денгизга қуйилади. Дарё сувларидан дала ва боғларни суғоришда, аҳоли эҳтиёжини қондиришда фойдаланилади.

Ўрмон – энг кўп дарахт ўсадиган жой. Ўрмон дарахтлари табиий равишда вужудга келади. Ўзбекистоннинг тоғли қисмида ўрмонлар бор. Тоғ ўрмонларида мевали, манзарали дарахт ва буталар ўсади.

Болани мустақил фикрлашга, далиллар келтириб, бемалол асослаб беришга ундаш (*сувдан энгил бўлган нарсалар сувга чўкмаслиги, сувдан оғир бўлган нарсалар чўкишини оддий тажриба асосида амалий кўрсатиб тушунтириш*).

**Жонли табиат. Ўсимликлар дунёси.** Сабзавотлар: сабзи, картошка, пиёз, помидор, бодринг, шолғом, саримсоқ, турп, редиска, лавлаги; мевалар: олма, гилос, ўрик, олча, анор, нок, шафтоли, олхўри, хурмо ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Сабзавотлар: карам, бақлажон, гулкарам, булғор қалампири; мевалар: қулупнай, беҳи, нок билан таништириш, уларнинг ранги, шакли, мазаси, шифобахшлиги ҳақидаги тасаввурларини бойитиш.

Сабзавотлар ва мевалар ҳақидаги умумлаштирилган тасаввурларни қуйидаги белгиларига қараб шакллантириш: сабзавотлар полизда, мевалар эса боғда етиштирилади. Улар инсон саломатлиги учун шифобахш дори-дармонларга бойлиги, мевалардан муробболар, шарбатлар тайёрланиши ҳақида тўхталиб ўтиш.

Полиз экинлари (*қовун, тарвуз, қовоқ*) ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш.

Боланинг ўсимликлар олами тўғрисида тасаввурларини кенгайтириш. Дарахт, бута ва ўтсимон ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча бериш: дарахт ва буталарнинг танаси қаттиқ, улар кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади; ўт ўсимликларининг пояси эса юмшоқ бўлиб, улар бир йиллик бўлади, яъни ҳар йили баҳорда ўсиб чиқади. Дарахтларнинг танаси битта, буталарнинг танаси эса бир нечта бўлиши, буталарнинг танаси дарахтларникига қараганда ингичка ва бўйи паст бўлиши ҳақида қизиқарли тарзда, кўрғазмалилик асосида сўзлаб бериш.

Болани манзарали дарахтлар (*чинор, терак*) билан таништириш. Уларнинг танаси, пўстлоғи ва баргларини бир-бирига солиштириш, фарқларини аниқлаш, тўкилган баргларни йиғиб, қайси дарахтники эканлигини сўраш.

Бутасимон ўсимликлар (*наъматак, малина*)ни кузатиш, баргларининг шакли, ранги, меваларига қараб қиёслаш, номини айтиш, бир-биридан фарқлаш.

Баҳор табиатнинг уйғониш фасли эканлиги ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш. Баъзи дарахтлар (*бодом, ўрик*)

аввал гуллаб, сўнг барг чиқариши, баъзилари эса барг чиқариб (*олма, беҳи*) сўнг гуллашини тушунтириш.

Айрим ўсимликларнинг пиёзидан, дарахтларнинг қаламчасидан, бутасидан кўпайиши мумкинлигини тушунтириш, мактабгача таълим муассасаси ҳовлисида эрта гуллайдиган дарахт ва гул кўчатларини экиш, тагини юмшатиш ва суғоришга ўргатиш.

Боланинг уруғлардан ўсимлик ўстирилиши (*2-3 хил гуллайдиган ўсимликлар мисолида*), ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишидаги асосий босқичлар (*уруғ униб чиқиши, япроқли поя, гул, уруғ*), ўсимликни парваришlash усуллари (*чопилган ерга ўтказиш, сув қуйиш, ерни юмшатиш, ўтоқ қилиш, озуқа бериш*) ҳақидаги тасаввурини шакллантириш.

Ўсимликларнинг тузилиши, илдиз қисмининг вазифалари бўйича билганларини аниқлаш ва кенгайтириш: ўсимликлар илдизлари орқали озикланади, илдиз сувни, озуқа моддаларни шимиб олади, танаси орқали шохларига, япроқларига, гулларидан меваларга ўтказди. Ўсимликларнинг ўсиши учун ҳаво, сув, қуёш, озуқали тупроқ зарурлигини амалий тажрибалар орқали тушунтириш.

Болага ўсимликка зарурий шароит етишмаётганлигини билдирувчи аломатлар ҳақида қисқача маълумот бериш: ёруғлик кам бўлганида ўсимлик ёруғлик томонга чўзилади, унинг япроқлари ва пояси оқаради, озика моддаси кам тупроқда ўсимликлар секин ўсади, иссиқ бўлмаса уруғ унмайди, барглар ёзилмайди, сув бўлмаса ўсимликлар қуриб қолади.

Табиат бурчагида “қишки полиз майдончаси” барпо этиш: райхон, пиёз, саримсок, турли кўкатлар экиш, униб чиқишини кузатиш ва парваришlash. Меҳнатга ва унда иштирок этишга бўлган иштиёқини тарбиялаш.

Ёзнинг дастлабки ойларида мевали дарахтлар, полиздаги сабзавотлар, гулзордаги ўсимликларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар кузатилади ва болани экинзордаги ўсимликларни парвариш қилишда ёрдамлашишга ўргатилади.

Ўсимликлар билан бевосита мулоқот қилишнинг хавф-хатари тўғрисида огоҳлантириш. Айрим ўсимликларни билмай туриб (*заҳарли замбуруғлар, қўзиқоринларни*) истеъмол қилиш хатарли эканлиги ҳақида алоҳида тушунтириш.

Боланинг илк экологик маданиятини тарбиялашда давом этиш. Табиатга зарар етказмаслик, экологияни бузмаслик (*теварак-атрофни ифлос қилмаслик, ҳайвон ва қушларга озор бермаслик, уяларини бузмаслик, ўт-ўланларни босмаслик, дарахт шохларини синдирмаслик, гулларни юлмаслик, бунинг оқибатида гуллар, капалаклар йўқ бўлиб кетиши*)ни тушунтириш.

Гуллайдиган маданий (*райхон, картошкагул, чиннигул*) ўсимликлар; ўт ўсимликлар (*қоқиўт, лолақизгалдоқ, бойчечак, мойчечак ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш*) ва доривор ўсимликлар (*сачратқи, баргизуб, отқулоқ*) билан таништириш. Уларнинг номлари ва ранглари тўғри айтишга ўргатиш. Шу билан бирга боланинг эътиборини баргларнинг



шаклига, пояси ва гулларидаги фарқларга, уларнинг шифобахш хусусиятларига қаратиш.

Хона гуллари фикус, ёронгул, наврўзгул ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш ва алоэ, колеус билан таништириш, уларни парвариш қилиш йўллари, кўчириб ўтқазилари тушунтирилиши давом эттирилиш.

**Ҳайвонот дунёси. Ёввойи ҳайвонлар.** Ўрмон ҳайвонлари: бўри, куён, айиқ ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш ҳамда шер ва йўлбарс ҳақида тушунча бериш. Ҳайвонларнинг ташқи қиёфаси, яшаш тарзи, ўзига хос хусусиятларини таърифлаш кўникмасини шакллантирилиш. Улар қаерда яшайди, ўзига қандай уй қуради, қандай юради, кузда, қишда нима билан озикланади, қишга қандай тайёргарлик кўради. Болани ҳайвонларнинг кўриниши ва табиатидаги ўхшашлик ва фарқли томонларни ажратиш (*ўрмон ҳайвонлари, йиртқич ҳайвонлар*)ни ўргатиш.

Айрим ҳайвонлар (*дайди ит ва мушуклар*) билан бевосита мулоқот қилишнинг хавф-хатари тўғрисида болага алоҳида тушунча бериш ва қаттиқ таъкидлаб айтиш. Ҳайвонларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тушунтирилиш.

**Уй ҳайвонлари** (*туя, от, сигир, қўй, эчки*) ва паррандалар (*товуқ, хўроз, курка, ўрдак*)нинг ҳаёти ва шароитлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Одамлар уй ҳайвонлари ҳаёт кечирлиши учун зарур бўлган шароитни яратиши, уй ҳайвонларининг кишилар ҳаётида тутган ўрни, фойдаси ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирилиш.

Қушлар (*лайлак, турна, қизилиштон*)нинг овқатланиши, ташқи кўриниши, ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини ажратишга ўргатиш. Болага республикамизда қишлаб қолувчи қушлар ҳақида тушунча бериш, уларга қишда ғамхўрлик кўрсатиш ва хайрихоҳлик муносабатини тарбиялашни давом эттирилиш.

Баҳор фаслида кунлар илиши билан барча ҳайвонлар ва паррандалар фаол ҳаёт бошлаши ҳақидаги тасаввурларини бойитилиш. Қушларнинг ҳаракатини кузатиш, ин қуриши, тухум қўйиши, бола очиши ҳақидаги тушунчаларини кенгайтирилиш.

Бола билан қушларнинг сайрашини тинглаш ва фарқлашни ўргатиш, қушларнинг иссиқ ўлкаларга учиб кетиши ҳақида суҳбатлашилиш.

Ниначи, чумоли, асалари, хонқизи, тиллакўнғиз, капалакларнинг ҳаёт тарзи, озикланиши (*капалак, асалари – гуллар шираси билан озикланади в.б.*), улар ўз душманларидан қочиш учун яхши мослашганликлари (*ниначи, капалак тез учади, чигиртка сакрайди*) ҳақида қизиқарли мисоллар билан тушунтирилиш.

Жониворлар яшайдиган турли муҳит (*балиқ – сувда, бўри – ўрмонда, қурбақа – ботқоқликда; капалак ва чигирткалар – ўтлоқда*) ҳақидаги тасаввурини кенгайтирилиш.

Болани аквариумдаги балиқларга озуқа бериш ва қафасдаги қушларга, жониворларга сув, дон бериб, меҳрибон бўлишга ундаш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- табиат ҳодисаларига қизиқиш билдиради, ўсимликлар ва ҳайвонот

- олами тўғрисида тасаввурга эга бўлади;
- ҳайвонлар яшайдиган турли муҳитларни (*балиқлар сувда, бўри эса ўрмонда яшашини*) айтиб беради;
- тоғ, ўрмон, денгиз, дарё сингари ўзига хос географик атамаларнинг номларини билади;
- айрим ҳайвонлар ва ўсимликлар билан бевосита мулоқот қилишнинг хавф-хатари тўғрисида билади;
- оддий сабаб-оқибат алоқаларини тушунади;
- ўзи учун янги бўлган нарсаларни кўриб қолганда, унинг хусусиятларини билиб олишга ҳаракат қилади;
- ўйинларда воқеалар, ҳаётий вазиятлар, катта ёшдагилар меҳнатига тақлид қилади;
- ўзининг мустақил далилларини келтириб, воқеаларни муҳокама қилади;
- фасллардаги ўзгаришларни айтиб беради;
- сувнинг хусусиятлари ва ўсимликларнинг ўсиши ҳолати, ривожланиши учун зарур шароитларни билади;
- бута ва дарахтларнинг барги ҳамда мевасига қараб номини айтади;
- 2-3 турдаги доимий қишлоқчи ҳамда учиб келувчи қушларни ташқи кўринишга қараб фарқлайди.

### **Ижод Тасвирий фаолият (5-6 ёш)**

**Расм.** Болада атроф-оламга эстетик муносабатни, тасвирий санъат асарларини идрок этиш ва гўзалликни ҳис қилиш туйғусини тарбиялашда давом этиш. Боланинг таассуротларини бойитиш, тасаввур, тафаккур ва мушоҳада қувватини орттириш, бадиий-ижодий қобилиятини ўстиришга алоҳида аҳамият бериш.

Болани таниқли рассомлар асари (Алишер Мирзаевнинг “Тошкент-тинчлик ва дўстлик шаҳри”, Алишер Алиқуловнинг “Кураш”, “Тош кўтариш”, Акмал (Нур) Икромжоновнинг кум билан ишлаган асарлари) билан таништириш. Бу расмларда акс эттирилган воқеа-ҳодисалардаги ҳолат ва кайфият мутаносиблигини ҳис этишга, ранглар уйғунлигига эътибор беришга ундаш.

Бола эътиборини теварак-атрофга, табиат манзараларига, турфа ранглар жилосига, ранг-баранг ўсимликларга, қушларнинг сайрашига, яйраб учишларига қаратиш, улардаги умумийлик ва ўзига хосликни тушунтириш.

Болада табиатни кузатиш орқали кун давомидаги ёки мавсумий ўзгаришларни пайқашга, ёрқин ва сокин рангларни ҳис этишга, “Олтин куз”; “Кумуш қиш”; “Зумрад баҳор”, “Гуллар”; “Қуёшли ёз”, “Мевазор” ва бошқа мавзуларда манзарали расмлар чизишга ўргатиш.

Турли ўйинчоқлар, мева ва сабзавотлар, гулларни аслига (*натурага*) караб чизишда аниқликка, ранг ва тусга эътибор бериш.

Тасвирланаётган одамларни, буюмлар, ўсимлик ва жониворларни ўзига хос хусусиятларини, ҳаракатни (*шамолда гуллар ёки дарахт шохларининг эгилиши; пишган меваларнинг, сарғайган баргларнинг, баҳорда гуллаган дарахтдан гул япроқчаларининг тўкилиши*), оила аъзоларини (*“Дадам ва мен”, “Ойижоним ва мен”*); ҳайвон ва қушлар танасининг ҳаракат ўзгаришларини (*“Товуқ жўжалари билан донламоқда”, “Қушлар учмоқда”*) акс эттиришга ўргатиш.

Байрам манзаралари (*“Мустақиллик мушаклари ва байроқчалари”, “Ўлкамда Наврўз”*) асосида расмлар ишлаш. Ҳаётий мавзулар билан бирга адабий асарлар – ривоят (*“Кабутар” – “Бобур ва кабутар”*) эртақлар (*Зумраднинг сандиги*), ҳикоя (*палточани безаймиз – Ҳ.Назир “Палточа”*); шеър (*“Ёмғир ва қушлар” – Ҳ.Раҳмат “Ёмғир ёғар”*); ёқтирган мультфильмлари мавзуси бўйича расм чизишга ундаш.

Боғча майдончасида ёки сайр вақтида боланинг эътиборини теваарак-атрофдаги катталиги турлича бўлган бир турдаги: баланд ва паст дарахтга, баланд ва паст бино, катта одам ва бола, катта ва кичик ҳайвонлар (*ҳайвонот боғи, қушчалар*)га қаратиш ёки расмини, ўйинчоқларини кўрсатиш орқали нарсаларнинг узунлиги, кенглиги ва баландлигига кўра ўзаро қиёслаш, ўхшаш ва фарқли томонларини белгилаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш кўникмасини ривожлантириш. Шунингдек, тасвирда шаклларни маконга нисбатан (*юқорида-пастда, ўртада-четда, ўнгда-чанда, ёнма-ён*) тўғри жойлаштириш тартибига; узунлигига (*узунроқ, жуда узун, қисқа, қисқароқ*), кенг ва торлигига эътибор беришга ўргатиш.

Боланинг турли транспорт воситалари: енгил машина, юк машинаси, автобус, самолёт, ракета, қайиқча расмини солишга бўлган интилишларини рағбатлантириш.

Болага акварел бўёқлари билан расм солишни (*мўйқалам тукларини сувга ботириш, эҳтиёткорлик билан бўёқ устига суртиш, бошқа ранг олаётганда ҳар сафар мўйқаламни идишдаги сувда яхшилаб ювиш, идишдаги сувни янгилаб туриш в.б.*), асосий рангларни ва уларнинг ёруғлик ҳамда соя жойда, бўрттириб тасвирланган ўринларни аниқ кўрсатишда туслари бўйича фарқлашни, номларини айтишни ўргатиш. Рангларни аралаштириб, янги (*омухта*) ранг ҳосил қилиш (*масалан, гуаш ва акварелнинг оқ ва қизил ранги аралаштирилса, пушти ранг пайдо бўлади в.б.*) ҳақида тушунча бериш. Боланинг ранглар ҳақидаги мавжуд билимларини мустаҳкамлаш ва янги билимлар (*оч бинафша, сарғиш ва сиёҳ ранг*) билан бойитиб бориш керак.

Болага рангли ва оддий қора қаламлар, рангли бўрлар, гуаш, акварел бўёқлари, турли мўйқаламлар билан расм солишнинг оддий усулларини таништиришда давом этиш.

Болада *безакли расм солишга* қизиқиш, халқ усталарининг меҳнатига нисбатан ҳурмат ва ҳавас ҳиссини тарбиялашни, миллий нақш элементлари ва ранглар уйғунлиги билан таништириш (*“Гуллар ва*

*барглardan нақш*”)ни давом эттириш. Миллий ўйинчоқлар (*тойча, улоқча*)даги нақшлар – ранглар, тасвир аниқлиги, изчиллик, композицияда элементларнинг жойлашиш тартиби бўйича билимларини чуқурлаштириш.

Миллий газлама адрас билан таништириш. Бола эътиборини адрасдаги нақш элементларига, ранглар мутаносиблигига қаратиш.

Миллий бош кийимлар – дўппилар билан таништириш, эркаклар дўпписи билан аёллар дўпписи нақшларидаги фарқларни тушунтириш, эркаклар дўпписига қалампир нусха гул тикилади, аёллар дўпписига гулчечаклар, барг ва нақшлар ингичка ип, ипак ва зар билан тикилиши ҳақида тушунча бериш.

Бола эътиборини ўзбек халқ миллий чинни буюмлари (*чойнак, пиёла, лаган*)даги безак элементларига, улардаги рангларга, жойлашиш тартибига, мутаносибликка қаратиш. Чинни буюмлар силуэтига нақш – илмоқ, гажак, чизиқчалар, таёқчалар, тўлқинли, ёйсимон чизиқлар ва пахта чаноқлари, гуллар, япроқлар, мевалар чизишга ўргатиш.

Халқ усталари (*кулоллар, каштадўзлар, гилам, адрас, атлас тўқувчилар*) томонидан бажариладиган ишлар, улар ишлатадиган материаллар ва фойдаланадиган иш қуроллари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Болага эгаллаган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиб, хотира ва тасаввурига таянган ҳолда мустақил нақш чизиш, унга мос ранглар танлаб, чиройли безашига имкон бериш.

Ўзининг ва тенгдошларининг ишини таҳлил қилиш, эркин фикр билдириш малакасини такомиллаштириш, ўзи ва тенгдошлари чизган расмлардан завқланиш, эришилган натижалардан қувониш каби ҳис-туйғуларни шакллантириш.

Ўз иш жойини тайёрлаш, саранжом-саришта, тартиб билан ишлаш, уни тоза тутиш, йиғиштириш кўникмасини шакллантиришни давом эттириш.

**Лой, пластилин (тузли хамир ва рангли шамча)лар билан ишлаш.**

Пластик материаллар – лой, пластилин, тузли хамир, рангли шамчалардан нарсалар яшашнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништиришда давом этиш. Нарсалар (*мева, сабзавот, ўйинчоқлар*)нинг аслига қараб ёки тасаввурга асосланиб яшаш; ясалаётган нарсанинг ўзига хос хусусиятларини тасвирлашга ўргатиш. Нарсаларни ясаётганда турли усулларни ўринли қўллаш малакасини мустаҳкамлаш.

Тарбиячи пластик материаллардан нарса яшашга оид усулларни аввал ўзи кўрсатиб беради, сўнгра бола давом эттиради. Лойдан ясалган шаклдаги нотекис ғадир-будур жойларни бармоқларни сув билан намлаб, силлиқлашга (*умуман лой билан ишлаш жараёнида доимо бармоқларни сувда ҳўллаб туришга одатлантириш*); лойдан ясалган ясси текисликдан рельеф яшашга, ясалган шакллар қуригач, уларни безаш ҳамда нақш чизишга ўргатиш.

Яхлит бўлакдан тасмалар яшаш, тасмаларни бир-бирига жипслаш, ёпиштирилган қисмларни силлиқлаш йўли билан мустаҳкамлаш ва жозибали нарсалар (*кўзача, пиёла*) яшашга ўргатиш.

Адабий асар қаҳрамонлари образини (Качалполвон, Қорқиз) яшаш; қисмларнинг нисбий катта-кичиклигига риоя қилган ҳолда бир-бири билан бирлаштириш; уланган жойни силлиқлаш (*улоқча*) усулида мустаҳкамлаш. Тасвирга хос характерли жиҳатларни кўрсатишда ҳайкалтарошлар ёғоч қаламидан фойдаланишни ўргатиш.

Болани аниқ мазмунга эга бўлган тасвирлар (“*Саватдаги гуллар*”) яшашга йўналтириш; сопол тагликка шаклни жойлаштиришга ўргатиш.

Инсон ва ҳайвон танасининг мураккаб бўлмаган ҳаракатларини акс эттирувчи мавзули нарсалар (*товуқ жўжалари билан донламоқда*) яшаш. Образли шакллардаги майда деталларни бармоқлар билан ёки ёғоч қалам ёрдамида ҳосил қилишга (*жониворларнинг юнги, қушнинг қанотлари, кийимлардаги безак ва бурмалар*) ундаш. Жамоавий ишларни бажаришга (“*Ҳайвонот боғи*”, “*Гуллаган дарахт*”) қизиқтиришни давом эттириш. Табиат материалларидан фойдаланиб ижод қилишга ўргатиш.

Болада *халқ амалий-безакли буюмларига* нисбатан қизиқиш ва ҳавасни шакллантириш. Миллий ўйинчоқлар намунаси бўйича лойдан ҳайвонлар, қушлар шаклини яшашга ўргатиш. Ясалган нарсаларга нақш чизиш ва уларни гуашь билан безаш малакасини шакллантириш.

Пластик материаллардан нарсалар яшаш бўйича эгаллаган билимларидан фойдаланиб, халқ усталари анъаналари асосида мустақил ўйинчоқлар яшаш, ҳайкалтарошлар ёғоч қаламида нақш чизишга, гуллар ва мунчоқлар билан безашга уринишини рағбатлантириш.

Иш жараёнида тартиб ва озодаликка риоя қилишга, лой, пластилин ва бошқа материалларни ҳар жойга ташламасликка, ишдан сўнг қўлларни тозалаб ювишга одатлантириш.

Болани **х**удуддаги кулолчилар иши билан таништириш; халқ усталари ясаган чинни идиш (*лаган, пиёла, кўза*)лар намоёиш этиладиган кўргазмаларга, халқ амалий санъати музейларига саёҳатга олиб бориш.

**Аппликация.** Боланинг қоғоз қирқиш ва тасвир ҳосил қилишга оид кўникма ва малакаларини шакллантириш. Бирон-бир нарсанинг тасвирини қисқа ва узун йўл-йўл чизик бўйлаб кесишга; квадратдан доиралар, тўғри тўртбурчакдан овал шаклини қирқишга; қисмлардан тасвир (*байроқ*), икки-тўрт учбурчакдан квадрат ҳосил қилишга ўргатиш.

Болани симметрик шаклдаги нарсаларнинг (*гулдон, пиёла в.б.*) силуэтини кесишга ўргатиш. Масалан, гулдон ҳосил қилиш учун тўғри тўртбурчакни узунасига буклаб, букланган тарафига гулдон расмининг ярми қаламда чизилади ва чизик бўйлаб қирқилади.

Гулқоғозни қат-қат қилиб тахлаб қирқиш йўли билан маржонгул, арча ўйинчоғи ва бошқаларни ҳосил қилиш.

Образни ифодали тасвирлаш учун аппликацияни узиб олиш усулларидан фойдаланишга; сюжетли композиция тузишга ўргатиш. Турли

шакллар қирқиш, япроқ ва гуллардан нақшлар тузишга оид кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Апликация ишларида расм чизиш элементларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, гулдондаги гулларни ясашда, гулдон, гул ва барглари қоғоздан қирқиш, гулнинг новдаларини мўйқалам учи билан чизиш. Варрак силуетини ясашда ҳам баъзи элементларни мўйқалам ёки қалам билан чизиш мумкин, масалан: ипини, думини.

Квиллинг усули билан таништириш ва нарсалар (*гулдондаги гуллар, гилам*) ясашга қизиқтириш. Қат-қат қилиб тахланган қоғоздан тасмалар қирқиб, уни қаламга ўраб шакл чиқара олишга ўргатиш.

Болани махсус идишдан елимни сиқиб чиқаришга, нарсаларни оҳиста ва сифатли елимлашга ўргатишда давом этиш.

Кичик гуруҳчалар таркибида композициялар (*гулзор*) тузиш. Жамоа бўлиб мактабгача таълим муассасасида ўтказиладиган байрамлар учун турли безаклар, ота-оналарга ва дўстларига совғалар тайёрлаш ҳамда гуруҳ хоналарини жиҳозлашда болаларнинг мустақил фаолиятини рағбатлантириш.

**Қуриш-ясаш.** Болани иншоотнинг ҳар бир қисмини таҳлил қилишга; вазифасини белгилашга; ишларни мустақил режалаштиришга ўргатиш.

Қурилма-конструкциялар ҳақида маълумот бериш ва улардан амалий жиҳатдан фойдаланиш; қурилмаларни ясаш йўллариини тушунтириш.

Болани чизма, расм, сурат бўйича иншоот қуришга; зарурий қурилиш материалларини мустақил танлашга; мақсад бўйича жамоавий биноларни жиҳозлашга, дўстона, иноқ ишлашга ундаш.

Болага тайёр шакллардан (*турли қутилاردан в.б.*) конструкциялар: мебель, транспорт воситалари ясашни; деталларни маҳкам елимлашни ўргатишда давом этиш.

Болани янги деталлар: турли шакл ва ҳажмдаги ёғоч (*узун-қисқа, тўртбурчак, доира, учбурчак*), цилиндрлар ва уларнинг хусусиятлари билан таништириш.

Пазл, мозаика ва леґо каби ўйинчоқлар ёрдамида камида 16 та бўлакдан иборат шакл йиғишга ўргатиш.

Боланинг ёғоч конструкторнинг ҳар хил бўлакларидан фойдаланиши ва номлашини; қурилиш жараёнида иншоотнинг баъзи деталларини ўзгартириб, асосий қисмини ажрата олишини; қуриш-ясашда ўйин фаолиятини мақсад, шароит, лойиҳа бўйича олиб боришини рағбатлантириш.

Қуриш-ясашни, ранг, шакл ва катталиқ бўйича мутаносибликни идрок этиш лаёқатини такомиллаштириш.

**Қўл меҳнати.** Болада қоғоздан, қўшимча материаллардан конструкция ишларини бажаришга қизиқиш уйғотиш. Ўз қўллари билан турли ўйинчоқлар, безаклар тайёрлаш, ўйинчоқларни тузатиш, китобларни елимлаш, ўзидан кичиклар учун ўйинчоқлар, хатчўп, саноқ материаллари ва мавзуга мос қўл ишлари ясаш истагини шакллантириш.

Машғулотлар ва сюжетли-ролли ўйинлар учун ясама ўйинчоқлар (*байроқча, сумкача, китоб*); ота-оналар, катталар ва кичкинтойлар учун совғалар тайёрлаш, қоғоздан турли оддий конструкциялар (*оригами*) ясашга ўргатиш.

Болани материалларни эҳтиёткорлик билан мақсадга мувофиқ, тежаб, оқилона сарфлашга, ўз меҳнати маҳсулини эҳтиёт қилишга одатлантириш.

Болада ижодий қобилиятни, тасаввурни ривожлантириш, бадий дидни ўстириш, саранжом-саришталикни тарбиялаш; ясаган буюмларини эстетик жиҳатдан ҳис этиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш.

#### **Ўқув йили охирида бола:**

- мустақил равишда аслига қараб ва тасаввури бўйича буюмлар, табиат манзаралари, кундалик ҳаёт, бадий асарлар мавзуси асосида воқеабанд расмлар чизади;
- ифодали образлар чизишда турли хилдаги ранг ва туслардан фойдаланади, тасвирни варақда тўлиқ акс эттиради;
- янги ранг ҳосил қилиш ҳақида тушунчага эга;
- рангли бўёқлар билан расм чизиш учун турли мўйқаламлардан фойдаланади;
- бирор нарсани безатиш учун турли объектларнинг расмини чизади;
- санъат асарлари, кундалик буюмларни диққат билан томоша қилади, кундалик буюмларнинг номини айтади ва таърифлаб беради;
- халқ амалий-безак санъати асосида нақш ва композициялар тузади, амалий санъат табиатига мос рангларни танлайди;
- кўрган ва эшитганларини расмда акс эттиради;
- яшашнинг турли усуллари қўллаб, лой (*пластилин, тузли хамир*)дан ҳар хил шакллар ясайди;
- тана ҳолати ва ҳаракатини тасвирлай олади;
- оддий композициялар тузади;
- миллий йўналиш асосида ўйинчоқлар, кулолчилик буюмларини ясайди;
- ясаган буюмларига гуаш билан нақш чизади;
- халқ амалий-безакли буюмларига қизиқади;
- қайчи билан белгиланган чизиклар бўйича қоғозни кесади;
- қирқишнинг турли-туман усуллари (*симметрик, иккига буклаш, қат-қат қилиб тахлаш ва қирқиш, қирқиш ва узишни уйғунлаштириш*)дан фойдаланади;
- шаклларни тартиб билан елимлайди ва композициялар тузади;
- ўз иншоотини қуришда босқичларни режалаштиришга аҳамият беради;
- иншоотни чизма, расм, сурат бўйича қуради;
- зарурий қурилиш ашёларини мустақил танлайди;
- лево жиҳозларидан лойиҳалар яратади;
- камида 16 та бўлақдан иборат шакл йиғади;

- қоғозни турли йўналишларда буклаб (*оригами усулида*) нарсалар ясайди;
- ҳолат ва ҳаракатни, уйғунликни ифодалаган ҳолда оддий мавзуларда композициялар тузади;
- махсус идишдан елим ёки бўёкни сиқиб чиқаради;
- тартибга, тозалikka риоя қилади, ишлаб бўлгач қўлларини совун билан тозалаб ювади.

## Муסיқа (5-6 ёш)

**Муסיқа тинглаш.** Боланинг таниш муסיқа асарини астойдил тинглаш ва уларга нисбатан эмоционал муносабат билдиришини, эстетик идрокни, муסיқа орқали оламни англаш, муסיқий дид, тафаккур, хотира ва муסיқа маданиятини шакллантиришда давом этиш. Муסיқа тинглашга бўлган иштиёқни, ҳавасини рағбатлантириш. Муסיқий ва шовқинли товушларни ажрата олиш; муסיқа жанрлари (*марш, кўшиқ, рақс, вальс, полька, алла*) ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш; 2-3 қисмли муסיқа асаридаги ўзгаришларни, кайфият (*қувноқ, осойишта*)ни пайқаш, муסיқанинг кириш қисми, бошланиши, хотима ва нақоратни фарқлашга, куй қайси муסיқа асбобида чалинаётганини мустақил аниқлаш ва ўз таассуротларини эркин ҳикоя қилишга ўргатишда давом этиш.

Бола ўзи тингламоқчи бўлган муסיқа асарини мустақил танлашига имкон бериш.

Вокал ва чолғу асарларидан баҳраманд қилиш орқали бу жанрлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш; айрим симфоник оркестр ва ўзбек халқ чолғу асбобларининг номларини айтиш (*скрипка, труба, барабан, ноғора, чанг, карнай*) ва уларни фарқлашга ўргатиш. (Ўзбек халқ куйи – “Оромижон”, А.Мансуров “Ватангинам”; Ф.Назаров “Сўзсиз кўшиқ”; И.Ақбаров “Салимжоннинг товуғи”; Д.Кабалевский “Масхарабозлар”).

Болада маданий қадриятларимизга, муסיқий меросимизга қизиқиш ва ҳурмат уйғотиш, дутор, рубоб, чанг, най, ноғора, доира, сурнай каби чолғуларда ижро этилган муסיқаларни (Ўзбек халқ куйлари: “Уфор”, “Роҳат”, “Дутор баёти”, “Норим-норим”) биргаликда тинглаш, куйнинг ифода воситалари билан таништириш. Муסיқанинг кайфиятини эмоционал ҳис қилиш ва фарқлаш, табиат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини ривожлантириш: М.Бурхонов “Ўзбекистон Давлат мадҳияси”, Ф.Назаров “Ватаним”, “Оппоқ қор” (“Марварид” гуруҳи), ўзбек халқ куйи - “Аскарый”.

Болани ўзбек миллий куйлари билан бир қаторда турли халқлар куйларидан баҳраманд қилиш.

Боланинг муסיқий қобилятини шакллантириш, ўз муסיқасини битиши учун тегишли шароит яратиш. Байрамлар ва кўнгилочар тадбирларда, муסיқали ва кўргазмали фаолиятларда иштирок этишга қизиқиш билдиришини рағбатлантириш. Репертуар: Д.Зокиров “Бинафша



қўшиғи”, “Байрам марши”, А.Мансуров “Қўшиғим, жон, қўшиғим”, М.Левиев “Вальс”.

Муסיқа рахбари ўз имкониятидан келиб чиқиб, зарбли чолғу оркестри ижросидаги куй-қўшиқлар ёзилган ёзувли тасмадан, аудио-видео тасмаларидан ва бошқа овозли техникалардан фойдаланиши мумкин.

**Муסיқий-ритмик ҳаракатлар.** Болада муסיқий асардаги ритми, темп ва тембрни ҳис этиш, ўйин ҳаракатларини тушуниб, мувофиқ тарзда ифодалаш кўникмасини шакллантиришда давом этиш. Куй қисмларининг алмашинувига қараб, ҳаракатларни энгил ва жозибали тарзда ўзгартира олиш. Аввал ўрганилган муסיқий-ритмик ҳаракатларнинг номларини такрорлаш ва амалда бажариш малакаларини такомиллаштириб бориш: юриш (*шўхчанг, оҳиста, энгил, пружинасимон*), югуриш (*енгил, тез, майда қадамлар билан*), сакраш (*бир оёқлаб, ҳаккалаб, икки оёқлаб, оёқларни алмашлаб, энгил*), олдинга ва орқага, ёнга қадам ташлаш, қўшиқ билан биргаликда рақс ҳаракатларини сифатли бажариш.

Муסיқа остида қаторга сафланиш, қатордан доира шаклига ўтиш, катта ва кичик доиралар ҳосил қилиш, бир нечта кичик доирачаларга бўлинишга ўргатиш. Рақс элементларини оёқ тўпиллатиш билан бир вақтда чапак чалиш; жуфтликда қўл ушлашиб айланиш; ҳаракатларни баргчалар, гуллар, байроқчалар, тасмалар билан (*ихтиёрий куй*) энгил бажаришга ўргатишда давом этиш.

Ритмик ҳаракатларни муסיқали-ҳаракатли ўйинларда такрорлаб ва мустаҳкамлаб бориш: “Қорбўрон”, “Рўмолчани ол”, “Бойланди”, “Шафтоли-шакар”, “Гулчамбар” каби ўйинларни ўйнаш.

**Рақс.** Боланинг муסיқа кайфиятига монанд ҳаракатланиш, қисмлар ўзгаришини табиий, энгил ва нафис рақс ҳаракатлари орқали ифодалаш кўникмаларини мустаҳкамлаш. Муסיқа оҳангининг тезлигига мувофиқ равишда секин ва тез ҳаракатланишга ўргатиш.

Болани гуруҳ бўлиб, кичик гуруҳларга бўлиниб, якка ҳолда, шунингдек, кенг зал бўйлаб эркин ҳаракатланишга, залнинг бир қисмидан иккинчи қисмига (*марказдан бурчакка, ўнгдан чапга в.б.*) ўтишда ўз ҳаракатларини бошқара олишга ўргатишда давом этиш. Катталар билан биргаликда рақс элементларини (“*Коптокни юқорига от*”, “*Кўзгуга қара*”, “*Майсани сила*”, “*Қўлларимиз чиройли*”) муסיқага мослаб бажариш; юриш, энгил югуриш, югуриш вақтида қўлларни белга қўйиш, чапак чалиш, бир қўлни бош тепасига, иккинчи қўлни ён томонга узатиш, тиззаларини ярим букиб ўтириб-туриш, қўлларни ушлаб жуфт бўлиб айланиш, оёқни тўпиллатиш каби рақс ҳаракатларини муסיқа остида бажаришга ўргатишни давом эттиришда қуйидаги рақс ўйинлари тавсия этилади: Ўзбек халқ куйлари – “Дилхирож”, “Палов”, “Ҳа-ю, читти гул”, “Попури”; М.Бурхонов “Пахта” рақси, “Жуфтли рақс”, “Соябонлар билан рақс”, “Сарик барглар рақси”, “Қорпарчалар рақси”, “Қувноқ болалар рақси”, “Ўйинчоқлар билан рақс”, “Ўғил болалар рақси” (“Андижон полкаси”), “Ўзбекча рақс” (“Қаринаво”), “Замонавий рақс” (ихтиёрий), “Қизалоклар рақси”, “Шўх болалар рақси”.

Болага ўзбек миллий ва замонавий рақслар билан бир қаторда турли халқлар рақс (Чех халқ куйи - “Аннушка”; Ю.Литовко “Весёлые лягушата”; Рус халқ кўшиғи “Қувноқ ғозлар”)ларини ўргатишда давом этиш.

Боланинг ўзи ёктирган мусиқани эшитганида рақсга тушишини рағбатлантириш. Рақсга оид ижодкорликка йўналтириш, рақс учун янги ҳаракатлар ўйлаб топишга ва уларни эркин намоёниш қилишга ундаш.

**Кўшиқ айтиш.** Болани кўшиқ куйлашга ўргатаётганда табиий, енгил, соф овозда, зўриқмасдан куйлашига, кўшиқ сўзларини аниқ талаффуз этишига алоҳида эътибор бериш. Тўғри нафас олиш, қоматни тик тутиш кўникма ва малакаларини шакллантиришда давом этиш. Кичик ансамблда ва яқка ҳолда куйлашга ўргатиш. (С.Бобоев “Тойчоғим”, Н.Норхўжаев “Салом берган болалар”, “Дўппи кийган бола”).

Кўшиқ куйлаётганда оҳангни ифодали ижро этилишига, белгиланган темпни, жарангдорликни аста-секин ўзгартириш: кучайтириш, бўшаштириш, тезлатиш ёки секинлата олишга; кўшиқ охирини майин ёки кескинроқ куйлашга ўргатиш.

Овоз созлаш ва мусиқа эшитиш қобилиятини ривожлантирувчи машқлардан фойдаланиш. Турли кайфиятдаги она Ватан (М.Дадабоев “Ўзбекистоним”); табиат (М.Икромова “Меҳржон байрами”; Н.Норхўжаев “Куз”; М.Бурхонов “Оқ пахта”; К.Абдуллаев “Олтин пахта”; Н.Раҳимов “Дўлана”); одоб, ахлоқ, дўстлик (ўзбек халқ кўшиғи - “Ўйнайлик омон”; М.Икромова “Бу жуда соз”; Ш. Ёрматов “Ай-яй-яй”) мавзусидаги кўшиқларни ўргатиш.

Шунингдек, кўшиқ ҳарактерига, матнига мос ҳаракатлар бажариб, оҳанг билан кўйлашга ўргатиш учун: ўзбек халқ кўшиғи - “Бу боғчада олича”; А.Мансуров “Қувноқ болалар”; Ш.Ёрматов “Ислон бобо”, “Боғчамиз”; М.Икромова “Тинчлик бўлсин”, “Наврўз кўшиғи”, “Бинафша”; Н.Норхўжаев “Қувноқлар кўшиғи”, “Капалак ва камалак”, “Чучмома”, “Чиннигул”; Т.Тошматов “Айиқполвонлар боғчаси”; М.Дадабоев “Онажоним”; Ғ.Қодиров “Гуллар”, “Гулдор капалак”, “Қорбобо”) кўшиқлари тавсия этилади.

Боланинг ўзи ўрганган кўшиғидан парчани мустақил куйлашига имкон бериш. Турли кайфиятдаги оҳанглар, кўшиқлар ўйлаб топиш малакаларини шакллантириш,

**Болалар чолғу асбобида чалиш.** Боланинг мусиқа асбобларига қизиқиш билдириши ва уларни ижро этишга интилишини рағбатлантириш. Чолғу асбобларини чалишга ўргатишни давом эттириш. Масалан, болалар дуторини чалишга ўргатиш учун аввал, битта овоздаги содда хиргойилардан фойдаланилади, бу уларнинг хиргойи ритмик манзарасини ижро этишга, умумий суръатга риоя қилиш, чалишни бир пайтда бошлаш ва тамомлашга ўрганиши учун имкон беради. Кейин икки овозга қурилган хиргойилардан фойдаланилади, бу овоз баландлигини эшитишни ривожлантиришга кўмаклашади (В.Моцарт “Алифбе”, Рус халқ кўшиғи – “Қувноқ ғозлар”). Кейинроқ болалар уч-тўрт ва ортиқ овозга қурилган

хиргойиларни ўрганади. Чолғу асбобларини чалишга ўргатиш жараёнида таълимий-муסיқий ўйинлардан кўпроқ фойдаланиш керак. Бола асарни ўрганиб олгач, бошқа чолғу асбобларини ҳам киритиш мумкин (Ўзбек халқ кўшиғи “Оқ теракми, кўк терак”, Рус халқ кўшиғи “Во поле берёзка стояла”).

Нота ва товушқатор ҳақида (“*Бармоқлар*” – нота саводи); оркестр ва хор ҳақида қизиқарли тарзда тушунча бериш. Зарбли оркестр ва халқ чолғулари (*қутича, тахта қарсак*) билан таништириш, уларда ижро этиш ва овозидан фарқлашга ўргатишда давом этиш. Зарбли оркестр ташкил қилиш.

Марш, рақс, кўшиқ ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Опера ва балет ҳақида тасаввур бериш. Товушлар чўзими билан таништириш.

Муסיқа раҳбари ва чолғу асбобига жўр бўлиб турли характердаги асарларни болалар чолғуларида чалишга ўргатиш: Ўзбек халқ куйлари – “Олма пишганда”, “Қаринаво”, “Олмани оддим”, “Уфор”; В.Моцарт “Алифбе”, А.Левиев “Пьеса”, С.Бобоев “Тойчоғим”. Болани муסיқа асбобида чалиш билан бир вақтнинг ўзида куйлашга ўргатиш.

Болада чолғучиликка оид ижодкорликни шакллантириш, бирор-бир куй ўйлаб топишини рағбатлантириш.

**Муסיқий таълимий ўйин.** Болани кўшиқларни саҳналаштиришга, давра кўшиқларида сўз, муסיқа ва ҳаракат уйғунлигини чиройли ифодалашга қизиқтириш. Таълимий ўйинларда муסיқа машғулотининг барча бўлимларида олган билимларини мужассам ҳолда намоён этишга ўргатиш. (“*Муסיқали лото*”, “*Дирижёр*”, “*Кўғирчоқ-ўйинчоқ*”, “*Куйини топ*”, “*Муסיқали эртак*”).

Образли ҳаракатларни бажаришда болани умумийликдан мустақил ва якка бажариш сари етаклаш. Болада образли тасаввур, мустақил фикрлаш, ижодкорлик ҳусусиятларини ривожлантириш.

Муסיқий-таълимий ўйинлар воситасида муסיқий ва номуסיқий товушлар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш (“*Товушлар қаерда яшайди?*”, “*Бармоқлар*”, “*Узун-қисқа таёқчалар*”), чолғу асбоблари ҳақидаги билимларини аниқлаш (“*Қайси чолғу чалаяпти?*”, “*Сирли қутича*”), муסיқий хотирани ривожлантириш (“*Куйини топ*”, “*Акс садо*”), темп ва тембрни фарқлаш кўникмасини (“*Дўстингни овозидан топ*”) мустаҳкамлаш.

**Муסיқага оид маълумотлар.** Нота ва товушқатор билан таништириш. Муסיқа жанрлари (*марш, кўшиқ, рақс*) ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш; зарбли оркестр, халқ чолғулари ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Опера ва балет ҳақида маълумот бериш.

Болада муסיқий ва шовқинли товушлар ҳақида тасаввур пайдо қилиш ва уларни фарқлашга ўргатиш. Товушнинг баландлик, тембр, динамик ҳусусиятларини боланинг ёши ва имкониятига мос ҳолда, кўрғазмалилик, қизиқарли воқеалар мисолида тушунтириш.

Фортепиано, доира чолғулари ҳамда металлофон, бубен, кўнғироқча

каби болалар чолғулари ижросидаги куйлардан баҳраманд қилиш.

Марш, ракс, кўшиқ ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

### **Ўқув йили охирида бола:**

- таниш мусиқа асарини астойдил тинглайди ва уларга нисбатан эмоционал муносабат билдиради;
- мусиқий ва шовқинли товушларни ажрата олади;
- мусиқа асар мазмунини тушунади ва кайфиятини фарқлайди;
- турли жанрларни (*марш, вальс, полька, алла*) идрок этади;
- ўзи ўрганган кўшиқдан парчани мустақил куйлайди;
- мусиқа асбобларига қизиқади ва уларда ижро этишга ҳаракат қилади;
- мусиқали ва кўргазмали фаолиятларда иштирок этишга қизиқади;
- ракс ҳаракатларини мустақил бажаради;
- тинглаган куй ва кўшиқнинг номи ва ижодкорини билади;
- нота ва товуш қатори ҳақида дастлабки тушунчага эга;
- вокал ва чолғу мусиқасини фарқлай олади;
- оркестр ва хор ҳақида умумий тушунчага эга;
- мусиқага мос мустақил ҳаракатлана олади;
- айрим симфоник оркестр ва ўзбек халқ чолғу асбобларини танийди ва номини билади (*скрипка, барабан, доира, дутор, карнай, най*);
- турли образли ҳаракатлар ўйлаб топади;
- байрам эрталиклари ва кўнгил очиш соатларида фаол иштирок этади.

### **5-6 ёшли болалар билан ўтказиладиган эрталиклар**

<b>№</b>	<b>Эрталиклар</b>	<b>Ўтказиш вақти</b>
1.	Мустақиллик байрами	25-август-30-август
2.	Ўқитувчи ва мураббийлар куни	25-сентябр-1-октябр
3.	Ҳосил байрами	25-октябр-5 ноябр
4.	Янги йил	25-декабр-30-декабр
5.	Онажонлар байрами	5-7 март
6.	Наврўз байрами	20-март-20-апрел
7.	Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни	1-июн

### **Ўйин фаолияти (5-6 ёш)**

Боладаги ижодкорлик лаёқатини, ўйин учун ғоялар ўйлаб топишини, янги ўйинлар ташкил этиш истагини рағбатлантириш. Болани тенгдошлари билан аҳил ўйнашга, ўйинчоқлари билан ўртоқлашишга одатлантириш.

Болага ўйинларда ўз имкониятини ҳаққоний баҳолашга ва аччиқланмасдан мағлубиятни тан олишни ўргатиб бориш.

**Воқеабанд–ижроли ўйинлар.** Боланинг ўйин жараёнида атроф-оламни идрок этишга, инсоний муносабатларни англашга, касблар ҳақидаги тушунчаларини янада бойиб боришига эътибор бериш лозим.

Болага бадиий асарлар, телекўрсатувлар, экскурсиялар, кўргазмалар, саёҳатлардан олган таассуротлари асосида ўйин мавзусини ривожлантиришни ўргатиш. Ўйинларда воқеалар, ҳаётий вазиятлар, катталар меҳнатига тақлид қилиш, иштирокчилар сонига қараб, турли ахборот манбаларидан (*кино, адабиёт, экскурсия*) фойдаланиб ўйин мазмунини кенгайтириш ва бойитиш, ўйинда ўринбосар нарсалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.

Болани ўйин мавзуси бўйича тенгдошлари билан келишишга; ролларни тўғри тақсимлашга, тенгдошларига ўйин қоидаларини тушунтиришга, керакли жиҳозларни тайёрлашга, ҳаракатлар кетма-кетлигига риоя этишга, биргаликда уюшиб ҳаракат қилишга; бир-бирига ён беришга, ўйин давомида юзага келадиган баъзи зиддиятларни мустақил бартараф қилишга ўргатишда давом этиш.

Болага ўйин сюжетига мос тарзда қандай ҳаракатланиш лозимлигини олдиндан келишиш, мўлжаллаш, бирлашувчи сюжет йўналиши (*таниш ўйинни янгича фикрлар билан бойитиш; иштирокчилар, анжомларни ўзгартириш, ўринбосар нарсаларни киритиш ёки роллар тарқибини кенгайтириш в.б.*) ҳисобига ривожлантириш орқали ўйинни янада қизиқарлироқ бўлишига эришишни ўргатиш.

Боланинг ижодий жиҳатдан ўзини намоён қилишига, янги ўйинларнинг юзага келиши ва ривожланишига; ўйин учун зарур бўлган қурилмаларни жамоа бўлиб яшашига, ишни режалаштиришига, мўлжалланган ишни охиригача етказишига шароит яратиш. Машғулотлар давомида эгаллаган билим ва кўникмаларини амалда қўллашга ўргатиш.

Ўйинчоқларни ўз жойига йиғиштириб қўйишга одатлантириш.

**Воқеабанд-ижроли ўйинлар:** “Дўкон”, “Оила”, “Автобусда”, “Касалхонада”, “Театр”, “Ҳайвонот боғи”, “Болалар боғчаси”, “Сартарошхона”, “Светафор”, “Қўғирчоқ театри”, “Ошхона”.

**Ҳаракатли ўйинлар.** Болани таниш ҳаракатли ўйинларга ижодий ёндашишга, мустақил тарзда ташкиллаштиришга ўргатишда давом этиш. Мусобақали ўйинларда иштирок этишга қизиқтириш. Ўзбек халқ болалар ўйинлари билан таништириш.

Болада ўртоқлик, дўстлик, ростгўйлик, холислик, ўзаро ёрдам каби ижобий хислатларни тарбиялаш.

*Югуриш ўйинлари:* “Қувлашмачоқ”, “Айёр тулки”, “Ғозлар-ғозлар”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Қуённинг уйчаси”.

*Сакраш ўйинлари:* “Нима баландроқ?”, “Сакрайди-сакрамайди”.

*Ўрмалаш ўйинлари:* “Ким байроқчага биринчи бўлиб етади?”, “Ўт ўчурувчилар”.

*Улоқтириш ўйинлари:* “Овчилар ва қуёнлар”, “Гардиш (*обруч*)га кирит”, “Коптокни от”.

**Эстафета ўйинлари:** “Мўлжални пойла”, “Тўсиқли йўллардан ўтамиз”.

**Спорт ўйинлар:** баскетбол, бадминтон, футбол.

**Кўшимча ҳаракатли ўйинлар:** “Қоптоқни тутиб ол”, “Чўпон ва бўри”, “Бекинмачоқ”, “Чиллак”, “Эстафета”, “Чавандозлар”, “Хўроз, қўй ва зағизгон”, “Лафта”, “Тулқи қопқонда”, “Данак”, “Дўппи”, “Кўпкари”, “Дорбоз”.

**Саҳналаштирилган ўйинлар.** Болада таниш асарлар ва ҳаётий воқеаларни (*тарбиячи ёрдамида*) образли ифода воситалари (*оҳанг, мимика, қўл ишоралари, қадам ташлаш*)ни қўллаган ҳолда саҳналаштириш истагини уйғотиш. Болани мураккаб бўлмаган сюжетларни мустақил ривожлантиришга ўргатиш. Театр ҳақида актёрлик касблари тўғрисида тушунчаларини аниқлаш ва кенгайтириш. Театр маданиятини шакллантириш.

Болани ўйин ҳаракатларига фаол жалб қилиш ва театрлаштирилган ўйинларга бўлган қизиқишини кучайтириш, ўзини турли ролларда синаб кўриш иштиёқини таркиб топтириш.

Боланинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, актёрлик сифатларини тарбиялаш; концерт, цирк, спектакл қўйишга жалб қилиш, тенгдошлари, ота-оналари ва меҳмонлар олдида бемалол чиқишига имкон бериш.

Боладаги мустақил ижодга интилишни, ижрода ўзини эркин тутишини рағбатлантириш. Роль ижро этаётганида ўз қўли билан ясаган турли анжом ва кийимлардан фойдаланаётганидан қувониш, фахрланиш ҳиссини тарбиялаш.

Болани мавжуд имкониятлардан фойдаланиб саҳна кўринишлари, концерт тайёрлаш ва ўтказиш учун ижодий гуруҳ тузишга, саҳнани безашда хилма-хил анжомлардан фойдаланишга ўргатиш.

Ҳар бир болага ижро ва ўйин жараёни ҳақида ўз фикр-мулоҳазасини билдиришга, ижрочилар ўйини ва саҳна бадиий безакларини мустақил баҳолашга имкон бериш орқали ижодий ва ишончли муҳитни вужудга келтириш.

**Саҳналаштирилаётган ўйинлар:** Ўзбек халқ эртаклари: “Қайсар эчкилар”, “Зумрад ва Қиммат”, “Бўри ва эчкилар”, “Мақтанчоқ куён”, “Қарғавой”, ривоят – “Нон ҳиди”, топишмоқлар бўйича – “Сеҳрланган сабзавотлар”.

**Таълимий ўйинлар.** Таълимий ўйинларни кичик гуруҳларда (2-4 нафар боладан) ташкил этиш.

Таълимий ўйинлар орқали боланинг хотираси, диққати, тасавури, тафаккури, нутқи ва сенсор қобилиятларини ривожлантириш. Ўхшаш нарсаларни қиёслашга, уларнинг белгиларидаги (*ранг, ўлчам, шакли в.б.*) фарқларни сезишга; нарсаларни умумий белгилари асосида бирлаштиришга; қисмлардан бутунни (*йиғма кубчалар, мозаика, пазлар*) йиғиш, нарсалар жойлашувидаги ўзгаришларни (*олдинда, орқада, ўнгда, тагида, устида, ўртасида, ёнида*) аниқлашга ўргатиш.

Болада турли таълимий, компьютер ва халқ ўйинларини ўйнашга бўлган иштиёқни шакллантириш. Компьютер ўйинларининг фойдали ва зарарли жиҳатлари ҳақида суҳбатлашиш, бир кунда бир марта 12-15 дақиқа ўйнаш мумкинлигини тушунтириш.

Болани жамоа бўлиб ўйналадиган ўйин қоидаларига риоя қилишга ўргатиш. Ўйин учун керакли нарсаларни топиш, зарур қурилмаларни қуриш, тенгдошлари билан ўзаро муносабатларда, ўзлаштирилган қоидаларга (*дўстона жамоавий муносабатлар, тартиб-интизом, хулқ-атвор маданияти*) амал қилиш истагини ҳамда ўйин-мусобақалар жараёнида адолатли рақобат маданиятини шакллантириш.

Болаларнинг ўйин жараёнида бир-бирига ёрдам беришга интилиши, ғамхўрлик қилиш каби ахлоқий жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор бериш. Ўйин ҳаракатларига нисбатан ижобий ҳиссий муносабат ҳосил қилган ҳолда болани ўйинда мустақил бўлишга ундаш.

**Таълимий ўйинлар:** “Ҳисобни топ!”, “Ўрнингни топ!”, “Энг ақлли!”, “Кластер”, “Кейинги сонни топ!”, “Ким яширинган?”, “Белгилар бўйича ҳаракат”, “Узоқ-яқин”, “Кейинги рақамни айт”, “Геометрик шаклни ҳосил қил”, “Кенг-тор”, “Ўхшашини топ ва қиёсла”, “Кимга қанча?”, “Қандай ўйинчоқ?”.

**Ўқув йили охирида бола:**

- мустақил равишда хонасини йиғиштиради ва ўйинчоқларини ўз жойига териб қўяди;
- тенгдошлари билан ўйнайди, ўйинчоқ ва қаламлар билан ўртоқлашади;
- турли ўйинлар ташкиллаштиради ва ўйин қоидаларига риоя қилади;
- тенгдошларига ўйин қоидаларини тушунтиради;
- ўйинларда воқеалар, ҳаётий вазиятлар, катталар меҳнатига тақлид қилади;
- тенгдошлари билан келишиш асосида ролни тақсимлайди;
- иштирокчилар сонига қараб ўйин мазмунини кенгайтиради;
- турли ахборот манбаларидан (*кино, адабиёт, экскурсия в.б.*) фойдаланиб, ўйин мазмунини бойитади;
- ўйинда ўринбосар нарсалардан фойдаланади;
- ўйинларда ўз имкониятини баҳолайди ва аччиқланмасдан мағлубиятни тан олади;
- ижрочилар ўйини ва сахна бадий безакларини мустақил баҳолай олади;
- сахнани безашда турли хил анжомлардан фойдаланади.

## МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИ (6-7 ёш)

### Мақтабга тайёрлов гуруҳида ўтказиладиган машғулотлар

Т.р.	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				Жами
		Ҳафтада	Бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	
1.	Атроф-муҳит билан таништириш	2	8	32	40	72
2.	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3.	Илк математик тасавурларни шакллантириш	2	8	32	40	72
4.	Нутқ ўстириш	1	4	16	20	36
5.	Саводга тайёргарлик	1	4	16	20	36
6.	Бадий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
7.	Расм	2	8	32	40	72
8.	Лой иши	1	4	16	20	36
9.	Аппликация	0,5	2	8	10	18
10.	Қуриш-ясаш (қўл меҳнати)	0,5	2	8	10	18
11.	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
12.	Муסיқа	2	8	32	40	72
<b>Жами:</b>		<b>15</b>	<b>60</b>	<b>240</b>	<b>300</b>	<b>540</b>

## БОЛАНИНГ ОЛТИ ЁШДАН ЕТТИ ЁШГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА РИВОЖЛАНИШИ

### Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена (6-7 ёш)

Бола ҳаётининг еттинчи йилида ундаги ҳаракатлар кўлами кенгайди ва аниқлашади. 6-7 ёшли бола ўзини идора қилиш ва ўз ҳаракатларини назорат қилиш имкониятига эга бўла бошлайди. Бу ёшдаги болада мустақил фаолият кўрсатиш, ташаббускорлик ривожланади, қизиқувчанлик янада ортади, катталар фикрини тинглаш иштиёқи шаклланади, ўз саломатлигини назорат қила олади. Бу даврда боланинг бўйи 122-128 см га етади, оғирлиги 25-28 кг бўлади. Унинг идрок кучи ва тафаккури жадал ривожланади, борлиқни билишга интила бошлайди, гигиеник малакалари шакллана боради.

Жисмоний машқлар ва ўйинлар асосида ҳаракатларни такомиллаштириш, жисмоний сифатлар (*тезкорлик, чаққонлик*)ни, кундалик ҳаракат фаоллигига бўлган эҳтиёжини шакллантириш. Машқларни бажариш пайтида чидамлилик, мувозанат сақлаш, ҳаракатларни бошқариш ва фазода чамалашни такомиллаштириш.



Уюшқоқлик билан ҳаракат қилишга; матонат, мустақилликни кўрсатишга ўргатиш жисмоний машқларга қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларни фақат кўрсатгандагина эмас, балки сўз билан тушунтирганда ҳам аниқ бажаришга ўргата бориш. Машқларни аниқ, берилган тезликда, мусика оҳангига мослаб бажариш. Ҳаракатли ва спорт ўйинларида мустақил қатнашиш иштиёқини ўстириш, ўйинда ўз хатти-ҳаракатига ва тенгдошига нисбатан адолатли бўлиш; ўзаро дўстлик муносабатларини намоён қилишга ўргатиш.

Кучли ақлий фаолият билан боғлиқ бўлган машғулотларда чарчашнинг олдини олиш ва ишлаш қобилиятини сақлаш мақсадида енгил жисмоний машқларни бажариш кераклигини болага тушунтириш. Жисмоний дақиқаларни тайёрлаш ва ўтказишда ташаббускорликни ўстириш.

Кўнгилочар тадбирлар ва байрамларда фаол қатнашиш ҳамда қўлга киритилган шахсий натижалардан қувонишни рағбатлантириш. Боланинг ижодий фаолиятини ривожлантириш, қизиқарли ўйинларни мустақил ўйлаб топишга бўлган интилишини қўллаб қувватлаш, шунингдек, ўз жамоасининг ва тенгдошларининг ютуғидан қувона олиш кўникмасини тарбиялаш.

**Йирик моторикани ривожлантириш.** Болада юриш, югуриш, юмалатиш, ирғитиш, илиб олиш, эмаклаш, тирмашиш, мувозанат сақлаш каби асосий ҳаракатларни мустақамлаш; гимнастик ўтиргичда тик туриб юра олиш; турли ҳолатдаги югуриш машқларини бажара олиш; тезлик, мувозанат ва йўналишни сақлаган ҳолда югуриш; турли хил сакраш машқларини бажара олиш, тўсиқлар ичидан эмаклай олиш кўникмаларини ривожлантиришда давом этиш.

Очиқ ҳавода ҳаракатли ўйинлар ва мусобақаларни ташкил қилиш, спорт анжомлари (*тўп, кегли, халқа, в.б.*) билан таъминлаш; боланинг мураккаб ҳаракатларни бажаришга интилишини рағбатлантириш.

#### **Асосий ҳаракатларга доир машқлар.**

**Юриш машқлари.** Тик туриб юришга ўргатиш. Турли сафланишларда (*биттадан, иккитадан, тўрттадан колонна бўлиб, доира олиб, саф тортиб*) юриш; қўллар билан ҳар хил ҳаракатларни бажариб юриш. Оддий ҳолатда ва оёқларни чалкаштириб **гимнастик** юриш, ўнг оёқни ташлаб (*ҳарбийча*), кўзларни юмиб юриш.

Гимнастика ўриндиғи бўйлаб (*тўғри ва ён томон билан*) юриш, ўртага келганда тўхташ ва таёқчанинг устидан ҳатлаб ўтиш, қўллар белда, кўзни юмиб юриш кўникмаларини таркиб топтириш. Оёқлар учида туриш, берилган ишора бўйича кўзларни юмиб бир оёқ учида туриш; қўлларни юқорига кўтарган ҳолда, орқага айланиш.

**Югуриш машқлари.** 40-50 м масофага ўртача тезликда югуриш, буюмлар орасидан уларга тегиб кетмасликка ҳаракат қилган ҳолда югуриш; югуриш вақтида турғун ва ҳаракатланувчан нарсаларга тегмасдан уларни айланиб ўтиб югуриш; тезлик сақлаган ҳолда югуриш, йўналишни ва мувозанатни сақлаган ҳолда орқа билан югуриш; берилган масофани

ўрта тезликда югуриб ўтишга ўргатиш.

**Сакраш машқлари.** Сакраш кўникмаларини шакллантиришда давом этиш, сакраётганда, (*ерга тушишида*) мувозанатни сақлаш учун қўлларни олдинга, ён томонга узатиш; бир жойда турли усулларда (*галма-гал, ўнг ва чап оёқда, бир оёғидан бошқа оёғига туриб, оёқларни чалиштирган ҳолда*) сакраш, икки оёқни жуфтлаб, чизиклар устидан, паст буюмлар устидан, турган жойидан узунликка (*80 см масофага*) сакраш, югуриб келиб узунликка, баландликка, арғамчи билан сакраш.

**Отиш, илиб олиш ва ирғитиш машқлари.** Болага буюмларни узоққа ва нишонга ирғитишда бармоқларни кучли ҳаракатлантириб отишга ўргатиш. Копток билан хилма хил ва ишонч билан ҳаракат қилишга ўргата бориш. Тўпни юқорига (*камида 10 марта*) отиш ва илиб олиш, худди шу машқнинг ўзини чапак чалиб айланиб ва бошқача усуллар билан бажариш; коптукни бир қўлдан иккинчи қўлга олиб ерга уриб бажариш. Коптукни бир-бирига, пастдан ва бошидан ошириб ирғитиш.

**Эмаклаб юриш ва тирмашиб чиқиш машқлари.** Эмаклаб юриш гимнастика ўриндиғи бўйлаб қоринда ва елка билан ётиб қўлларга таяниб ва оёқларни итариб хона бўйлаб эмаклаб юриш, гимнастика ўриндиғи устидан қатор қилиб қўйилган тўсиқлар ичидан эмаклаш. Турли усуллар билан гимнастика нарвончасига тирмашиб чиқишни машқ қилдириш. Гимнастика нарвонининг бир зинапоясидан иккинчи зинапоясига ўтиш. Нарвонга чиқиб тушиш, ходача бўйлаб тирмашиб чиқишга ўргатиш.

**Спорт машқлари. Велосипед ҳайдаш.** Икки ғилдиракли велосипедни тўғри йўналиш бўйлаб, бурилиб, доира бўйлаб, “илон изи” бўйлаб ҳайдаш.

**Сузиш.** Галма-гал нафас олиб, нафас чиқариб сузиш, кўкраги ва орқа томони билан ўгирилиб сузиш, сувга боши билан шўнғиш, сувда кўзларни очиш. Кўкрак билан, елкада сузиш, оёқлар билан ҳаракатлар (*юқори, пастга*) қилиш. Саёз сувда қўлларни ерга тираб олдинга сурилиш. Ихтиёрий усулда сузишни ўргатиш.

#### **Умумривожлантирувчи машқлар.**

**Қўл ва елка учун машқлар.** Дастлабки ҳолат: гавда тик тутилган, оёқлар елка кенглигида очилган, қўлларни юқорига, олдинга, ён томонларга кўтариш, товонларни жуфтлаб, оёқларни очиб, тик тутган ҳолатда оёқ учида кўтарилиш. Қўлларни кўкрак олдида тутган ёки елкаларга қўйган ҳолатдан уларни юқорига ён томонга чўзиш. Елкаларни кўтариш ва пастга тушириш. Тирсакдан букилган қўлларни олдинга ва ён томонларга шахдам ёзиб (*бармоқлар мушт қилиб сиқилган*), тирсакларни орқага букиш (*2-3 марта*) ва қўлларни кўкрак олдидаги ҳолатдан ён томонга чўзиш. Қўллар тирсакдан букилган, бармоқлар елкага теккан ҳолда айланасимон ҳаракатларни бажариш. Бир қўлда халқани айлантириш; қўллар олдинда, бармоқларни очиш ва ёпиш, бош бармоқни букиш ва бармоқларни навбатма-навбат унинг устига букиш.

**Оёқлар учун машқлар.** Ўтирган ҳолда оёқни олдинга узатиб чалиштириш. Қўлларни бош орқасига, елкаларга қўйиб туриб-ўтириш.

Турган ҳолатда ҳар бир оёқни навбат билан букиш, кетма-кет 2-3 марта букиб кўтариш. Оёқлар кенг ёзилган ҳолда ўтириш, оёқни олдинга силтаб кўтариб, оёқ учини тўғрилаб, олдинга чўзилган қўлларнинг қафтларига теккизиш. Нарвон поғонасини, стул суянчиғини бир қўл билан ушлаб туриб, оёқни эркин равишда олдинга ва орқага силкитиш.

**Гавдани ривожлантирувчи машқлар.** Бошни пастга эгиш, юқори кўтариш, ўнг ва чап томонга буриш. Қўлларни юқорига кўтариб, ён томонларга ёйиб, белга тираб, бош орқасига қўйиб ён томонларга бурилиш. Қўлларни юқорига кўтариб, атрофга ёзиб, олдинга энгашиш. Турган ҳолда гавданинг юқори қисмини айланттириш. Орқага таяниб ўтириб, икки оёқни кўтариш, оёқ учларини чўзиш, оёқларни худди шу ҳолатда тутиб туриш. Чалқанча ётган ҳолатдан ярим ўтириш ва яна ётиш. Орқа билан ётиб, икки оёғини баравар кўтариш. Орқа билан ётган ҳолатда гимнастика ўриндиғида тортилиш. Гимнастика нарвончасининг поғонасидан ушлаб, бир қўл ва оёқни ҳаракатлантириш. Гимнастика нарвончасига орқа билан суяниб туриш ва икки қўлни бошдан ошириб, унинг поғонасини мумкин қадар юқорироғидан ушлаш; тиззалаб юриш (*тизза кўзидан букилган оёқларни ердан навбатма-навбат кўтариш*).

**Сафланиш ва қайта сафланиш.** Мустақил, тез ва уюшқоқлик билан биттадан, иккитадан сафланиш; бир қаторга текисланиш, ҳаракат вақтида бир неча гуруҳчаларга бўлиниш, битта айланадан бир неча айланага ажралиш ва қайта сафланиш. “Бир-икки” деб санаш, бир қатор ва икки қатордан бўлиб қайта сафланиш. Ҳаракат вақтида майдон бурчакларида бурилиш ҳосил қилиш, машқ сўнгида ҳаммани баравар тўхташга ўргатиш.

**Майда моторикани ривожлантириш.** Болалар мақсадли равишда ўйинчоқлар ва буюмларни ишлатади. Босма ҳарфларда бир неча сўзларни, шу жумладан ўз исмини тузади, қоғоздан турли конструкцияларни ясайди, қайчидан фойдаланганда хавфсизлик чораларига амал қилади.

Боланинг белгиланган чизиқлар бўйича қоғозни кесиш, камида 16 та бўлаклардан шакл йиғиш, майда мунчоқларни ипга ўтказиш, махсус идишлардан елим, тиш пастаси ёки бўёқни сиқиб чиқариш, шунингдек, чўмич билан шўрвани ёки бошқа суюқликни ликопча ёки бошқа идишга солиш, турли материаллар билан тажриба қилиш, маҳкамлаш усули билан энг оддий моделларни яшаш кўникмаларини мустаҳкамлашда давом этиш.

**Сенсомоторикани ривожлантириш.** 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сезги органлари ёрдамида ўз ҳаракатларини тартибга соладилар. Уларнинг миноралар, шакллар қуриши, хамир, пластилин (*лой*) қориши, расм чизиши ва бўяшига имкон бериш, қалам ва рангли бўрларни бераётганда буюмларни қандай чизиш кераклигини амалиётда кўрсатиб, мустаҳкамлашда давом этиш.

**Чиниқтириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш.**

**Эрталабки бадантарбия.** Эрталабки бадантарбия машқини бажариш иштиёқини шакллантириш, уни ўтказаетганда уюшқоқликка, машқлар комплексини мустақил бажариш кўникмасига эришиш. Бадантарбия машқларини мунтазам равишда очик ҳавода, гиламча устида, енгил

кийимда буюмлар билан (*буюмларсиз*) бажариш; машқларни сув муолажалари билан тугаллаш. Муайян изчилликда, аниқ, шиддат билан мускулларни таранг ҳолга келтириш, машқларни қоматни тўғри тутган ҳолда бажариш; машқларни илдам ҳаракат қилиб, ўзига тўлиқ ишонч билан аниқ бажара олишга ўргатишда давом этиш.

**Чиниқтириш.** Хонада енгил кийимда бўлиш, деразанинг дарчасини очиб қўйиш. Кийим ва пойабзални мавсумга ва машқ турига мувофиқ танлаш. Юз, бўйин, қўлни тирсаккача совуқ сув билан ювиш. Бадантарбиядан сўнг дарҳол губка ёки уй ҳароратидаги сувда ҳўлланган кичикроқ пахмоқ сочиқ билан тана аъзоларини артиш, аввал қўлларни, кейин баданни қуруқ сочиқ билан тана қизаргунча, тезда қуруқ қилиб артишга одатлантириш. Фақат катталарнинг рухсати ва назорати остида чўмилиш, чўмилишнинг асосий қоидаларига риоя қилиш. Ялангоёқ юрганда оёқни шикастлантириш хавфи йўқ жойларда юриш. Чиниқтириш қоидаларини онгли равишда бажариш кўникмаларини тарбиялашда давом этиш.

**Қоматни тўғри тутиш.** Эрталабки бадантарбия ва машғулотларда қоматни тўғри шакллантирадиган, ясситовонликнинг олдини оладиган машқларни киритиш (*катталар билан биргаликда*). Қоматни мустақил назорат қилиб бориш қоидаларига риоя қилиш, орқа билан деворга суяниб, тик туриш, деворга елкани теккизиб туриш, юришда ана шундай ҳолатни сақлаб юришини мустаҳкамлаш.

**Маданий-гигиеник кўникмаларни ривожлантириш.** 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган бола ўзини парваришлаш кўникмаларига эга бўлади. Мустақил ювинади, тозалikka риоя қилади. Болани озодаликка ва тартибга одатлантириш, ташқи кўринишдаги камчиликни ўз вақтида бартараф қилиш, йўл қўйилган камчиликни тузатиш эҳтиёжини тарбиялаш. Тенгдошларининг кийимларидаги тартибсизликларни тўғрилашга кўмаклашади. Ўз-ўзига хизмат қилиш жараёнида болада уюшқоқликни ва мақсадга қаратилганликни, маданий ахлоқ кўникмаларини шакллантириш. Уйқудан тургандан сўнг ювиниш, уйқуга ётишдан олдин оёқни ювиш, қўлларни овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва ифлосланганда ювиш, овқатдан кейин оғиз ва томоқни чайиш, тишларни тўғри тозалаш, совундан тўғри фойдаланиш, кийимларни жойига илиш, оёқ кийимни тахлаш ва ипини боғлашга ўргатиш.

Болани нонушта учун стол безашга, ўрин-жойларини йиғиштиришга, кўрпа-ёстиқларнинг жилдини кийдириш, чойшабларни текислаб чиқиш, уларни алмаштиришда катталарга ёрдам бериш, шахсий буюмлари (*дастрўмол, пайпоқлар ва спорт кийимлари солинадиган халтачалар*)ни эҳтиётлаш ва тоза сақлаш кўникмасини мустаҳкамлаш.

#### **Шахсий гигиена:**

- кун давомида танаси тозалиги, кийимлари, сочлари, уст-боши озодалигини кузатиб туриш;
- мустақил равишда хонасини йиғиштириш ва ўйинчоқларини ўз жойига териб қўйиш;

- соғлом турмуш тарзи бўйича суҳбатлар ўтказиш;
- гавдасини тўғри тутишини кузатиш, ясситовонликнинг олдини олиш;
- гигиена ва этика мавзуларида сахна кўриниши ташкил этишга, инфекциялар нималиги ва уларнинг қандай йўллار билан юқишини тушунтириш;
- нима учун болаликданоқ соғлиқни сақлаш тўғрисида қайғуриш лозимлиги ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш;
- ванна, хожатхонадан мустақил фойдаланиш;
- шахсий ва жамоат гигиенаси қоидаларини тушунтириш.

**Овқатланиш гигиенаси:**

- тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш;
- ошхона жиҳозлари, қошиқ, санчқидан фойдаланиш;
- тартибли овқатланиш, овқат вақтида гавдани тўғри тутиш;
- идиш-товокни столдан йиғиштириб қўйишга одатлантириш.

**Ухлаш гигиенаси:**

- айнан бир вақтда ухлашга ётиш,
- ухлаш олдидан ювиниш,
- алоҳида ўринда ухлаш.

**Тахминий кун тартиби:**

7.00 – 7.30	Ўриндан туриш, эрталабки ювиниб – тараниш ( <i>уйда</i> )
7.30 – 8.30	Қабул, соғлиғини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия
8.30 – 8.55	Нонуштага тайёргарлик, нонушта
8.55 – 9.10	Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик
9.10 – 11.00	Машғулотлар
11.00 – 11.15	Сайрга тайёргарлик
11.15 – 13.00	Сайр ( <i>ўйинлар, меҳнат, кузатиш, ҳаракатли ўйинлар -10 дақиқа, жисмоний машқлар 20 – 30 дақиқа</i> )
13.00 – 13.15	Сайрдан қайтиш
13.15 – 13.35	Тушлик
13.35 – 15.25	Уйқу
15.25 – 15.50	Уйқудан туриш, ювиниш
15.50 – 16.05	Енгил иккинчи тушлик
16.05 – 18.15	Ўйинлар, мустақил фаолият, сайр
18.15 – 18.40	Кечки овқат
18.40 – 19.30	Ўйинлар, болаларни уйга кетиши
19.30 – 20.10	Сайр ( <i>уйда</i> )
20.10 – 20.40	Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалар ( <i>уйда</i> )
20.40 – 6.30 (7.30)	Тунги уйқуга тайёрланиш ва тунги уйқу ( <i>уйда</i> )

**Бола ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.** 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган боланинг хавфсиз яшаши ва ҳаракатланиши учун қуйидагиларга риоя қилиш лозим: дарахтларга чиқмаслик, зинадан чиқиб-тушишда эҳтиёт бўлиш. Қайчидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш. Юриш, чопиш вақтида енгил ҳаракат қилишни ривожлантириш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш. Нотаниш жойда чўмилмаслик, сув кўкракдан келадиган жойдан нарига кетмаслик, жисмоний, ақлий ва руҳий зўриқишнинг олдини оладиган қулай шароитларни яратиш лозим. Кўчанинг таъқиқланган жойида (*машиналар ўтиши йўлида*) ўйнамаслик, велосипедда учмаслик; йўл қоидаларига риоя этиш, светофорнинг вазифасини аниқ тушунтириш. Фавқулодда рўй берган бахтсиз ҳодисалар, шикастланишлар ҳақида катталарга хабар бериш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- турли сафланишларда (*биттадан, иккитадан, тўрттадан колонна бўлиб, доира олиб, саф тортиб*) юради;
- қўллар билан ҳар хил ҳаракатларни бажариб юради;
- оёқларни чалкаштириб юради;
- йўналишни ва мувозанатни сақлаган ҳолда 2 дақиқа тўхтовсиз югуради;
- 40-50 м масофага ўртача тезликда югуради;
- буюмлар орасидан уларга тегиб кетмасликка ҳаракат қилган ҳолда югуради;
- югуриш вақтида турғун ва ҳаракатланувчан нарсаларга тегмасдан уларни айланиб ўтиб югуради;
- турли усулларда (*бир оёғи олдинда, бир оёғи орқада, галма-гал ўнг ва чап оёғида*) сакрайди;
- икки оёғини жуфтлаб, бир оёғида олдинга ҳаракатланиб, бир оёғидан бошқа оёғига туриб, чизиклар устидан, паст буюмлар устидан, бир оёқда тескари йўналишда, турган жойидан узунликка (*80 см масофага*) сакрайди;
- югуриб келиб узунликка, баландликка сакрайди;
- коптукни юқорига отади ва икки қўл билан илиб олади (*камида 10 марта*);
- гимнастика нарвончасининг бир зинапоясидан иккинчи зинапоясига диагонал бўйича ўтади;
- нарвонга чиқиб тушади;
- кўзларни юмиб айланади ва тўхтади, кўрсатилган ҳолатни эгаллайди;
- умумривожлантирувчи машқларни мустақил бажаради;
- шахсий ва жамоа гигиенаси қоидаларига риоя қилади;
- ошхона жиҳозлари, қошиқ, санчқи ва сочиқдан тўғри фойдаланади;
- тўғри овқатланади, идиш-товокни столдан йиғиштириб қўяди;
- ухлаш олдидан ювинади.

## **Ижтимоий- ҳиссий ривожланиш (6-7 ёш)**

**Ижтимоий ривожланиш. Катталар билан мулоқот.** Боланинг катталар ва тенгдошлари билан мулоқот қилиш доирасини (*бошқа гуруҳ тарбиячиси, мудира, услубчи, психолог, меҳмонлар, тенгдошларининг она-онаси*) кенгайтириш.

Болага ўз ихтиёри билан саломлашиш, катталарнинг саволларига жавоб бериш, миннатдорчилик билдириш, катталарга мурожаат қилишнинг турли усулларидадан фойдаланишни ўргатишни давом эттириш.

Одамлар билан мулоқот қилишда, суҳбат ва мунозараларда ўз фикрини айта олиш қобилиятини шакллантириш. Мустақил ҳолда “Ассалому-алайкум”, “Марҳамат”, “Раҳмат”, “Илтимос”, “Хайр”, “Кўришгунча”, “Соғ бўлинг” каби илтифотли сўзларни, бошқаларга нисбатан “балли”, “яша” каби олқишларни айта олишга одатлантириш.

Катталар билан мулоқот даврида мактаб ҳақидаги тасавурларини кенгайтириш, билим олишга қизиқтириш, катталар томонидан ўрнатилган тартиб-қоидага риоя қилишга одатлантириш.

Болага атрофдагиларни ҳурмат қилиш муҳимлигини тушунтириш, оила аъзолари ва уларнинг вазифаларини билишга кўмаклашиш, оила аъзоларига ёрдам беришга ўргатиш, заруратга қараб ёрдам сўраб мурожаат этишини рағбатлантириш. Байрам ва тадбирларда яқин инсонларини сўз орқали табриклашга ўргатиш.

Болани диққат билан тинглаш, унинг сўзларига қизиқиш билдириш, саволларига батафсил жавоб бериш муҳим.

**Тенгдошлари билан мулоқот.** Тенгдошлари билан саломлашиш, хайрлашиш ва улар билан ўзаро фикрлашиш, мулоқотдан севишиш, мамнунлигини сўз билан ифодалаш (*“Менинг ўртоғим”, “Дўстимнинг тузилган куни”, “Биз ясаган варраклар”*), байрам ва тадбирларда ўртоқларини табриклаш ва бундан қувонч ҳиссини туйишга ўргатиш.

Тенгдошларига ёқиш истагини, ўйинлар ташкил этиш, ролларни тўғри тақсимлаш, фаол бўлишга интилишини рағбатлантириш.

Тенгдошларининг яхши ва ёмон одатларини, қилиқларини сўз орқали айтиш, баҳолаш, атрофдагилар билан мулоқот вақтида ўз таклифларини эркин билдириш ва улар билан ўз ҳиссиётларини бемалол ўртоқлашиш, низоли вазиятлардан мустақил чиқа олиш кўникмасини шакллантиришда давом этиш.

Шунингдек, мулоқот давомида ўз фикрини билдириш, амалга ошириш ва фикрини ўзгартириш имконини бериш (*“Сен бунга яхши ўйлабсан, лекин бунинг ҳожати йўқ”*).

Боланинг ролли ва театрлаштирилган ҳамда бошқа турдаги ўйинларда фаол иштирок этишини рағбатлантириш.

**Ҳиссий ривожланиш. “Мен” концепцияси** ёки ўз-ўзини англаш тушунчасини шакллантириш. Болада ижобий фазилатларни таркиб топтиришда давом этиш. Атрофдагиларга ва тенгдошларига эътиборли, раҳм-шафқатли бўлиш, ёрдам бериш, топшириқларни бажаришда қатъият

ва сабр-тоқатни намоёиш этиш, ташаббускор, фаол бўлиш, бўлажак воқеалардан мамнуният ҳис қилишга ўргатиш. Айтилган топшириқни ўз вақтида тўғри бажаришга ундаш.

Боланинг ўз исми-шарифи, ёши, манзили, оила аъзоларини тўлиқ билиши, ўзи тўғрисида тасаввурга эга бўлиши, ўзининг шахсий ахлоқий сифатларини баҳолай ва англай олишини рағбатлантириш. Болани ўзи ҳақида, яшайдиган шахри, уйи, манзили тўғрисида (*“Менинг тузилган куним”, “Менинг оилам”, “Менинг маҳаллам”*) сўзлаб беришга ўргатиш, ўзи ва тенгдошлари тўғрисидаги маълумот билан алмашиш кўникмасини мустаҳкамлаш, ўзини таништирадиган вазиятлар мавжуд бўлган ролли ўйинларни ташкил қилиш.

Ўғил болага (*жасур, мард, зийрак, чаққон, қизларга ҳурмат*) ва қиз болага (*назокатли, мулойим, оқила, чаққон, саришта*) хос бўлган фазилатларни тарбиялашни давом эттириш.

Катталар ва тенгдошларининг ўзига берган баҳосини, бошқаларнинг хоҳиш-истакларини ҳурмат қилиш. Катталар ёрдамида ўз камчилигини сезиш ва бартараф қилиш, жамоада ўзини тутиш, ўзининг ютуқ ва камчиликларини билишга ўргатиш.

Ўзини ҳурмат қилиш, ўз кадр-қимматини билиш, миллий анъаналарни ва маданий қадриятларни ҳурматлаш, улар билан фахрлана олишини (*миллий кийимлар, ўйинлар, урф-одатлар, тарихни ва бугунини билишга интилади*) рағбатлантириш. Болага маънавий-моддий қадриятлар тўғрисида тушунтириш, маданий қадриятларни ўйинлар, ижод, мусобақалар орқали ифодалашига имкон бериш.

**Ҳиссий ифодалаш.** Ўзи ва ўзгаларнинг ҳис-туйғуларини тушуниш ва ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳиссиётларини таҳлил қила олиш. Сахийлик, яхшилик ва раҳмдиллик кўрсатиш, ўзининг ва бошқаларнинг кайфиятини тушуниш, яқинлари ва тенгдошларига нисбатан ҳамдардлик билдиришга одатлантириш.

Катталар ва тенгдошларига самимий муносабат билдириш, уларнинг кайфиятини, ҳолатини (*суюниш, фахрланиш, тинч ҳолат, асабийлашиш, хафа бўлиш*) ҳис қилиш қобилиятини шакллантиришни давом эттириш.

Ўз ҳиссиётларини сўз билан ифодалай олиш, ўзини ва бошқаларнинг ҳолатларини таққослаш ва баҳолаш.

Ёқтирган мусиқа асарларини бажон-у дил тинглашга, уларга нисбатан муносабат билдиришга, бадий асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатидан таъсирланиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга ўргатиш.

Боланинг тасвирий фаолият (*расм чизиш, аппликация*), роль ижро этиш ва режиссёрлик қилиш ўйинларида, оилавий ва умумий байрамлардаги чиқишлари, болалар театри ва бошқа вазиятларда ўз туйғулари, ҳиссиётларини ифодалашини рағбатлантириш.

Бола билан суҳбатлашиш, унинг ҳаракатларини, турли қувончли ва кайғули воқеаларни, қийин вазиятга тушиб қолган дўстлар ва катталарни кўллаб-қувватлаш нақадар муҳимлигини муҳокама қилиш.

**Ўқув йили охирида бола:**



- мулоқот қилишда нутқли ва нутқсиз воситалардан (*ифодали имошиоралардан*) фойдаланади;
- ўз атрофидаги таниш одамлар билан осонликча мулоқотга киришади;
- муаммоларга дуч келганда танишлардан ёрдам сўрайди;
- нотаниш ёки илк бор кўраётган одамлари тўғрисида саволлар беради;
- келишишни билади;
- хушмуомалаликни намойиш этишнинг оддий кўникмаларига эга (*саломлашиши, хайрлашиши, миннатдорчилик билдириши*);
- бошқалар билан барқарор алоқалар ўрнатади, дўстлар орттиради;
- болалар ва катталар билан идрок этаётган вазиятни, унинг доирасидан чиқиб кетадиган ҳолатни акс эттирадиган мавзуларда мулоқот юритади;
- ёрдам беради, овутади, ўйинчоқ, қаламлари билан ўртоқлашади;
- катталар билан суҳбатлашганда савол беради ва жавоб қайтаради;
- ўйинлар ташкил этади ва тенгдошлари билан ўйнайди;
- ташаббускор, фаол, бўлажак воқеалардан мамнуният ҳис қилади;
- ўзининг исми-шарифи, ёши, манзили, оила аъзолари, қайси мамлакат, шаҳар, қишлоқда яшаётганлигини билади, ўзи тўғрисидаги маълумотларни болалар билан алмашади;
- миллий ва маданий қадриятларни билади ва улар билан ғурурланади;
- топшириқларни бажаришда қатъият ва сабр-тоқатни намойиш этади;
- тенгдошларига ёқишни истайди;
- катталар ва болаларнинг руҳий аҳволини сезади;
- яқинлари ва тенгдошларига нисбатан ҳамдардлик билдиради;
- атрофдагиларни кийимлари ва тили бўйича ажратади;
- ёқтирган мусиқа асарларини тинглайди, уларга нисбатан муносабат билдиради;
- бадиий асар қаҳрамони руҳий ҳолатидан таъсирланади ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

### **Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик (6-7 ёш)**

**Нутқ.** Болани катталар ва тенгдошлари билан эркин мулоқат юритишга, ўз ҳолати, ҳис-туйғулари ва мақсадларини нутқи орқали равон ифодалашга; ўзини қизиқтирган мавзулар бўйича тортинмай саволлар беришга ўргатишда давом этиш. Суҳбатдошининг нутқини тинглаш ва айтмоқчи бўлаётган фикрини англаш, ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш.

Турли мусобақалар ва мунозараларда фаол иштирок этиш, берилган кўрсатмаларни тўғри ва аниқ бажариш малакасини мустаҳкамлаш.

**Нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш.** Она тилидаги барча товушларни тўғри талаффуз этиш малакасини мустаҳкамлаш. Фонетик идрокни ўстиришда давом этиш. Болага *s-z, p-f, t-d, p-b, l-r, u-o*‘, *x-h, k-g* товуш гуруҳларини тўғри талаффуз этиш ва уларни фарқлашни, овоз сифатларини (*баланд, ўртача, паст, йўгон, ингичка, жуда ингичка*),

нутқ суръатини (*тез, ўртача, секин*) тарбиялаш, сўзда товуш ўрнини белгилашга ўргатишда давом этиш.

Боланинг мавжуд тил тизими (*товуш, сўз, ган*) тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш. Товушга хос хусусиятларни (*товушларни талаффуз қилиш, яъни айтиш ва эшитиш*) тушунтириш. Бир бўғинли сўзлардан ва бўғиндан товушни ажратиб олиш, бўғинларнинг товушлардан тузилганлиги, нутқнинг энг кичик бўлаги товуш экани, унинг хусусиятлари, тури, товушларнинг ҳарфлар билан белгиланиши ҳақида тушунча бериш. Товушларнинг тўғри талаффузи устида ишлаш.

Боланинг унли ва ундош товушлар ҳақидаги тушунчасини мустаҳкамлаш. Унли ва ундош товушларнинг талаффузини машқ қилишда давом этиш.

**Луғат иши.** Боланинг атроф-олам ходисалари ҳақидаги билимини аниқлаш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш асосида унинг нутқини бойитиш ва фаоллаштиришда давом этиш. Бола луғатини Ватан, Ватанимиз рамзлари, Ватан ҳимоячилари, шаҳар, қишлоқ, маҳалла ва кўчалар, ёдгорликлар, майдонлар, байрамлар ҳақидаги янги сўзлар билан кенгайтириш; касб-ҳунарга оид (*муҳандис, учувчи, мусаввир, шифокор, мисгар, ганчкор, наққош*); қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган машиналар, транспорт ва алоқа воситалари, компьютер ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Боланинг луғатини, теварак-атрофдаги воқелик билан бевосита таништириш; билиш фаолиятлари жараёнида: табиатни кузатиш, буюмларни кўздан кечириш, суратларни томоша қилиш асосида олиб бориладиган қизиқарли суҳбатлар ва саёҳатлар вақтида бойитиб бориш. Янги ўзлаштирган сўзлардаги товушларни тўғри талаффуз этишига эътибор бериш.

Буюмларнинг номларини тўғри айтишга, бир-бирига ўхшаш ва ўхшамайдиган нарсаларни солиштириб, улардаги умумий ва ўзига хос хусусиятларни топишга; буюмларнинг сифатини (*мустаҳкам, пишиқ, пухта*); рангини билдирувчи сўзлар; меҳнат жараёнида риоя қилиниши лозим бўлган одатларни ифодаловчи сўзлар (*тартибли, хушёр, эҳтиёткор, саранжом-сарийшта*)ни луғатига киритиш.

Халқ мақоллари, маталлари ва топишмоқларини тушунтиришни давом эттириш (“Қушни асраган, одамни асраган билан баробар”, “Бугунги ишни эртага қўйма”, “Куч-бирликда”, “Булбул чаманни, одам Ватанни севар”, “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” ва бошқалар).

Боланинг умумлаштирувчи сўзлар, антонимлар, синонимлар, омонимлар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Умумлаштирувчи сўзларни тўғри тушунишига, улардан ўз нутқларида фойдаланишига эътибор бериш. Қарама-қарши маъноли антоним сўзларни (*узун-қиска, кеча-кундуз, кучли-кучсиз, паст-баланд*); маъноси бир хил, аммо айтилиши хилма-хил бўлган синоним сўзларни (*хурсанд, шод, қувноқ, баҳор, кўклам, кўркам, чиройли, гўзал*), айтилиши бир хил, аммо маънолари хилма-хил бўлган омоним сўзларни (*ўт-майса, ўт-ариқдан ўтиш, ўт-олов в.б.*)

тушуниб, ўз ўрнида тўғри қўллаш малакасини мустаҳкамлашда давом этиш.

**Луғатни фаоллаштириш.** Боланинг янги сўзлардан фойдаланиш ва маъносини билишга бўлган истакларини рағбатлантириш. Болага ўхшаш буюмларнинг номларини тўғри айтиш, уларни бир-бири билан қиёслашга, фарқларини аниқлашга ўргатиш орқали луғат бойлигини оширишда давом этиш. Масалан, буюмларнинг нимадан ясалганини билдирувчи сўзлар (*чинни, лой, металл, пластмасса*)ни; уларнинг хоссалари ва ҳолатини ифодаловчи сифатловчи сўзлар, нимадан қилинганлиги, шакли, ранги, сифати (*шиша гулдон, юпқа, тиниқ, мўрт, тез синади*), ўлчови ва вазибаларини англатувчи сўзларни ўргатишда давом этиш.

Болада она тилига нисбатан муҳаббат, тўғри гапиришга ўрганиш истагини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш.

**Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш.** Болада грамматик жиҳатдан тўғри нутқни тарбиялашда давом этиш; ўз нутқи ва бошқалар нутқиغا эътиборли бўлиш, нутқдаги камчиликларни пайқаб, бартараф этишга ҳаракат қилишини, чиройли гапиришга бўлган иштиёқини ривожлантириш. Гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, маъноли жумлалар тузиш малакасини ривожлантириш. От, сифат, феълларнинг мураккаб грамматик шаклларида фойдаланишни машқ қилдириш. Турли жониворлар, нарсалар, идиш-товоқлар, касб-хунарларнинг номини тушуниб, аниқ айтишга ўргатиш.

Ўз нутқида уюшиқ бўлакли, содда, ёйиқ ва қўшма гапларнинг хилларидан (*боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап*) фойдаланиш малакасини мустаҳкамлаш. Масалан: “Лола келди ва биз ўйнадик”, “Ёмғир ёғди, шунинг учун биз саёҳатга бора олмадик”. Бунда кўмакчи ва боғловчи сўзларни тўғри ишлатишга ўргатиш. Болани равишдан фойдаланишга ўргатиш (*тез юрди, секин гапирди*).

Бир фикрни турли воситалар билан баён қилишга (“*Раъно касал*”, “*Раъно бетоб*”); бир-бирининг ўрнини босадиган гапларни тузишга (“*Биз саёҳатга бормаймиз, чунки ёмғир ёға бошлади*”; “*Ёмғир ёға бошлагани учун биз саёҳатга бормаймиз*”) ўргатиш.

Болага тўғри грамматик шаклларни машқ қилдиришда кўпроқ оғзаки ўйинлардан фойдаланиш (“*Аксини топ?*”, “*Арча қандай?*” “*Эслаб қолинг ва айтиб беринг*” в.б.) мақсадга мувофиқ.

Болани гапда отларни келишикларда тўғри турлашга (“*Мен холамникига бордим*”; “*Холамнинг мен тенги қизи бор*”); отларни сонлар билан (“*Капалаклар учяпти*”; “*Ликопчада учта олма бор*”); сифатни феълга (“*чиройли гулдаста келтирди*”, “*саватга қизил олмалардан солдим*”) тўғри боғлаш; ҳайвонларнинг болаларини билдирувчи отларни кўпликда (“*тойчоқлар*”, “*қўзилар*”, “*бузоқлар*”) тўғри ишлатиш малакаларини такомиллаштириш. Болани турли усуллар билан янги сўзлар яшаш (“*шоли-шоликор*”, “*ғалла-ғаллакор*”, “*иш-ишчи*”, “*пахта-пахтакор*”)га, нутқда сифатдошлардан (“*ўқиётган бола*”, “*учаётган капалак*”) фойдаланишга ўргатишда давом этиш.

**Боғланишли нутқни шакллантириш.** Бола билан оғзаки нутқнинг икки шакли – сўзлашув ва ҳикоя қилиб бериш нутқини ўстиришни давом эттириш. Болани суҳбатларда фаол иштирок этишга ундаш, мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, аниқ ва тўлиқ жавоб бериш, ўртоқларининг бераётган жавобларини эътибор билан тинглаш малакасини такомиллаштириш.

Бадий асарни, хусусан эртакларни қайта ҳикоя қилишга ўргатаётганда бола диққатини: эртакнинг бошланиши, такрор келган воқеаларга, хулоса қисмига; ҳикояларда воқеа баёнига, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатига, икки қаҳрамоннинг ўзаро нутқига қаратиш. Асар воқеаларини сўзлаб бераётганида овоз оҳангининг хилма-хил (*сўроқ, ҳис-ҳаяжон, хайратланиш, илтимос*) турини қўллай билишига эришиш.

Болага ўйинчоқлар ва буюмлар ҳақида ҳикоя тузишни ўргатаётганда ўйинчоқларни таърифлаб беришга, уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи белгиларини (*ранги, шакли, вазифаси*) аниқ сўзлар орқали ифодалашга ўргатиш.

Йил фасллари мавзусида ҳикоя тузишни ўргатаётганда ҳар бир фаслнинг ўзига хос тароватини; ҳар бир фаслда болалар ўйнайдиган сеvimли ўйинларни аниқ сўзлар орқали ифодалашга, воқеаларни изчил баён этишга; ҳикоя тугал маънога эга бўлишига эътибор қаратиш лозим.

**Ижодий ҳикоя қилиш.** Болани тарбиячи томонидан айтилган ҳикоя ёки эртакни ниҳоясига етказишга, жумлаларни қисқа, лўнда тузишга, тасвирий воситалардан фойдаланишга ўргатишда давом этиш.

Болани шахсий тажрибалари асосида; тарбиячи таклиф этган ҳаётий мавзулар бўйича мантиқий ривожланиб борувчи ҳикоя ёки эртак тузиш лаёқатини ривожлантириш: “Куз”, “Меҳмонда”, “Дўконда”, “Ҳайвонот боғида”, “Қиш”, “Қишда кушларнинг ҳаёти”, “Автобусда”, “Баҳор”, “Дарахтлар гуллади”, “Қушлар қайтиб келди”, “Ёз”, “Ҳовузда чўмилдик” ва бошқалар.

Болага қаҳрамонларнинг кечинмаларини, ҳис-ҳаяжонларини таъсирчан ифодалашни ўргатиш. “Биринчи қор!”, “Қиш байрами”, “Энг гўзал фасл”, “Биз хотира майдонига бордик”, “Акамнинг байрами”, “Ўзбекистонга хизмат қиламан!”, “Наврўз шодиёналари” кабилар.

Мавзули расмларда акс эттирилган воқеаларни изчил баён қилишни, расмдаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларига нисбатан ўз фикрини, муносабатини билдириш, ҳикояни мантиқли тугаллашни ўргатиш.

Болани таққослаш усулидан фойдаланиб топишмоқлар ўйлаб топишга, болалар қўшиқларини, телекўрсатувлар, мультфильмлардан баъзи парчаларни ёдлаб, таъсирли айтиб беришга ўргатиш.

**Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш.** Боланинг 20-25 дақиқа давомида зерикмай китоб томоша қилишини рағбатлантириш. Уни китобда фақат расмларга эмас, балки ҳарфларга ҳам эътибор билан қарашга ундаш, ўрганишга бўлган ҳавасни тарбиялашда давом этиш. Бир неча машҳур асарлар ва адабий қаҳрамонларни айтиб бериш, адабий асардан айрим парчани сўзлаб бериш, ёдлаган шеърларини ифодалаи ўқиш малакасини

ривожлантириш.

Болага зарур маълумотларни йиғишда китоб энг керакли манба эканлигини тушунтиришда давом этиш.

Товушларни тўғри талаффуз этиш ва сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва шакллантириш. Алифбони ўргатиш. Кесма босма ҳарфлардан бўғин тузиш ва ўқитиш; бўғинли карточкалардан сўз тузиш ва ўқишга ўргатиш. Сўзнинг бўғин-товуш таҳлилини ўтказиш. Ўз исмини ва 2-3 та сўзни босма ҳарфларда мустақил равишда ёзишга; намунадан 2-3 та сўзни олиб ёзиш ва чизишга ўргатиш.

**Оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантириш:**

- гапни сўзларга бўлиш, сўзларни бўғинларга бўлиш;
- маълум товушларнинг ўрнини аниқлаш (*сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида*);
- сўзда товушлар кетма-кетлигини аниқлаш;
- бўғинлардан сўзлар тузишга ўргатиш;
- сўзлар иштирокида гап тузиш;
- товушларни эшитиб фарқлашга ўргатиш;
- илмоқ, чизиқ, таёқча, гажак элементларини чизишга ўргатиш.

**Бадиий адабиёт.** Боланинг бадиий адабиётга бўлган эмоционал муносабатини ривожлантириш, китобхонлик саводини, маданиятини тарбиялашда давом этиш.

Болани миллий руҳда тарбиялаш, доимий равишда халқ оғзаки ижоди намуналаридан: мавсум кўшиқлари (“Доирани чалинг, жон момо...”, “Лайлак қор-а, лайлак қор...”, “Бойчечагим бойланди...”); қизиқмачоқлар (“Йўлдан топдим бир қамчи...”), айтишма-ўйин кўшиқлари (“Тутма, тутма...”, “Қамар, Қамар қамчини...”)ни ифодали ўқиш, ёдлатиш, қувноқ ўйинлар ташкил этиш асосида халқ ижодиётига, миллий оҳангга бўлган қизиқишини орттириш. Халқ мақолларига нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, уларда ифода этилган чуқур маъноларни тушуниб боришига эришиш. Топишмоқларга ўйлаб, фикрлаб жавоб беришга ўргатиш, санама, тез айтишлар билан мунтазам равишда таништириб бориш.

Халқ достонларига қизиқтириш, кичик парчалар (“Рустамхон”) ўқиб бериш, достон ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришда давом этиш.

Бола қалбида ажодларимиз ҳаётига қизиқиш, улар билан фахрланиш ҳиссини тарбиялашда давом этиш. Шарқнинг буюк алломалари Абу Али ибн Сино (“Ибн сино ва китоблар” – *ривоят*), Ал-Беруний (“Берунийнинг дам олиш кунлари” – *ривоят*), Амир Темур (И.Арабшоҳ “Амир Темурнинг Жайхундан шошилинич ўтиши” – *ҳикоя*), Алишер Навоий (“Навоийнинг дўсти” – *ривоят*), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (“Фор топилди” – *ҳикоя*) ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Шеърый асарлар орқали боланинг туғилиб ўсган она-юртига нисбатан муҳаббат ҳиссини кучайтириш, қалбларида ғурур ва ифтихор туйғуларини (А.Обиджон “Ўзбекистоним”, Б.Исроил “Шундай ўлкам бор”, Н.Орифжонов “Ўзбекистон байроғи”, В.Аҳмаджон “Ўзбекистон герби”,

А.Ақбар “Юрт посбонлари”, М.Холиқов “Темур бобом”) шакллантиришда давом этиш.

Боланинг тасаввур, тафаккур, мушоҳада доирасини кенгайтириш, бадий-эстетик дидини ўстириш. Шеърда акс эттирилган образли ифодалардан, кўтаринки рухдан, кувноқ оҳангдан (Н.Остон “Баҳор ракси”, Қ.Ота “Янги йил саломи”, А.Ақбар “Соғиниш”, Р.Файз “Момоқаймоқ”, Д.Камолжонова “Чумоли полвон”) завқланишга; табиат ҳақидаги шеърларда (Ҳ.Раҳмат “Куз кўринишлари”, Й.Сулаймон “Ёғяпти”) таърифланган манзараларни аслига қиёслашга ўргатиш. Катталарга ёрдам, касб-ҳунар ўрганишга (О.Абдурахмон “Уста”, Т.Раҳимова “Нон саватим”, М.Аъзам “Онам ишдан келади”); мактабга, устозга нисбатан меҳр, ҳурмат, намунали ўқувчи бўлишга (З.Ҳасанова “Хайр, боғчам”, “Салом, мактаб”, Й.Сулаймон “Устозим”, Д.Камолжонова “Чип-чипвой кузни кутар”) ҳавас уйғотиш. Шеърни ифодали айтиш йўллари янада пухтароқ ўргатиш.

Болани турли халқ оғзаки ижоди ва ёзувчиларининг асарлари (*литва халқ эртаги* – “Дуб дарахти билан кўзикорин”, рус халқ эртаги “Маша билан айиқ”, қорақалпоқ халқ эртаги – “Чол билан ҳакка”, Л.Толстой “Данак” (*ҳикоя*), Н.Гилевич “Чигиртка”, М.Омаров “Она тилим” (*шеър*), А.Барто “Гул тергали кишки ўрмонга...” (*шеър*), В.Бабаян “Тегирмон ҳақи” (*шеър*), Ў.Турманжонов “Оқ бўталоқ” (*ҳикоя*) билан таништиришда давом этиш.

Болада насрий асарлар (ўзбек халқ эртаклири: “Уч оғайни ботирлар” (*парча*), “Сахий ва Бахил”; Т.Ғойибов “Алдоқчи ҳакка”, О.Бегали “Раҳмдилнинг дарахти”, Ў.Хошимов “Томчи ҳақида эртақ”, А.Авлоний “Тўғрилиқ”) орқали маънавий-ахлоқий сифатларни: сахийлик, меҳнатсеварлик, ботирлик, жасурлик, дўстлик, меҳр-оқибатни тарбиялаш; асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни (Я.Саъдуллаева “Етиб олдими?”, Ў.Усмонов “Чумчуқ бола”, Ф.Мусаёнов “Кўшоқвойнинг ҳиммати”) сезишга, яхши ва ёмон хулқни фарқлаб, мустақил хулосалар чиқаришга имкон бериш.

Болани эртақнинг ўзига хос хусусиятлари (*бошланма, такрор, тугалланма*) ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш; турли эртақлардаги ўхшаш қаҳрамонларни, ўхшаш воқеаларни (*ўзбек халқ эртаги* – “Зумрад ва Қиммат”, *словак халқ эртаги* – “Ўн икки ой” парча) қиёслаш; эртақни шеър ва ҳикоядан фарқли томонлари ҳақида маълумот бериш асосида, бадий асар жанрлари (*шеър, ҳикоя, эртақ*) ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш: Эртақда – ҳаётда бўлмайдиган, ҳаёлий, ғаройиб воқеалар (*ҳайвонлар, паррандалар сўзлайди, дўстлашади, мусобақа ўйнайди*) рўй беради, сеҳрли образлар (*сеҳргар кампир, ўн икки ой*) иштирок этади; Ҳикояда – кундалиқ ҳаётимизда бўладиган воқеалар баён қилинади, ҳаётий образлар иштирок этади. Шеърда – қофия, вазн, бадий тасвир воситалари, мусиқий оҳанг бор.

Болани театр томошаларига олиб бориш; суҳбат-мунозараларда фаол катнашишга ундаш; мунозараларда ўзини тутиш маданиятини тарбиялашда давом этиш. Суҳбат-мунозараларда эшитган бадий

асарларидан, кўрган театр томошасидан олган таассуротларини қизгин “муҳокама” қилиш (“Нега шундай бўлди?”, “Шундай бўлмаслиги учун, қаҳрамон нима қилиши керак?”); асар қаҳрамонлари ҳақида (“Менимча, бу яхши (ёмон), чунки...” ёки “Боланинг одобига ҳавас қилдим, мен ҳам...”); одоб ва одобсизлик, яхшилик ва ёмонликни фарқлашини, ўз мулоҳазаларини тортинмай баён этишини; саволларга ўйлаб, аниқ ва раво жавоб беришини рағбатлантириш; тушунмаган жойлари ҳақида тортинмасдан изоҳлаб беришларини сўраш: “Нега?”, “Нима учун?” каби савол орқали муурожаат этишга ўргатишда давом этиш.

Болани ижодий фикрлашга ундаш, атроф-олам ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш, эртак, ҳикоя, шеър, топишмоқ тўқишга бўлган ҳавасини ривожлантириш; қофия ва сўз ўйинларига қизиқиш билдиришини рағбатлантириш. Бадиий асарни саҳналаштириш ва ролларга бўлиниб ижро этиш лаёқатини такомиллаштириш.

#### **Ўқув йили охирида бола:**

- она тилида бемалол сўзлашади; фикрини содда, оддий ва умумий фойдаланишдаги гаплар ёрдамида ифодалайди;
- “товуш”, “сўз”, “гап” тўғрисида тасаввурга эга; сўздан товушни, унли ва ундош товушларни ажрата олади;
- айрим махсус сўзларнинг маъносини тушунади;
- ўз ҳис-туйғуларини нутқ ёрдамида ифодалайди, катталар ва тенгдошлари билан эркин мулоқотга киришади;
- буюмларнинг номини айтади ва қиёслайди; ўхшаш ва фарқли томонларини таърифлай олади;
- ўз нутқида уюшиқ бўлакли сўзлар, содда, ёйиқ ва кўшма гаплардан; умумлаштирувчи сўзлар, антоним, синоним ва омонимлардан фойдалана олади;
- шахсий тажрибаси, ўйинчоқлар, буюмлар ва расмлар асосида мазмунли ҳикоя туза олади;
- гапларни грамматик жиҳатдан тўғри туза олади;
- адабий асарлардан, телекўрсатув ва мультфильмлардан баъзи парчаларни ёддан билади ва ифодали тарзда айтади;
- ҳикоя ва эртаклар мазмунини раво сўзлаб беради;
- бадиий асарларда тасвирланган яхшилик ва ёмонлик, одоб ва одобсизликни фарқлайди, ўзи учун ибратли хулоса чиқаради;
- саккиз қатор шеърни ёдлайди ва ифодали ўқийди;
- шеър, эртак ва ҳикояларнинг муҳим жиҳатларини ажратади;
- ижодий фикрлайди, эртак, ҳикоя, шеър, топишмоқ тўқишга, қофия ва сўз ўйинларига қизиқади;
- бадиий асарни саҳналаштиришга, кўғирчоқ театри кўйишга қизиқади ва ўзи роль ижро этади;
- суҳбат-мунозараларда фаол қатнашади, ўз таассуротларини, фикрларини эркин ифодалайди;
- узоқ вақт давомида зерикмай китобни томоша қилади;
- айрим маълумотларни йиғишда китоблардан фойдалана олади;

- ўзига ёққан бадий асарлар ва қаҳрамонларнинг номини айтиб беради;
- алифбони билади;
- намунадан 2-3 та сўзни олиб ёзади ва чизади;
- ўз исмини ва 2-3 та оддий сўзларни босма ҳарфларда мустақил равишда ёзади;
- гапни сўзларга, сўзни бўғинларга бўлади;
- сўзда маълум товушларнинг ўрнини аниқлай олади;
- сўзда товушлар кетма-кетлигини аниқлайди;
- сўздан товушни, унли ва ундош товушларни ажрата олади;
- бўғинлардан сўзлар, сўзлар иштирокида гап тузади.

### **Билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш (6-7 ёш)**

#### **Элементар математик кўникмалар ва билимларни ривожлантириш.**

Боланинг мантикий тафаккурини ва ҳисоблаш малакасини ўстириш.

**Сон ва санок.** Болада сони 10 тагача бўлган буюмларни тўғри ва тескари санаш кўникмасини мустаҳкамлаш, кўрсатилган сонга биноан буюмларни санаб чиқишни машқ қилдириш.

0 дан 9 гача бўлган рақамларни ёзиб, бу қандай рақам эканлигини ўргатишни давом эттириш.

Бирдан ўнгача бўлган сонларнинг ҳар бири учун олдинги ва кейинги сонни топишни машқ қилдириш; 1-10 сонлари ўртасидаги нисбатни тушунишни мустаҳкамлаш; истаган сондан бошлаб тўғри ва тескари тартибда сон номини айтиш, “...гача ва кейин”, “олдинги ва кейинги” ибораларни тушуниш.

10 гача тартиб билан санаш, микдор ва тартиб санокни фарқлаш, “қанча?”, “ҳисоб бўйича нечанчиси?” деган саволларга тўғри жавоб бера олиш.

Турли ҳолатда жойлашган (*доира, квадрат, учбурчак ичида, бир қатор*) 10 тагача бўлган бир хил ва турли хил буюмларнинг сонини аниқлашни машқ қилиш орқали сон буюмнинг жойлашишига боғлиқ эмаслиги ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш.

Икки кичик сондан 10 гача бўлган сонларни ҳосил қилишни (*аниқ материал асосида*) ўргатишни давом эттириш.

10 гача бўлган сонни ўзидан кичик бўлган иккита сонга (*буюмлар мисолида*) ажратиш. Масалан, “Сенда 10 та ёнғоқ бор, бештасини акангга бердинг. Ўзингда нечта қолди?” деган савол билан мурожаат қилиш.

15 гача тартиб билан санаш кўникмаларини (*кўргазмалиликка таяниб*) шакллантириш. 10 дан 15 гача бўлган сонларни ёзувда таништириш.

Ёнма-ён турган сонларни қиёслашни машқ қилдириш (*12-11 дан 1 та қўп, 11 эса 12 дан 1 та кам*). Сонлардан ҳар бирини 1 тага ошириш ва камайитиришга ўргатиш (*15 гача бўлган сонлар ичида*).



Болани (*кўрғазмалилик асосида*) оддий арифметик масаланинг тузилиши билан таништириш. Масалада шарт, савол, ечиш ва жавоб бўлишини тушунтириш. Бир амалли масалаларни қўшиш ва айириш орқали тузиш ҳамда ечишни машқ қилдириш.

1 дан 20 гача санашни ўргатиш. 1 дан 20 гача бўлган сонлар ўртасидаги муносабатларни (*кўрғазмалиликка таяниб*) тушунишни мустаҳкамлаш: 16 сони 15 дан 1 та кўп, агар 16 ни 1 га камайтирилса 15 бўлади; 15 сони 16 дан 1 та кам, агар 15 га 1 та қўшсак 16 бўлади.

15 дан 20 гача бўлган сонларни ёзувда таништириш. Айтилган сондан олдинги ва кейинги соннинг номини айтишга ўргатиш.

Қўшув (+), айирув (-), баробар (=) ишоралари билан таништириш.

Мисолларни рақамлар ва ишоралар ёзилган карточкалар ёрдамида ифодалаб ечишга ўргатиш.  $\square+3$  кўринишидаги қўшиш ва  $\square-3$  кўринишидаги айириш усули билан таништириш; бундай кўринишда 3 сонининг таркибий қисмидан фойдаланиш. Масалан: қўшишда  $5+3$ ;  $5+1+2$ ;  $5+2+1$ ; айиришда  $8-3$ ;  $8-2-1$  ёки  $8-1-2$ .

Бола билан санаш, айириш ва қўшиш керак бўлган турли ўйинларни ўйнаш. Боланинг ўз манзили ва уйининг рақамини ёдлаб олиш истагини қўллаб-қувватлаш.

Пул қийматлари, нарх-наво, пластик карточка, терминал ҳақида дастлабки тасаввурларни шакллантириш.

**Миқдор, катталиқ.** Болага шартли ўлчов ёрдамида буюмларнинг кенглигини, узунлигини ўлчаш ва таққослашни ўргатишни давом эттириш.

Суюқ ва тўкилувчи жисмларни шартли ўлчов бирлиги билан ўлчашни ва ўлчаш натижасини сон билан айтишни машқ қилиш.

Турли нарсалар (*геометрик шакллар, мевалар, сабзавотлар в.б.*)ни икки (*тўрт*) тенг қисмларга бўлишни, олинган қисмларни “ярим”, “иккидан бир қисм” (“чорак”, “4 дан бир қисм”) деб аташга, бутун қисмдан катта, қисм эса бутундан кичкина эканлигини аниқлашни ўргатиш.

Турли нарсалар (*геометрик шакллар, мевалар в.б.*)ни саккизта, ўнта тенг қисмларга бўлишни машқ қилиш.

Кўз билан чамалаб ўлчашни ривожлантиришни давом эттириш, ўз чамасини ўлчов бирлиги билан ўлчаб кўриб текширишга ўргатиш.

**Геометрик шакллар.** Боланинг доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, овал шакллари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Ромб шакли билан таништириш.

Кўпбурчаклар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш: учбурчак, тўртбурчак, бешбурчак, олтибурчак – булар кўпбурчаклар. Кўпбурчак элементлари (*томонлари, бурчаклари, бурчак учлари*) билан таништириш.

Болани 2 та, 4 та учбурчаклардан битта кўпбурчаклар тузишга, кичик тўртбурчакдан битта катта тўртбурчак тузишга ўргатиш.

Етишмаган шакл, жисмни (*шар, куб, конус, цилиндр*) топишга доир мантиқий масалаларни ечишни машқ қилиш.

Таёкчалардан ҳосил бўлган геометрик шакллардан бир неча таёкчани олиш усули билан кўринишини ўзгартириш.

Махсус шакллар тўпламидан фойдаланиб, намунадаги нарсаларни (*робот, уй, машина, мушук, жўжа ва б.*) ҳосил қилиш.

**Фазода мўлжал олиш.** Болага қоғоз варағи сатҳида буюмларнинг қандай жойлашганлигини (*ўнг, ўнгроқ, чап, чапроқ, ўртасида, юқори, юқорироқ, паст, пастроқ*) аниқлашга ўргатиш.

Дафтар сатҳини аниқлаш ва шаклларни штрихлар орқали чизишни, буюмларни пол, қаттиқ қоғоз, дафтар варағи устига жойлашни машқ қилдириш.

Бола билан теварак-атрофдаги нарсаларнинг вазиятини аниқлашга доир машқларни бажариш.

**Вақт бўйича илк тушунчалар.** Болани соатларнинг турлари ва уларнинг тузилиши (*стрелкалари, цифрблати*) билан таништириш. Вақтнинг энг кичик бирликлари сония ва дақиқа ҳақида тушунча бериш. Ярим соатгача аниқликдаги вақтни белгилашга ўргатиш. Бола билан кўпроқ суҳбатлашиш, ундан эрталабдан кечқурунгача қандай ўтганлигини айтиб беришни сўраш.

Келгуси ой, сана номи билан таништириш. Кеча қандай сана бўлганлигини, эртага қандай сана бўлишини айтишга ўргатиш.

Ҳафта кунлари ва йил фасллари изчиллиги ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, келгуси ойнинг номини айтишни машқ қилдириш.

**Қуриш-ясаш.** Болага йил давомида лего жиҳозларидан лойиҳалар яратишни, 20 қисмдан кам бўлмаган пазлларни йиғиш ва қоғозларни букиб (*оригами йўли билан*) шакллар ясашни, қурилиш материаллари тўпламларидан турли мавзуларда лойиҳалар яратишни ўргатиш.

Бола ранглар, ўлчам, шакллар, рақамлар ва санаш, вақтни ўзлаштириб олиши учун буюмлар билан тажрибалар ўтказишига имкон бериш.

**Таълимий ўйинлар.** Бола эгаллаган билим ва кўникмалар қўйидаги ўйинлар орқали мустаҳкамланади:

“Нима ўзгарди?”, “Нечта бир хил рангли доира?”, “Математик эстафета”, “Домино”, “Уддабурон санокчига – байроқча”, “Доирани айлантинг”, “Топинг-чи, кимнинг бўйи узун?”, “Геометрик домино”, “Шаклларни тўртта чўнтакка жойланг”, “Зийрак бўлинг”, “Берилган шаклни ким тезроқ туза олади?”, “Қандай шакл ҳосил бўлади?”, “Шаклни топинг”, “Қайси шакл етишмайди?”, “Мен нимани айтсам шуни бажаринг”, “Шаклларни тўғри жойлаштинг”, “Тескари санок”, “Қаерга борасан, нимани топасан?”, “Кеча, бугун, эртага”, “Топган-топалоқ”, “Бутун ва қисмлар”, “Рангли доиралар ва оваллар”, “Ҳафта”, “Кластер”, “Мозаика”, “Байроқчага қараб юр”, “Фасллар”, “Ким билса давомини санасин”, “Бир хилини топ”, “Ҳа-йўқ”, “Топинг нечта ўйинчоқ?”, “Шартли белгилар асосида ҳаракат қиламиз”, “Мунчоқларни ипга тизинг”, “Ўнгда-чапда, олдинда-орқада”, “Кўнғироқча қаерда жиринглапти?”, “Мен қандай сон ўйладим?”, “Гараж”, “Етадимми?”, “Кўп, оз, шунча” ва б.

**Ўқув йили охирида бола:**

- ўз уйининг рақамини билади;
- 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 сонларини ёзувда танийди;
- «+», «-», «=» ишораларини билади;
- 10 ичида тўғри ва тескари санай олади;
- 20 гача тўғри санайди;
- мисолларни рақамлар ёзилган карточкалар ёрдамида ифодалаб ечади;
- бир амалли масалаларни қўшиш ва айириш орқали тузади ва ечади;
- шартли ўлчов ёрдамида буюмлар узунлигини ўлчайди ва натижани сон ва рақам билан айтади;
- суюқ ва тўкилувчи жисмларни шартли ўлчов бирлиги билан ўлчайди ва натижани сон ва рақам билан айтади;
- доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, овал, ромб ва кўп бурчакларни ва уларнинг элементлари (*томонлари, бурчаклари, учлари*)ни билади;
- шар, куб, конус ва цилиндрларни танийди;
- нарсалар (*геометрик шакллар, мевалар, сабзавотлар ва бошқалар*)ни 2, 4 ва 10 тагача тенг қисмларга бўла олади;
- бутуннинг қисмдан катталиги, қисм бутуннинг қисми эканлигини тушунади;
- катак қоғози варағи сатҳини мўлжал олишни билади, қоғоз варағининг ўнг, чап, юқори, паст, ўртасини аниқлайди;
- буюмларнинг ўзига нисбатан ўрнини аниқлайди (*тепада-пастда, олдинда-орқада, ўнгда-чапда*);
- сигнал бўйича турли йўналишда ҳаракатлана олади (*олдинга-орқага, ўнгга-чапга*);
- ҳаракат давомида, юриб кетаётганда йўналишни ўзгартира олади;
- кун қисмлари, уларнинг кетма-кетлиги, кундалик фаолиятларнинг тақсимланишини тушунади;
- ҳафта кунларининг номини тўғри кетма-кетликда айта олади;
- йил фасллари, уларнинг номи, кетма-кетлигини ва ўзига хос хусусиятларини билади;
- йил тақвими, ўтаётган ой, сана, ҳафта куни, соат турлари ва унинг ишлатилиши ҳақида илк тушунчага эга;
- лево жиҳозларидан лойиҳалар яратади;
- 20 қисмдан кам бўлмаган пазлларни йиғади;
- қоғозларни букиб (*оригами йўли билан*) шакллар ясайди;
- қурилиш материаллари тўпламларидан турли мавзуларда лойиҳалар яратишни билади;
- пул қийматлари, нарх, пластик карточка, терминал ҳақида дастлабки тушунчага эга бўлади.

## **Атроф-муҳитни ўрганиш ва англаш (6-7 ёш)**

**Она Ватан ва атроф-олам.** Боланинг мустақил Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини бойитиш. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Тошкент ва Буюк ипак йўли ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

Болага “Конституция сабоқлари” асосида тушунчалар беришни давом эттириш.

Ўзбекистоннинг мустақиллик куни, давлатимиз рамзлари: герб, байроқ ва мадҳияси, Ўзбекистонда давлат тили – ўзбек тили эканлиги ҳақидаги билимларини такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Президент томонидан бошқарилиши, Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳри эканлиги ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари асосида бола қалбида ўз миллатига муҳаббат, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш.

**Буюк сиймолар.** Болани тарихимиз ва Шарқнинг буюк алломалари, уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништиришни давом эттириш.

Улуғ алломалар: Алишер Навоий, Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, мусаввир Камолиддин Бехзод ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

**Байрамлар.** Боланинг умумхалқ байрамлари 1-сентябр – Мустақиллик куни, 1-октябр – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, 8-декабр – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун, 1-январ – Янги йил байрами, 8-март – Халқаро хотин-қизлар байрами, 21-март – Наврўз байрами, 9-май – Хотира ва қадрлаш куни ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтириш ва бойитиш. Болалар билан биргаликда 1-июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини ва Хайр боғчам байрамларини нишонлаш.

Шакл ва мазмун жиҳатдан хилма-хил бўлган байрамлар, сайлларни мунтазам равишда ташкил қилиб туриш. Масалан, “Меҳржон”, қовун сайли, қушлар, гуллар байрамлари ва б.

**Машҳур саркардалар.** Боланинг улуғ саркардалар Амир Темур, Жалолоддин Мангуберди, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Боланинг Ўзбекистон ҳарбий қўшинлари ва уларнинг вазифаси, 14-январь ҳарбийларнинг касб байрами эканлиги ҳақида тасаввурларини кенгайтириш. Болада Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳиссини тарбиялашни давом эттириш.

**Халқ амалий санъати.** Болани ўзбек халқ амалий санъати, миллий хунармандчилигидан: заргарлик, зардўзлик, мисгарлик, ганчкорлик кабилар билан таништириш. Халқ усталари томонидан тайёрланган буюмлардаги; каштачиларнинг тиккан сўзаналари, заргарларнинг нозик дид билан ясаган тақинчоқлардаги гўзалликни, ранглар жилосини ҳис қилишга ундаш. Шу тариқа бола қалбида халқ ижодиётига, амалий санъат асарларига нисбатан қизиқиш ҳиссини таркиб топтириш.

**Катталар меҳнати.** Боланинг катталар меҳнати ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришни давом эттириш. Ишлаб чиқариш корхоналари, қурилишлар, далаларда қилинадиган меҳнат ҳақидаги билимларини такомиллаштириш. Болани меҳнатнинг шу **х**удудда тарқалган тури билан таништириш, яқин атрофдаги ишлаб чиқариш корхоналарига (*мебель, автомобил, телевизор, тўқимачилик, чинни, новвойхона ва ҳ.к.*). олиб бориш, корхонанинг номи, у ерда кимлар ишлаши, ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари, меҳнат қуроли ва асбоблари ҳақидаги билимларини аниқлаш ва такомиллаштириш.

Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг халқимиз учун қанчалик аҳамиятли эканлиги ҳақида тўхталиш. Машинасоз, тикувчи, косиб, ўймакор, бўёқчи каби касблар билан таништириш. Ишнинг мақсади, натижаси ва уларнинг жамият учун аҳамияти, турли хил “ақлли” машиналарнинг кишилар меҳнатини енгиллаштириши, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни тезлаштиришдаги роли ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш корхоналарида рўзғорга керакли маиший техника асбоблари – “Артел” номи остида чиқарилаётган маҳсулотлар (*музлаткич, совутгич в.б.*), машиналар (“Спарк”, “Нексия”, “Ласетти” в.б.), кийимлар, матолар ва иплар чиқарилиши ҳақида болага қизиқарли тарзда ҳикоялар айтиш, бу мавзуда мароқли суҳбатлар ўтказиб, унинг қалбида эришаётган муваффақиятларимиз билан фахрланиш, касбларга қизиқиш туйғусини уйғотиш.

Бозорларнинг турлари (*деҳқон бозори, кийим-кечак буюм бозори, қурилиш моллари бозори в. б.*) ҳақида тасаввурларини мустаҳкамлаш.

Болада катталар меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва кўпчилик фойдасига меҳнат қилиш иштиёқини тарбиялаш. Бино ичини ва ажратилган ер майдончасини озода ва тартибли сақлашга одатлантириш.

Болага нонушта, тушлик ва кечки тушликда столни қандай безашни: идишларни, қошиқларни, нондонни мустақил равишда чиройли қўйиб чиқишга ва йиғиштиришга ўргатиш. Мазмунига қараб машғулотлар учун материаллар тайёрлашга, уларни жой-жойига қўйишга одатлантириш. Бола ўйинчоқлар, материаллар ва қўлланмалар қўйилган шкафларни тартибли сақлаш; стол ва стулларни, дераза токчаларини артиш; ечиниш ва ювиниш хонасини озода ва тартибли сақлаш; китоб бурчагини тартибга келтириш, янги китоблар билан безашда тарбиячига ёрдамлашиш, ўйнаб бўлгандан сўнг ўйинчоқларни жойига қўйишни, боғбонга кўмаклашишни билиши керак.

Болада кичик гуруҳлардаги болаларга ўйинчоқларини йиғиштириш ва тuzатишда, ер майдончасини тозалашда, қум сақланадиган жойни тартибга келтиришда ёрдам қилиш истаги ва кўникмасини тарбиялаш.

Касб-ҳунарга оид турли ўйинлар (“Чевар”, “Ўқитувчи”, “Ҳамшира”, “Бозор-бозор”) ўйнаш.

**Транспорт ва алоқа воситалари.** Боланинг йўл ҳаракати қоидалари ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Транспорт воситалари, почта алоқа хизмати, почтанинг вазифаси ва аҳамияти ҳақида маълумот бериш. Телефон алоқаси ва телеграфчилар, уларнинг меҳнати, телефон хизматининг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида тушунча бериш. “Почта-почта”, “Кимга нима керак?”, “Телефон-телефон”, “Компьютер”, каби мавзуларда суҳбат ва ўйинлар ташкил этиш.

**Буюмлар.** Буюмларнинг бир неча хил белгилари ва улардан фойдаланиш ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Матодан қилинган буюмлар, уларнинг турлари ва фойдаланиш усуллари; темир ва ёғочдан ишланган буюмлар ва улардан тўғри фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларини янги мавзулар билан бойитиш. Буюмларнинг ясалиши ва ишлатилиши ҳақида суҳбатлар ташкил этиш.

**Бола ўз танасининг қисмларини ва гигиенани ўрганadi.** Болани соғлом турмуш тарзига одатлантириш. Уларга одамнинг ички аъзолари (*юрак, жигар, ошқозон ўпка*) ва уларнинг жойлашуви, вазифалари ҳақида (*инсон ўпка орқали нафас олади, ҳаво қанчалик тоза бўлса, ўпка шунчалик яхши ишлайди. Юрак инсон ҳаёти учун энг керакли аъзолардан ҳисобланади. У ишлаётганини билдириб доим “дук-дук” уриб туради. Жигар қонни тозалайди. Биз истемол қилаётган овқат ошқозонга тушади ва ҳазм бўлади*) маълумот бериш. Бу аъзолар тананинг қаерида жойлашганини кўрсатиш ва номини айтишга ўргатиш.

Боланинг соғлом ҳаёт кечириш (*озодаликка ва кун тартибига риоя қилиш, жисмоний машқлар бажариб, танани чиниқтириш ва соғлом овқатланиш*) ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Одам ва ҳайвон ўртасидаги бир неча фарқланувчи ва умумий жиҳатлар ҳақидаги тушунчаларни аниқлаш ва кенгайтириш. Машғулотларда одамнинг тузилиши акс эттирилган турли расм ва бадий асарлардан фойдаланиш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- Ўзбекистоннинг Мустақиллик кунини, давлатимиз рамзлари: герб, байроқ, мадҳияни. Ўзбекистоннинг пойтахти – Тошкент эканлигини билади;
- Ўзбекистонда давлат тили – ўзбек тили эканлигини билади;
- ўзи яшайдиган кўча, маҳалла, қишлоқ, туман ёки шаҳарнинг номини билади;
- худуддаги ёдгорлик бинолари ва бошқа тарихий манбалар ҳақида тушунчага эга;
- Буюк алломалардан: Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод ҳақида маълумотга эга;
- Буюк саркардалардан: Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолiddин Мангуберди ҳақида билади;
- умумхалқ байрамлари Мустақиллик куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

- қабул қилинган кун, Янги йил байрами, Халқаро хотин-қизлар байрами, Наврўз байрами, Хотира ва кадрлаш куни байрамлари ҳақида тушунчага эга;
- ҳарбий кўшинлар ва уларнинг вазифаси ҳақида маълумотга эга;
  - халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчилиги ҳақида тасаввурга эга;
  - ўзининг мустақил далилларини келтириб, воқеаларни муҳокама қила олади;
  - йўлда ҳаракатланиш ва кўчада ўзини тутиш қоидаларини билади;
  - одамнинг бир неча органлари ва уларнинг вазифаларини билади (*ўпка билан нафас оламиз, юрак уради, жигар қонни тозалайди ...*);
  - одам ва ҳайвон ўртасидаги бир неча фарқланувчи ва умумий жиҳатларни айта олади.

### **Табиат билан таништириш (6-7 ёш)**

**Жонсиз табиат.** Боланинг ўзи учун янги бўлган нарсаларнинг хусусиятларини билиб олишга қизиқишини рағбатлантириш. Ҳавонинг хусусиятлари билан таништириш. Бола учун тушунарли воситалар ёрдамида ҳаво ҳамма жойда: сувда, ғиштда, ерда ва бошқаларда мавжудлигини тажрибалар орқали кўрсатиш. Ҳавонинг қайишқоқ бўлиши, маълум ҳажмни эгаллаши (*совун кўпикларини пуфлаш, шарларни пуфлаш*) мумкинлигини кўрсатиш. Ҳаво ҳаракатланади, шамол дарахтларни эгади, буюмларни жойдан-жойга кўчириши ва шунингдек, ҳаракатга қаршилиқ кўрсатиши мумкин.

Бола ўзининг мустақил далилларини келтириб, воқеаларни муҳокама қилишини рағбатлантириш. Болага шамол қандай пайдо бўлишини оддий мисоллар билан тушунтириш. Шамол-ҳавонинг ҳаракати деган хулосага амалий тажрибалар (*қоғоз парчаларини стол устига сочиб, дафтар билан елтисак, улар учиб кетади. Пуфланган шар оғзини қоғоз парчаларига тўғрилаб бўшатсак, шардан чиқаётган ҳаво қоғоз парчаларини учириб юборади*) орқали тушунтиришга эришиш.

Ҳаво ва сув билан амалий тажриба ўтказиш орқали ҳаво ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш, шарни пуфлаганда шарнинг ичида ҳаво пайдо бўлиши, сув солинган тоғоранинг ичига шарни солиб, ундан аста-секин ҳаво чиқарилса, сув юзасида майда кўпикчалар пайдо бўлишига боланинг эътиборини қаратиш.

Болани магнитнинг тортиш ва ўзидан итариш хусусиятлари билан таништириш. Магнит ўзига металл буюмларни тортиши ҳақида тушунча бериш, магнитнинг тортиш хусусияти тўсиқлар ортида ҳам намоён бўлади: агар темир буюмлар сув ичида, қоғоз, пластмасса, ёғоч, картон ортида турган бўлса ҳам магнитга тортилади.

Боланинг табиат ҳодисаларининг оддий сабаб-оқибат алоқаларини билишга қизиқишини рағбатлантириш. Табиатда ёмғир ёғиш ҳодисаси, булутларнинг қандай пайдо бўлишини, сувнинг буғланиши бўйича оддий

амалий тажрибалар ўтказиш йўли билан тушунтириш. Ер юзидаги турли сув хавзалари сатҳидаги сув буғланиб, тепага чиқади, у ерда булут шаклига кириб, катталашади, сўнгра совиб, пастга ёмғир бўлиб тушади, деган хулосага келишларига ёрдам бериш.

Бир хил катталиқдаги идишларда турли нарсалар (*қум, қозғоз бўлақлари, пахта, майда тошчалар*) ҳар хил оғирлиқда бўлишини тушунтириш.

Тоғ, ўрмон, денгиз, дарё каби атамаларни солиштириш, фарқини ажратиш, уларда яшайдиган ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳақида қисқача маълумот бериш.

**Жонли табиат. Ўсимликлар дунёси.** Сабзавотлар (*сабзи, картошка, пиёз, карам, помидор, бодринг, бақлажон, шолғом, турп, лавлаги, балғар қалампири* – булар сабзавотлар), мевалар (*олма, гилос, ўрик, узум, анор, шафтоли, анжир, беҳи, нок, олхўри, хурмо, ёнғоқ* – булар мевалар), цитрус мевалар (*лимон, апельсин, мандарин, банан*)ни умумлаштиришга ўргатиш. Уларни шакли, ранги, ҳажми, таъми, истеъмол қилинишига қараб қиёслаш ва характерлай олиш кўникмасини шакллантириш, умумлаштирилган (*сабзавотлар, мевалар, гуллар*) сўзларни нутқда қўллашга ўргатиш.

Полиз экинлари (*қовун, ҳандалак, тарвуз, қовоқ*) ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш.

Гуллайдиган маданий ўсимликлар (*атиргул, мойчечак, райҳон, картошкагул, чиннигул, гултожикўроз*); ўт ўсимликлар (*қоқиўт, лолақизғалдоқ, бойчечак*) ва доривор ўсимликлар (*ялпиз, отқулоқ, сачратқи, баргизуб*)ни умумлаштиришга ўргатиш.

Хона гуллари: *фикус, ёронгул, наврўзгул, алоэ, колеус*, ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш ва узамбар бинафшаси, цикломен, калонхоэ билан таништириш. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари: *пояси, баргларининг шакли, гулининг рангини ажратиш* ва характерлашга ўргатиш, парвариш қилиш ҳақида тушунча бериш.

Боланинг барча ўсимликларнинг ҳавога, ёруғликка, иссиқликка, сувга, озуқали тупроққа бўлган эҳтиёжи ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, кенгайтириш ва амалий ишлар орқали такомиллаштириш.

Болани ёруғликни ёқтирувчи ва салқинга чидамли, сувни севувчи ва сувсизликка бардош берувчи ўсимликларнинг ташқи тузилишига қараб фарқлашга ўргатиш.

Ўсимликлар билан бевосита мулоқот қилишнинг хавф-хатари тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш.

Болада илк экологик маданиятни, табиат гўзаллигидан завқланиш туйғусини тарбиялаш. Табиатга зарар етказмаслик, экологияни зарарламаслик (*теварақ-атрофни ифлос қилмаслик, ўтларни босмаслик, дарахт шохларини синдирмаслик, гулларни бекорга юлмаслик, бунинг оқибатида гуллар, капалаклар йўқ бўлиб кетиши ва ҳ.к.*)ни бола онгига сингдиришда давом этиш.

Боланинг ўсимликларни турли йўл билан кўпайтириш мумкинлиги ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Ўсимликларни қаламчасидан,



пиёздан, бутасини ажратиб экишдан униши мумкинлигини хонаки ўсимликлар мисолида кўрсатиш. Баҳор гуллари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, болани уларнинг ранги, шакли, гуллари, япроқларининг ҳажми, белгиларига қараб қиёслаш асосида характерлашга ўргатиш.

Боланинг боғ, полиз ва гулхонада сабзавот ва гул экинлари етиштириш ҳақидаги тасаввурларини бойитиш. Бола билан айрим ўсимликларнинг уруғдан кўкариб, то уруғ бергунигача бўлган ўсиш ва ривожланиш даврининг изчиллигини (*униб чиқиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни, уларни парваришлаш усуллари*) амалда кузатиш ишларини олиб бориш.

Вўза ўсимлиги билан таништириш. Вўза ўсимлигининг танаси, шохи, барглари, гули, яшил кўсаги, чаноқдаги пахта билан таништириш; уларнинг ҳар бирининг номи, шакли, ранги, хусусиятлари (*силлиқ, қаттиқ, юмшоқ*) ҳақида тушунча бериш.

Боланинг олдин ўрганган манзарали дарахтлари (*чинор, терак*) ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаб, қайрағоч, тол дарахтлари билан таништириш.

Уларнинг танаси, пўстлоғи ва баргларини бир-бирига солиштириш, фарқларини аниқлаш, тўкилган баргларни йиғиб, қайси дарахтни ки эканлигини топиш.

Барча ўсимликларни эҳтиёт қилиш ва уларни кўриқлаш асосида маданий ва ёввойи ўсимликлар ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш. Ёввойи ўсимликлар уруғини тўкиб кўпайиши; маданий ўсимликларни инсон томонидан етиштирилиши, маданий ва ёввойи ўсимликларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида тушунча бериш, ўсимликлар қандай белгилари асосида маданий ўсимликлар (*хонаки, дала, полиз экинлари*), ёввойи ўсимликлар (*ўрмон, ўтлоқ экинлари*)га бўлиниши тўғрисидаги тушунчаларини шакллантириш.

Гуруҳдаги табиат бурчагида йил давомида бола меҳнатини ташкил қилиш. Меҳнатни ўсимликлар ривожланиши ва ўсишини кузатиш билан боғлаш.

Болада ўсимликларни парваришлаш, суғориш, барглари ва тувақларининг атрофини артиб чиқиш, уларга сув пуркаш, тагини юмшатиш, гулдонларни ювиш каби меҳнат кўникмаларини тарбиялаш.

Боланинг ажратилган ер майдончасида имконияти етадиган ишларда (*кўп йиллик ўсимликлар ўтқозиш; кўчатлар экиш, майда уруғларни сепиш, суғориш*) қатнашишни ўргатиш орқали меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш.

Табиат кўйнида ишлашда бола тасаввурини ўстириш, табиатни муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини тушунтириш.

**Ҳайвонот дунёси.** Боланинг ҳайвонот олами тўғрисида тасаввурларини кенгайтириш.

Ёввойи ҳайвонлар – бўри, куён, айиқ, йўлбарс, шер ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш, жирафа, зебра, бегемот, фил, маймун билан таништириш. Уларнинг яшаш шароити, ташқи қиёфаси, озикланиши ҳақида тасаввурларини шакллантириш.

Болани айрим ёввойи (*қуён, бўри, олмахон, тирпратикан в.б.*) ҳайвонларнинг мослашувчанлик хусусиятлари билан таништириш. Ҳайвонларнинг ўзи яшайдиган муҳитга танасининг тузилиши ва хатти-ҳаракат билан мосланишига доир белгиларини ажрата билишга ўргатиш. Бўрининг узун бақувват оёқлари тез югуришга имкон беради, қуённинг орқа оёқлари узунроқ бўлгани сабабли сакраб-сакраб юради, чопади, олмахоннинг ўткир қайрилган тирноқлари дарахтларга тирмашиб чиқишига ёрдам беради, тошбақа тўмтоқ бақувват, олдинги оёқлари ён томонга чиққан, тирноқлари ерни қазिशга мослашган.

Айрим ёввойи ҳайвонлар танасининг ташқи кўриниши, қоплами ҳимоя учун хизмат қилади (*қуённинг ранги, тирпратиканнинг иғналари, тошбақанинг қаттиқ қоплами душмандан ўзини ҳимоя қилишида ёрдам беради*). Булар жониворларнинг мослашув хусусиятига эга эканлигини кўрсатади.

**Уй ҳайвонлари** (*мушук, ит, қўй, эчки, сизир, от, туя*) ва паррандалар (*товуқ, хўроз, курка, ўрдак, гоз*) ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Уй ҳайвонларининг кишилар ҳаётида тутган ўрни, фойдаси ҳақида қизиқарли мисоллар келтириш асосида, уларга нисбатан ғамхўрлик туйғуларини шакллантириш.

Болани Ўзбекистон шароити учун хос бўлмаган шимолий қутбда яшовчи уй ҳайвони – шимол буғуси ва ёввойи ҳайвон пингвин билан таништириш. Уларнинг яшаш шароити, ташқи қиёфаси, табиати, қандай парвариш қилиниши, кишиларга келтирадиган фойдаси ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш. Ҳайвонларнинг тана тузилиши, табиий шароитларга мослашуви юнгининг қалинлиги, унинг қор остидан мох (*шимолда ўсадиган ўсимлик*)ни қовлаб озиқланиши, буғунинг кенг кўшалок туёқлари билан лой, тупроқли ер ва хатто қия ерларда ҳам юра олиши, ўзининг табиати билан уй ҳайвонлари тоифасига кириши ҳақида сўзлаб бериш.

Болани денгиз ҳайвонлари кит, акула, делфинлар билан таништириш. Уларнинг яшаш шароити, ташқи қиёфаси ҳақида тасаввурларини шакллантириш.

Ҳайвонларнинг кўпайиши ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Қушлар ин (*уя*) қуради, тухум қўяди, болалайди, балиқлар уруғ қўяди ва болалайди.

Боланинг уй ва ёввойи ҳайвонларнинг ривожланиши ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Ҳайвонларнинг болалари туғилганда жуда нозик бўлиши, улар кўп жихатдан катта ҳайвонлардан фарқ қилиши ҳақида суҳбатлашиш. Парранда полапонлари тухумдан чиққанда уларнинг танаси юнг ёки пат билан қопланмаган, кўзи юмуқ бўлиши, ота-оналари улар ҳақида ғамхўрлик қилиши, иситиши, овқатлантириши, душманлардан кўриқлаши, овқат излаб топиш, юриш, учиш, тирмашиб чиқиш ва сакрашга ўргатишлари ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва кенгайтириш.

Балиқлар балиқчалари ҳақида ғамхўрлик қилмайдилар. Балиқларнинг балиқчалари мустақил равишда ўзлари учун озуқа излайдилар.

Куз фаслида кунлар совий бошлаши билан ҳашаротлар яширинади, айрим кушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетади, ҳайвонлар қишга тайёргарлик кўрадилар: барча ҳайвонлар туллайди, олмахон озика тўплайди, типратикан ва айиқ уйқу учун жой излайди.

Болада баҳор ҳақидаги умумлашган тасаввурни шакллантириш: кунлар иссий бошлайди, қуёш равшанроқ ёритади, жониворлар уйқудан уйғонади (*ҳашаротлар, ҳайвонлар*), учиб кетган кушлар қайтиб келиши ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Ёз фасли ҳақида умумлашган тасаввурни шакллантириш: осмон тиниқ, ҳаво иссиқ, бўлади. Ҳашаротлар кўпаяди. Ҳайвонлар фаоллашадилар. Ўсимликлар гуллайди, етилади, ҳосил беради.

Болани таниш ҳашаротлар (*капалак, чумоли, ниначи, хонқизи, асалари, тиллақўнғиз*) ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаб, бешиктебратар, ипаккурти билан таништириш. Уларнинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати (*нима билан озикланади, қаерда яшаши, боғдорчилик хўжалигига келтирадиган фойдаси*) билан таништириш.

Табиат бурчагидаги кушлар ҳақида, уларнинг яшаш шароити, озикланиши, кўпайиши, учигна мослашганлиги ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

Бола эътиборини аквариумдаги балиқларнинг тана тузилиши ва ҳаракатларига қаратиш, улардаги ҳаётга мослашиш белгилари билан таништириш. Балиқларнинг сузгич қанотлари бор, танасидаги тангачалар тартиб билан зич жойлашган, шакли, ҳажми, кўзлари ва оғзининг тузилишини ажрата билишга, сув жониворларининг хатти-ҳаракатлари, ўзига хос хусусиятлари (*яшаши жойи, ҳаракат усули, озикланиши*) билан таништириш.

Болада ҳайвонлар ва кушларни парваришлаш, мустақил равишда ҳар куни аквариумдаги балиқларни меъёр бўйича боқиш, қафасдаги кушнинг сувини алмаштириш, дон-дун, кўкатлар бериш каби меҳнат кўникмаларини тарбиялашда давом этиш.

#### **Ўқув йили охирида бола:**

- табиат ҳодисаларига қизиқиш билдиради, ўсимликлар ва ҳайвонот олами тўғрисида тасаввурга эга бўлади;
- ҳайвонлар яшайдиган турли муҳитларни (*балиқлар сувда, бўри эса ўрмонда, буғу шимолда яшашини*) айтиб беради;
- тоғ, ўрмон, денгиз, дарё сингари ўзига хос географик атамаларнинг номларини билади;
- айрим ҳайвонлар ва ўсимликлар билан бевосита мулоқот қилиш хатарли эканлигини тушунади;
- табиат ҳодисаларининг оддий сабаб-оқибат алоқаларини тушунишга қизиқади;
- ўзи учун янги бўлган нарсаларни кўриб қолганда, унинг хусусиятларини билиб олишга уринади;
- ўзининг мустақил далилларини келтириб, воқеаларни муҳокама

- қилади;
- ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш ҳақида тасаввурга эга бўлади;
  - яқин атрофдаги дарахтлар, ўсимликлар номини билади;
  - табиат бурчагидаги ўсимликларни парвариш қилишни билади;
  - хашаротлар (*капалак, ниначи, чумоли, бешиктебратар, чигиртка, хонқизи, ипакқурти, асалари*) ҳақида тушунчага эга бўлади;
  - оддий тажрибалар қилиш орқали амалий вазифаларнинг ечимини топишга ҳаракат қилади.

### **Ижод Тасвирий фаолият (6-7 ёш)**

**Расм.** Болада атроф-олам гўзаллигини, тасвирий санъат асарларидаги нафосатни ҳис этиш ва англаш лаёқатини тарбиялашда давом этиш.

Боланинг санъат ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш, таниқли рассомлар (Ж.Умарбеков, Р.Чориев) ҳамда болалар китобларининг рассом-иллюстратор (Х.Раҳматуллаев, Р.Зуфаров)лари билан таништириш ва уларнинг асарларидан намуналар кўрсатиш, расмларни диққат билан томоша қилиш, таассуроти билан ўртоқлашишга ундаш.

Болага расм солишни дастлаб, оддий қора қалам билан нарсанинг умумий белгиларини хомаки чизиқлар ёрдамида чизишдан ёки схематик чизиқлар билан белгилашдан бошлашга ўргатиш. Расмларнинг мавзу доирасини кенгайтириш: она юрти, шаҳар, қишлоқ, маҳалла, уйи, оила аъзолари ҳақида; катталар меҳнати (*сотувчи, рассом, ҳамшира*); байрам таассуротлари (“Онажонлар байрами”, “Меҳржон байрами”) асосида воқеабанд расм солишга; қадимий обидалар, миллий буюмлар, кийим-кечаклар; эртакона образларни (“Пахловон бола”, “Гўзал малика”) тасвирлашга қизиқтириш.

Боланинг расм чизишга интилишини, воқеани тушуниб ақс эттиришини, инсон қиёфасида, кўз, оғиз, бурун ва қўл бармоқларини аниқ чизаётганини, одамлар эғнидаги либосларни турли нақш ва безаклар билан безатишини, ранглар уйғунлигига эътибор бераётганини рағбатлантириш.

Воқеабанд расм чизаётганда тасвирни варақ сатҳида тўғри жойлаштириш; тасвирланаётган қаҳрамонларни, шароитни, нарсаларнинг ўзига хослиги (*шакли, катталиги, узунлиги, воқеада иштироки*)ни инобатга олган ҳолда (*варақнинг пастки қисмига яқинроқ ёки узоқроқ, ўртада, ўнг ёки чап томонда*) жойлаштириш кўникмасини шакллантириш.

Болани асосий спектр ранглар билан таништириб, расмда уларнинг чиройли турланишларини келтириб чиқариш йўллари (*техник кўникмалар – икки хил бўёқдан янги ранг ҳосил қилиш; буюм шакли бўйича қаламда итрих ўтказиш*) бўйича тасаввурларини кенгайтириш.

Болани асли (*натура*)га қараб тасвирлаш кўникмасини такомиллаштириш, аслига қараб расм чизишда, тасвирланадиган нарсани

(“Гулдаста”, “Гулдонда гуллар”) диққат билан кўриш, шаклига, рангига, катта-кичиклигига, ёруғ ва сояроқ томонларига аҳамият беришга, шунингдек варақ сатҳига чиройли жойлаштириб, акс эттиришга ўргатишда давом этиш.

Расм солишда тасвирий материалдан фойдаланишни кенгайтириш: рангли ва оддий қаламлар, бўёқ-гуаш, акварел; битта расмда турли материалларни ишлатишга ўргатиш.

Расмда буюмларни, ўсимликлар, сабзавот ва меваларни бир-бири билан ўзаро қиёслаш, масалан, шакли ва ранги билан фарқланувчи бир хил (*катта-кичик, қизил-яшил*) ёки шакли бир хил, ранглари ҳар хил (*лавлаги билан турп*); ҳар хил дарахтлар (*олма ва ёнғоқ дарахти, терак ва тол*); турли хил транспорт воситалари (*юк машинаси ва енгил машина, самолёт ва ракета*) солиштириш орқали ўхшаш ва фарқли томонларини топиш ва тасвирлашга ўргатиш.

Табиатда йил фасллари, об-ҳавонинг ўзгариши билан боғлиқ равишда рангларнинг ўзгаришини (*қуёшли кунда осмон зангори рангда, булутли кунда кул ранг; баҳорда барглар – яшил, кузда – сариқ, қизил в.б.*) пайқашга, табиат манзараси тасвирида зарур рангларни танлай олиш, рангларнинг қарама-қарши ва текис товланишини тасвирда етказиб беришга эришиш.

Болага шаклни, чизиқ ва майда доғлар жойлашув тартибини жозибали тарзда етказиб беришда, тасвир гўзаллигини хаёлан гавдалантириш малакасини шакллантириш.

Ноанъанавий усулларда (*иплар, шам, совун, бармоқлар, доғлар ёрдамида*) расм солишга ўргатиш.

Тасвирий санъат асарлари – пейзаж ва натюрмортларни мустақил кузатиш, уларга ҳиссий-эстетик жиҳатдан баҳо беришга ўргатиш.

Боланинг **безакли расмларни** солиш бўйича ижодкорлигини ривожлантириш, ўзбек халқ хунармандчилиги йўналишида нақшлар чизишга ўргатиш.

Қадимий ва кенг тарқалган миллий бош кийимлардан – ўзбек дўппилари билан таништиришда давом этиш. Болага дўппиларга каштадўзлик усулларида нақш элементлари чизишни ва ўзига хос тартибда жойлаштиришни ўргатиш. Бола диққатини миллий анжомларга (*гиламча, сўзана в.б.*) тикилган нафис нақш элементларига, ранглар уйғунлигига қаратиш. Атлас ва адрасдаги нақш элементларини чизишга қизиқтиришни давом эттириш.

Рангли, қора ва оқ фонда нақшларни композициялаш устида мустақил ишлашга ўргатиш. Турли ҳажмдаги силуэт қоғозларга, жумладан, миллий буюмлар (*чойнак-пиёла, коса, лаган*) силуэтига нақшлар (*илмоқ, гажак, чизиқчалар, таёқчалар*) чизиш; либосларни ифодаловчи силуэтларга майда ва йирик элементлардан фойдаланиб нақш чизиш. Ўзбек ва бошқа халқлар амалий санъати анъаналари асосида, турли фонда ва ҳар хил ҳажмда безакли нақшлар чизиш. Безакли расм элементлари номларини билиш – гажак, бодом, зигзак, яримой шакллари.

Енгил ҳаракатлар билан расмларни бўяшга ўргатиш, тасвир шаклидан келиб чиққан ҳолда бўяшни тўғри режалаштириш. Фикран миллий нақш элементларидан фойдаланиб, безакли композициялар тузиш, турли нақшлар ишлаш, жамоа меҳнатида иштирок этиш. Композицияларни яқка ўзи шунингдек, 3-4 кишилик кичик жамоа билан биргаликда ишлаш.

Ота-оналар билан биргаликда кўرғазмалар, музейларга боришни ташкиллаштириш.

Болани ўз ишидаги камчиликларни сезишга ва уларни тузатишга ундаш. Ўзининг ва тенгдошларининг ишини таҳлил қилиш, эркин фикр билдириш малакасини такомиллаштириш, чизган расмларидан завқланиш, эришган натижаларидан қувониш каби ҳис-туйғуларни шакллантиришни давом эттириш.

Ўз иш жойини тайёрлаш, саранжом-сарийшта, тартиб билан ишлаш, тоза тутиш, йиғиштиришга, ишдан сўнг қўлларини совун билан тозалаб ювишга одатлантириш.

### **Лой, пластилин (тузли хамир, рангли шам)лар билан ишлаш.**

Яшанинг турли усулларидан эркин фойдаланишга ўргатиш; асосий қисм ва бошқа қисмлар шаклини, уларнинг бўлаклари, тасвирланган буюмларнинг ўзига хос хусусиятларини етказиб беришга; бармоқ ва ёғоч қалам билан шакллар юзасига ишлов беришга ўргатишни давом эттириш.

Содда шаклли нарсалар (*мева ва сабзавотлар*) ва халқ усталари анъаналарига асосланиб, мураккаброқ сопол ўйинчоқлар (*улоқча, тойчоқ*) ясашга ўргатиш.

Бола ҳажмли шакллар: шар, цилиндр, конус ҳақидаги билимларига таяниб, дастлаб нарса шаклини ўрганиши, сўнгра унинг алоҳида қисмларини ажрата олиши, номини айтиши ва яшани бошлаши лозим.

Пластик материаллардан нарса яшаш жараёнида, боланинг композицияни ҳис этиш туйғусини ривожлантириб бориш; 2-3 шаклдан иборат мураккаб бўлмаган ҳайкалтарошлик буюмини ҳосил қилиш ва фигураларни умумий асосга бирлаштириш. Турли идиш-товоқлар (*пиёла, коса, чойнак*) яшаш, уларнинг сиртқи қисмини бармоқ учлари ва ёғоч қалам билан силлиқлаш. Бола барча босқичларни мустақил бажариши лозим: пластина (*ясси, қаттиқ жисм*) яшаш, жисм релефини стек (*ҳайкалтарошлар ишлатадиган қалам*)да чизиш. Ясалган нарсани гуаш ёки темпера (*тухум саригидан тайёрланган*) бўёқлари билан бўяш. Халқ ўйинчоқларига ўхшатиб безакли шакллар яшаш ва бўяш. Сополга миллий нақш ишлаш ва бўяш. Халқ ижодкорлиги йўналишида ўйинчоқлар, текис юзага ишланган бўртма нақшлар яшаш (*сувенирлар, декоратив тарзда лойни, тузли хамирни, рангли шамларни ҳар томонини нақшлар билан безатиши*).

**Апликация.** Болани симметрик шаклдаги нарсаларнинг (*кўза, гуллар, барглар*) силуэтини кесишга ўргатишда давом этиш.

Иккита бир хил нарса (*коса, пиёла*) ҳосил қилиш учун тўғри тўртбурчакни тенг иккига буклаб, расмни тўлиқ чизиш ва контур бўйлаб қирқишга ўргатишни давом эттириш. Бир неча марта букланган қоғозни

диагонал бўйича қирқиб шакл ҳосил қилиш (*қорпарча, юлдузчалар*), қоғоздан янги йил ўйинчоқлари, безаклари, турли рамзларни қирқиш техникасини ўргатиш.

Буюмларнинг аслига қараб ва тасаввурга кўра муайян мазмунга эга бўлган воқеабанд (*сабзавот, ўйинчоқ, гуллар*) тасвирини ясаш ва безашга ўргатиш.

Қоғозда геометрик шакл ва ўсимликларга хос белгилардан фойдаланиб, шаклларнинг безакли композициясини тузиш. Бола образли шакллар устида ишлаётганида қоғозларни йиртиш ва тасвирларни елимлашнинг турли усулларидан фойдаланишини рағбатлантириш; расмларнинг дастлабки энгил силуэти билан бирга тасвирнинг мозаика, квиллинг, бўрттириб ишлаш усулини ҳам ўргатиш. Ранг ва уйғунликни ҳис қилиш туйғусини ривожлантириш.

Ўзбек миллий нақшлари бўйича, жумладан, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос нақш элементлари ва ранглар мутаносиблиги борлиги ҳақида тушунча бериш. Бола ўз ишларида каштачилик ҳамда йўрмадўзлик элементларидан фойдаланиб, бир-бирига мос янги нақшлар ҳосил қилишини рағбатлантириш.

Турли сифатдаги матолардан (*силлиқ, ялтироқ, тукли*) аппликация қилишга ўргатиш (*гуллар, тасмалардан саватлар, капалак учун шойи, бўр ёрдамида контур юритиш ва сюжетга мувофиқ қирқиш*).

Болада ранглар мутаносиблигини ҳис этиш лаёқатини ривожлантириш. Мураккаб бўлмаган композициялар тузишда гуруҳ таркибида ижодий ишлашни давом эттириш. Наврўз ва бошқа байрамларни ўтказиш учун бино ва ҳовлини безатишда иштирок этиш.

**Қуриш-ясаш.** Боланинг қурилиш материалларидан бир-бирига мос келадиган, эркин конструкцияларни осонлик билан кура олишини, бунда “кўз назорати” ёрдамида керакли материалларни тез ва тўғри танлашини, мақсад ва тасавури бўйича бемалол қурилиш ишларини бажара олишини рағбатлантириш.

Боланинг нарса қисмларини тўғри идрок этиш; мураккаб шакл хусусиятларини илғаш; яхлит бадий композициянинг ранг-тус ва маконий уйғунлигини англаб; кураётган иншооти битганда қандай кўринишга эга бўлишини тасаввур этиш лаёқатини шакллантириш.

Турли хилдаги бинолар (*турар – жойлар, театр, минора в.б.*)нинг конструкцияларини кузатишга ўргатишни давом эттириш.

Бинолар конструкциясини таҳлил қилиш, унинг вазифасини белгилаб, шаклига мувофиқлигини, фойдаланиладиган шароитга мослигини аниқлаш. Болага деталларни ўзаро мустаҳкамлашнинг турли усулларидан фойдаланишни, лево ва трансформер билан турли нарсаларни мустақил ясашни ўргатиш.

Битта объектдан турли шарт-шароитларда фойдаланишни назарда тутиб лойиҳалаш (*пиёдалар ва транспорт ҳаракати учун кўприк*); қурилиш учун қайси деталь кўпроқ мос келишини аниқлаш; уларни қайси тартибда конструкциялаш мақсадга мувофиқ эканлигини белгилаш;

истикболдаги қурилишни режалаштириш кўникмаларини ривожлантириш. Қуриш-ясаш лойиҳаларини ва иншоотларини таҳлил этиш, унинг асосий вазифасини белгилаш, шунга мувофиқ равишда унинг шакли ва ҳажмини аниқлаш; қисмларни бир-бирига маҳкамлаш усулларини қўллаб иншоотнинг конструктив ечимини излаб топишга йўналтириш.

Ягона мазмунга бирлашган катта қурилишни (*кўча, бино*) ясашни ўргатишни давом эттириш. Турли пластмасса конструкциялари ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Расм, шахсий тасаввури ёки тарбиячининг кўрсатмаси асосида турли моделлар (*бино, поезд, самолёт в.б.*) ясашга ўргатиш.

Боланинг мустақил ҳолда пазл, мозаикаларни йиғиши ва леголардан турли нарсалар ясагини рағбатлантириш.

Меъморчилик санъати билан таништириш, ҳар бир бинонинг ўзига хос вазифаси (*турар – жойлар, кинотеатрлар, дўконлар, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар*) борлиги ҳақида тушунчаларини кенгайтириш.

**Қурилиш материалларидан конструкция ҳосил қилиш.** Жамоа бўлиб бир неча қурилиш гуруҳини ягона мазмунга бирлаштириш. Қуриш ишларини амалга оширишда бир вақтнинг ўзида бир нечта шарт-шароитни ҳисобга олиш (*уч қаватли турар-жой биносини икки подъездли қилиб ясаш, пиёдалар ва транспорт учун кўприк ясаида муайян миқдордаги ҳажм кенглигини назарда тутиш*).

**Қўл меҳнати.** Болага қоғоздан, табиий ва қўшимча материаллардан конструкция ишларини бажаришни ўргатишни давом эттириш.

Қоғоз билан ишлаш кўникма ва малакаларини ошириш. Қоғозларни фарқлаш ва рангли қоғоз тасмалардан турли нарсалар ясаш (*китоб учун хатчўп, гиламча*) кўникмасини машқ орқали мустаҳкамлаш.

Андоза тайёрлашга ўргатиш (*қоғоз устига тайёр барғни қўйиб, қалам билан атрофини чизиш ва қайчи билан қирқиш*).

Боланинг квадрат шаклидаги қоғозни 16 та тенг бўлакка буклаш йўли билан нарсаларни (*сават, қути*) ясашга оид малакаларини мустаҳкамлаш.

Оригами усулида қоғозни турлича буклаш йўли билан капалак, гуллар, қурбақа, қайиқча, самолёт, елпиғич, чархпалак кабиларни тайёрлашни; елим идишлардан гуллар, қаламдон, ўйинчоқлар ясашни ўргатиш.

Табиий материал (*ёнгоқ пўчоғи, новда, гуллар, барғлар, сомон*)ларни умумий композицияга мустақил бирлаштириб, қўлда ясаладиган буюмлар тайёрлаш. Одам, ҳайвон ва қушларнинг шаклини дуб дарахтининг меваси ҳамда турли мева данакларидан тайёрлаш, алоҳида қисмларини пластилин, елим воситасида бирлаштириш, тасвирда ифодавийлик ва ҳаракатни таркиб топтиришга (*“Чўпон бола”, “Товус”*) ўргатиш.

Бутоқ, ўсимликлар илдизидан қўлбола нарсалар ясашга ўргатиш. Мазкур қўлбола нарсаларнинг қисмларини бирлаштиришнинг усулларини (*елимлаш, пластилин ёки ингичка сим билан бирлаштириш*) мустақил



равишда топишга йўналтириш. Иш жараёнида болада тасаввур ва ижодкорликни ривожлантириш.

Тасвирий фаолият машғулотларида болани мустақил ҳолда ўз иш жойини тайёрлаш, саранжом-саришта, тартиб билан ишлаш, тоза тутиш, йиғиштиришга, ишдан сўнг қўлларини совун билан тозалаб ювишга одатлантириш.

**Ўқув йили охирида бола:**

- атроф-олам ва бадиий асарлар асосида якка ҳамда жамоа бўлиб расмлар чизади;
- расм чизишни хомаки қолипдан бошлайди;
- расм солишда турли материаллар (*қалам, гуаш, акварел, бўр, табиий бўёқлар*) ва тасвирий усуллардан фойдаланади;
- расмда содда ҳаракатларни тасвирлайди;
- техник кўникмалар ҳақида тасаввурга эга;
- аслидан ва тасаввур орқали буюмларнинг характерли белгиларини, шаклини, ҳажмини тасвирлай олади.
- маиший турмуш буюмлари ва ўйинчоқ силуэтларига миллий безакли амалий санъат йўналиши бўйича нақшлар чизади;
- битта рангнинг турли тусларини бера олади;
- декоратив расмга хос элементлар номини билади;
- буюмга хос шакл ва ҳаракатни ўзаро уйғунликда ясай олади;
- икки-учта тасвирдан мавзули композиция, бўртма нақш усулида декоратив композиция тузади;
- турли буюмлар тасвирини қирқади;
- миллий безакли амалий санъат ҳақида тушунчага эга;
- қат-қат қилиб тахланган қоғозни қирқади ёки қайчисиз йиртиб олади ва турли шаклларни ясайди;
- аппликациянинг турли йўналиш (*қайчисиз, елимсиз*)ларидан фойдаланади;
- биноларни ундан фойдаланиш шартига мувофиқ жиҳозлайди;
- буюм конструкциясини кузатади ва амалий мақсад асосида таҳлил қилади;
- расм ва оғзаки йўриқнома бўйича ёғоч ёки пластмасса конструктордан ўйинчоқ моделлар ясайди.
- ўйинчоқ тайёрлашда тайёр андозалардан фойдаланади;
- оригами усулида турли нарсалар ясайди;
- елим идишлар, бўш қутилардан ўйинчоқ ва жиҳозлар ясайди;
- қоғоздан турли оддий конструкциялар ясайди;
- тасвирий фаолиятда ноанъанавий усуллардан фойдаланишни билади;
- жамоада мустақил ишлай олади;
- ўз иш жойини тайёрлайди, тартиб билан ишлайди, тоза туттади, йиғиштиради, ишдан сўнг қўлларини совун билан тозалаб ювади.

## Муסיқа (6-7 ёш)

**Муסיқа тинглаш.** Муסיқа воситасида боланинг ички дунёсини бойитиш, эстетик дидини ўстириш, муסיқий тафаккур ва хотирани ривожлантириш; муסיқа маданиятини шакллантириш (*таниқли композиторлар* - Н.Норхўжаев, Д. Омонуллаева *ҳамда миллий ва замонавий муסיқа билан таништириш*) да давом этиш. Миллий куйлардаги жозибани, гўзалликни, ёрқин ифода воситаларини ҳис қилиш, муסיқа мазмунини англаш, 2-3 қисмли шаклни мустақил фарқлай олиш кўникмасини; она-Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ва фахр туйғуларини (М.Бурхонов “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси”; Д. Омонуллаева “Туркистон фарзандимиз”; М. Дадабоев “Ўзбекистон мустақил”) шакллантириш.

Муסיқа асарининг кириш, бошланиш, нақарот ва хотима қисмини, айрим темп ва динамикасини фарқлашга ўргатишда давом этиш. Болани ўзбек мумтоз куйларини дутор, рубоб, тамбур, най ёки ғижжак каби чолғу асбоблари ижросида (*Ўзбек халқ куйлари* – Т.Ҳолиқов “Дутор баёти”, “Усмония”, “Қашқарча”; Т.Ражабий “Тановор” (*рубоб*); Т.Алиматов “Нола” (*тамбур*); Ҳ.Раҳимов “Дўлонча”) тинглаш; жаҳон мумтоз муסיқаси намуналаридан (Ф.Шуберт “Серенада”; П.Чайковский “Касал кўғирчоқ”, “Йил фасллари”); замонавий муסיқа асарларидан баҳраманд қилиш.

Турли жанр ва турли кайфиятдаги асарларни (*ўзбек халқ кўшиғи* – “Ойижон”; В.Моцарт “Туркча марш”; Д.Омонуллаева “Доира ва чилдирмада чал”; С.Рахманинов “Итальянча полька”; А.Мухамедов “Кўғирчоқнинг алласи”; И. Акбаров “Салимжоннинг товуғи”) тинглаш, фарқлаш ва муסיқий образнинг ривожланишини кузатиш (Д.Кабалевский “Суворий”, В.Агафонников “Кўнғироқчалик чана”).

Мажор (*ёрқин, жарангли, очик*) ва минор (*гамгин, сокин*) ҳақида тушунча бериш орқали боланинг муסיқа ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Болани ёшига ва дунёқарашига мос келадиган опера ва балет асарлари (*кичик парча*) билан таништириш (П.Чайковский “Қарсилдоқ”); жонли ижро билан бир қаторда аудио ва видео тасмаларга ёзилган куй ва кўшиқлар, шеърят намуналари ва бадий сўздан баҳраманд қилиш.

Боланинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, ўз муסיқасини яратиши учун тегишли материаллар билан таъминлаш. Байрамлар ва кўнгилочар тадбирларда, муסיқали ва кўрғазмали фаолиятларда иштирок этишга қизиқиш билдиришини рағбатлантириш.

Муסיқа асари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишига имкон бериш, нутқида оддий муסיқий атамалардан: регистр, динамика, чўзим, тезлик, ритм, вокал, балет, опера, симфония, концерт, композитор кабилардан фойдаланишга ундаш.

**Муסיқий-ритмик ҳаракатлар.** Болага хилма-хил муסיқий-ритмик ҳаракатларни ўргатишда давом этиш. Муסיқа табиатини, образлар руҳиятини ритмик ҳаракатлар орқали жозибали тарзда ифодалаш

малакасини такомиллаштириш. Рақс элементларини муסיқага мослаб, юриш, югуриш, сакраш, олдинга ва ёнга ҳаққалаш кабиларни безак ҳаракатлари билан уйғунликда (*ўзбек халқ куйи* - “Чертмак”) бажаришга, муסיқа оҳангининг тезлигига мувофиқ секин ва тез ҳаракатланишга ўргатишни давом эттириш.

Боланинг юриш, югуриш ва сакрашнинг ҳамма хиллари (*катта, дадил, ўртача ёки осойишта қадам ташлаш, енгил ва майда қадамлар билан югуриш, бир ёки икки оёқлаб сакраш в.б.*) бўйича билганларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Муסיқа остида қаторга сафланишига, бир қатор бўлиб юриш ва югуришига, катта ва кичик доира куриш ҳаракатига, давра кўшиқларини мустақил ижро этишига эътибор бериш. Марш муסיқаси ритмига мос (*биргаликда ва якка ҳолда*) юриш (С.Абрамова “Марш”), ҳаққалаб сакраш (*украин халқ куйи* “Стукалка”), оёқ учида енгил югуриш (Е.Тиличиева “Югурамиз”), тактнинг кучли ҳиссасига оёқ тўпиллатиш, чапак чалиш ёки бирон нарсани (*рўмолча, гул, копток в.б.*) кўлдан кўлга узатиш. Жуфт бўлиб юриш ва енгил югуриш, жуфтликда рақс ҳаракатларини бажариш. Ҳаракатли ўйинлар ўйнатиш (“Бойланди”, “От ўйин”, “Бойчечак”, “Хурмача боғи”); кўшиқ ва рақс ҳаракатларини кўшиб ижро этиш (Н.Норхўжаев “Неваралар кўшиғи”, “Полвон бўламан”, “Кенг Туркистон”) кўникмаларини мустаҳкамлаш.

**Рақс.** Боланинг рақс ҳаракатларини чиройли, нафис ва аниқ бажаришига алоҳида эътибор бериш. Рақс элементларини, ритмик ҳаракатлар билан уйғунликда бажариш; образлар кайфиятини ифодали (“*аразлаш*”, “*ярашиш*”, “*гулнинг очилиши*”) кўрсатиш, эркин ҳаракатланиш, таниш рақсларни якка ва жуфтликда мустақил ижро этиш кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш; эркин рақсларга ўргатиш (“*Ўзбекча рақс*” – “Норим-норим”, “Жуфтли рақс” (Д.Зокиров муסיқаси), “*Замонавий рақс*”, *муסיқа раҳбари ихтиёрига кўра* – “Замонавий қизалоқ”; М.Мирзаев “Баҳор вальси”, “*Ҳаққалакам ўйнасам*” (“Марварид” гуруҳи), “*Хайрлашув вальси*”). Ўзи ёқтирган муסיқани эшитганида рақс тушишини рағбатлантириш.

Турли миллат рақс ҳаракатлари (*чех халқ куйи* “Жуфтликда полька” - “Янка полькаси”, С.Рахманинов “Полька”, Т. Ломова “Қорпарчалар рақси”)га қизиқиш уйғотиш орқали вальс, полькага хос ҳаракатларни ўргатишда давом этиш.

Болага рақсни кўшиқ садоси остида сахналаштиришни ўргатиш. Ўғил болаларда ботирлик, жасурлик, эпчиллик (*арқон тортиш, чавандоз, тош кўтариш, балиқчи*) ва чакқонлик хусусиятларини (Е.Тиличиева “Тойчок”, *муסיқа раҳбари ихтиёрига кўра* – “Ўғил болалар рақси”, *ўзбек халқ куйи* – “Андижон полькаси”, “Доирачалар билан рақс,.) рақс орқали намойиш этишга ўргатиш.

Қиз болаларда муסיқа ритмига мослаб турли атрибутларни (“*Шиқилдоқлар билан рақс*”, “*Тасмалар билан рақс*”, “*Кўғирчоқлар билан рақс*”, “*Гуллар билан рақс*”) енгил ва эркин ҳаракатлантириш малакасини мустаҳкамлаш.

**Кўшиқ айтиш.** Боланинг овозига шикаст етказмай, асраб-авайлаб, секин-аста ривожлантириш, кўшиқни зўриқмасдан, бақирмасдан, табиий, енгил, жарангдор ва ёқимли овозда, мусиқани ҳис қилган ҳолда куйлашга ўргатишда давом этиш. Кўшиқ жумлалари орасида елкаларни кўтармасдан нафас олишига, кўшиқ сўзларини аниқ талаффуз қилишига; жамоада куйлаётганда кўшиқни биргаликда бошлаб, биргаликда тугатишига алоҳида эътибор бериш (Н.Нажмиддинов “Болалар ва ғозлар”); яқка куйлаш малакасини шакллантириш.

Болада вокал хор (*товуш ҳосил қилиш, талаффуз, нафас, соф овоз, ансамбль*) малакаларини шакллантириш (Н.Норхўжаев “Наврўзим, шўх созим”).

Болани мустақил оҳанг ўйлаб топишга ва кўшиқни импровизация қилишга (Д.Омонуллаева “Бувижоним”) ўргатиш.

Боланинг ёш хусусиятлари ва овоз диапозонини ҳисобга олган ҳолда репертуар танлаш, кўшиқ матнини ёдлаш ва оҳангини аниқ ифода этишга, кўшиқнинг банд ва нақорат қисмларини фарқлай олишга, чолғу асбоби жўрлигида ёки жўрлигисиз куйлашга ўргатиш. Болада кўшиқ ижрочилиги, чолғучилик ва актёрлик қобилиятини мужассам ривожлантириш мақсадида куйидаги кўшиқларни ўргатиш тавсия этилади: Ф.Назаров “Пахтаой”; Д.Омонуллаева “Алла”, “Космонавтлар”; Л. Муждабоева “Тул яхши, лола яхши”; С.Бобоев “Булбулча”; Н.Норхўжаев “Қиличми-тўқмоқ”, “Шафтолига саволим”, “Юртим чиройли”; Ш.Ёрматов “Сумалак”, Ғ.Қодиров “Арча кўшиғи”; В.Рўзметова “Қорбобо”, “Қорқиз”, “Боғча опагон”, “Нурли куёнча”; Н.Норхўжаев “Биз аскармиз”, “Қадим турон”; М.Икромова “Офтоб яхшими, одоб яхшими”; М.Отажонов “Шўх чумчуқ”; М.Дадабоев “Онажоним”, “Наврўз муборак”; З. Қаюмова “Тойчоғим”, “Майса”, “Капалак”, “Онагон”; А.Мансуров “Булбулча кўшиғи”; Л.Турсунова “Юртимда байрам бўлсин”; А.Берлин “Фонтан”.

**Болалар чолғу асбобида чалиш.** Боланинг мусиқа асбобларига кизиқиш билдиришини рағбатлантириш, уларни чалишга ўргатишда давом этиш. Зарбли чолғу асбобида оҳангнинг баланд-пастлиги, қаттиқ ёки секинлигини, ритмик манзарани, ўзаро уйғунлик ва бошқа томонларини етказиб беришга, болалар чолғу асбобларида ижронинг содда усуллари: сурнайчани чалаётганда нафасни тўғри олиш ва уни тежамли ишлатишга; ликопчаларни чертиб чалаётганда баланд-паст оҳанг ҳосил қилишга ўргатишда давом этиш.

Нота ва товушқатор ҳақидаги (“*Бармоқлар*” – *нота саводи, “Ноталарнинг уйчалари*”) тушунчаларини кенгайтириш.

Миллий мусиқа асбоблари: дутор, рубоб, карнай, най, чанг, ноғора ва доира ҳақидаги тушунчаларини бойитиш ва уларда чалиш усуллари, қайси гуруҳга мансублиги ҳақида суҳбатлашиш.

Болани оркестрда ижро этишга ўргатишда давом этиш. Ижрони биргаликда бошлаб, биргаликда яқунлаш, куйни мустақил ижро этиш кўникмасини шакллантириш. Болада чолғучиликка оид ижодкорликни ривожлантириш.

Болага “Фортэ” ва “пиано” белгилари ва уларнинг ахамияти хақида; оркестрнинг турлари, дирижёр ва унинг вазифаси хақида тушунча бериш.

Якка, дуэт ва ансамбл ижролиги хақида тушунчага эга бўлиш ва бир-бирдан фарқлашга ўргатиш.

Муסיқа раҳбарига жўр бўлиб ижро этиш (К.Абдуллаев “Олма”, И.Акбаров “Марш”); зарбли чолғуларда жўр бўлиш (А.Тамаси “Гамгин кўғирчоқ”, Б.Барток “Диалог”); Кўшиққа чолғуларда жўр бўлиш (М.Дадабоев “Онажоним”, *ўзбек халқ кўшиғи* – “Лайлак келди”); халқ куйларини чалиш (*ўзбек халқ куйи* – “Яллама ёрим”, *қорақалпоқ халқ куйи* – “Бибигул”, *рус халқ кўшиғи* – “Во поле берёза стояла”); чолғу асбоби жўрлигисиз, мустақил ижро этишга (*ўзбек халқ куйлари* – “Қари наво”, “Асп бўламан”) ўргатиш.

**Муסיкий-дидактик ўйин.** Боланинг муסיкий ўйинга бўлган кизиқишини орттириш, кувноқ муסיкий-таълимий ўйинлар ташкил этиш орқали муסיкий билимини аниқлаш ва мустаҳкамлаш; муסיкий дид, тафаккур ва хотирасини ривожлантириш.

